

ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ

ОНАМНИНГ ЮРТИ

Қисса ва ҳикоялар

Тошкент
Гафур Гулом номидаги Адибёт ва санъат нашриёти
1987

Султонов Х.

Онамнинг юрти: Қисса ва ҳикоялар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.—256 б.

Қўлингиздаги тўпلامга аъторнинг кейинги йилларда ёзилган қисса ва ҳикоялари киритилган. Бу асарларда поклик ва ҳалоллик йўлида машаққатлар чекиб курашаётган, элтиқоҳида ҳамisha собит илгор замондошларимизнинг мураккаб ҳаёти тасвирланади, қаллоблик, рибқорлик ҳамда хурофий ақидаларнинг ҳар қандай кўринишлари охир-оқибатда кишини маънавий ҳалокатга элтиши бодийй йўсида акс эттирилади.

Султанов Х. Земля моей матери: Повести и рассказы.

Ўз2

4702570200—56

С 21—87

М352(04)—87

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.



АЖОЙИБ КУНЛАРНИНГ БИРИДА

Ўзбекистон халқ артисти *Ботир Зокиров* хотирасига бағишланади

Бу воқеа ажойиб кунларнинг бирида рўй берди.

Очигини айтганда, бу кунни у қадар ажойиб деб ҳам бўлмасди: ҳаво совуқ, ер балчиқ, йўл-йўлкалар шилта-шалаббо, самолётга билет йўқ, «Пахтакор» биринчи лигага тушиб кетган... Лекин, бари бир бу ажойиб бир кун эди: одамлар шошиб ишга борар, майдонларда гала-гала қаптар ўйнар, дўконларда савдо чаққон, радиодан Муножот «Муножот»ни қарсиллатиб айтиб турар, намчил хибобларда шамсия тутган ошиқлар оҳиста кезар эди.

Хуллас, бу воқеа ана шундай кунларнинг бирида рўй берди.

Олис тоғ этагидаги қишлоқдан келган қирқ уч яшар бир киши кечқурун «Семурғ» меҳмонхонасининг маъмурасига рўпара бўлиб, одатдагидек умидвор оҳангда:

— Йўй борми?— деб сўради.

Маъмура ҳам одатдагидек бепарво оҳангда:

— Йўй йўқ,— деб жавоб қилди.

— Нега?— деб сўради меҳмон одатдагидек бўшашиб.

— Йўқ-да,— деди маъмура одатдагидек бўшашмай.

— Тавба! Нима учун бунақа, а? — деди меҳмон.

— Шунинг учун шунақа, — деди маъмура.

Энди меҳмон, одатдагидек, ипдамай йўлига кетавериши ёки бўлмаса, синалган эски усулни қўллаши керак эди. Бироқ бу воқеа ажойиб кунларнинг бирида содир бўлгани учун ҳам, одатдагидан бошқачароқ кечди: меҳмон жойидан жилмади, аксинча, бошидан чарм шляпасини олиб, пештахтага қия ёнбошлади, қатъият билан:

— Битта жой беринг, юқорироқ қаватдан, — деди.

— Бўлса, жоним билан эди, йўқ-да, — деди маъмура.

Хира меҳмон шунда ҳам нари кетмади:

— Лекин мен бугун шу ерда тунашим керак.

Маъмуранинг кўнгилга шубҳа оралади: «Бир балоси бўлмаса...» Телефон трубкасини олиб, нари-бери рақам терди, ён-атрофдан, аллакимлардан суриштирган бўлиб, таассуф ва хотиржамлик билан жилмайди:

— Афсус, ҳеч қаерда йўқ экан.

— Аммо менга жой бўлиши керак, — деди меҳмон пинагини бузмай.

Маъмура энди чимирилди:

— Нега? Бронингиз борми? Инвалидмисиз? Ё депутатмисиз? Балки қаҳрамондирсиз?

— Йўғ-э, — дея кулимсиреди меҳмон.

— Бўлмаса, нега гапга тушунмайсиз? Айтяпман-ку, ахир! Боринг, шаҳарда нима кўп — меҳмонхона кўп.

— Йўқ, — деди меҳмон бош чайқаб, — мен фақат шу ерда тунашим керак.

— Унда, ўзингиз биласиз, — деди маъмура тумшайиб.

Музокара тўхтади. Меҳмон пештахтага ёнбошлаган кўйи тураверди, маъмура ҳурпайганча алланималарни ёзаверди. Гўё бир-бирининг бардошини синаётгандек, хийла вақт ҳеч қайсиси чурқ этмади. Ниҳоят, маъмура бошини кўтарди, сурма тортилган гамгин кўзларига, ғунча лабларига мутлақо ярашмаган, ўзини бир зумда қаримсиқ қилиб қўйган хўмрайиш билан сўради:

— Тураверасизми қаққайиб?

— Жой бермагунингизча туравераман-да.

— Э, менга қарап, — деди маъмура жизиллаб, — қаердан олай йўқ жойини? Одам ҳам шунақа хира бўладими? Боринг, халақит берманг, бўлмаса, ҳозир милиционер чақираман!

— Ҳожати йўқ, — деди меҳмон. — Мен ўзим милиционерман.

Маъмура бир лаҳза тараддудланиб қолди.

— Паспортигизни беринг, — деди тортмасидап қандайдир қоғозни оларкан. — Гувоҳномагизни ҳам.

Меҳмон шошилмай ҳужжатларини узатди. Маъмура уларни бир-бир очиб кўрдию бирдан тутақиб кетди:

— Нега одамни лақиллатасиз? Аҳмогиз борми бу ерда?!

— Илма бўлди? — деди меҳмон кишириқ қоқмай.

— Бошимни қотирманг! Сиздақа «милиционер» шижерларнинг кўпини кўрганмиз!

— Лекин мендақасини кўрган эмассиз, — деб илжайди меҳмон.

— Тўғри! — деди маъмура бошини орқага ташлаб. — Сиздақанги сурбетини кўрган эмасман.

Меҳмон мийигида қулимсиради.

— Майли, ҳазиллашиб олдик, бўлар энди, — деди шляпасини қўлига олиб. — Келинг, сизга очигини айтиб қўяқолай: менга бари бир жой берасиз. Чунки бу меҳмонхонани мен қурганман.

Маъмуранинг кўзларида қув бир учқун чақнади.

— Қачон қургансиз... меҳмонхонагизни?

— Ун етти йил бурун, — деди меҳмон бамайлихотир.

Маъмура унга илтифот билан жилмайди, бироқ бу табассумидан кўра бояги хўмрайиши афзалроқ эди.

— Балки Кўкалдош мадрасасини ҳам сиз қургандирсиз? — деди ўйиб олгудек.

— Йўқ, — деди меҳмон. — Уни ким қурганини ҳам билмайман. Эҳтимол сиз биларсиз?

Маъмура такаббуруна лаб бурди:

— Нега билмас эканман? Кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйилган: XV асрда Кўкалдош қурган.

— Ким?

— Кўкалдош, шунақа вазир ўтган.

— Ҳа-а... — Меҳмон огир тиш олди. — Буни қараг-а! Кўкалдош денг! Ҳойнаҳой, ўзи почасини шимариб лой қорган, қора терга тушиб гишт терган бўлса керак, а?

Маъмурага бу заҳарханда ёқмади. Ҳамма қатори унга ҳам бировларнинг истеҳзоли гаплари эмас, ўзининг ўзгалар устидан қилгувчи киноялари кўпроқ хуш ёқарди.

— Билмадим, — деди, қуруққина қилиб ва меҳмоннинг ҳужжатларини пештахтага ташлади. — Бўпти, муҳтарам бунёдкор, яхши боринг.

— Қайси қаватга?

— Қаватингиз нимаси?!

— Ахир, сизга айтдим-ку, жой...

— Мен ҳам сизга айтдим-ку, жой йўқ, деб!

Бошқа пайт бўлганда, бундай вазиятларда муқаррар жапикал чиқиши ва можаро муқаррар равишда маъмуранинг тўла галабаси билан тугаши табиий эди. Бироқ бу воқеа ажойиб кулларнинг бирида рўй бермоқда эди, шу боис тамом ўзгача яқунланди:

— Менга қаранг, — деди меҳмон пештахта узра эгилиб. — Мана шу сиз савлат тўкиб ўтирган залини ҳам мен сувоқ қилганман. Мана шу қўлларим билан. Манави дуб эшикларингизни елкамда ташиб келганман. Тушундингизми?!

— ...

— Тушундингизми, деянман?

— Учинчи қаватга чиқинг, ўттиз тўққизинчига, — деди маъмура хўмрайиб ва эшитилар-эшитилмас: — Шармандага шаҳар кенг, — деб қўшиб қўйди.

Меҳмон шляпасини кийди, эгилиб, оёғи остидаги чамадонини қўлига олди.

— Тўғри айтасиз, шармандага шаҳар кенг, — деди таъкидлаб. — Лекин бу меҳмонхонани ростдан ҳам мен қурганман. Тили бўлса, мана шу деворлар айтсин.

Меҳмон ортига қайрилиб қарамай, лифт томон юрди.

Афсуски, деворларнинг тили йўқ, маъмура синглим. Бўлмаса, шундай ҳақиқатларни ошкор этардики, ҳайратдан ёқа ушлаб қолармидинг... Агар уларнинг тили бўлганда эди, ҳар бир нишг тагида кимларнинг манглай терию кимларнинг бир парча умри қолиб кетганини сўйлаб берарди.

Шукрки, деворларнинг тили йўқ, маъмура синглим. Бўлмаса, шундай сир-синоатларни фош этардики, уятдан ерга кириб кетармидинг... Қандай сир-синоат, дейсанми? Йўқ, яхшиси, сирнинг сирлигича, деворнинг деворлигича — абадий гулг, мангу соқов қолгани маъқул!

Туриб-туриб, одамга алам қилади: паниши жонсиз иморатнинг умри одамзод умридан кўра узунроқ, собитроқ бўлса?! Инсон хоки туроб бўлиб кетсаю унинг меҳнат самари яшайверса? Ҳақ гап, бор гап, лекин бари бир... Сенга алам қилмайдими, маъмура синглим: сен кетсангу жондан ортиқ кўрган мана шу юмшоқ курсинг қолаверса, манави зангори дарпардалар қолаверса, манави мовий осмон қолаверса?..

Алам қилади, алам қилади!

Мен сенга айтсам, маъмура синглим, бу боғу богчаларни, бу сафоли хиёбонларни, бу мунаввар фаввораларни кўкалдошлар бино этмаган. Улар бино қўйган, холос.

Бу қасри олийини хизматдан қайтган собиқ аскарлар,

Исфараю Жомдан, Яйпапу Термиздан, Йалолободу Туркистондан, Тошҳовузу Ҷамбулдан Тошкенти азимга бахт излаб келган ўсиририллар, позик-инҳол қизлар, сочи чапг-тўзонда оқарган кекса меҳнатчилар биргаликда узоқ қурганмиз. Гоҳ жапжаллашиб, гоҳ сўкшиб, гоҳ ака-ука бўлиб... Қани улар, қайларда экан ҳозир? Сөг-омон бормикан? Барчасига, умр вафо этдимикан? Илёс аканинг мудом ошқозони огиррди — фориғ бўлиб кетдимикан? Акбар нул тўплаб, қачондир Хиндистонга саёҳат қилишни, Раж Капур билан бирга суратга тушишни оруз қиларди, тилагига етдимикан? Сувоқчи Клаванинг лейтенант эри йиғирма олти ёшида ҳалок бўлган эди, ёлғиз қизини рассом қилмоқчи эди, ниятига эришдимикан? Бошқалар-чи, бошқалар? Уларнинг тақдирини не кечди экан? Абулжаҳл омонмикан? Шукрлар қил тақдирингга, маъмура синглим, сен бугун унга эмас, менга дуч келдинг!.. Қолганларини ким биларкин? Балки сен биларсан, маъмура синглим? Балки Шокир ҳам, Муштарий ҳам бахтини топиб кетгандир? Одам ҳодис, аҳтимол, бирортаси сенга қўшнидир?..

Маъмура синглим, ҳар не бўлганда ҳам, сенга раҳмат. Жой бердинг. Бермаслигинг ҳам мумкин эди. Мутлақо мумкин эди: симпозиум, консилиум, конференция, интурист, жим туринг... Унда, мен бутунлай ночор қолардим. Ваҳоланки, қачонлардир йиғит умримнинг куч-қувватини бағишлаганим шу иморатда бир кеча бош қўймоқ энди мен учун бениҳоя муҳим.

«Қўрган бўлсанг, текинга қурибсанми, қурутдек қилиб ақчасини санаб олгандирсан» дейишинг мумкин эди. Демадинг.

Демаганинг учун ҳам раҳмат.

Мен бир ўйлаб олишим керак, маъмура синглим. Шу боис ҳам бу қадар хиралик қилдим. Бўлмаса, кўчада қолган мусофир эмасман. Ана, икки қадам нарида жияшимнинг ўрдадек уйи. Агар бу ерга қўнганимни билса, аразлаб, уч кун юзимга қарамайди. Лекин... Бошпана сўраб келган меҳмоннинг рад жавоби олиши қанчалик огир эканини сен хаёлигга ҳам келтиролмайсан. Чунки ҳаммамиз ҳам аслида бу дунёга меҳмонмиз, ўлмас Ҳофиз айтгандек: «Дунё як работе ду дар аст, Дар ин сарой ки, ҳар рўз қавми дигар аст»¹. Маъмура синглим, менга олам уйидан жой қолмади, сафарим қариди, муддатим битди. Бу ерга сўнг-

¹Дунё икки дарвозали бир саройга ўхшайди, ҳар кунини унда янги меҳмон.

ги бир илинж билан келган эдим. Агар бунда ҳам...

Ўн етти йил мобайнида бу шаҳри қадимга озмунча келмадим! Базми жамшидларда, кўнглим тиламаган давраларда, сафсата бозорларида кулларим тамаки тутувидай кўкка учди, идорама-идора бир имзога саргайиб ҳафталаб умримни елга берган вақтларим бўлди, мангу яшайдигандек олтин дамларимни сомондек совурдим, бироқ белимнинг қуввати, кўзимнинг нури, юрагимнинг ҳарорати қолган шу даргоҳни бир келиб кўрмоққа, бағрида бир кеча оёқ узатиб ором олмоққа фурсат топмадим.

Мана энди, фурсатим мўл, чексиз! Шу қадар чексизки, бундай чексизлик ҳеч кимсага насиб этмасин!

У хонасига нари-бери жойлашди-ю, дарҳол ваннахонага кирди. Майин, илиқ сув остида вужуд-вужуди яйраб, кўзларини юмиб тураркан, ёшлигини, Қудратини эслади: шу ҳовлида, хув авани бурчакда теграси қора қоғоз билан ўралган омонат душ бўларди. Ишдан кейин ҳамма шунга ёпириларди. У барчадан олдин кириб олар, соатлаб сувдан чиққиси келмасди. Қудрат атрофда айланиб дўк урарди: «Ҳой, Султон! Кўксултон! Атирсевун! Чиқасанми-йўқми, оқ ем бўлиб кетгандирсан?» Ундан садо бўлмагач: «Сув кўрмаган, саҳройи, — деб куларди. — Агар Азроил келиб, Кўксултонга, тез бўл, жонингни олама, десаям, у «Шошмайтур, олдин бир ювиниб олай», дейди». «Тўғри-да! — дерди у ҳам бўш келмай. — У ёққа озода бўлиб борган яхши-да. Ким билади, дўзахда сув ҳўжалиги қай аҳволда. Ҳасолга-ку ишонч йўқ, сенга ўхшаб халтура қилса...».

Ёз кунлари-ку майли, қаҳратон чиллада ҳам белигача ечишиб, муздек сувда ювишар, тўсдек қон-қора, жингалак сочлари қуримасдан туриб, ялангбош, ялангтўш, қайдасан, Қатортол, деб ётоқхонасига жўнардди.

Бир гал апил-тапил қалласини сувга пишаётганида, қоровул чол кўзи тушиб қолиб, байбайлади: «Ҳаҳ, подон бола, бошдан айрилсан-ку!» Унинг бепарво кулимсираб қўйганини кўриб, баттар жигибийрон бўлди, ҳужрасидан қуя еган эски бир теллақ кўтариб чиқди. «Ма, кийиб кет буни. Бошингга бир қалпоқ олсанг бўлмайдим, пулинг йўқми?» У хандон отиб кулди: «Ўзи яхши ишламайди, энди бунга қалпоқ олиб...» «Бўлди, билдим, пулинг бор экану ақлинг йўқ экан», деди чол астойдил ранжиб.

Чиндан ҳам, ўшанда ақли йўқ экан. Йўғ-э? Фақат ўшандами? Кейин-чи, кейин? Наҳот ақли бор одам у қилган хатоларни қилса? У юрган йўллардан юрса? Унингдек тарки ихтиёр этса?..

У деразадан ташқарига хомуш, бемурад тикилиб тураркан, бирдан ҳаёти мазмунсиз романдек зерикарли бўлиб қолганини, ҳаёли сийқа ва бетайин саҳифалар узра тишимсиз кезаётганини пайқади. Бемаза китобни-ку жонга теккан жойда шартта ёниб қўйса бўлар, бироқ умр китобини.. Яхшими-ёмонми, азоб-уқубатми, бари бир, унинг сўнгги саҳифасигача бирдек азиз, бирдек юракни энтиктиради!

Шу кунгача ишида, ташвиш ва пинтилишларида ўзи англаб етмаган, англаб етганида ҳам асло қадрига етмайдиган бебаҳо бир маъно мужассам эди. Кундалик югур-югурлар — эрталаб тик оёқда ичилган бир пиёла чойдан тортиб бошқармадаги ёқайиртар мажлисларгача, ишхонадаги уриш-сўкишу илтимос ва дўқ-пўписаларгача, ҳазил-мутойиббаю кўз ёшларгача, ошқора ва пинҳоний алам-армонларгача — барчаси умр китобининг қадридон саҳифалари эди, буларнинг барчаси унинг ҳаёти эди. Мана энди дафъатан фикрсиз, ўйсиз қолди, юраги бўм-бўш, унда фақат гаплик ва оғриқ ҳукмрон, ниманики ўйламасин, ҳаёлининг бир учи муқаррар равишда ўша дарди бедавога бориб тақалади. Аммо ўйламай яшаб бўлмайди, ҳаёл деганининг бу қадар миселсиз азоб беришини энди кўриб туришни. Одамзодга, ўйнама, кулма, йиглама, деб амр этиш мумкин-дир, инсон боласи истаса буларнинг уддасидан чиқар, бироқ ўйлама, деб айтиб бўлмас экан..

Ҳар бир арзимас нарса ҳам юрагида қарийб упутилган хотираларни қайта тириктиради, аммо кўпинча бу воқеаларнинг аксарияти ҳозирги аҳвол-руҳиясига мутлақо дахлдор бўлмайди, лекин унинг бунга ишонгани келмайди, шубҳаланади, негадир, оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ, йўқса, менинг буларни эслашимдан не мурод-мақсад бор, деб ўйлайди; бир боғлиқлик борки, улар мени изтиробга солади, фақат мен бунинг қандай сирли робита эканини билмайман, холос. Баъзан, ўзига-ўзи, ҳаёлим оғиб қолмадимикан, деган ваҳима билан мурожаат қилади, миясида оғриқ туради, бундай дамларда тезроқ кимдир келишини, ҳатто душманининг бўлса-да, овозини эшитишни истаб қолади.

Икки йилдирки, шу аҳвол.

Область касалхонасидан чиққанида буён ўзини қўйрга жой тополмайди. Дафъатан қулоғига чалиниб қоладиган ган-сўзларда, байту газалларда энди бутунлай ўзгача маъно кўради. «Сен узоқ яшайсан, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларинг ўйнаб юрибди, мени-чи, шум ажал нақ остонада эгарланган отдай кутиб турибди». У бир оқшом палатада

мана шундай ёлғиз эди, ёстиқ устида транзистор ётарди, бирдан машҳур шоир шеър ўқий бошлади: «Сен узоқ яшайсан...»

Назарида, вужуди симобдек эриб тушди, бошини деворга суяб унсиз йиғлайверди, йиғлайверди... Бу жудаям гаройиб бир ҳол эди: ҳазин мисралар унинг дардига дард қўшар ва айни пайтда дилига сарин, ёруғ бир изтироб бағишлар эди. Бу изтироб кўнглини лаҳза сайин юксалтириб борар, чеккан ниҳоясиз риёзат ва азоблари эвазига унга юпанч берар, ҳамдард бўлмоққа ваъда этар эди. Кўз ёшлари нафаси тиқилиб қолгунича тинмади. Ўзига келганида хона қоп-қоронғи эди, ташқарида чироқлар ёнган, йўлакда ташир-тупур қадам товушлари, бақир-чақир, қулги — касалхонанинг одатдаги ҳаёти давом этарди. У кўкси тўлиб, яна андуҳ билан шивирлади: «Сен узоқ яшайсан, ҳаммадан зиёд, хали тойчоқларинг ўйнаб юрибди...» Давомини такрорлашга қурби-қудрати етмади, ўзини каравотга юзтубан отди...

Умиди кўп эди ҳали!

Ўлиб-тирилиб, тиришиб-тирмашиб, сув келса симириб, тош келса кемириб, эндигина одам қаторига кирдим, деб хаёл қилган эди, бир одамчалик гуноҳ-савоби бор эди, қайси феълию қилмиши учун тақдир унга бу жазони раво кўрди экан — билолмас, дунёга шундоқ келиб, шундоқ кетишида қандай сирли маъно яширинлигини англаёлмай ўртанар эди. Йўқ, бундай бўлмаслиги керак, бундай бўлмаслиги керак, бу инсофдан эмас, агар шундай бўлса, оламда адолат деган нарсанинг уруғи ҳам қолмаган экан!..

Мана, олдинда — туп, уйқусиз кечажак, оғир, таҳликали яна бир тун...

Ҳар қалай, кундузлари амаллаб чидаса бўлади: бир-ярим яхши-ёмонни кўради, ундаи-бундан икки огиз сўзлашиб, нича тафти чиқади, губори арийди, аммо кечаси... Туп — Азроилининг гумаштаси.

Босиб келаётган гашиқдан нима қилиб бўлса-да қутулмоқ ниятида, чамадонидан ҳар эҳтимолга, деб солиб қўйган икки-учта китобини олди. Аста жойига чўзилиб, варақлай бошлади. Сал ўтмай, баттар юраги сиқилди. Аксига олгандек, китобларнинг ҳаммаси дард ҳақида, инсон азобуқубатларининг ноёнисизлиги, одамзод бардошининг чексизлиги ҳақида ҳикоя қиларди. Аммо у сабр-бардошнинг ҳам чегараси борлигини аллақачон билиб олган, шу боис китоблар саҳифасидан термиллиб турган ўзи каби одамларнинг туриш-турмуши, ташвиш-изтиробларининг энди унга қизиги йўқ эди...

Боши тепасидаги радио қутчасига қўл чўзди. Симфоник музиканинг каналак қапотидек позик оҳанглари ним қоронги хонани тўлдирди. Кўп ўтмай тараона тишиб, мулоҳим аёл товуши янгради: «Энди Жўра Ҳабибов асарларидан эшиттирамиз. «Олмача апорингга балли». Халқ куйи. Жўра Ҳабибов қайта ишлага!».

Пауза тишиб улгурмасидан, ижирганиб афтини буриштирди: «Қайта ишлага! Нега, қандай қилиб? Тавба! Халқдан ҳам дономики, қайта ишлаб...».

Ва шу заҳоти ўзининг бениҳоя бадбини, майдакаш бўлиб қолганини алам билан тани олди...

* * *

Тун бўйи шитирлатиб ёмғир ёғди, дераза ортида шамол изиллади.

У саҳар чоғи жунижикиб уйғонди. Ташқарида сийрак қор қуроқ кўрпадек ола-чалшоқ бўлиб ётар, ер оқариб улгурмасидан эриб кетмоқда эди. Кўнглини тагин гашлик чулғади, мана, қор ҳам ёғди, деб ўйлади, илгарилари биришчи қорни ҳатто сезмай ҳам қолардинг, сезсанг ҳам парвойинг фалак эди, энди шу ирқит қорга ҳам қараб йиглагинг келади — ким билсин, қайтиб кўкламни кўрасанми-йўқми... Бу фикрдан дилидаги гашлик янада ортди, ўтган-кетганлар хотираси оғриқ қўзғаб ёдига тушди. Хаёлида режа тузди: ёшлиги ўтган, умрининг яхши-ёмон кушлари кечган бу азим шаҳарнинг обод ва жинкўчаларини, паст-баланд майдонларини, хилват ва қадрдон хиёбонларини, бегам ва серташвиш одамларини яна бир кўрмоқни, кўргошиндек оғир, дим ҳавосини тагин бир бор туймоқни, ўзи билган ва билмаган кўп азиз жойларни зиёрат қилиб, фикран алвидо айтмоқни тилади. Эҳтимол, у айни дамда худди шундай китобий ўйламагандир, бироқ тахминан шу тахлит хаёл қилгани ҳақиқатга яқинроқ, чунки одамзод бари бир одам, мушкул дамларда қандай бўлмасин, қаердан бўлмасин, бир наноҳ истаб қолади, бир оғиз ширии сўзининг гадосига айланади, тасаллидан мўъжиза қутади.

Уст-бошини олмоқ бўлиб кийим жавонини очди. Костюми илгичда гарибона шумшайиб турарди. Бирданга Зумрадин эслади: ҳар сафар ётоқ бўлмасидаги жавонини очаркан, ўзининг кийимлари устига хотинининг бирорта кўйлагини, халатини оҳиста, беозор ташлаб қўйилганини кўрарди. Зумрад бирор нимани ўйлармиди-йўқми — билмайди, лекин ҳар сафар костюмининг елкасида нимпушти

кўйлакка кўзи тушганида негадир бир хил бўлиб кетарди. Зумрад, Зумрад, беҳабар, беҳавотир Зумрад!..

Нейрохирургия институтига бориб, баттар феъли айниди: профессор Насимов чет элга — халқаро конгрессга кетган экан... Сўнги илинжи энди шу одамдап. Бироқ унинг тўғрисида афсонавий шухратидан бошқа ҳеч нарса билмайди. Султонни қабул қилган ёшгина, лекин қориндор бўлим мудири, ҳужжатларингизни қолдириб, анализ топшираверинг, доцент Абдураимова кўрадилар деди, аммо биринчи кунданок иши юришмагани учунми, бутунлай ҳафсаласи пир бўлди.

Троллейбус дардманд кимсадек базўр судралиб, Эски шаҳар томон борарди.

Эски шаҳар!

Бундан ўн беш йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай гаройиб бир файзу шукуҳ билан қайнаб ётарди у! Ҳар томонда тириклик тантанаси — ҳаёт уфурарди: осмонни тўлдирган байналминал гала-говур, расталарда қулф урган жаннат, ҳаёлақаш чоллар, пашмақдек мулойим кампирлар, бир зум тинмагандек, бир зум тинмайдигандек туюлгувчи шикаста ҳинд куйлари... Бу эски ва янги расталар бағрида, ҳашаматли тиллар остида марднинг олчақлик, ҳоксорлигу гирромлик, зикқалигу хотамтойлик, нозик лутфу чапани бир руҳ аралаш-қуралашига дарёдек гувиллаб ётар эди.

Қоғоз халтаи тўлдириб ҳаражат қилди: қайноқ патир, шўрданак, каттақўрғони майиш, ҳалво...

Бозордан чиқиб, сўлдаги жинкўчага бурилди. Ўйдимчуқур, қадимий кўча. Хотирада собит нарсаларнинг ҳаммаси бунда буткул ўзгарган. Кўҳна дунё донишмандлари, бир дарёни икки марта кечиб ўтиш мумкин эмас, дейдилар. Бир кўчани-чи, бир кўчани икки марта кесиб ўтиб бўладими?.. Бу овлоқ, зебсиз гўшаларда унинг ёшлиги қолиб кетган. Мана шу муюлишдаги уйда бир букри чол пастак деразасини кўчага очиб дўконча қурган, қишин-ёзин белигача танчага кўмилиб ўтирар эди, олдидаги қатор халтачаларда писта, ерёнғоқ, қурут, токчаларда пачка-пачка сигарет... Чол қийшиқ, оқ соч бошини тишимсиз сарак-сарак қиларди — гапингизни маъқуллайптими, рад этяптими, билиб бўлмасди. Манави бурчақда эса гугурт қутисидек магазин бўларди. Қудрат иккаласи жазирама ёз оқшомлари шу ердан мусаллас сотиб олишарди. Ундан нарида — «мусулмон» гиштли пойдевори шўрлаб кетган, вақтида шаҳарнинг олди иморатларидан саналган, аллақайси машҳур бойнинг собиқ мулки бўлган болохонадор бино бор

эди. Пастида нимқоронғи, қандайдир сирли йўлақлар, залворли пақшин дарвозалари ҳамиша ёшиқ, иккинчи қаватида аришинг уясидек гужгон алоқа бўлими жойлашган эди. У онда-сонда бу ерга бош суқар, «Тириклигимни билдириб қўяй», деб эчкининг йўталидек қисқа хат-хабарларини уйга жўнатар эди. Мана, мудом жилдираб ётадиган ариқча, ҳануз асфальт йўлкага лойқа сув тошиб ётибди...

Ва ниҳоят, тор кўча этагида — ўша қадрдон маскан, Аянинг уйи.

Аянинг асл исмини ҳеч ким билмасди. Ўзи ҳам бирор марта айтмаган, қўши-қўшнилару буида макон қурган хисобсиз «қунда-шундалар» нинг ҳаммаси учун у оддийгина «Ая» эди, вассалом.

Ая — у билган одамларнинг энг соддаси эди.

Ҳамиша жонсарақ, ҳамиша ташвишманд, кўзлари доимо ёшланиб турадиган бу аёлнинг фарзандлари бир этак эди, аммо Султон ҳар замонда келиб турадиган Холниса деган қизию унинг Маматқул исмли асли каттақўргонлик эрини ва кун-узун кун айвонда ер билан битта бўлиб ётадиган Бакир деган ўглини танирди, холос.

Бакирнинг аҳволи чатоқ эди. Ая ҳар кун и эрталаб кўзига ёш олиб, уни оғирлашиб қолди, деб айтар, бироқ ҳафта ўтар, ой ўтар, беморнинг ётиши ўша-ўша эди. Базан ярим кечаси эшикда «Тез ёрдам» пайдо бўлиб, Бакирни олиб кетарди. Эртаси кампир Султон билан автобуска тушиб, шаҳарнинг бир четидаги касалхонага банкада совиб қолган товукшўрва элтарди.

Султон Аяга ачинар, ундан ҳам кўра кўпроқ қирққа кирмай қирчинидан қийилган Бакирга қайтураар эди. Аммо ҳеч вақт, бир кун ўзим ҳам шу дарди бедавога йўлиқарман, деб хоби-хаёлига келтирмаган эди...

Бакирни қарғиш урган эди, қилмишига яраша тортиб ётарди. Аянинг айтишича, уни ичкилик соб қилган. Ичганда ҳам одам сиёқини йўқотиб ичаркан. Отаси дилдан ўтказворган, буни шу тамом қилди, дерди Ая юм-юм йиғлаб. «Бир кун итдек ичиб келганида, чолим раҳматли қаттиқ койиди, жуда қаттиқ койиди. Шунда бу баттол шартта шимини туширдию олтмиш бешга кирган отасининг юзига қараб: «Има қилардинг, ма, қўлингдан келса, кесиб е!» деди-да, бақириб-бақириб кулди. Отаси бечора титраб-қақшаб қаргади, у дунёю бу дунё рози эмасман, илоё косанг оқармасин, деди. Шундан кейин бир ҳафтагина кўрна-тўшақ қилиб ётдию узилди...»

Ая шундай деб кўзидан шашқатор ёш тўкарди-ю, лекин, бари бир, бирор лаҳза Бакирсиз турулмасди. Тўрт йилдан

буён — Бакир ётиб қолгандан бери қўли косов, сочи сунурги эди. Катта ўгли Қосимжон проводник, икки йил бурун Россия шаҳарларидан бирида чайқовчилик билан қўлга тушиб кесилиб кетган, камшир кўшинча Султонга дардини айтиб йиғларди: «Нега менга фарзанд берди-ю, роҳат бермади...»

Султон ишдан, ўқишдан қайтиб, баъзан можаро устидан чиқиб қоларди: Холниса билан Маматқул Аяни ҳолжонига қўймай, Қорасувдаги уйларига олиб кетмоқчи бўлар, Ая оёқ тираб қаршилик қилар эди: «Бакирнинг аҳволи не кечади?» Холниса бўғилиб, опасини жеркиб ташларди: «Ўзингизниям ўйланг-да, ойна, ўзингизни ўйламасангиз, бизларни ўйланг, мен ор қиламан сизни шундоқ ташлаб қўйгани. Зулм-зугумлари эсингиздан чиқдимми, не қиларни бошингизга солган эди. Берворинг касалхонага!»

Аmmo Ая она эди, фарзанди турганда ўзини ўйламасди — ўйлаёлмасди.

Холниса Бакирни сира-сира кечиролмасди, ҳатто вафотидан кейин ҳам бирор марта жигарим демади, кўзидан бир томчи ёш тўкмади — акаси унинг учун тириклигидаёқ ўлган эди.

Аянинг уйида Султон уч йил турди. Бу хонадондан унинг беҳисоб дўсту ёрлари борми, меҳмонхонага жойлашолмай қолган ҳамқинилоқлари борми, ўқиниша келган укалару сингиллари, жияну бўлалари борми — барча-барчасига бошана ва бир оғиз ширин сўз тошилар эди. Вақти бемаҳал кимки эшигини қоқиб келмасин, Ая мудом парвона эди: «Аянгиз гириттон, кечга шма томоқ қиламиз?» Унинг тили ҳам ўзидек соф, содда, қадимий эди. Қудрат ўқини битиргуларича Аянинг гапларини такрорлаб юрди: «Қани, жужуқларим, кетдик, ёшимда бир пақир ҳам йўқ, томоқ олиб беринглар менга...»

Иккинчи йил қиш охишлаб қолганида Бакирнинг азоблари ниҳоят барҳам тонди. У-ку қилган гуноҳлари учун, қилмишлари учун шунча вақт уқубат тортди, ammo Султон нега, қайси ёзугига...

Ҳаммамиз ҳам ўзгалар устидан ҳукм юргизган пайтда ўзимизни фаринта санаймиз, Лекин ҳар биримизнинг дунёга келиб содир этган очиқ ва яширин, катта ва кичик гуноҳларимиз, арзимас ва ювиб бўлмас айбу хатоларимиз борки, бошқаларнинг қилмишларига печоғлиқ қаҳр-газаб билан муносабатда бўлсак, буларга шунчалик меҳр-муруват билан қараймиз — сасиқ бўлса ҳам бурун ўзимизники!.. Ахир, Султоннинг гуноҳлари озми? Лоақал шу Аянинг олдига, шу мушсе-муштинар аёлининг олдига озмунча айби борми? Бу шу қадар улуг айбни, энди ўйласа, юраги орқага тортиб кетади!..

Онасидек бўлиб қолган бу боёқиш камширни кунна-кундуз кун илданган эди, ахир!

Эсласа... ҳали-хануз баданидан совуқ тер чиқади, бошини қайси тошга уриб ёришни билмай қолади... Бир гал қишлоққа бориб, негадир Зумраддан қаттиқ равижиб қайтган кезлари эди, дунё кўзига қоронғи, оҳидан алапга чиқиб юрган кунлар... Бир оқшом чидаёлмади, кун кеча танишгани — қийғоч кўзали бир санамни тўғри Аянинг уйига бошлаб келди, мана, Ая, келинигииз, қишлоқдан келди, деди, бақрайиб туриб, килт этмай ёлгон сўзлади... Ая кўзига ёш олди, нозанини бағрига босиб кўришди, узундан-узун дуо қилди, мотамдор бўлиб тўйга боролмагани учун қайта-қайта узр айтди, сўнг бемалол ўтирган одам, бирдан Холлисаникига бориши зарурлигини эслаб қолди, калитни унинг кўлига тутқазиб, чиқиб кетди.

Мана, ўшандан буён орадан шунча йил ўтди. Ўша шармисор қилмиши учун у энди — боши қарсиллаб тошга текканда, саноқли кунлари қолгандагина надомат учун фурсат топди. Бироқ бу шундай надоматки, ундаи халос бўлмаса, айбини бўйишига олиб, истиғфор келтирмаса, дунёдан кўзи очик кетади, дили сезиб турибди.

Аммо тазарру қилгани улгурармикан? Ахир, ундаи бери бир ўсиришининг умри кечди, туз ичган, меҳроқибат кўргани бу хонадондан, унинг муштипар соҳибасидан бир келиб хабар олишга бўйини ёр бермади! Ая бормикан ўзи? Бор бўлса... қандай киради? Нима дейди? У кечирармикан? Кечиргани рост бўлармикан? Бу шафқатдан кўнгли таскин тонармикан?

У, журъати тутдек тўкилиб, нураб ётган кўҳна девор қаршисида наришон туриб қолди. Анча вақт ўтгач, ўткинчиларининг ўзига ажабланиб қараётганини сезиб, юрак ютиб кўнгироққа қўл чўзди.

Ичкарида ит вовуллади, занжирининг шилдирагани эшитилди, енгил қадам товуши, аёл овози: «Ўзим ёт!» Ва ниҳоят, эшикнинг зулфини туширилиб, бир табақаси қия очилди. Остонада бахмал халат кийган, лўнни юзли, саргини бир аёл турарди:

— Келинг?

У гўлдираб салом берди, томоғи қуруқшаб:

— Ая бормилар? — деди.

Аёлининг қошлари чимирилди:

— Қанақа ая?

«Ў! Аяни билмайди!»

— Бу Бакир акаларининг уйими? — деди баттар довдираб.

— Йўқ,— деди аёл ва унга бошдан-оёқ шубҳаланиб тикилди.— Қим керак ўзи сизга?

— Ая...

— Қанақа ая?

«Э, галча-ей! Қандоқ тушунтирдим энди бунга?»

— Мен бир пайтлар шу ерда турган эдим. Бир кампир ая бўларди.

— Оти нима? — деди аёл эшик тутқичини ҳамон қўйиб юбормай.

— Оти... отини билмайман.

— Ҳеч қанақа кампир турмайди бу ерда,— деди аёл ва эшикни унинг юзига ёпди.

Тамом! Бугун иши юришмайдиган кун экан ўзи!

Энди нима қилса экан? Аяни қайдан сўроқласин? Сўроқлагани билан топилармикан?

Қўчанинг бошигача ҳардамхаёл бориб, аста изига қайтди. Қўшни эшикни секин итарди. Бир чол ичкаридан обдаста кўтариб айвонга ўтаётган экан, уни кўриб, ёнига келди.

Ая беш йил бурун бандаликни бажо келтирибди. Қосимжон муҳлатини ўтаб келгандан кейин ҳовлини сотиб кетибди. Лекин ўшандан буён уйнинг муқим бир хўжайинини йўқ эмиш, уч марта савдо бўлибди. Йўқ, у Холлисанинг турар жойини билмайди, эшитинишча, эрининг юртига кўчиб кетган эмиш. Йўқ, йўқ, Қосимжонни кейин қайтиб ҳеч ким кўрган эмас. Ҳа, кампир ўзининг хилхонасига қўйилган, Мишорга. Шунақа аҳвол...

Султон ўзини тапштиб ўтирмади. Кўнгли муздек бўлиб, чол билан хўшлашди.

Кечаси Орзу холаи туш кўрди. Ҳамон ўша ҳайҳотдек ҳовлисида, қалдирғочлар уя қўйган айвонида шифтга термилиб ётибди. «Қўйларимни сугориб бергин,— деб ёлворармиш,— икки кундан бери сувсиз қолди...» «Неча пул берайсиз?» деб сўрабди у. Орзу хола шқиллаб-сипқиллаб ёнбошига ағдарилибди, тўшагининг тагидан қирқ жойидан тугилган рўмолчасини олиб, уч-тўртта чақа чиқарибди.

«Йўқ, оқидан бering, оқидан! — деб унамасмиш у.— Бўлмаса, ҳозир кетиб қоламан...»

Соат уч ярим бўлган экан. Қайтиб миғжа қоқолмади. Тавба! Орзу хола... Қишлоқдаги қўшни кампир эди у, ҳеч кими йўқ, ўгли урушдан қайтмаган, дейишарди, хайҳотдек ҳовлиси, тўрт туш тутию бир-иккита дирдов қўйи бўларди. Қиш кунлари, кўклам чоғи оёғи шишиб қўзгалолмай қолар, кун-узун кун деразаси тагидан ўтадиган

болаларга ялниб ётар эди. У эса бечора кампирнинг пулини оларди, сўнги чақаларини шилиб оларди!..

«Йна гуноҳим йўқ, дейсан! Йна ҳайрон бўласан!»

Йўқ, бу оламда ҳеч бир нарса жавобсиз қолмагай, ҳеч бир нарса...

Эрталаб соқол қиртишлаётганида телефон жириглади.

— Султон ака? — Дўрилдоқ товуш телефон трубкасини зириллатиб юборди.

«Абдулла! Қаердан билди? Оббо!»

— Салом,— деди у довдираб.

— Султон ака, ўзингизмисиз? — Бу сафар жиянининг овози хийла ишончсиз эшитилди.

— Ўзим, Абдуллажон.

— Э, яшанг-э! Шунақаям бўладими! Айтнинг, бизнинг гуноҳимиз не?

«Хафа бўлибди,— деб ўйлади у.— Тавба, қасқдан билди экап-а?»

— Қачон келдингиз? Уйлар тишчи? Янгам, Сардор?

— Зўр,— деди у кулишга урилиб.— Ўзларингиз қалай?

— Нима, иш билан келдингизми?

— Йўқ, шундай бир айлаиб... Бу ердалигимни қаердан билдингиз?

— Агентурамиз зўр ишлайди. Ҳа-а, кайфият дурустми, ахир? Мен ҳозир етиб бораман,

— Э, шопманг, иш-чи, иш?

— Ўшанақаси ўтарман. Тагини қочиб қоласиз-да, бўлмаса.

— Қочмайман,— деди у стулга чўкиб.— Бундай қилсақ, Абдуллажон. Сиз бемалол ишларни кўравеинг. Мен ҳали уч-тўрт кун шу ердаман. Кечқурун кўришайлик. Маъқулми?

— Бўпти, мен сизни ишдан кейин уйга ошкетаман.

— Ҳай, қани, кўрармиз. Камол қалай?

— Э, юрибди лақиллаб. Сизни менга шу айтди-да, бўлмаса, кўролмай ҳам қолармидим.

— Ис! Қаердан кўрибди мени?

— Кечқурун шу меҳмонхонада сангиб юрган экан, сизга кўзи тушиб қолибди. Олдиларига боролмадим, ёнимда одам бор эди, деди.

— Қанақа одам? — деди у ажабланиб..

— Жонон-да! — деб гудранди Абдулла жаҳл билан.— Биласиз-ку уни!.. Бўпти бўлмаса, ҳозирча.

— Хўп. Қамолни ҳам олиб келинг кечқурун.

— Э, бошингизга урасизми уни!

— Йўқ, Абдуллажон...

— Мен айтмасимдан етиб боради, хотирингиз жам бўлсин.

Наридан-бери тамадди қилиб, яна Нейрохирургия институтига жўнади. Қулранг халат кийган тўп-тўп беморларни, кўриқдан ўтмоқ учун саф тортган касалмаидларни кўриб яна ваҳми ортди. Бадбўй, ўткир дори хиди анқиган нимқоронги йўлақларда қон топшириш, минг бир хил қоғоз тўлдириниш учун навбат кутиб кунини чошгоҳ қилди.

Кечга яқин гали етиб, «Доцент Абдураимова Н. А.» деган лавҳа осилган эшикдан ичкари кирди. Остонада тўхтаб, салом берди. Ошиқ стол ортида ўтирганча нимадир ёзаётган паст бўйли, сийрақ сочли аёл индамай, рўпарадаги суянчиқсиз катга ишора қилди. Бир оздан сўнг, яна чурқ этмай, стол устидан унинг қоғозларини олиб ўқишга тутинди, алламаҳалдан кейин кўзойнаги оша унга қараб:

— Қирқ учга кирдингизми? — деб сўради.

— Қирқ учга... — деди Султон танглайи қуруқшаб.

Доцент Абдураимова тагини қоғозга тикиларкан, худди ўзига гапиргандек:

— Хатарли ёш бу, — деб қўйди.

Бир нарсалар ёзиб, «касаллик тарихи»га яна бир саҳифа кўнраб, шошилмай ўрнидан турди, Султоннинг қон босимини ўлчаб кўрди-да, тўнча-тўсинадан:

— Намунча давленингиз паст? — деди.

Султон гангиб қолди.

— Бори-да... — деди гуноҳкор одамдек бўйинини қисиб.

— Ўликнинг давленисидан ҳам пасту? — деди Абдураимова, жойига ўтиб ўтираркан.

Султон, азбаройи довдираганидан лом-ним деёлмади. Ҳазилми деса, Абдураимованинг вазоҳатига қараганда, ҳазил-мutoйиба кўчасига яқин ҳам йўлайдиган аёлга ўхшамайди, чин деса, паҳот, тушпа-тузук, эсли-хушли одам, энида ошпоққина халати ҳам бор...

Бўшашибгина костюмини кийди, ҳануз индамай ёзиб ўтирган врачга гарангсиб тикиларкан, хаёлига лон этиб келган гап тилига чиқиб кетди:

— Сиз дўхтирми, ёзувчими?

Абдураимова эринибгина бошини кўтарди, унинг гапини англамаган чоғи:

— Рентген сурати қани? — деб сўради.

Султон қутулганига шукр қилиб:

— Кечирасиз, профессор Насимов қачон келадилар? — деди шоша-пиша. Аёлнинг ҳайрон боқиб турганини кўриб, ёлгон қўшиди: — У киши... менга, ўзим кўраман. деб ваъда берувдилар!

Доцент Абдураимова, шунча вақти ҳайф кетганига афсусланиб, яна шитоб билан ёзига киришди...

Насимов нариги ҳафтага қайтар экан. Демак, кутишдан ўзга чора йўқ...

Ҳориб-чарчаб, хонасига етиб келгач, қайноқ чой хўплаганча Абдулла билан Камолни кута бошлади. Абдулла — амакиси Ҳабибулла поввойининг ўртанча ўғли, геология факультетини тугатиб, «илм қиламан», деб шаҳарда қолиб кетди. Ўтган йили бирга ишлайдиган Камол деган самарқандлик оғайнисини билан Қўҳитанг тоғларида қадимий динозавр жасадининг қолдиқларини топишганда илм оламида анча шов-шув бўлиб кетган, гарчи Султон бир махлуқнинг жасади туфайли нега шунча овоза чиққанига тушунмаса-да, жияни билан ичидан ифтихор қилиб юради.

Йўқ, у дардини жиянига зинҳор-базинҳор ошкор этмоқчи эмас. Ишли одам, бола-чақасининг ташвинини ўзига етиб ортади. Ахир, уйда ҳатто Зумрад ҳам беҳабар қолди. Эрим малака оширишга кетди, деб ўтиргангир бечора. Умуман, тўғри бўлдимми шу иши?! Агар ўша нарса муқаррар равишда юз берадиган бўлса, унда, ҳарчанд яширгани беҳуда — охир-оқибатда уни сўнгги манзилга дафи идораси эмас, қариндош-уруги, дўсту биродарлари элтиб қўяди-ку! Лекин... қўнгли сезиб турибдики, буни ҳозир ошкор айласа, атрофида бошланаяк югур-югурлар, изтиробу кўзёшлар, сохта таскин упигоҳларда ниҳон ваҳималарнинг ўзиёқ уни ўлмай туриб ўлдирари: ҳамма сенга парвона, ҳамма сенга ҳамдард, бироқ ҳамма бирдек почор! Бу ҳол қанчагача чўзиллади, қачон барҳам топади — ҳеч кимса билмаса... Бир одамнинг касали деб ўн одам изтироб чекканидан кўра, нақадар оғир бўлмасин, бир кишининг ўзи барчасига бардош бергани маъқул.

Иниқоронги, жимжит хонада ўтирганча у совуқ бир қатъият билан шу қарорга келди. Ва лекин шу заҳоти бу қарорнинг заҳри юрак-бағрини музлатиб юборди.

«Энди ишлайдиган, энди яшайдиган ажойиб кунлар келган эди, Султон. Ҳурбатлар ортда қолди, деб ўйлаган эдинг. Зарқўрғонда, қурилишда қанчалик қийин, қанчалик оғир ишларини бошлаган эдинг, ёдингдами? Шаҳот ҳаммаси чала қолса? Шаҳот Мавлоиқуловга ўхшаган га-

нимларинг яна тантана қилса?.. Аслида, суягингни оқартирган шу Мавлонқулов эмасмиди? Эсингдадир, уч йил бурун баҳорда уни бир машина тахта билан қўлга туширган эдинг. Аввал, илонинг ёғини ялаган тумшуги билан оёгингни ўпмоқ бўлди, ҳатто обидийда қилди, кейин ўзининг жуда ҳам ердан чиққан етимча эмаслигини, уни ҳам сўровчилар топилиб қолишини айтди; буям таъсир қилмагач, ошкора ҳужумга ўтди: майли, бойниқини бойтеват қизганар экан, ўзинг ҳам емай, бировга ҳам едирмай, чиритиб ётавер-чи, қани, давлат гўришга тилладан ҳайкал қўярмикан? Қўйса ҳам, бир қутурган итнинг ҳайкалини қўйса керак!.. Ажабо, ахир, сен гугурт чўшига ҳам лов этиб ёнадиган одам эдинг, лекин негадир унинг гирибонидан олмадинг (хайрият-хайрият, қўл теккизмаганинг — йўқса, тўрт-беш йилни бўйинингга илиб олишинг нақд экан!), чагир кўзига тикилиб туриб айтган гапинг шу бўлди: «Сен... каззоб! Сен... давлатга тил теккизма — маразинг юқади!» Чупки дилингни қат-қатида муқаддас қасамдек пинҳон маъна бу сўзларни Мавлонқуловга раво қўрмадинг, чиндан ҳам, бу гаплар Мавлонқулов учун ҳайф эди: «Биласанми, ярамас, ўттиз учинчи йилги очарчиликда ўн саккиз жонли улкан бир хонадондан ёлғиз меннинг отам омон қолган! Давлат асраб қолган уни! Детдомнинг нони билан! Ўшанда отам ҳам ўлиб кетса, мен бу ёруғ дунёни кўрармидим?! Қулогингга қўргошин бўлиб қуюлсин, мараз: шу давлатнинг фарзанди ҳам, эгаси ҳам мен! Чидайсанми шунга?! Шунинг учун давлатнинг тийинига чўзган қўлини сугуриб оламан, билдингми?..» Бу гаплар Мавлонқулов каби кимсалар онгига икки дунёда ҳам етиб бормаслигини яхши билардинг — ҳукминг қисқа бўлди: «Кўтар тўрва-халтангни, эрта милицияга бориб жавоб берасан!»

Шу оқшом қаёқдандир кун чиқиб уйга эртароқ қайтган эдинг. Зумрад чучвара қилаётган экан, ишқом тагидаги чорпойда ўглини қорнингга миндириб ётган эдинг, айвондаги телефон устма-уст жиринглайверди, жиринглайверди... Гўё агар яна бир-икки дақиқадан кейин телефонни биров олмаса, қўнғироқ қилаётган одамнинг тоқати тоқ бўлиб, нақ трубканинг ичидан чиқиб келадигандек эди. Юрагинг безиллаб, аста телефонга яқинлашдинг.

— Алло, қаердан бу?

«Қаердан бу?» деган аҳмоқона гапини эшитдинг у одатдагидек, тагин тепа сочинг тикка бўлди. Чупки бу сўзининг маъносини тушунмас эдинг, аниқроғи, у ўзи бемаъни ибора эди.

— Қаердан керак эди?! — дединг тишларинг гижир-лаб.

— Муродовнинг уйими? Султонжон?

«Қамар Шарипович!» — беихтиёр юрагинг шув этди.

— Ҳа, мен, — дединг ўзингни босиб.

— Яхшимисиз, укажон? Ишлар қалай? Чарчаб қол-маянсизми? Ҳа, баракалла, бўшашманг, ука, бўшашманг. Увидимиз сизлардан энди. Бу, плашлар бўляптими? Чавканчақдаги мактабни топширдингизми?.. Нега?

Товушингдаги титроқни сездирмасликка тиришиб, областдаги бошлиғингга ҳисоб бера бошладинг: тонна, кубометр, литраж, лимит... Айни пайтда ич-ичингда ҳайрон эдинг: нега йўқлади экан? Материал етишмов-чилиги туфайли беш йилдан буён битмай ётган мактаб наҳотки шу оқшом тушига кирган бўлса?!

— Яхши. Жуда соз. Маъқул. Запчастъ чаток, дей-сизми? Да-да, бу огир масала... — Қамар Шарипович қаттиқ сўлиш олди. Шундай улугсифат одамни булчалик уринтириб қўйганинг учун ўзинг хижолат бўлдинг, бе-ихтиёр кечирим сўраб юборишингга сал қолди. Лекин зум ўтмай телефонда умидбахш оҳанг пайдо бўлди: — Майли, сиз учун тонамиз. Сиз учун. — Қамар Шари-повичнинг бу таъкидидан кўнглинг лаҳза ичра тоғдек ўсди. Умуман, бу одам сени доимо ҳайратга соларди: қурувчига ўхшаб дагалроқ, бетакаллуфроқ бирор оғиз сўз айтмайди, гапини эшитган одам трест бошлиғи эмас, театр директори бўлса керак, деб ўйлайди. — Ҳа, кол-лективда кайфият қалай?

— Унчалик эмас, Қамар Шарипович, — дединг тавак-калига дангал қилиб. — Материалларни вақтида олмаяп-миз, план тўлмаяпти. План тўлмагач, ўзингиз биласиз... — Юрагингда дардинг кўп эди, бу ногаҳоний эътибордан бошинг кўкка етиб, сенга итоат қилмай қўйган қатор-қатор муаммоларнинг қайси бирини айтишни билмас эдинг. — Цемент заводидан...

— Сиз кўпроқ ёнингиздагиларнинг кўнглига йўл то-пишга ҳаракат қилинг, ука. Ишчи халқи ширин сўзини-нг гадоси. Бирини ака қилиб, бирини ука қилиб... Тушун-дингизми? Бўлмаса, коллективда аҳиллик бўлмайди, аҳиллик йўқ жойда иш кетмайди. Ота-боболаримизнинг гапи бор-ку, бир кун уриш бўлган жойдан қирқ кун барака қочади. Албатта, ўзингиз бу гапларни мендан ҳам яхши биласиз. Дарвоқе, месткомингиз юрибдими? Мавлонқулов бор-ку, Туроббой?

Боягина тоғдек юксалган кўнглинг вулқон отил-

гандек вайрон бўлди: «Шу экаи-да сўровчиси!» Сўнг суҳбатнинг давомини яққол тасаввур этиб, юрагингга санчиқ кирди.

— Юрибди,— дединг базўр. Ғўлдирадингми, инградингми — ўзинг ҳам англаёлмай қолдинг.

— Салом деб қўясиз-да. Жуда дилбар, одамохун йигит.

Шу ерга етганда сира-сира чидаб туrolмадинг:

— Дарров арз қилдими бориб? — дединг бўғилиб.

— Ким арз қилади? Нимани арз қилади? — Қамар Шариповичнинг товушида қилт этган ўзгариш сезилмади.

— Кечирасиз, Қамар Шарипович,— дединг ўзингги қўлга олиб,— балки Мавлонқулов чиндан ҳам одамохун йигитдир, мен билмайман, лекин қўли эгри экан.

— Нима? — Қамар Шарипович томонда вазмин сукут содир бўлди.— Ука, ким айтди сизга бу гапни? Мен, масалан, шахсан ишонмаган бўлардим бундай ифлос мишмингга!

— Мишминг бўлса, мен ҳам ишонмас эдим,— дединг титраб,— лекин мана бугун ўз қўлим билан иккинчи марта ушлаб ўтирибман!

— Нима билан ушладингиз? — Қамар Шариповичнинг бу гапи қулогингга негадир «Нима учун ушладингиз?» деган каби эшитилди.

— Ўтган гал юзта дюралюмин труба билан ушлаб олган эдик. Тавба-тазарру қилиб қутулган эди. Кеча бир чўпонга бир машина «пятидесятка» ортиб бераётганида қўлга тушди.

— Кечасени?

— Қаёқда? — дединг газабинг қайнаб.— Куппа-кундузи, тушлик ҳам бўлмаган эди!

— Чатоқ бўпти,— деди Қамар Шарипович қаттиқ афеуслашиб. Аммо нима «чатоқ бўлган» — ўғирлик содир этилганими ёки Мавлонқуловнинг қўлга тушганими — сеп буни у пайтда пайқамадинг. Фақат, кечаси уйқунг қочиб, миёнг гувиллаб, ўзинг билан ўзинг жанг қилиб ётганингдагина буни қайта эсладинг.— Минг марта айтдим бу ярамасга, энди қўй, деб!.. Уғрининг ўзи тавба қилса ҳам қўзи тавба қилмас экан-да! Битта-яримта билмадими, ишқилиб?

— Ҳамма билди,— дединг совуққина.— Акт тузиб қўйдик, эрталаб милицияга топшираимиз.

— Да-а! Жудаям чатоқ бўпти,— деб такрорлади Қамар Шарипович.— Квартал якуни бўйича пэмкангизга мукофот мўлжаллаб турган эдик. Буни қараинг-а! Ҳай-

ропман, бу Туроббойни нима касофат босди экан. Қанча ўзи, кўпми?

— Кўп.

— Энди, ука...— Қамар Шарипович томоқ қирди,— гап бундоқ: сиз ниҳоятда тўғри қилгансиз. Бу приципаллигингиз менга маъқул, биз уни ҳисобга олиб кўямиз. Лекин масаланинг яна бир нозик жиҳати борки, биз уни ҳам назардан қочирмаслигимиз керак: бу иш милицияга ўтса, судга ошса... гап-сўз кўпаяди-да. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиз билан бизга ишониб топширилган жойда шундай хунук иш бўлиб ўтирса... Агар фалокат босиб, бу гап бирор рўйхатга тушиб қолса борми, камида уч йил мажлисма-мажлис дўмбира бўлдик, деяверинг. «Қамар Шариповичда бундоқ бўпти, ол, Қамар Шарипович қарамапти...» Ўйлайсизки, Қамар Шариповичнинг ўзига яраша душманлари йўқми? Тиқилиб ётибди! — Нафасинг ичингда, вужудинг карахт, лолу ҳайрон тинглардинг, лекин Қамар Шариповичдек одам шарҳи дилини не боис сенга, келиб-келиб сенга изҳор этаётганига сира-сира тушунмас эдинг.— Расвои олам бўлиб шарманда бўлсак, кимга зарару кимга фойда? Унинг устига, республика кўчма байроғи бу йил бизга берилади, деган хушxabар шабадаси ҳам йўқ эмас. Албатта, ҳозирча сир... Энди шундоқ пайтда... Бир ажойиб мақол борки, яхши хўжайин уйининг супуриндисини кўчага чиқармайди. Тўғрими? Майли, уринг-сўгинг у муттаҳамни, койинг, иккинчи бундай номаъқулчиликни қилмасин. Маъқулми?

Телефонни чапгаллаганча, ҳануз қотиб турар эдинг. Нима деяпти бу одам ўзи? Қаёққа кетяпти? Қаёққа бошлаяпти? Наҳотки шундай катта одам... Наҳот Мавлонқулов унга шунчалар азиз?

— ... У ҳам яхшидир-ёмондир, ташкилотингизнинг раҳбарларидан бири, билишимча, ўн беш йиллардан бери шу месткомингизнинг бошлиғи. Ўзингиз, мапа, бошингизга тушиб кўраётгандирсиз, тўртта одамга бош бўлиш учун ҳам аввало бошни тикиб қўйиш керак. Биласиз, шунча йил таъминотчи бўлиб ишлаш осон эмас. Ўзи, лекин ниҳоятда садоқатли йигит, сиз ҳали яхши синамабсиз-да. Аминман, ҳали ака-ука бўлиб кетасизлар. Келишиб ишланглар, тузукми? Гапни кавласангиз гап чиқади, лекин ҳеч иш чиқмайди.

— Қамар Шарипович,— дединг ниҳоят тош қотган тилинг калимага келиб,— ўғри, каззоб билан қандай

келишиб ишлай? Мен ҳам ўғри бўлайми ё кўзимни кўр қилайми?!

— Э, гапни эгриликка олманг-да, ука, дарров! — Қамар Шариповичнинг овозида ҳам чарчоқ, ҳам ранжиш аломати сезилди. — Э, менга деса оттирвормайсиэми! Инсоннинг тақдиридан кўра сизга тахта азиз экан, мен... билмаман буни! Мен азбаройи инсонийлик деб, ўша ярамаснинг бир этак бола-чақасини деб, қолаверса, сизни деб бу галгага бошимни оғритиб ўтирибман. Ҳа-ҳа, талмовсираманг, сизни деб! Ҳаммаёқни шикоят босиб кетди устингиздан. Ҳайронман, ҳамманн тирқиратиб қувиб, ким билан ишламоқчисиз!

— Ўп-ўп беш киши — ҳамма эмас, Қамар Шарипович, — деднинг имкони борича вазминлик билан, — дордан қочган ишёқмасларнинг жавобини бердик, холос.

— Хўш, бунинг жавобини ким беради?

— Ниманинг жавобини? — деднинг гапгиб.

— Кадрлар кўшимсизлиги учун ким жавоб беради, дейман? Эртага, марказда, коллегияда? А? Билмайсиэ? — Қамар Шарипович тантана қиларди. — Ўйлайсизки, менга ҳам кўл остимдагиларнинг ҳаммаси ёқадими? Лекин мен энг бетгачонар, сурбетига ҳам тоқат қиламан! — Бу гапдан очиқ-ойдин: «Мана, сенга ҳам тоқат қилиб турибман-ку!» деган маъно сезиларди. — Одамнинг чиқити бўлмади, ука. Бизинки — бир насихат, олсангиз ҳам ўзингиз биласиз, олмасангиз ҳам. Омон бўлинг.

Бўғни-бўғининггача бўшашиб, деворга беҳол суяндиг. Қамар Шарипович сени икки ўт орасига ташлаб, трубкани кўйди.

Тун бўйи Қамар Шарипович билан, аниқроғи, ўзинг билан ўзинг олишиб чиқдинг. Бирн бирдан кескин, бирн бирдан қақшатғич жавоблар хаёлингга гужгон ўйларди: «Кечирасиз, Қамар Шарипович, бир каззобнинг бола-чақасини ўйлабсизу мени ўйламабсиз-да. Менинг ҳам бола-чақам бор, ахир! Майли, мени кўятурайлик — мен сурбет, андишасиз, лекин лоақал нега ўзингизнинг бола-чақангизни ўйламайсиз? Сиз улуг одамсиз, Қамар Шарипович, бироқ ҳақиқат сиздан ҳам улуг...»

Афсус, энди кеч эди — ҳайит ўтган, хинани қўлингга эмас, кўзингга кўйишинг керак. Ахир, шу гапларни боя Қамар Шариповичга дангал айтсанг, тилингни суғуриб олармиди? Олса — ишини оларди, холос. Хўш, энди нима бўлади? Мана, ҳадемай тонг отади, янги иш куни бошланади, ҳамманинг кўзи сенда, сен эса тўғри бориб... кечаги актларни йиртиб ташлашинг, сўнг

каззоб Мавлонқулов билан келишиб ишлашинг лозим!

Йўқ, йўқ, Мавлонқулов билан келишгандан кўра иблис билан келишган маъқулроқ!..

Дераза ортида осмоннинг бир парчаси бўзариб келар, бош томонингда соат тишимез чиқиллар, сен эса алам билан ўйлар эдинг: «Тўғри бўл, деб айтиш қанчалар осон, аммо тўғри бўлиш қанчалар қийин! Агар кеча ўша ярамаснинг қилаётган ишини кўриб-кўрмасликка олганингда, олам гулистон, дунёда сендан яхши одам йўқ эди. Мана, энди, сендан аввало кечаги чўпон хафа — иши битмай қолди; Мавлонқуловнинг-ку отишга ўқи йўқ; қоровул Қобил чўлоқ ҳам жавоб бериши керак — у ҳам ичида сени алқаб ўтирмагандир; Мавлонқулов жазога тортилса, қари опаси, хотин, бола-чақаси чирқираб сени бир умр қаргайди; унинг бир дунё қариндоши бор — имзоли, имзосиз қилиб устингдан «юмалоғу» «тўрт бурчак» хатларни қалаштириб ташлайди; мана, Қамар Шарипович ўз-ўзидан раижиди — демак, тафтиш устига тафтиш кутавер... Аммо бошқа нима иложинг бор? Шу пайтгача шундай яшаб келдингми, яна бир кунгина умринг қолган бўлса ҳам, худди шундай яшайсан!.. Лекин булар нега одамлардан уялмайди? Нега кўрқмайди?.. Э, Султон, гўдақдан ҳам баттар соддасан, виждонидан уялмаган, виждонидан кўрқмаган одам бошқа нарсадан кўрқадими?!»

Эрталаб бошинг говлаб, кўзларинг қизариб ишга бординг. Идорага кираверишда Мавлонқуловнинг қорасига кўзинг тушди. Югургилаб келиб сўрашди.

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда? — дединг унинг башарасига тикилиб.

— Келувдим, — деди у ялтоқланиб.

— Бу ерга келиб нима қиласиз? — дединг қўлингни киясанга тикиб — лаънати бармоқларинг қалтирай бошлаган эди. — Ишдан бўшатилган одам буйруқни кадрлар бўлиmidан олади.

Мавлонқуловнинг хуши учди.

— Менга қаранг, хой... — деди йўлингни тўсиб.

— Мана, қарадим: нима дейсиз? — дединг шартта ўгирилиб. Ажабо, унинг талвасага тушган башарасини кўриб, юрагингда лаззатли бир титроқ пайдо бўлган эди ўшанда!

Мавлонқулов буни кутмаган экан.

— Кўрамиз ҳали! — деди гуручдек тишларини яр-

қиратиб.— Шошмайтур, сени кўчада иштонсиз қолдир-масам, отимни бошқа қўяман!

У сўкинганча даф бўлди. Ўзи даф бўлгани билан ғалваси даф бўлмади — «Мавлонқулов масаласи» қарийб олти ой давомида ишхонада ўлик илондек чўзилиб, қўланса ҳид чиқариб ётди. Терговнинг ҳали-вери ниҳояси кўринмасди, телефон ҳар куни тонгдан сени ваҳима билан бошқармага чақирар, борган эшикларнинг соатлаб йўлакда музтар қилиб қўяр, юрагинг тарс ёрилгудек дилгир тураркансан, таниш-билишларинг тил учинда сўрашиб ўтар, очилиб-ёпилиб турган кабинетларнинг эгаларига берган саломларинг аксар негадир алиқсиз қолар эди... Ёдингдадир, ўша кунлар ишхонанинг дарвозасидан кирган икки кишининг бири албатта тафтишчи бўларди: гоҳ кадр масаласини текширади, гоҳ молиявий масала, баъзан ҳужжат масаласи, баъзан эса... Оламда масаладан кўпи йўқ эканига шунда ишонч ҳосил қилдинг. Идорага-ку, бош суқиб бўлмас эди: иш бошлангандан то тугагунча беш-олти киши бошқармага тинимсиз справка тайёрлаш билан овора эди. Эсингда бўлса, бир куни атай ҳисоблаб ўтирдинг: тушгача йигирма еттита справкага қўл қўйибсан!.. Назарингда, аллақерда — тоғлар бағридами. дашту биёбон қўйнидами, фақат справка ейдиган бир тўймас аждаҳо бордек туюларди. Мана, у тагин кўзини очди, мириқиб керишиб олди ва олдидаги тоғ-тоғ справкани ваҳшат билан домига торта бошлади: яна, яна, яна!..

Бир ёқда терговга қатнайвериб, тушунтириш беравериб тинканг қуриган, бир ёқда, худди ўша кунлар миянгдаги мана шу лаънатли оғриқ хуруж бошлаган, бунинг устига планлар чатоқ, одамлар асабий, бошингни чапгаллаб ўтирганингда, Мавлонқуловнинг ўрнига яқинда маҳаллий комитет раиси қилиб сайланган семиз аёл — экономист Светлана Кравцова ҳаллослаганча кириб келди.

— Биласизми, Султон Муродович, — деди у ҳовлиқиб, — бу, Мавлонқулов профсоюз аъзоси эмас экан-ку! «Мавлонқулов» деган сўзни эшитиб, бенхтиёр ижирганиб кетдинг:

— Хўш?

— Нима «хўш?» — деди Кравцова ажабланиб. — Мен айтмоқчиманки, Мавлонқулов, умуман, ҳеч қачон профсоюз аъзоси бўлмаган экан.

Хушинг бирданига ўзингга келиб, Кравцовага шошиб қарадинг:

— Нима дедингиз? А... аъзо бўлмаса, шунча йил қандай қилиб профсоюзга раис бўлган экан?

— Мен ҳам шунга ҳайронман, — деди Кравцова елка қисиб, — биз кеча Муҳаммаджон билан ҳамма аъзоларнинг ҳужжатларини бир четдан тартибга солиб чиқдик. Қарасак, унинг карточкаси ҳеч қасрда йўқ. Эски взнос ведомостларини ҳам кўтариб қарадик — фамилияси бирор жойда учрамайди. Фақат мажлислар протоколида имзоси бор.

Сен Кравцовага, Кравцова эса сенга қараганча анграйиб қолган эди.

«Оббо, касофат-эй! — деб юбординг хаёлан. — Падарингга минг лаънат, Мавлонқулов! Сенга дарс берган устозларингга ҳам минг лаънат!»

— Ахир, сиз, — дединг ниҳоят Кравцовага, — илгари ҳам профкомда ишлагансиз, паҳот шуни билмагансиз?

— Қайқдан билай? — деди Кравцова. — Мен маданий-манший сектор бўйича эдим. Взносни бўлса, катта бухгалтер Галя йиғарди, Мамедова. У биздан кетиб қолган — хабарингиз бор, эрга тегиб, Ижевскка кўчиб кетди. Ким ўйлабди Мавлонқуловнинг...

— Ўй, лаънати! — дединг гап тополмай. — Билмай-сизми, Мавлонқулов неча йил раис бўлган экан?

— Ўн икки йил.

— Нима, ишчилар уни шунчалик яхши кўришармиди? Ё профсоюз ишларини жуда дўндириб кўярмиди?

Кравцова сассиз кулди.

— Нега куласиз, Светлана Сергеевна? — дединг тутатиб. — Ахир, яқиндан буён сизлар билан ишляпман, ўтган гаилардан хабарим йўқ.

— Мавлонқуловнинг номзоди ҳар йили местком йиғилишида рад этиларди, — деди Кравцова, — лекин, бари бир сайланарди.

— Нега?

— Чунки бошқармадан тайинлаб кўйишарди. Ҳатто икки марта мажлисга Қамар Шариповичнинг ўзи келиб қатнашган.

«Ҳа-а... Томиринг сувга етган экан, Мавлонқулов!» — деб шивирладинг алам билан.

— Қирол ҳазратлари ялангоч-ку, Светлана Сергеевна? — дединг пешонанг тиришиб.

Кравцова ҳайрон бўлиб қўлларини ёзди:

— Ким ўйлабди шундай бўлишини, Султон Муродович? Бинойидек одамга ўхшарди, мажлисларда куйиб-пишиб, ҳаммадан кўпроқ гапирарди...

— Энди нима қилмоқчисиз? — дединг унинг гапини бўлиб.

— Нима қилишга ҳам ҳайронман. Ҳудаям хунук гап ташкилотимиз шаънига.

— Аввало, Мавлонқулов шу бизда ишлаган вақт давомида профсоюз йўли билан нимаики олган бўлса, ҳаммасини аниқлаб чиқиш керак.

— Вой-бў, Султон Муродович, ахир, у жуда кўп нарса бўлади! Мени ўзим билганимдан, Мавлонқулов бир марта Болгарияга, бир марта Венгрияга бепул саёҳатга бориб келди. Ҳар йили профилакторийимизда албатта дам оларди. Агар бунинг устига касаллик ва-рақаларини ҳам қўшсак... — Кравцова бош чайқади.

— Ҳаммасини шошилмасдан ҳисобланг. Акт тузинг-лар. Кейин обкомпрофсоюзга рапорт ёзинг. Вакил юборишсин, унинг иштирокида профкомнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказасиз.

— Султон Муродович, мен қарши эмасман, лекин... — Кравцова тараддудланиб қолди, — қандай бўларкин? Шунча одам қабъқа қараб ўтирган эдинглар, дейиш-масмикан?

— Светлана Сергеевна, — дединг кескин оҳангда, — чипқонни биласизми? Кўпинча одамнинг поматлуб жой-ларидан чиқади. Лекин уялиб ўтиравериб, кестириб ташламасангиз, қонга ўтиб, бутун аъзон баданини чиритиб юбориши мумкин. Тушунинг, ахир, ёлгонни ҳеч қачон яшириб бўлмайди, ҳеч қачон!

Кравцова тараддудланганча чиқиб кетди. Узоқ ўйга толдинг. Ўйлаган сари юрагингдаги шубҳа-гумонлар баттар кучайди: не ишларни кўзгаб қўйдинг, биродар? Ахир, бу одамлар қандай разил, қандай маккор, қанчалар хавфли! Белинг чиқиб кетмасмикан, Султон огайни? Ахир, улар сенга ўхшаган не-не одамларни ўз йўлидан ҳасдек супуриб ташлаган экан?! Дилингни ўртаётган нима бу — пушаймонми? Қўрқувми? Ҳа, буларнинг ишларидан, қора қилмишларидан қўрққулик, огайни, лекин сен қўрқма! Бошладингми — энди бешараф бўлиб ортга қайтма! Йўқса, ҳамма қатори жимгина туриш керак эди. Лекин сен жим туролмадинг... Ҳар бир виждонли одам умрида лоақал бир марта шахзода Ҳамлетнинг вазиятига тушмоғи керак — ё ҳаёт, ё мамот! Фақат шу нарсага имонинг комил бўлсинки, мавлонқуловларнинг чўнг қоядек юксалишига қанчалик кўп муддат кетган бўлса, вақт-соати етгач, шу қоянинг қушнаяқун бўлиши учун шунчалик оз фурсат кифоя! Мавлонқуловдан бош-

лаб то Қамар Шариповичга қадар ҳозир бир-бирини қандай кўринмас занжир билан тепага тортиб турган бўлса, ўша пайтда худди шу занжир билан бир-бирини тубанликка қараб тортиб кетади!..

Шундай деб ўзингга ўзинг далда берган бўлардинг, аммо борлигингга ўт солган қаҳр-ғазаб юрагингга сизмасди: беандишалик, бедодлик, каззоблик шунчалар ҳам бўладими, ахир! Мавлонқулов-ку, қурумсоқлиги билан азалдан машҳури олам эди, лекин, паҳотки, арзимас аъзолик бадалидан қочиб профсоюзга кирмаган бўлса? Бўлиши мумкин эмас. Балки, қачонлардир касаба союз соҳасида «хол қўйган» жойи бордир? Ким билсин!.. Бироқ бу шундай ғаройиб найрангки, ақлга сизмайди! Э, ақлинг нимаси — ҳатто кўкнорининг хаёлига ҳам сизмайди!.. Тавба, бу қадар ошқора сурбетлик! Нега у бунчалик ўзига бино қўйган? Тоғдек таянчи бор учунми? Нимаки номаъқулчилик қилмасин, бегазо қолавершини хўб яхши анлагани учунми? Ҳа, айнан шунинг учун! Шу сабабли кўпчилига келган ишни қилган, одамларнинг кўзига қум тўлдириб, оғзига оҳак суртган! Одамлар ҳам ажойиб: ана шу лўттибоз учун доимо «якдиллик билан — қаршиларсиз, бетарафларсиз» овоз берганлар...

Бу воқеалар июлнинг бошларида содир бўлган эди, йигирма саккизинчи август куни сен ишдан кетдинг... Устма-уст келган тафтишчилар, қулоч-қулоч ҳисоботлар, моҳирона битилган «юмалоқ хат»лар, «Эплогмасангиз, ариза ёзинг!» деган маломатлар ниҳоят ўз ишини қилди. Дастлаб бошда ўзингга унчалик олмаган эдинг, сўнги минутгача ич-ичингда бир умид пинҳон эди — гўё Қамар Шарипович аризангни йиртиб, саватга улоқтиради... «Ишхонамда вужудга келтирилган сунъий бескин вазият менинг будан кейин ишни муваффақиятли давом эттиришимга имкон бермайди, деб ҳисоблайман. Шу сабабли мени ўз лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман». Албатта, аризангда аччиқ таъна ҳам, бир оз ишжиқ-сираш ҳам йўқ эмасди, аммо ундаги асосий гап рост эди. Шунданмики, Қамар Шарипович аризанг тепасига бинафшаранг сиёҳ билан йирик қилиб: «Йигирма саккизинчи августдан озод этилсин», дея имзо чекиб кадрлар бўлимига чиқарганда, беихтиёр кўзингдан ёш чиқиб кетай деди!.. Сигарет тутатиб олай, деган баҳона билан шартта йўлакка чиқдинг. Бошқача натижа кутмаган бўлсанг-да, негадир юрагинг бирданига ҳувиллаб қолди. Қорнингга эмас, қадрингга йиғлагинг келди, Султон оғайни...

Кадрлар бўлимидан чиқиб кетаётганинда катта-катта кўзлари билан ҳамдардона тикилиб турган Зухраҳон, ишларни қачон топширасиз, деб сўради секингина. «Қимга топширай, ҳозироқ тайёрман», дединг. «Бўроповга топширасиз». «Бўроповга?! — Ҳайратдан қотиб қолдинг, сўнг бирдан ҳушингни йиндинг. — Майли, қачон боради?» «Борган бўлса керак», деб Зухраҳон тагин ерга қаради-да, бошини аста кўтариб, яна бир бор маънос тикилди. Унинг нигоҳида ҳамма-ҳамма нарса ойдин эди...

Фигонинг фалакка чиқиб, зиналардан қоқила-сурина пастга тушдинг. Ҳай, ўзингни бос, ўзингни бос, дер эдинг тинимсиз. Бўроповга деса Бўроповга, Урмоповга деса Урмоповга, бизга нима, топшираверамиз! Лекин шу нарса яна бир қарра аён бўлдики, уларнинг ишни яхшилашдан бошқа ҳар қандай мақсади бўлса бор экану фақат шу нияти йўқ экан! Йўқса, Бўроповдек нобоп номзадни бутун область бўйлаб кундузи чироқ ёқиб қидирганда ҳам топиб бўлмади. Демак, буларга менинг фақат жойим керак экан, холос... Майли, билганларини қилишени, лекин энди мени тинч қўйишса — бас!

Шундай деб борардинг у рагинг туз сенгандек ловиллаб ачишарди. Хароб бўлади ишлар, хароб бўлади! Энди энди онгли одат туенга кира бошлаган тартиб-интизом ҳам, бригада пудрати ҳам, умумий иш учун жавобгарлик ҳиссининг куртаклари ҳам бир ойга қолмай йўққа чиқади. Ахир, уларни йўлга қўйиш учун қанчалар қон ютган, қанчалар жонингни жабборга берган эдинг! Ҳаммаси ҳеч гап экан — бир зумда тамом бўлди-қўйди.

Йўлда кетиб бораркансан, хаёлингга шундай бир фикр келди: инсон, агар касбига астойдил меҳр қўйган бўлса, иши ҳам бора-бора фарзандидек бўлиб қоларкан. Мана шу пэмка ҳам сенга учта фарзанднинг қатори азиз бўлиб қолган экан. Сен уни оқ юзиб, оқ тарадинг, ўсиб-ўнishi учун қўлингдан неки келса, бариши қилдинг. ҳориган-толгашингга, ўлган-тирилганингга қарамадинг. Ниҳоят, ўша мурғак гўдак бугун азамат паҳлавон бўлиб етипти. Унинг али қоматига ҳавас ва ифтихор билан боқиб турганинда, бегона бир одам келдию шартта қўлидан етаклаганча индамай эргаштириб кета бошлади... «Ҳой, қаёққа олиб кетяпсиз? Бу менинг фарзандим!» дединг жонҳолатда. Бегона одам шошилмай ўгирилиб қаради, нурсиз кўзларида совуқ бир ўт чақнади. «Довдираманг, бу боланинг сизга ҳеч қандай дахли йўқ!» — деди у секин, аммо қатъ-

ий қилиб. Бошинга болта тушгандек гангиб қолдинг, нажот тилаб алиқомат наҳлавонга қарадинг — у жимгина ер чизиб турар эди...

Уйга буткул афтодаҳол қайтдинг — суюкли фарзандини алдаб жаллод кўлига топшириб келган сотқини, манфур отадек кўнглинг алағда эди.

Отпускадан қайтишинг билан Серёжа Ершов РСУсига ишга чақирди. «Отайини, бир-биримизни минг йилдан бери биламиз, — деди кўлиниги кўйиб юбормай, — менга прораб керак, эртадан иш бошлайверасан».

Сен-ку, янги жойда тинч-омон ишлаб кетдинг, бироқ сени деб эски ишхонангдан бир йил ичида етти киши ишдан кетди: бульдозерчи Муҳаммад, Сайфулло ака, Равиль Гиззатуллин, бетончилар бригадир Рихсеной, бухгалтер Самадова, анови сариқ бола — пайвандчи Ўтбосаров, экономист Кравцова... Уларнинг ҳаммаси бир мажлисда сени ёқлаб гапирган экан. Буни эшитиб кўзларингдан ёш чиқиб кетди. Ахир, уларга ҳеч бир мурувват қилган жойинг йўқ эди: Равиль абзийни ичгани учун мукофотдан маҳрум қилган эдинг. Самадова икки марта ишдан кечикканда ҳайфсан берган эдинг... Муҳаммад уч йилдан бери янги бульдозер деб ҳиқилларди, арзига қулоқ ҳам солмаган эдинг... Эҳ, подон, наҳотки улар сени деб олишинган бўлса? Йўқ, улар ҳақиқат излаб, адолат истаб талашинган! Қамар Шариповичнинг қудратли бир ҳимоси билан бу етти киши бир йилнинг ичида етти ёққа ироқанда бўлди-кетди: кимдир «ўз аризасига кўра» бўнади, кимдир базўр қочиб қутулди. Бир гал Рихсенойнинг маслаҳат сўраб келгани ёдингми? Биргаликда юқорироққа арз қилайлик, деб келган эди у. Аранг йўлдан қайтардинг. Энди бир кам «гуруҳбоз» деб ном орттиришинг қолган эди! Рихсеной қаттиқ рағиб кетган эди ўшанда...

Батъан туриб-туриб, юрагинг қаъридан ички бир овоз неёи кўтариб ишо қиларди. Наҳотки, шу тариқа жимгина таслим бўлиб кетаверсанг? Тақдирга тап бериб ўтираверасанми? Мардлинг, журъатинг, жасоратинг шундай тез тугаб битдимми?.. Аммо кўлинигда яна нима келади? Ахир, курашмоқ учун майдон керак, қурол керак. Сен эса иккиенни ҳам бирдан бой бердинг. Йўлбарснинг қаршисига қуруқ қўл билан наъра тортиб чиқини — курашчанлик эмас, қип-қизил телбалик бўлур эди. Яна нима қолди? Идорама-идора ариза кўтариб юришми? Маҳкамаларо саргардонликми? Эҳтимол, бошқа одам бунинг урдасидан чиқар, сўнгги имконгача олишар, бироқ сенинг бунга қурби-қудратинг келмайди: биричидан, бетинг чидамайди,

иккинчидан, сабринг етмайди. Биласанки, ишдан айри тушган кунинг, бекор қолган кунинг — ўлганинг...

Аламипгни, армонингни, қасду жаҳдингни меҳнатдан олдинг. Лаънати касаллик тинка-мадорингни қуритмаганида, Ершов билан пенсияга чиққунингга қадар ишлай-верардинг. Бошингдаги огриқ кундан-кунга кучаймоқда эди...

Пахта янги очилган кунлар эди, бир якшанба ишчиларни олиб ҳашарга чиқдинг. Кечқурун ҳориб-чарчаб, гузардан ўтиб, маҳалланга бурилганида, ортиндан яп-янги «Волга» қувиб ўтиб ўн беш қадамча олдинда тўхтади. Машина эмас, дулдулнинг ўзи. Кишнамайди, холос. Эшик очилиб, не кўз билан кўргинки, илжайганча Мавлонқулов тушиб келяпти! Уст-бош шундай башанг, бежирим — гўё машҳур киноартист съёмкага кетаётгандек...

— Ассалому алайкум, — деди Мавлонқулов қўлини чўзиб.

Салом — қиёмат қарз, индамай сен ҳам қўл чўздинг.

— Ҳорманг. Ҳа, бундай? Пахтаданми? Ўтиринг, обориб ташлай? — Мавлонқулов илтифот билан машина эшигини очди.

— Қаёққа обориб ташлайсиз? — дединг заҳархаша қилиб.

— Қаёққа бўларди, уйингизга-да. Қўрқманг, бизда ундай номардчилик йўқ. — У шундай дея эгилиб, шимининг почасига қўнган гардни қоқди. — У гаплар... энди эрдан чиқиб кетган. Одамнинг насибаси узилмаса, қаердан бўлса ҳам териб сяверар экан.

— Қаердан териб сяпсиэ энди? — дединг баттар ўчакишиб.

Ажабо, Мавлонқулов бу заҳар-заққум гапларингга пинак ҳам бузмасди!

— Трестдаман, — деди бамайлихотир. — Ўтиб туринг. РСУ га ҳам ул-бул керак бўлиб турар, ахир? Хўш, бўлмаса, омон бўлинг.

У қисқа сигнал босиб, йўлига яқнади. Катта кўча бўйида лолу ҳайрон, тўзонга ботганча қолавердинг. Наҳот доим шундай кетаверса? Наҳот буларнинг танобини тортадиган киши бўлмаса?..

Бир тонг... худди эртақдагидек гаройиб воқеалар рўй берди. Сен орзиқиб кутган кунлар келган эди! Ҳамма нарсанинг ўз номи бор экан, ўз номи билан айтила бошланди — ортиқ зарбулмасалга ўрин қолмади. Адолатни топтаганларнинг ўзи топтала бошлади, ҳақиқатни бўғганларнинг ўзи бўғила бошлади. Эсингдадир, юрагинг тўла ҳая-

жон, бошингда мислсиз огрик, касалхонада ётганингда. тўсатдан марказий бир газетада сенинг номинг ҳам зикр этилиб қолди. Бу мутлақо кутилмаган ҳол эди. Бори-борлигинг титраб, чўлу биёбонда сувсиз қолган йўловчи ташналиги билан, ҳамхонанг ҳовлиқиб тоғиб келган газетадаги «Собиқлар» деган мақолани ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқдинг. Ва шундагина атрофингда инсонлик шаънига буткул бегона уят ишлар нақадар авж олиб кетганидан яна бир қарра воқиф бўлдинг. Бойлик деб, шўҳрат деб виждонини йўқотган не-не улугеифат кимсалар қатори собиқ бошлигинг Қамар Шариповичнинг кирдикорлари ҳам бирма-бир байн қилинган эди. Мавлонқулов масаласи — у одам қилмишларининг дегиздан бир томчиси экан, холос! Мақолада у кишининг оплавий ҳаётига тааллуқли, латифадан ҳам баттар қулғили бир воқеа зикр этилган эди: хотини область марказидаги медицина институтида декан экан. Бундан тўрт йил муқаддам кенжа қизи опаларининг изидан бориб, онаси декан бўлган факультетга ўқишга кирибди. Қизиги шундаки, айни кириш имтиҳонлари бошланган пайтда абитуриент қизча Сочига — «Ўзбекистон» санаторийига дам олгани жўнаб кетган экан. Августнинг охирида дам олишдан қайтиб, у ўзининг йигирма тўрт балл баҳо билан институтга қабул қилинганидан хабар тоғибди... Аммо, ҳаммасидан ҳам, меҳрибон онанинг бу воқеага берган шарҳи ғаройиб эди. «Нега бундай қилдингиз?» — деган саволга у жиддий туриб: «Нима, бўлмаса, қизимни санаторийга нечестнийлик қилиб, бировнинг номи билан юборишим керакмиди?» — деб жавоб қилган эди... Мақолада сенинг номинг ўзинг тапийдиган ва танимайдиган беш-олти кишининг исм-фамилияси билан бирга қайд этилган эди, кўзларингга ёш қалқиб, шу жумталарни энтикиб ўқидинг: «...сингари ҳалол, принципиал ва ташкилотчи мутахассисларни шафқатсизларча таъқиб этди, ҳар қандай йўллар билан бадном қилишга интилди...».

Давомини ўқийлмай, деворга суяшиб қолдинг. Юрагинг бугун вужудингни ларзага солгудек гурсилларди. Адолат бор экан-ку! Бор экан-ку ҳақиқат! Албатта, бор! Адолат албатта боқий! Ҳақиқат албатта мангу! Йўқса, одамзоднинг ер юзида қумурсқадек сургалиб юришидан ҳеч қандай маъно йўқ!..

Куз оқшомларининг бирида касалхонадан чиқдинг. Уч қулдан кейин обкомга чақирिशди. Бординг. Суҳбат қисқа бўлди. «Ўртоқ Муродов, вазиятни кўриб турибсиз. Бизнинг ҳамма гаждан хабаримиз бор. Кеч бўлса-да, энди бу хатони тузатишимиз керак. Ўзингиз ишлаган ташкилотга

юборсақ, борасизми? Коллектив сизни талаб қияпти. Мана, ишчиларнинг хати, имзоларни кўряписизми? Лекин олдиндан айтиб қўяйлик: ахвол жудаям чатоқ. Бўронов пэмкани чўктириб қўйди, иши терговда. Борадиган одамга ниҳоятда оғир бўлади. Нима дейсиз?»

Нима деярингни билмай қолдинг. Худди эртақдагидек эди-да, ахир! Одамлар... одамлар сени унутмаган экан-да!.. Кўнглингда алам-армонлар, таассуфлар қат-қат, бироқ хозир майда-чуйда гиналару арзимас аразларнинг мутлақо ўрни эмас эди. Бир четда томошатаалаб бўлиб илжайиб туриш эмас, қўлга супурги олиб пўпанак босган майдонларни тозалаш керак эди. Ахир, осмонни фалакда қуёш нур сочиб турибди, боғу боғчаларда гуллар очилган, дарахтлар шохидида қушлар валфажр ўқийди — ҳаёт давом этмоқда: ахир, ошиқ-маъшуқлар роз айтишиб қовушмоқда — кимдир уларга уй-жой қуриши керак; эрта-индин улар ширин-шаккар фарзандлар кўради — кимдир боғча бунёд этиши керак; ҳадемай шу мурғак гўдаклар ўқинига боради — кимдир мактаб барпо этиши керак! Сен қилишинг керак шу ишларни, сен — Султон Муировов!

Ёдингдами, ажойиб куз кунларининг бирида икки йил бурун мосуво этилган даргоҳингга ёруғ юз билан қайтиб борганинг? Оламда сендан бахтли инсон йўқ эди ўша кун!.. Ҳаммасини яна бошдан бошлаш керак эди. Мавлон-қуловлар бурчак-бурчакларда биқиниб ётарди. Иш демаганлари пўртанадек қайнаб тошарди — борлигинг билан шўнгиб кетдинг. Аммо бошингдаги мана шу чидаб бўлмас оғриқ...

Энди ишлайдиган, энди яшайдиган ажойиб кунлар келган эди, Султон оғайни. Алам қилмайдими, шундай пайтда сафларга ярамай ўтирсанг! Ахир, бу қандоқ бедодлик, қандоқ бедодлик!»

* * *

Улар шовқин-сурон билан, қуюндай бостириб келишди. Жияни билан жўрасини кўриб, ушнинг баҳри дили очилиб кетди: иккаласи ҳам ёш, ўктам, кўзалари чақнайди, вужудидан навқиронлик ёғилади...

— Туринг-э мундай, ётаверадими шу, минг қўйли бойдай! — доб вағиллади Камол эшиқдан кирган замони. — Ё бел-мел сиғиб кетганми? Бу ернинг жононлари шўх, қўймайди!

— Хўш, Султон ака, — деди Абдулла салом-алиқдан сўнг, — қаёқлардан сўраймиз энди? Яна ўрмон қирққани

кетянензми? Сизнинг дастингиздан тайгада ҳам ўрмон қолмади, дейман!

Султон илгари бир-икки марта ёгоч материаллари унидириб келгани Сибирь томонларга борган, жиняни шунга шама қилмоқда эди.

— Тўғри айтасиз, — деб кулимсиради у. — Йўқ, бу гал сафаримиз қисқа. Томоша қилгани келдик-да шахршигизни.

— Сизларни кўрмай, деб-а?

— Э, бўлди-да, ҳадеб гинахошлик қилаверасанми! — деди Камол ёлғондан қовоқ уйиб. — Мени шунақа амаким бўлганда, тўй қилиб берардим. Сенга бир малоли йўқ, оғирлиги йўқ. Ҳангоманинг ҳаммаси бизнинг уйда-да! Эрталабдан эшик жириглайди. Аранг туриб очаман. «Ассалому алайкум, ака, таппадингизми, ўтган йили Омоиқўтондаги чойхонада бирга чой ичиб эдик, ҳўв чипорди тагида, эсингиздами, ҳа-ҳа, ўша Сайфулломан, шуйтиб, десаингиз, бир шаҳарлаб келиб эдик, гастинса-пастинса қилиб юрамизми, шундоқ огайнимиз турганда, хафа бўлади. деб, мана, жўраларни эргаштириб келяпмиз-да. Ҳай, Омонтурди, юрингизлар, носингни ташла-е, касофат!» — У афтларини буриштириб, ўзини минг кўйга солиб шундай муқом қилардики, Султон билан Абдулла кулиб юборишди. — Ҳай, баъзан ўзимга ётишга жой қолмайди уйда. Шартта калитни қўпоқларга бераман-да, ўзим бирор жўрамникига кетаман. Лекин манави жиняпингизда одамгарчиликдан «о» харфи ҳам йўқ, кечаси борсангиз, эшигини ҳам очмайди. Хор бўлиб меҳмонхонага бораман. Тошкент паспорти билан у ерга қўймайди, охириги трамвайга осилиб, бир амаллаб, она вокзалга етиб оламан, ниссиққина...

— Шунинг учун сира уйингда ётмас экансан-да! — деб кесатди Абдулла.

— Ҳе, менга осон дейсанми, жўражон! Вазирам оғир, Абдулмалик, вазирам оғир! Мана, шу бугун ҳам саккизтаси бостириб келган. Билмадим, ҳали Султон акаям бораман деб қолса... — У қув кўзларини қисиб, «оламшумул гусса» га ботди.

— Э, мен Камолжонникига бориб ётаман, деб меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилиб қўйган эдим-ку, — деб илжайди Султон...

— Вой-бўй! Абдулла, жўражон, ахир бир кун қамалиб кетаман-да, мана кўрасан! Уйда гастинса очган, деб қамалиб кетмасам эди! Вой, энажоним-эй! Майли, жўражон, ўлсам, менинг қабримга «Меҳмондўст меҳмон эди», деб ёздириб қўйрасан, хўинми?

— Бекорларни айтибсан! — деди Абдулла сигарет тутатиб.— Ўлиб қутулмоқчимисан? Бари бир бугун уйингга борамиз!

— Ох, шўрим курсин, шўргинам курсин! Аслида, ўзим аҳмоқ эканман — хотинининг ҳам бир соқовини олганман!

Султоннинг дилида заррача бўлсин губор қолмади, халёлида яна ўша сатрлар чарх урди, лекин бу сафар надомат ва афсус туймади: «Сен узоқ яшайсан, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларининг ўйнаб юрибди...»

— Начора, кетдик бўлмаса, уйда анави истилочилардан бирор бурда қотган-қутган нон омон қолгандир,— деди Камол ўрнидан туриб уҳ тортаркан.

— Кетдик,— деди Султон ҳам костюмини кийиб.— Хўш, ҳозир Тошкентда энг яхши ресторан қайси?

— Биз борадиган рестораниннинг ҳаммаси яхши,— деди Камол шоша-пиша.

— Э, ресторанини нима қиласиз! — деди Абдулла асабий тиришиб.— Фақат пулни шилади, шовқин, бир бало иримтиклар беради, оғизга олиб бўлмайди. Кетдик уйга. Ярим косадан шўрва ичиб, гурунглашиб ўтираммиз.

— Шўрвангги ўзинг ич! — деб ғудранди Камол ва меҳрибонлик билан Султонга юзланди.— Парво қилманг, бу қишлоқнинг ўттиз йил кишиши билан боқсангиз ҳам одам бўлмайди. Мен сизга айтсам, рестораниннинг энг яхшиси — Киночилар уйида! Тошкентнинг бутун гуллари кечқурун шу ерда йиғилади...

— Тошкентнинг бутун пуллари, десанг-чи! — деб тўнғилади Абдулла.

— Жим ўтир, қишлоқи! Қишлоқи ойимқиз! Сенда заррача одамгарчилиг бўлса, озиб-ёзиб бир келган амакингги бетон каталагингга обориб қамармидинг?! Нима, Султон ака кўрмабдими бунақа каталакни? А, Султон ака? Ўзингиз қанчасини қуриб ётибсизу бунақани!

Султон қулимсираб бош ирғади.

— Меҳмон — отангдан улуг, деган машойихлар. Меҳмоннинг кўнглига қараш керак, уни шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойлари билан таништириш керак, пўкак-бош! Менга ўхшаган диққатга сазовор одамлар билан улфат қилиб кўйиш керак, англадингми, манглайи қора? — Камол ҳамон жағи жағига тегмай жавраб борарди.

— Сенинг ниманг диққатга сазовор экаи? — деди Абдулла эшикни очиб, Султонга йўл бераркан.

— Менинг ҳаммаёғим диққатга сазовор! Тилимни айтмайсанми, лоақал, бунақа...

— Ёғда қовуриладиган тил,— деб луқма солди Абдулла.

— Тилимга тил теккизма, бетамиз! Нега эшикка кўндаланг бўлиб олдинг, худди бир нарсага ўхшаб...

Султон уларнинг бегубор даҳанаки жангига, бсозор лақиллашларига оҳиста қулоқ тутиб келаркан, тагини Қудратни эслади, уни согинганиши, жуда қаттиқ кўргиси келаётганиши ҳис этди. «Дўсти содиқ, қайлардасан? Чорласам, овозим стармикан? Куни кеча сен билан худди мапа шундай юрардиқ, яйраб-яшшаб; бутун шаҳар, наинки шаҳар, бутун олам ўзимизники эди, дилда армон, юракда ваҳмдан асар ҳам йўқ, ҳаёт мангу қаҳқаҳадек туюларди...».

Тақси бекатида яна жиндақ мунозара бўлди. Абдулла сўнгги бор уйга қистаб кўрди.

— Эртага борамиз, — деди Султон унинг елкасига қўлини қўйиб. — Бугун шундоқ бир эркакча давра қилиб ўтирайлик.

— Уят-уят гаплардан айтиб... — деди Камол жиддий туриб.

Абдулла почор кўнди.

— Қани, замондошлар, олга бўлмаса! — дея Камол йўл бошлади.

— Ҳой, мунча вагиллайсан, секинроқ-да! — деди Абдулла унинг тирсагидан тутиб.

— Нарн тур-э, оғзимгаям хўжайинмисан! Кўрдингизми, Султон ака, буингизни... — деб «арз қилди» Камол лабларини чўччайтириб.

— Парво қилманг, — деди Султон, — бу меҳмонхонани ўзимиз қурганмиз, қанча эркалик қилсак, ҳаддимиз сиғади.

— Ростданми! Яшаанг-э! Манави ғалчага ўзингиз туншунтиринг. Эшитдингму, манглайи қора, бу ерни ўзимиз қурган эканмиз!

— Лекин энди ўзимиз бузишимиз шарт эмасдир, — деди Абдулла илжайиб.

Ресторанда одам сийрак эди.

— Асосий воқеа — бир соатдан кейин, — деди Камол билағонлик қилиб. — Бу ернинг суибул парилари ҳозир сўнгги кипригиши бўяяпти. Эй, яхши-да! Ҳа-а, Султон ака, бундай паршон? Ё бизни таклиф этиб қўйиб, энди нушаймон қиляпсизми?

— Йўғ-э, — деди Султон ва шоша-пиша кафтлари билан юзларини, пешонасиши ҳорғин сидирди. — Қани, олинглар. Жиндақ хаёлим кетиб...

Қачонки, ресторан остонасидан ҳатласа, ўша воқеа — Қодирқул «мишбоши»нинг туғилган куни эсига тушади, барча тафсилотлари секинлаштириб олинган кинолентасидай кўз олдидан бир-бир ўта бошлайди.

Улар Аянинг уйида танишган эдилар. Султон билан Қудрат бу ерга келгунча Қодирқул бир ўзи тўрдаги иккита хонани ишғол қилиб яшар, бекники бежоглиқ, дегандек, ўзи хон, кўлашқаси майдон эди. «Мингбоши» деган рутбаи олийни унга Қудрат ҳиммат кўрсатиб ўз ёнидан ишғом этди — саргишсоч, найнов бу йиғит қўл узатиб: «Қодирқул», деганида у пилдираганча бориб таъзим қилди, товуши товланиб: «Ассалому алайкў-ўм, мингбоши почча!» — деди. Ая ҳам, Султон ҳам, ҳатто Қодирқулнинг ўзи ҳам кулиб юборишди. Қудрат умрида бор-йўғи битта спектакль — «Бой ила хизматчи»ни (уни ҳам телевизорда!) кўрган, лекин барча репликаю ремаркалари ёд бўлиб кетган эди.

Шу тариқа Қодирқул «мингбоши»га айланди-қолди.

У асли Наманганнинг тоғли районларидан, содда, бўшбаёвгина йиғит. Беш-олти йил бурун университетни тугатиб, аллақайси илмий тадқиқот даргоҳининг тупроғини ялаб ётарди. Ҳа, қўштирноқсиз, айни маънода — тупроқшунослик бўйича илмий иш қилиш ҳаваси билан юрарди. Аммо бу ишнинг қачон бошланишини ҳеч ким билмаганидек, қачон тугашини ҳам ҳеч ким билмасди. Қодирқулнинг тупроқшуносликдан кўра, санъат оламига, аниқроғи, санъаткорларнинг «ички» оламига муҳаббати баландроқ эди: ким қандай янги қўшиқ айтди, қайси артист қайси артистка билан топишди, ким ким билан ажрашди, фалончининг доирачиси истончининг гармончисига қайси тўйда нима деган, писмадончи тўрт йил бурун сотиб юборган машинанинг номери қанақа эди ва х.к., х.к. Бу соҳанинг у қомусий билимдоши эди, фақат мазкур билимнинг нимага кераклигини бирор кимса билмасди, холос. Қодирқул ўқув хўжаликларига боришдан безиллар — далаларнинг диссертация бўладиган бўлиқ тупроғидан кўра, шаҳарнинг чанг-тўзонини афзал кўрар эди. Оддийгина қилиб, очигини айтганда, у бунда нима учун қолганини, нима излаб юрганини ўзи ҳам билмайдиган юзлаб шаҳарсевар дўстларимизнинг бири эди.

Бир ёз оқшоми эди. Ая қизиникига кетган, ҳаво дим, каравотларни ҳовлига чиқариб, ярим яланғоч осмонга боқиб ётардилар, тўсатдан Қодирқул устма-уст хўрсиниб:

— Эҳ, укалар, қўли қисқалик қурсин, ўтиришимизни қараглар, бугун тугилган кушим-а! — деди.

Қудрат ўрнидан санчиб турди, гизиллаб, яланг оёқ уйга чоңди, бир минутдан кейин деразадан бошини чиқариб кичқирди:

— Нега алдайсиз, мингбоши почча, йўқ-ку?

— Нима йўқ? — деб сўради Қодирқул оёғини талаётган пашшаларни шап-шап уриб.

— Календарда йўқ-ку, мапа, ёзмаган-ку!

— Ҳа-а... — деб бепарво қўл силтади Қодирқул.

Султон ўқиб ётган китобини ёниб, бошини кўтарди. Қудрат қотган пон кавшаганча келиб Қодирқулнинг каравоти четига ўтирди:

— Оёғингизни уқалаб қўяйми, мингбоши почча?

— Боринг-э! — деди Қодирқул аччиқланиб ва тере ўгирилиб олди.

Қудрат сассиз кулиб, водопровод томон кетди.

— Нечага кирдингиз, Қодирқул ака? — деди Султон хиёл жимликдан сўнг.

— Ўттизга, — деди Қодирқул, кейин қаддини ростлаб, ёстиққа ёнбошлади-да: — Қаранг, дарров-а! — деб ҳоргин жилмайди.

Султоннинг дафъатан кўнгли бир хил бўлиб кетди.

— Туринг. Қодирқул ака! — деди ўзи ҳам кутмаган бир шахдамлик билан. — Ўттиз йилда бир ўттизга кириб-сизу... Ҳой. Қудрат, қай гўрга гум бўлдинг?

— Нима дейсан? — Ҳовли этагидан — гира-шира қоронгилликдан Қудратнинг овози эшитилди, сал ўтмай ўзи ҳам кўланкадек судралиб келди.

— Қодирқул акам ўттизга кирибдилар, нима, ўтираверамизми шуңдоқ? — Султон товушини атай баландла-тиб, унга синовчан тикилди.

— Қуллуқ бўлсин, «мингбоши» почча! — дея ҳиринглаб кулди Қудрат. — Қўйни сўяверайми? — Султоннинг ҳануз ўзидан кўз узмай турганини сезиб: — Нега бақраясан, менда бор-йўғи ўн икки сўм бор! — деди шангиллаб.

— Хўш, ўн икки бўлса... — Султон стул суянчигидан шимини олиб, киссасини кавлади. — Мапа, бизда тўққиз сўм экан...

Қодирқул индамай, ётган жойидан гижимланган беш сўмлик узатди.

— Эртадан кейин ойлик... — деди гуноҳқорона илжа-йиб. — Ўтган кунни Дадахоннинг концертига тушмага-нимда...

Қудрат аллақачон кийиниб бўлган, пулни ҳам, ташаббусни ҳам қўлига олган эди.

— Йигирма беш, йигирма олти... — деди у лаблари ин-чирлаб, сўнг қўлларини бир-бирига шиқаб, хуш-хандон жилмайди. — Қани, турсинлар, «мингбоши» почча, бу пул-га сизни бемалол уйлантириб қўйсам ҳам бўлади. Зўр бир жоноп бор, онаидан бошқа ҳамма ўпган, оберайми шуни?

Қодирқул, чиройи ёришиб, огзининг таноби қочди. Троллейбусга тушиб, «Чинор» ресторанига келдилар. Қудратнинг йўлдаги ҳисоби бўйича, бемалол еб-ичиб, хурсандчилик қилиб, атир сепадиган қоровулга ўн беш тийиндан танга ҳам ташлаб чиқишлари мумкин эди.

Дарҳақиқат, бошда бинойидек ўтиришди. Таом, мусаллас, шарбат, кўкат, хуш кайфият, ёши ўтинқираган бўлса-да, серзавқ, сертабассум хизматчи аёл... «Мингбоши»нинг соғлиғига, илмий ишларининг ривожига, унинг бир қуи келиб академик бўлиб кетганида иккита ялангоёқ студентни унутиб юбормаслиғига, тезроқ яхши жойлардан ато қилишига қайта-қайта қизгин тилаклар билдирилди. Қодирқул, чиндан ҳам онадан қайта тугилгандек бахтиёр эди. Афсуски, одамзод гам-ташвишдан бошқа ҳамма нарсанинг чексиз давом этишини истайди. Бўлмаса, ўша бахтиёрликка заха етмай туриб астагина чиқиб кетишлари мумкин эди, тамшаниб қолшда ҳам қанчалар лаззат бор, ахир! Лекин...

Лекин шу пайт ердан чиқдимн, осмондан тушдимн, столларининг ёнгипасида мода журналишининг муқовасидагидек башанг кийинган икки йигит ва Қудратнинг таъбири билан айтганда, бир жуфт қиз пайдо бўлди. Йигитлар «мингбоши» билан қучоқлашиб-ўпишиб кўришишди, олар билан ҳам гуё минг йиллик қадрдошлардек қуюқ омонлашишди. Давра ўз-ўзидан кенгайди. Султон бу йигитларнинг исмидан бошқа ҳеч нарсаин — кимлиғини Қодирқулга қандай алоқаси борлигини билмади, билолмади. Қудрат эса аллақачон ҳолвайтардек сув очиб, ёнида ўтирган қулча юзли, жамалаксоч қизга хушомад қилишга тушиб кетган эди. Йигитларнинг бири буюртма берди, кўп ўтмай янги ва янги, хилма-хил ноз-неъматлар келди. Бир оздан кейин туриб, қизлар билан навбатма-навбат рақс тушдилар. Султон пайт пойлаб, Қодирқулдан сўраб олмади. деб уввало уринди — беҳуда, қизларнинг иккинчиси «мингбоши»нинг атрофида парвона эди. Яна ҳазил-хузул билан ширингина гуруннг давом этди. Пайдар-пай қадаҳ айланди, латифа устига латифа... Бир маҳал «мингбоши» билан Қудрат қизларни тагин рақсга таклиф қилиб, даврага тушдилар. Султон йигитлар билан қолди. Ҳамманинг нигоҳи ўртада — рақс тушаётганларда, ғаройиб мусиқа гумбурлайди, кўнгилда титратма, кўзлар тўла ҳаяжон. Бир пайт ёнига қараса, йигитларнинг бири афтини буриштириб ўқчиапти, иккинчиси унинг тепасида сув тутиб турибди, шунда ҳам қўли кўксига, Султонга боқиб хижалатомуз илжайди: «Сал мазаси қочиб қолди ошнамининг, кечирасиз-

да, биз хозир...» «Бемалол, бемалол, — деди Султон, — бир совуқ сувга юзларини ювсалар...» «Хе-я, парво қилманг, боплаймиз, — деди йиғит шеригини аста етаклаб, столлар орасидан олиб ўтаркан. — Ўзингиз ўтириб турасиз-да, узр...»

Султон бош ирғаб, яна рақс тушаётганларга тикилди.

Йиғит рост айтган экан: чиндан ҳам болади — беш минут, ўн, ўн беш минут ўтди, бир соат, икки соат, мана, ўн беш йил ўтди, аммо Султон қайтиб уларни кўрмади! Ҳатто афт-баинараси қанақалигини ҳам минг урингани билан эслаёлмайди. Баланд бўйли бир йиғитнинг қўлини кўксига қўйиб хижолатли илжайиб турганигина ёдида қолган, холос. Бу галати, сирли улфатлар «опасидан бошқа ҳамма ўнган» икки қизини, шоҳона дастурхонини, серзавқ, сертабассум ва сержаҳл хизматчи аёлни, эшик олдидаги столда минерал сув ҳўнлаганча зеркиб ўтирган ёшгина милиционерни, жон олгувчи мусиқаю шўх рақсларининг барча-барчасини «мингбоши»га, Султон ва Қудратга — унинг чўнтагидаги йиғирма олти сўму қирқ икки тийни ва беш дона трамвай абонементига қолдириб, қандай пайдо бўлган бўлсалар, шундай ими-жиммида ғойиб бўлишди. Қизлар шерикларини лоақал кўнгли учун бир огиз сўрамаганидан сўнг Султон нақадар чув тушганликларини англадию пентмаси чиқиб кетди. «Мингбоши» билан Қудратга қараб фигони фалакка ўрлади: ҳеч гандан бежабар, қизлар билан хингиллаб ўтиришибди. Аста стол тагидан Қудратнинг оёгини босди.

— Ҳа? — деди Қудрат кўзини лўқ қилиб. Чамаси, суҳбати жопондан чалгитилганига бениҳоя оғриган эди.

— Бир чекиб келайлик, — деди Султон.

— Чекавер ўзинг, сигаретим қолмаган, — деди Қудрат бепарво ва яна эгилиб, қизга гапини маъқуллай бошлади: — Кейин мен шартта ўрнидан турдиму...

Султон бўғилиб, қаршисидаги қўл-оёқли, тил-жағли бу тўнкага тикилиб ўтираркан, шартта ўридан туриб, унинг ёқасидан олишдек бемаъни истақдан ўзини базўр тиймоқда эди. Ахийри бир бало қилиб, арқон солиб судрагандек уни базўр четга олиб чиқди. Қудратнинг кайфию каналаги бир зумда учди-кетди, ранги гезариб, унга ёпишди:

— Ҳаммаси сендан бўлди! Ётувдик типчигина! Ҳе, тугилмай ўлсин «мингбошинг!» Мен билмайман, тўласин энди ўзи!

— Бўкирма. Нима қилдик энди?

Қудрат алам билан вишиллади:

— Тузукроқ қарадингми у ёқ-бу ёқни?

Тасдиқ жавоби олгач, бирдан бўшашиб:

— Юр, биз ҳам... секингина... — деди.

— «Мингбоши»-чи? — деди Султон иккиланиб. — Ўлади-ку?

— Ҳе, ўлмаса, ўмбалоқ ошсин-а! Қасофат, шундай кунда тугиладими келиб-келиб!

— Кунга нима қипти? — Султон беихтиёр кулиб юборди.

— Ўн учинчи бугун, ой ҳам тугилади кечаси.

— Ойни қўйсанг-чи, ўзимиз тугилиб ўтирибмиз-ку...

— Нима қилдик, а? — Қудратнинг қудратидан заррача асар қолмаган, шу тобда дунёдаги энг ношуд-нотавон кимсага айланган эди. — Соатимни берсаммикан? Олмайти, бошига урадим, буям тўхтаб ётибди!

— Чақир анави «мингбошини», — деди Султон ўйланиб.

— Сен бориб оёгини бос, шу ерга келсин.

Султон икки қадам жилиб, тўхтади:

— Тагин мени ташлаб, а? Худди Учқўргондан кўрсатаман! — деди муштини дўлайтириб.

— Оббо, юрагинг чиқмасин! Фалокат босмаса, шу бугун сепларга қўшиламанми? Консерванни еб ётувдим-а, тинчгина...

Беш минутдан сўнг Қудрат билан «мингбоши», аниқроғи, унинг сурати стол ёнига қайтиб келди. Қудрат энгашиб, Султоннинг қулоғига:

— «Мингбоши» тилдан қолди, — деб шипшиди, сўнг гўё ҳеч нарса бўлмагандек қизларга юзланди: — Хўш, жононлар зерикиб қолмадимми? Мана, битта янгиси: бир кун кечаси Афанди хотинига...

Султон унинг афт-ангорига қараб, «бир иложини топгандир-ов», деб ўйлади, ичини тирнаётган ит ҳам «чарчаб, чўзилди». Бироқ айни паллада у Қудратнинг азбаройи қўрқанидан ўзини дадилликка уриб ўтирганини қаёқдан ҳам билсин! Бир-икки им қоқиб, «мингбоши» дан сир олмақчи бўлди, аммо унинг тилдан қолгани рост шекилли, чурқ этмай ўтирарди.

У асаблари қақшаб, бу дилгир воқеанинг қандай бўлса-да, тезроқ тугашипи бетоқат кута бошлади. Хизматчи аёл ҳам юзидаги табассумлари сўниб, уларнинг ёнидан жиддий қилёфада тез-тез ўтиб қолди. Қудрат, оғзи гапда бўлгани билан, кўзи эшикда экан, бир пайт сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Ражаб акам! Э, Ражаб акам!

Сўнг гулихандондек яшнаб, қизларга: «Бир секунд»,

деди-да, Султопга кўз қисиб имлади: «Юр». Султоп ҳайрон, индамай, «ўлганнинг кетидан шаҳид бўлиб» эргашди.

Қудрат таре-турсе босиб, зал этагидаги шимқоронги, хилват бурчакка қараб юрди. Энг пойгакда басавлат, сочлари кумушранг ялтираб турган, дўппидек қоринчаси кўйлагини туртиб чиққан қирқ яшар чамаси бир киши билан қорачадан келган, ранги совуқроқ бир жувон ўтиришарди.

— Ассалому алайкум, Ражаб ака! — деди Қудрат қироят билан.

Ражаб ака деганлари чўчиб тушди, анил-тапил кўлини аёлиниг тиззасидан олиб, дув қизарди, беўхшов илжайди:

— Э, э, Қудратбойми? Ҳа-а, бундай бемаҳалда?

— Ассалому алайкум, онажон! Яхши ўтирибсизларми? — деди Қудрат пинак бузмай. Аёл билинар-билинамас бош иргаб қўйди. Қудрат стул суриб жойлашиб ўтирди, Султопга ҳам манзират қилди. — Ўтир, ўртоқ. Ҳа, ҳорманглар энди? — дея Ражаб акага қаради у.

Ражаб ака баттар довдираб гўлдиради, дастурхонга таклиф этаверди.

— Ишлар яхшими? — деди пешонасини дастрўмоли билан артиб. — Ўқиш қалай?

— Зўр, — деди Қудрат олдидаги фужерни тўлдириб минерал сув қуяркан. — Ўзингиздан сўрасак? Малака кўпайиб қолдими? Жуда камайиб кетган экан-да, а? Ҳе-хе...

— Кўрмайсизми, қариганда ўқийсан, деб... — Ражаб ака зўрма-зўраки кулмоқчи бўлди.

— Қариганда яхши-да, маза бўлади, — деб сирли ишшайди Қудрат.

Ражаб ака бу ганни эшитмаганга олди.

— Хўш, қишлоққаям бориб турибсизми?

— Ҳа, ўтган ҳафта келдим. — деди Қудрат, сўнг Ражаб аканинг кўзига тикилиб: — Оначамни кўрдим, қаранг, худди билгандек, поччангизни учратсангиз, салом айтинг, деган эдилар, айтиб қўяй, қиёмат қарз...

«Ў, ўлдирди-ку!» деди Султоп ичида ва зимдан аёлга раам солди: ерга тикилиб олибди, лаблари қимтилган, ҳозир туриб жўнайдигандек...

— Ҳай... — деди Ражаб ака тиш сугуртираётгандек ипқиллаб ва кўзлари мўлтиллаб, Қудратга ёлворди.

— Жиянчаларини кўрдим, ҳаммаси соғ-омон экан, — дея бамайлихотир давом этди Қудрат. — Айниқса, кичкина ўғилчангиз, Бунёдмиқди оти, жудаим ширин бўити, шунақанги шўх...

Яна мусиқа янгради. Қудрат Султопнинг оёгини жон жаҳди билан босди.

— Зўр-а?

Султон унинг пиятини англаб, аста ўрнидан турди, аёлининг рўпарасига келиб, нақ Монпарнасада тарбия кўрган аслзодалардек, тавозе билан бош эгди:

— Рухсат этинг?

Рақс тугаб, стол ёнига қайтиб келганларида, Қудрат билан Ражаб ака апоқ-чапоқ, икковиининг ҳам рангига қон югурган, тинмай хахолашар эди. Беш минутча ўтириб, хўшлашдилар.

— Энди эрталабгача давом эттирсак ҳам бўлади, — деди Қудрат дарров кўрган кунини унутиб.

— Валдирама. Нима қилдинг? Ким ўзи у?

— Сўрама, соз бўлди. Сельпоинг раиси. Бизга жиндай поччабашара бўлади. Ўзи етқазди-да, хайрият-э! Пулини олаётганимда хурсанд бўлганини бир кўрсанг эди!

— Йўғ-э! — деди Султон ишонқирамай.

— Йқон ука, шу гап шу ерда қолсин, деб шундай эланади!

— «Мингбоши» поччангга раис поччангдан оберибсан-да?

— Ҳе, «мингбоши» поччампи... Ўтиргандир кўриқчига ўхшаб?

«Мингбоши» чиндан ҳам полиздаги кўриқчининг ўзи бўлиб ўтирарди. Энг қизиги шундаки, ташқарига чиққач, у сўкнииб:

— Э, номард экан-ку, огайниларингиз! — деди.

— Қанақа огайни?! — деб чувиллади Қудрат бошини чапгаллаб. — Э, танимайсизми ҳали?

— Қаёқдан тапийман?

— Ахир, ўпишиб кўришдингиз-ку? — деди Султон бўғилиб.

— Ўзлари лабини чўзди, ўпишавердим-да, — деди Қодирқул елка қисиб.

Учаласи тажанг, даргазаб бўлиб, бир-бирига қарадию... бирданига кулиб юборишди. Айниқса, Қудрат қорини чапгаллаганча, сочлари тўзғиб-тўзғиб кулар эди:

— Қойил! Ўғрини қароқчи урибди, қойил! «Мингбоши»нинг туғилган куни! Битта-яримта қаламкашнинг кўлига тушса, албатта комедия қилади!

... Султон ўша қайтарилмас ёшлик завқларию эрмакларини юраги тўлиб-тўкилиб эсларкан, ўз-ўзидан жилмаяр, чехраси ёришиб, лаблари пичирлар эди: «Ажойиб кунлар эди, ажойиб дамлар... Бари ўтди, барн, энди минг излаганинг, минг бўзлаганинг билан у дамларни топа олмасан...»

Нимқоронги зал энди гавжумлашиб қолган, музыка ҳаддан ташқари қаттиқ гумбурлар, Абдулла билан Қамол бири-бирининг гапини эшитмаганидан, бақириб-чақирганча тортишмоқда эди.

— Э, бекорларни айтибсан! — деб бош чайқарди Қамол. — Лақиллатиб бўпсан! Марадона ўйнамаган бўлса, голни арвоҳи урадимми?

— Ия! — Абдулланинг кўзлари ола-кула бўлиб кетган эди. — Нега ўйнамас экан? Иккала голшим сен ургандирсан балки?! Тавба, гапини қарапгу! «Барселона» ўйнармишу Марадона бўлмасмиш! «Эвертон» ютқазганда инглизлар «Уэмбли»ни портлатиб юборай деган эди-да!

— Йўқ, йўқ! — деб бари бир кўнмасди Қамол. — Марадона йўқ эди, аниқ билман! Хоҳлаган нарсангдан гаров ўйнаймиз!

— Бўпти! — дея қизишиб қўлини чўзди Абдулла. — Бўлмаса, ким урган эди голни?

— Мен қаёқдан билай? — дерди Қамол кўзларини пир-пиратиб. — Тўрт йил бурунги гап бўлса...

— Ҳа, билмасанг, нега гапирсан? — деб тантана қиларди Абдулла. — Билмаган нарсангни нега гапирсан?

— Нега гапирмас эканман? — дерди Қамол ҳамон таслим бўлгиси келмай. — Мен ўзим ўша ўйинни кўрмаганман, аммо бошимни гаровга қўйиб айтаманки, Марадона ўйнамаган!

Абдулла гап тополмай чўзиб хуштак чалиб юборди.

Султон мийингида кулимсираб, баҳсага қулоқ солиб ўтираркан, андуҳ билан ўйларди: «Нақадар бахтлисиз, эҳ, гофил ишиларим! Шунинг учун ҳам бахтлисизки, бахтли эканлигини билмайсиз! Қуриблар кетмайдими ўша Марадонаю «Эвертон», шунинча нарса деб, бир-бирининг дилингишни сиёҳ қилиш, шодумон дамларингишни яқсон қилиш шартми! Ахир, умр ўтяпти, умр, бебаҳо, бебақо умр, унинг ҳар лаҳзасини байрамга айлантириш керак, ҳар лаҳзасини! Кейин кеч бўлади, кеч!..»

— Сиз нима дейсиз, Султон ака? — дея дабдурустан сўраб қолди Қамол.

— Менми? — У бир зум ўйга ботди, кўзларини қисиб: — Мен, қўйинглар, дейман, — деди.

— Ана холос!

— Йўқ, олдин бунини ҳал қилиб олмасак бўлмайди, — деди Абдулла жиддий.

— Бехуда баҳсдан нима фойда?

— Фойданинг ҳаммаси шунда-да,— деди Камол ил жайиб. — Бизнинг пшхонада бир одам бор. Таппсанг керак, ака Фарҳод-да,— дея давом этди Абдуллага юзланиб. — Баҳс бойлашини сендан баттар яхши кўради. Шу киши денг, Шукшининг ашаддий мухлиси эди, у ҳақдаги ҳамма янги нарсани йиғиб юарди — сурати борми, суҳбати борми... Бирор киши Шукшини тўғрисида янги гап тониб келса, суюниб кетганидан дарров бир подир китоб совга қиларди. Бир куни эрталаб хонада ишлаб ўтирган эдик, кўшни бўлимдан бир ҳамкасбимиз бош суқиб қолди: «Ака Фарҳод, эшитдингизми, Шукшин ҳақида зўр янгилик?» «Хўш, хўш?» — деди ака Фарҳод ҳовлиқиб. «Олдин келишиб олайлик, эвазига Фолкнернинг бир томлигини берасиз, маъқулми?» «Хўп, айтинг!» — деди ака Фарҳод сабр косаси тўлиб. «Шукшини ўлибди,— деди ҳамкасбимиз, гўё ариқдан бир ниёла сув ичдим, дегандек бамайлихотир. — Мана, газета... Хўш, ака Фарҳод, китобни қачон оламиз энди?»

Султон Шукшининг деярли барча асарларини ўқиган, фильмларини кўрган, юрагида дарди бор бу одамни оғасидек яхши кўрарди, бу гапни эшитиб, титраб кетди.

— Кейин-чи? — деб сўради бирпас ўтиб.

— Олди китобни. кўймади,— деди Камол.

— Ёширай-а!

Бир нафас сўзсиз қолдилар.

— Шундоқ одам ҳам ўтиб кетди-я! — деди Камол бош чайқаб.

Султон ҳоргин тиш олди. Гап шунда-да, укажон, деди хаёлап, ҳаммамиз ўтаммиз, ҳаммамиз ганимат, лекин нега ўзимизни мангу ўтмайдигандек тутамиз?.. Мана, ҳадемай бу оқшом ҳам ўтади, яна тонг отади, кул ботади, ким билсин, эрта-индин балки шу ерда мени ҳам худди шулардек йўқлаб, гуссага ботиб ўтирарсизлар...

Бу тушқул хаёллардан кўнгли ер бўлиб чўкиб бо-раётганини сизди, гўё улардан қутулмоқчидек, ночор ил-жайди:

— Нега бундай ўтирибмиз ўзи, Камолжон? — деди. — Тажапг, дилгир. Яхшиси, боя айтганингиз, уят-уят гап-лардан...

Камол ҳам қулимсеради.

Саҳнага баланд бўйли, озғин, лўлинамо бир йигит чиқиб қўшиқ бошлади. У секин, бирмунча хирқироқ товуш билан машҳур қўшиқни куйлар, бояги жазавакор гумбур-гумбурлардан сўнг далалар нафаси янглиғ ёқимли бу таро-

на кўнгилга янада қадрдон ва азиз туюлар эди. Йиғит саҳна ўртасидан кўзгалмай, дераза оша олисларга кўз тиккан, гўё ўша томонда термиллиб турган кимгадир ўзининг ишқ йўлида чеккан азоб-уқубатларини ёруғ бир ҳасрат билан оҳиеста сўйлаб бераётгандек эди:

Қайдасан, севгилим, қора кўзлигим,
Севгили юлдузим, ширин сўзлигим...

Зал жимжит, шикаста оҳангларга маҳлиё эди.

Султон бошини кўтармай, ҳаёлан такрорлаб тинглади, кўшиқ тингач, Камолга қараб:

— Яхши-я? — деди.

— Яхши-ю... яхшимас-да, — деди Камол тагин майна-возчилгини бошлаб. — Маҳорат зўр, лекин юракнинг иштироки камроқ.

— Баъзан пухсаси аслидан кўра зўрроқ туюлади, — деди Абдулла сигарет тутатиб.

— Э, нима деясан, Нозим аканинг ўзи қандоқ айтган буни, э! — дея жойидан бир кўзгалди Камол.

— Яна тортишмоқчисан-а? Мен ҳам шуни айтганиман, ахир! Бе, ким унга етказиб айта олади!

— Қизиқ ака-да, ўзи-ку, йиғирма йиллар бурунги кўшиқ, оҳанги ҳам, пьетро ҳам шуидоқ ўша давр нафаси, лекин қургур... ҳалиям юракни ўртаб юборади-да!

— Бизнинг ёшлигимиз шулар билан ўтган, — деди Султон ўйчан. — Мен буни биринчи марта олтинчи еттинчи йили, Украинида, Черкасси деган шаҳарда эшитганиман.

— Сиз ҳам жуда кўҳна одамсиз-а, Султон ака, нақ тош асридан келаётганга ўхшайсиз! — деб кулди Камол. — Нима бало, ўша пайтдаям ўрмон қирқармидингиз?

— Султон акам уч йил у ёқда ўқиган, индустриаль техникумда, — деди Абдулла. — Нозим акага ош қилиб берганингизни айтнинг.

— Э, нимасини айтади!

— Ҳай, айтсангиз-чи!

— Бир кунни, эрта кўклам эди, совуқ, изгириш. Совуқ шунақанги зўр эдики, кечаси пальто кийиб ётсак ҳам, тишимиз-тишимизга тегмай тақиллаб чиқарди. Дийдираб даредан қайтиб келаётсак, ҳаммаёқда афиша: Нозим Қодиров гастролга келти! Юрагимиз чиқиб кетди суюнганимиздан. Ётоққа чопдик, соқол қиртишлаб, уникиб кетган шимларга дазмол босиб, арашг кунни кеч қилдик. Кечқурун энг зўр қизларни бошлаб концертга бордик, тумонат одам...

Э, лекин, бир айтди, бир айтди, қарсақ чалавериб залда-гиларнинг ҳам қўли қавариб кетди. Ёнида синглиси ҳам бор. Биз ҳам топган-тутганимизга гул оборган эдик, кўмиб юбордик ўзиниям. Гердаийиб ўтирибмиз, ўзбек, Ўзбекистон, деган сўзиниш маъносию қадрига шунда етдим, укалар!.. Одам қараган сари қарагиси келади: ёш, келишган, уч соат тўхтовсиз айтди — қани товуши қилт этса! Гўё ашула айт-маяптию шунчаки сиз билан дардлашиб ўтиргандек, оғиз очганиши сезмайсиз. Ўзбекча айтди, туркманча, хиндчаю французча... «Араб танго» сини бошлаганида, ў!.. Эҳ, ажойиб кунлар экан-да! — Султон, олис ўтмиш хотирасинишнинг ёди билан ҳаяжонланиб кетганини сезмай ўтирарди. — Концертдан кейин меҳмонхонасига бостириб бордик, хурсанд кутиб олди, чарчаганига қарамай, ётоққа судрадик. Борди! Қизил сабзи билан бирпасда ош дамладик, шундай яхши ўтирдикки... Ёқубжон деган ўшлик бир бола бўларди, доим сими узилиб ётадиган дутори бор эди, кўтариб келиб қолди. Бирор нарса айтиб берсангиз, деб... У одам секин кулди, «Ёқоним билан», деди. Дуториниям сайратиб юборар экан, лекин! «Сайдинг қўя бер, сайёд...» ни айтди... Эсимда қолгани шуки, ўша кун кечаси ётоқхонада совқотмай ухладик...

Саҳнадаги йигит энди оммабон бир лапар бошлаган, ҳозиргина бояги маъюс, дилкаш қўшиқни қандай дард ва маъсумият билан айтган бўлса, бу бачкана ашулани шу қадар енгилтаклик билан ижро этарди.

— Бечора, бинойидек овози бор экану дид масаласи... — деди Абдулла ачиниби.

— Ҳа, яхшигина қосиблиги кўриниб турибди. Тўғрими, Султон ака?

Султон индамай бош ирғади.

— Нозим ака бўлганда... — Камол тўсатдан Султонга тикилиб: — Эй, менга қаранглар, бормаймизми ҳозир? — деб қолди.

— Қаяққа?

— Нозим аканикига.

— Уйига-я? Йўт-э!

— Бемаҳалда, ноқулай... — деб гудранди Абдулла.

— Нима деб борамиз, қизиқмисизлар! — Султон кескин қўл силтади.

— Э, нимаси бемаҳал? — Камол қизишиб ўрнидан турди. — Қани, соат... мана, энди ўн бўпти. Ҳеч ноқулай жойи йўқ, кўргани келдик сизни, деймиз, икки оғизгина гаплашиб ўтираемиз, холос. Туғилганимдан буён ҳамма нарса-

нинг фақат арзон-гаров нуҳасини кўраман, аслига қачон етамиз. ахир! Хўш!

— Қайдам... — деб чайналди Абдулла.

— Кетдик, Султон ака, ўзимиз бораверамиз! Нима, иккилашиб? Сиздек эски кадрдонини кўрса, хурсанд бўлади қайтага.

— Э, Камолжон, не замонлар ўтиб кетдию...

— Ҳечқиси йўқ! — Камолнинг қарори қатъий, энди уни асло қайтариб бўлмаслиги сезилиб турар эди. — Чақиринг, ҳисоб-китоб қилсин. Шулардан борми? Бораверамиз, сира хижолат чекманг. Биз бирор нима тама қилиб бораётганимиз йўқ-ку, тўғрими?

— Тоза галати бўлди-ку, а? — деди Султон гангиб.

— Нимаси галати экан? У одам халқ артисти, уйига халқи йўқлаб борса, менимча, албатта хурсанд бўлади.

— Оббо, сен халқмисан? Уйини билмасак... Лоқақал танишмисан ўзи? — деди Абдулла жойидан қўзғалмай.

— Бир борганман уйига. Кетдиг-э! Биз ҳам умримизда бирор марта кўнглимиз буюрган ишни қилайлик!

«Рост айтади, — дея армон билан дилидан ўтказди Султон, — умр бўйи ўзгаларнинг кўнглига қараб келдим, ўзимнинг кўнглимга қарашга заррача фурсатим бўлмади, мана, энди фурсат етди деганимда...»

Ташқари совуққина эди, кеча ёққан қордан асар ҳам қолмаган, осмон ойдин, ғуборсиз.

Бекатда такси кутиб туришаркан, Султон рўнарадаги кўй қаватли бинога разм солди. Балаид-балаид деразаларнинг барчасида чироқлар порлаган, фақат учинчи қаватдаги бир уйнинг ойналарида милт этган шуъла йўқ, лаҳаддек қорайиб кўринади. Хиёл ёришган кўнглини тагин гашлик чулғади. Ким билсин, балки худди шу уйда кимасиз бир бемор шифтга бемажол боқиб ётибдими? Эҳтимол, у бениҳоя ҳолдан тойгандир, ҳатто туриб чирогини ёқнишга ҳам қурби етмай қолгандир?.. Балки унга энди на ёруглигу на чироқнинг ҳожати йўқдир... Эҳтимол, буни ҳозир бирор кимса билмас...

Нотаниш, бегона бир уйда ўчиб қолган чироқлар ушнинг дилида ана шундай ажиб галаёнлар уйғотди. «Чирогинг ўчмасин», деган соддагина ҳикмат замиридаги терап инсоний маънони шу тобагина юрак-юраклари зирқираб идрок этди...

Такси уларни ўн беш минутда манзилга элтиб қўйди. Озода, чарогон йўлакдан бирин-кетин бошлашиб, учинчи қаватга кўтарилишди.

— Бир китобда ўқиганман: машҳур кишиларнинг ху-

зурига кўпинча истиҳола қилиб одам зоти қадам босмайди, аммо улар ҳам баъзан беихоя меҳрга зор бўладилар, — деди Камол ўзигами, уларгами далда бериш учун...

Торғина майдонча. Қора чарм қоиланган эшик. Оқ тугма.

— Қани, Султон ака, марҳамат, — деди Камол уни олдинга ўтқазиб.

— Юравернинг, юравернинг.

— Менга қара, чакки бўляпти-да шу иш, — деди Абдулла атрофга алаиглаб. — Ҳар ҳолда... Сен қачон келгансан ўзи?

— Янги йил арафасида. Анор судраб олиб келувди. Кираверамиз, мунча қалтирайсан?! Бос қўнгироқни!

Қўнгироқ жиринглади. Жимлик чўкди.

— Уйда бўлмаса, яхши бўларди... — Абдулла беихтиёр бир қадам ортига тисланди.

— Анор ким? — деб шивирлади Султон Абдулла томон энгашиб.

— Бир огайиниси бор. Навоий театрида. Эй, Анор нима чаларди?

— Ким биледи дейсан, — деди Камол елка қисиб ва тагини кўнгироқ тугмасини босди.

Эшик қия очилиб, остонада ўша ташиш, қадрдон сиймо кўринди. Султон ялт этиб қарадию ҳайрон қолди: ўзгармаган, деярли ўзгармади! Ўша-ўша қотма, навқирон вужуд, ўша тўлқин-тўлқин сочлар, ўша йирик, ёруғ гусса тўла туйғун кўзлар...

— Ассалому алайкум, Позим ака! — деди Камол вағиллаб. — Ростини айтинг, кўзингиз учганмиди-йўқми? Бир гала қароқчинни бошлаб келдим, қабул қилмай иложингиз йўқ.

— Камолжон? Э, келинлар, келинлар! — деди уй эгаси шошиб. Унинг озгин, чўзинчоқ юзида бир зум таажжуб зоҳир бўлди. — Қани, бу ёққа.

Султон билан Абдулла, машҳур санъаткорнинг салобати босиб, йўлакда қимтиниб туриб қолишди, бироқ Камол гўё минг йиллик қадрдондек у билан бетакаллуф кулишиб-қучоқлашиб кўришди-да, тагини сайрай кетди.

Узун йўлакнинг икки томони бўйлаб деворга катта-кичик, турли-туман расмлар осилган эди: портретлар, ёрқин ёз, маҳзун куз манзаралари, мойбўёқда чизилган нафис лавҳалар. Султон даҳлиз адоғидаги сувратлардан бирига тикилиб қолди: Нозим аканинг аллақандай қабарик, шиддатли бир услубда ишланган гайриодатий портрети. Иччига ботган, теран бир дард, тафаккур ёлқини ёнган кўз-

лар. Ва шу чақноқ кўзларда бу одамнинг бутун сийрати мужассам эди.

— Нозим акамнинг ўзлари чизган, — деди Камол уст-бошини ечиб бўлгач, шерикларига юзланиб ва билагонлик билан сўради: — «Саратон» битдими, Нозим ака? «Анор»-чи?

Нозим ака уларни тўрдаги хонага бошлаб кираркан, сезилар-сезилмас кулди:

— Битиб қолар...

Хол-аҳвол сўрашилгач, Нозим ака ўрнидан турди, айбга буюрмайсизлар, бугун ёлғиз эдим, болалар бувисини кўришга кетган, деб ошхонага чиқди, ҳаял ўтмай, қайноқ, аччиқ чой дамлаб кирди. Султон, умри бино бўлиб бундай хуштаъм, ўтқир хидли чой ичмаган эди. таажкуб билан кўлидаги олмадек шиёлага тикилиб қолди.

— Цейлон чойи, — деди Камол унинг ҳайратини сезиб. — Нозим акам ўша ёқдан онкелганлар, ўтган йили.

Пиёласини эндигина лабига олиб борган Нозим ака ўзини тутолмай кулиб юберди:

— Сиз ҳам икки оёқли архив бўлиб қолибсиз, Камол-жон.

— Бўлмаса-чи! — деди Камол инагини бузмай. — Ма-на буларни мен арқон билан судраб келдим. Нозим ака. Халқ артистининг уйига халқи бормаса, ким боради, де-дим, тўғрими?

Нозим ака ҳам унинг дали-гули гапларига ўрганиб кет-ган шекилли, индамай бош иргади.

— Хўш, энди сизга бир илмий савол, — деди Камол руҳланиб. — Архив бўлсам, бирйўла бўлиб кўяқолай. Минг тўққиз юз олтинчи еттинчи йил ўн биринчи март куни қаерда эдингиз?

Мезбон ҳайронлик билан шифтга боқди.

— Ким билади, дейсиз.

— Биз биламиз, деймиз, — деди Камол. — Ўша куни сиз Украинада, Черкасен шаҳрида, «Юбилей» маданият саройида концерт бергансиз. Эсладингизми?

— Ҳа... шундай бир гап бўлган эди, — деди Нозим ака ўйланиб.

— Концерт маҳаллий вақт билан тўққиздан ўттиз беш минут ўтганда тугаган. Кейин нима ишлар билан банд бўлгансиз?

— Ухлагандирман, — Нозим ака безор жилмайди.

— Ҳамма гап шундаки. ухламагансиз. Ухлаб қолганин-гизда эди, ажойиб бир одам билан танишиш бахтидан маҳ-

рум бўлардингиз! Сиз индустриаль техникум ётоқхонасига боргансиз...

— Шошманг-шошманг! Сиз буларни қаёқдан биласиз?

— Терговхонада туғилган бу,— деб гудранди Абдулла эшитилар-эшитилмас.

— Нега билмас эканмиз? — деди Камол кўзларини пирпиратиб.— Бу дунёда ҳеч нарса изсиз йўқолмайди. Фақат подонларгина бунинг аксини ўйлаши мумкин. Хуллас, сиз ўшанда бир одам билан танишгансиз...

— Камолжоннинг даромади бугун тугайдиганга ўхшамайди,— деб гапга аралашди Султон кулимсираб.— Нозим ака, эсингизда бўлса, техникум ётоқхонасида ўтирган эдик. Мен ўшанда учинчи курсда ўқирдим.

— Э-э! Ҳа-ҳа, ёдимга тушди! Жуда қаттиқ совуқ эди-я?

— Ҳа, эсингизда экан!

— Кечирасиз, исмингиз...

— Султон.

— Ҳа, Султонижон, рост айтасиз, совуқ эди. Ҳеч чидаёлмайман совуққа. Биз Шарқ фарзандларимиз, қонимизда қуёш кезиши керак, лекин, билмайман...— У хушнуд кулимсираб, елка қисди.— Қаранг, шунча йил ўтиб кетибди-я!.. Сөг-омон бормисиз? Хизмат қаерда?

— Хизмат... Зарқўрғонда, Нозим ака. Уй қурамыз одамларга.

— Султон акам инженер. Студентлик пайтлари «Семурғ» меҳмонхонасини ҳам қурган,— дея шоша-пиша кўшимча қилди Камол.

Султон истеҳзо билан хаёлидан ўтказди: «Кўкалдош мадрасасини вазир Кўкалдош қурган!»

— Биз, очиги, Нозим ака, тўғри ресторандан келяпмиз,— деди у тараддудланиб.— Бир йигит чиқиб сизнинг кўшигингизни айтди. Тўсатдан сизни эсладик, кўргимиз келди, бостириб...

— Раҳмат,— деди Нозим ака.— Султоижон, сиз хижолат тортаверманг, агар ҳадеб хижолат бўлаверсанглар, мен бундан баттар хижолатга тушаман. Майлими? Қани, чойга қарапглар. Кўчалар совуқ эмасми? Баҳор қачон келади, а? — деди у алланечук бир армон билан.

Камол кресло ёнидаги пастак стол устида ётган альбомлар, даста-даста китоблардан бирига қўл чўзди:

— Кўрсам майлими, Нозим ака?

— Бемалол, бемалол:

— Навоий! — деди Камол сабзаранг муқовали қалин китобни аста варақлаб.

— Ҳа, кеча оқшом дадам раҳматли эсимга тушиб кетди.

Бу китоб улардан ёдгор. У киши узун қиш кечалари мана шундай деразанинг олдида, эски-эски китобларни варақлаб ўтирардилар. Мен жимгина томоша қилишни яхши кўрардим. Назаримда, дадам китобдан ниманидир излаяпти-ю, ҳеч тополмаётгандек туюларди. Бир куни: «Ҳадеб нимани қидираверасиз, дада?» — деб сўраганим эсимда. Дадам кулдилар-да: «Ўзимни қидиряпман, ўғлим,— дедилар.— Мана, қулоқ сол: «Эл нетиб топгай мешиким, мен ўзимни топмасам». Мир Алишер мана шундоқ деганлар, уқдингми?» — Нозим ака нафасини ростлаб оҳиста хўрсиди.— Ўшанда бу гап хаёлимга жуда қаттиқ ўрнашди. «Эл нетиб топгай мешиким, мен ўзимни топмасам...» Мен бунинг маъносини энди-энди тушуяпман. Агар мен ўзимни, ўзлимни топмасам, эл-юртим мендан нима баҳра топади, дегани экан. Афсуски, бу байт Навоийнинг қайси асаридан, қачон ёзилган — билмайман.

Узоқ жимлик чўкди.

— «Маҳбуб ул-қулуб» данмикан? — деди Камол тусмоллаб.

Нозим ака фаромуш бош чайқади.

— Қайдам... Ҳали на Навоийни биламиз, на ўзимизни...

— Энди, сизки шундай десангиз, Нозим ака... — деди Абдулла қимтиниб,— бизга ўхшаган ялангоёқлар дунёдан дод деб ўтиши керак экан-да.

— Хе! — Нозим ака кескин қўл силтади.— Ёш эканмиз, гўрлик қилиб ҳар нарсани қўшиқ деб айтаверган эканмиз. Мана энди, эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади...

Яна узоқ жимлик чўкди. Султон Нозим акадан кўз узмай ўтираркан: «Шу одамнинг ҳам армони бормикан, деб юрардим. Бор экан! — деб ўйлади.— Лекин бу қандай ажиб, ёруғ армон! Қани эди, ҳар кимсага фақат шундай армон насиб этса!»

— Навоийдан, Фузулийдан, Машрабдан айтишим керак эди. Қандоқ тоза, маъноли сўзлари бор экан уларнинг! Фузулийни қаранг-а: «Фалаклар ёнди оҳимдан, муродим шаъми ёнмасми?» Халқ қўшиқлари-чи? «Дутор чалиб ўтирсам, тори узилиб кётди, ёрим эсимга тушиб, кўнглим бузилиб кетди...» Сезяпсизми, қанчалик соф, содда, мардона! Ахир, мен шуларни эшитиб улғайганман, отам ҳам, онам ҳам айтишарди. Мен кўп адашдим, кўп...

— Нега ундай дейсиз, Нозим ака... — Султон унга ҳайроналик билан боқди.

— Мен Маснафга, Азнавурга эргашиб, уларнинг қўшиқларини такрорлаб, француз саҳнасига чиқдим. Ким билсин, нима хаёл билан шундай қилдим экан? Аллақачон

хайратни унутган французларни лол қолдирмоқчи бўлдимми? — У гамгин қулимсиради. — Аммо уларга, қанчалик буюк бўлмасин, иккита Масиаснинг кераги йўқ экан. Умуман, санъатда ҳар бир ҳақиқий ижодкор ягоналиги билан қадрли — мен буни кеч англадим, жуда кеч...

— Нозим Қодиров бизга шунинг учун қадрли-да! — деб яна луқма ташлади Қамол.

Нозим ака аста бош чайқади. Абдулла анчадан бери нимадир демоққа чоғлангандек тарадудланиб ўтирарди, орага чўмган бир оз жимликдан сўнг секки сўз бошлади:

— Бир гап... шу юрагимда қолиб кетмасин, Нозим ака. Қачонлардир сизни бир топиб, раҳмат айтаман, деб юрардим у ҳеч... журъат қилолмасдим. Қарангки, бугун мавриди келган экан-да. Етти йил бурун Темирйўлчилар маданият саройида бўлган концертингизга тушган эдим. Очиги, ўша қуни кайфиятим ниҳоятда расво эди: яхши кўрган қизим билан жуда қаттиқ уришиб қолган эдим, тамом, энди юз-кўрмас бўлиб кетсак керак, деб ўйлардим. Жанжал, ўша пайтда бизга гоят муҳим, ҳаёт-мамот масаласидек кескин бўлиб туялган қандайдир бир гап юзасидан келиб чиққан эди. Кейинчалик ўйлаб-ўйлаб ҳам унинг қандай гап эканини сира эслаёлмадим — аслида шундай арзнамаган нарсая экан... Хуллас, концерт бошланди. Тумонат одам, бир чеккада шумшайиб ўтирибман. Туриб-туриб, хўрлигим келади — концертларингизга доим у билан бирга тушардим, яйраб-яшнаб ўтирардик... Ҳозир эса қўшиқ ҳам қулогимга кирмасди, гоҳ ўзимни сўкаман, гоҳ уни айблайман. Бир маҳал нима бўлди, қандоқ бўлди — билмайман, бир парча қоғозга икки энли хат ёзиб, зал оша сизга узаттириб юбордим. Кейин ўриптиқда гужанак бўлиб олганча сизни бетоқат кузата бошладим. Ниҳоят, гуллар билан, мактублар билан бирга мен хат битган бир парча қоғоз ҳам қўлингизга бориб тегди. Шошилмай кўз югуртирдингиз. Гулдасталарни саҳна четигаги столчага қўйдингиз у негадир қўлингизда фақат менинг хатим қолди. Юрагим гурсиллаб кетди. Микрофон олдига шошилмай келиб, яна бир бор қоғозга қарадингиз, кейин: «Абдуллажон деган бир дўстимиз ўзи учун «Раъно» қўшиғини айтиб беришимизни сўрабдилар. Жо-ним билан», дедингиз. Бошим кўкларга етди ўшанда, Нозим ака... Концерт тугаб ташқари чиқаётсам, эшикнинг олдида мўлтираб Раъно турибди, кўзларида ёш! У ҳам келган экан, бир бурчакда мендан баттар қийналиб ўтирган экан. Илдамая келиб бошини эгди — бир лаҳзада ярашиб олди. Билмадим, ўшанда сиз бўлмаганингизда, уни қай-

тиб топармидим-йўқми... — Абдулла оҳиста хўрсиниб, узун хикоясига яқун ясади.

— Қачон бўлган экан бу гап? Етти йил буруп дейсизми? — Нозим ака ўйлашиб қолди. — Қайдам...

— Нозим ака, аҳтимол сизнинг ҳаётингизда бундай воқеалар кўп бўлгандир, аммо менинг умримда бир мартагина бўлган, лекин уни бир умр унутмайман.

— Э, аравани опқочмасанг-чи! Унутмайман, дейсану Раънога уйланганингда Нозим акани тўйга айтишни унутган экансану! — деб вагиллаб берди Камол.

— Йўқ, унутган эмасман, — деди Абдулла секин, — Нозим акани таклиф қилгани атай филармонияга борганмиз, Раъно билан. Тўйимизга келса-келмасалар, у кишига раҳмат айтишимиз керак эди. Афсуски, сиз у пайт касалхонада ётган экансиз.

— Ҳа-а, умрининг ҳам ярми касалхонада ўтди, — деб қўл силкиди Нозим ака. — Ишқилиб, бахтли бўлган экансиз, мен хурсандман, Абдуллажон. Нега чой ичмаяпсизлар?

— Ичяпмиз, — деди Камол қув кўзларини қисиб, — бу... қатагондан кейин чой асри бошланди-да: уйда чой, тўйда чой, ресторанда ҳам чой!

Ҳамма қулиб юборди.

— Агар истак бўлса, — деди Нозим ака кўзгалиб, — «совуқ чой»лардан ҳам йўқ эмас.

— Э, қўйинг, қўйинг! — деди Камол шоша-пиша. — Ҳазиллашдим-э! Янги мақолни эшитмадингизми? Ичар бўлсанг «совуқ чой», борар жойинг совуқ жой!

— Оббо, Камоликон-эй! — Нозим ака кулгидан ёшлаган кўзларини артиб, унинг елкасига қоқди. — Сиз билан ўтириш маза-да!

— Шу гапни бир варақ қоғозга ёзиб қўл қўйиб бериш, Нозим ака! — деди Камол гердайиб, сўнг негадир бирдан жиддий тортиб: — Соғлиқ яхшими ўзи? — деб сўради.

— Касалдан гаплашмайлик, — деди Нозим ака қатъий қилиб, — касалдан гаплашган одам баттар касал бўлади. Хўш, динозаврларнинг ўлигидан яна топдингларми?

— Топамиз! — деди Камол ишонч билан. — Ҳозир у ерда катта қидирув ишлари олиб боряпмиз. Жуда улкан нефть конлари бўлиши керак, деган тахминлар бор. Э, Нозим ака, қўйинг, бизнинг бу гаплар қизиқ эмас, яхшиси, ўзингизнинг ишларингиздан гапиринг.

— Нега қизиқ эмас экан? Мудраб ишга бориб, мудраб қайтгандан кўра, динозаврнинг жасадини бўлса ҳам излаган маъқул.

— Албатта, — деб тасдиқлади Султон.

— Янги қўшиқлардап қачон эшитамиз, Нозим ака? —
Абдулла пиёлаларга чой қўйди.

Нозим ака бирдан хомуш тортди.

— Билмайман, — деди бўғиқ товуш билан. — Билсам, айтар эдим, укажон. Лекин умидим бор: бир куни бутунлай бошқача, оҳанглари, сўзлари бутунлай янгича қўшиқлар айтсам... Ҳозир эса фақат бир суратнинг шаклу шамойили айланаб юрибди хаёлимда. Уни ҳам Навоийни ўқиб ўтириб топиб олдим. Дадам қалам билан белги қўйиб кетган эканлар. Мана... мана шу ерда, — у узун, янгичка бармоқлари билан китоб саҳифаларини варақлай бошлади: — Мана, қаранг-а:

Бог мендек саргариб, булбул менингдек бўлди лол,
Гўйиб мундоқ бўлур бир гулдин айрилгонга хол.

Ердаги яфрог гарибу хокисор ар бўлмаса,
Мен киби не ваххидидур юзи сориг, ашки ол.

Сувгаким тушмиш кизаргон барглар, кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парголаси айлар хаёл.

Бу сариг рухсор уза ҳар сори ашким ўхшашур
Бир хазонлиг бог ичинда ҳар тараф равшан элдол...

Сезингизми? Сезянгизми? Нигоҳи қапчалар ўтқир, тиниқ экан Навоийнинг! Ахир, бу бутун бошли бир куз симфонияси-ку! Рапига кўчирилса қандай гаройиб манзара бўлади. Бир уриниб кўрмоқчиман. «Бир хазонлиг бог ичинда» деб қўяман номини...

Султоннинг кўз ўнгида азамат асрий чинорлар қўкка бўй чўзган поёнсиз бир кенглик намоён бўлди. Кўз қуёшининг ҳорғин нурлари мулойим жилва қилади, забардаст шохларда қушлар чарх уради, оёқ остида — зилол қўл титрайди. сув узра сонсиз-саноқсиз қонталаш, алвон япроқлар... Бир хазонлиг бог ичинда танҳо бир қимса оҳиста кезади. Нимани излаётир у? Нимани истайди? Қарашлари бунчалар дардли, бунчалар ўйчан... Бир хазонлиг бог ичинда не сир-асор?..

* * *

Меҳмонхона олдида хайрлашдилар. Абдулла, уйга юрасиз, деб туриб олди. Султон эртага албатта боришини ай тиб, аранг кўндирди.

Оғайнилар жўнаб кетгач, у бўм-бўш майдон бўйлаб бир оз сайр қилди — хонага киришга юраги безилларди. Бу

қуниинг ғаройиб, турфа таассуротлари, Нозим Қодиров хонадонидаги хаёлийдек туюлган суҳбат хотирасидан қайта-қайта ўтди, нимадандир кўнгли кўтарилди, нимадандир ўксиди.

«Қасалдан гаплашган одам баттар касал бўлади...» Рост айтади. Аммо бемор одам бундан бошқа яна нимани гапирарию нимани ўйлайди?..

Афсонавий қушдек мағрур қанот ёзиб турган меҳмонхона биносига беихтиёр тикилиб қолди. Апа, унинг хонаси — чироқлари ўчган, қоронғи. Шу учинчи қаватнинг сувогини уларнинг бригадаси қилган эди. Худди мана шу ерда биринчи марта қўлига андава ушлаган, Муштарий деган позик-нихол қиздан бетонсувоқни ўрганган. Дастлаб сира қўли қовушмаганлари, деворга чапиган қоришмаси сувдек оқиб тунавериб, шу қизнинг олдида мулзам бўлганлари, баджаҳл бригадирнинг кўзидан қочиб юрганлари... бу олис хотираларнинг барчаси дафъатан юрагини нурга тўлдирди, аста-аста одимлаб, ичкари кирди, лифтни кутиб ўтирмай, бундан ўн етти йил аввал ҳавозага қандай чиққан бўлса, зиналардан бир-бир босганча учинчи қаватга кўтарилса бошлади...

«Қабул қилсак, қурилишга ишга борасизми?»

Султон, агар институтга қабул қилинса, Кўҳи Қофга ҳам пиёда боришга тайёр эди, ўйлаб ўтирмай рози бўлди...

Сувоқчилар бригадасининг ўн тўртта аъзоси бўлиб, шундан учтаси хотин-қиз, олтитаси бўйдоқ, биттаси тул экан. Султон келиб қўшилгач, бу ерда яна бир киши кўпайди, лекин, бари бир, бригадада нечта одам борлиги аъзоларнинг ўзигагина аён эди.

Учта хотин-қизнинг бири — Зайтуна; эсини танибдики, шу бригадада ишлайди, кимсага гапини ҳам, ҳақини ҳам бермайди. Иккинчиси — оқ юзли, каштан сочли Клава. Бир йил бурун йнгирма олти яшар лейтенант эри ҳалок бўлиб, ёлғиз қизчаси билан қолган. Қамгап, камсуқум, биров билан иши йўқ, сокин мовий кўзларига тикилиб қараган одам эзилиб кетади. Ва ниҳоят, учинчиси — исми дафъатан қулоққа андак ғалати эшитиладиган қиз — Муштарий. Йнгирма тўрт яшар бу қизни кўрган киши беихтиёр: «Ҳах, номард табиат!» деб юбориши тайин: шундай лобар, шундай хушфёъл ва шундай...

Ун саккизга кирган қизнинг хунуги бўлмайти, дейдилар. Ким билсин, бу гапни кўнгил учун қайси бир кимса ўйлаб топган экан? Афсуски, Муштарий аллақачон бу «таскин ёши»дан ўтиб кетган, тўрт йилдан бери шу бригада-

да ишлаб, кечқуруплари университетнинг биология факультетида ўқиркан. У Зайтуна ва Клагага сирдош дугона, олти буйдоққа сиғил, ишга Султон билан олдинмакейиш — хунар мактабини битириб келган маҳмадона Шокирга меҳрибон опа! Ҳатто ҳаммани зириллатиб жонини оладиган бригадир — аъзолар орқасидан «Абужаҳл» деб атайдиган қаттиққўл Абубакир ака ҳам унга бирор марта товушини кўтариб гапирмаган, мудом «она қизим» деб чақиради.

Султон дастлаб қизнинг мактабданми, бошқа бирор жойдан сиғилроқ иш топиб ўтиб кетиши мумкин бўлгани ҳолда, новдадек нарса, ҳануз бетонга қоришиб юрганга бир оз таажужланди, аммо ортиқча аҳамият бермади. Фақат, унинг ажабтовур номи диққатини тортди, холос. Иш бошлаган кунининг эртаси, кечга томон бочкадан сув оларкан, ёнгинасида андава юваётган қиздан сўради:

— Кечирасиз, исмингизнинг маъноси нима?

— Билмайман. — деди қиз оддийгина қилиб ва бир оздан кейин: — Бултур «Фан ва турмуш»да ўқиб қолдим, «обуначи» дегани экан. — деб қўшиб қўйди.

— Йўғ-э!

— Рост.

— Мен бўлсам... мен жуда-а бир бошқача маъноси бордир деб ўйловдим. — Султоннинг негадир бирдан ҳафсаласи пир бўлди, аммо қизнинг кўнгли учун: — Лекин, бари бир, чиройли ном экан, — деди.

— Тўғри, — деб бош силкиди қиз. — Чиройли нарсаларнинг кўпи бемаъни бўлади. — У, бу гапни ўйламай айтиб юборганини сезиб қолдим, билинар-билимас қизарди-да, коржомасига ёпишган цемент қоришмасини қоқиб, ерга қаради.

Султон нима деярини билмай қолди. Бу қиз билан чирой хусусида сўз юритмоқ... кўр одам билан камалакнинг ранги ҳақида баҳслашишдек мантиқсиз туюлди.

— Чунки одамлар кўпинча чиройли шаклга, чиройли оҳангга учиб, кулгили аҳволга тушиб қолганларини сезмайдилар, — дея давом этди қиз ўзини бирмунча босиб. — Масалан, бир пайтлар, ўттизинчи йиллармикан, болаларга шунақанги чиройли исмлар қўйиш расм бўлганда, бизнинг бир узоқ қариношимиз — вафот этиб кетган ҳозир — янги амалдор бўлиб, қизига «Дизентерия» деб ном қўйган экан.

— Нима? Дизентерия?

— Ҳа. Чиройли эшитилган-да, у кишининг қулогига. Маъносини бировдан сўраб олишга бўйинлари ёр бермаган

экан, — деди Муштарий кулимсераб. — Мен билардим ўша қариндошимизни, яқин-яқиндагина паспортини алмаштириб олган эди.

Султон, кулгидан ёшланган кўзларини артаркан, сиздики, қизнинг юрагида чирой оламига, чирой деган сўзнинг ўзига ниҳоний бир нафрат алашга олиб ёнади.

— А, Муштарий деб... ким ном берган сизга? Тагин ўша қариндошингиз бўлмасин? — деб сўради челагини кўтариб. — Ё дадангиз қўйганмилар?

Қиз хомуш бош чайқади.

— Йўқ, онам раҳматли қўйган экалар. Эскичадан хабарлари бор эди онамнинг. Подирани яхши кўриб ўқирдилар. «Дода келдим эй салотин сарвари, додим эшит, Сен шаҳу мен бенаво, лутф айла фарёдим эшит», — деб такрорлади у. — Дадам... у киши доим «Муштар» деб чақирардилар, — унинг қалин лаблари алам билан титраб кетди. — Худди «наштар» дегандек...

Шу билан суҳбатга ўз-ўзидан нуқта қўйилди — индамай ҳавоза сари йўл олдилар.

У пайтлар ҳали Султон салти-сувой, ҳали Зумрадни ҳам учратмаган, оламдаги барча бўйдоқлар сингари, осмондаги ойни оламаи, деб юрган кезлари эди, табиийки, умр йўлида дуч келган бу кўримсизгина қизни ҳам, унинг меҳр тўла умидвор кўзларини ҳам пайқамади. У, баландлигидан кўз тиниб кетадиган ҳавозаларда кун бўйи қора терга ботганча ишлар, кечкурун анил-танил тамадди қилиб олгач, бутун бадани зирқираб дарсига чоңар, ярим кечагача мук тушиб китоб ўқир, сўнг уч-тўрт соатлик «қуш уйқуси» да афсонавий маликаларни туш кўрар эди.

Икки ойлардан кейин химфак лабораториясида лаборантлик қилаётган куредоши Қудрат уни паноҳ тортиб келди.

— Бўлмади, оғайни, — деди уҳ тортиб, — колбадан ҳам кўра кўпроқ мудирининг машинасиини ювишимга тўғри келяпти. Абужаҳлнингга айт, мениям олени бригадасига. Ке, энди тирик бўлсак — тўрда, ўлик бўлсак гўрда бирга бўлайлик, оғайни!

Абужаҳлни кўндирини осон бўлмади. «Қайдам, акаси, ишқмасроққа ўхшайди-да, бўлмаса, ярим йилда тўқимиши ёнбошига олармиди? Майли энди, сиз ўртага тушибсиз — сазангиз ўлмасин. Илёсга шогирд тушақолсин». Султон ичида кулди: Илёс акага шогирд тушди деган сўз — автоматга шогирд тушди, деган гап. Ишлаб чарчамайди, бир дақиқа тек турмайди, «сиз»лаб одамнинг жонини олади. Ўлдинг, Қудрат!

Аммо Қудрат ўлмади, шундай ғайрат билан ишлаб кет-

дики, тўрт ойдан кейин Абужаҳл уни ҳар замонда мақтаб ҳам қўядиган бўлди: «Ҳаранг, акаси, оғайнингиз Холиқовни, бир иш топширсанг, тинчитади-қўяди — моховга ошша қилиб бўлсаям дарров бажаради». Абужаҳлнинг феъли шу, бировни алқаётганида ҳам ҳақим кетиб қолмасин, деб қўрқарди.

Қурилишга жойлашиб олгач, Қудрат унинг ёнига — Аянинг уйига кўчиб келди-да, кун-узун кун шарпадек эргашиб юрадиган бўлди. Бу орада Султоннинг ҳам қўли сувққа келиб қолган, Муштарий эса энди Шокирга иш ўргатиш билан овора эди. Кунларнинг бирида у Султонга арз қилиб қолди:

— Султон ака, шу ўртоғингиз... Қудратга айтиб қўйсангиз: менинг отимни яримта қилиб чақирмасинлар.

— Нима деб чақиряпти? — деди Султон сигаретини улоқтириб.

— «Муштар», дейдилар нуқул. Уйда эшитганим ҳам етар... Ўзим айтай, десам, ноқулай. Майлими?

— Хафа бўлманг, — деди Султон уни юпатиб, — бу бир юрган тентак-да. Мен тушунтириб қўяман...

Кечкурун ишдан қайтаркан, ўзича ўйлади: қизнинг исмида яширин бир маъно борлиги шубҳасиз. Ахир, наҳотки Нодирабегим девонини ёд билган зукко бир аёл, суюкли фарзандига «обуначи» деб ном қўйса!

Эртаси шанба эди, атай кутубхонага борди, «Навой асарлари лугати» ни олиб, бир-бир варақлади. «Мушриф, муштаил, муштамил, муштарак, муштарий... Икки хил маъноси бор экан: 1. Сотиб олувчи, харидор. 2. Юлдуз, Юпитер сайёрасининг номи». Худди ўзи ўйлагандек. Ҳа, бошқача бўлиши мумкин эмасди. Муштарий — ёруғ, порлоқ юлдуз, олис, сирли сайёра... Маърифатли, оқила она қизига ана шундай гўзал сифатлар ёр бўлишини тилаб кетган экан.

Душанба кuni эрталаб шошилиб ишга келди. Меҳмонхона яқинлашиб қолган аллақайси байрамга очилиши лозим эди, сигарет чекишга ҳам фурсат йўқ, Абужаҳлга қолса, тушлик ҳам қилмай ишлаш керак. Султон анил-тапил коржомасини кийиб, бетон қорадиган машина томон бораркан, жанжалнинг устидан чиқиб қолди. Абужаҳл кўкариб-бўзариб кетган, қўлидаги қоғозга ўроглиқ алланарсани қиличдек ўйнатиб, Шермат кесакни бурчакка тирамоқда. Шермат кесак адои тамом бўлган, теракнинг баргидек титраб турар эди, уни кўриб, нажот тилаб мўлтиради.

— Мана, мана, гувоҳ! Султон, акаси, гувоҳ бўласиз, бу

ёққа келинг! — Абужаҳл жоннинг борича унинг енгидан тортқилай бошлади. — Қаматаман сен ярамасни! Мени ким деб ўйлайсан? Сотиб олама, деясанми? Хўв, имонсиз, гапир, сенга мени порахўр деб қайси уйинга ўт тушгур айтди?!

— Э, Абубакир ака, тинчликми? — деди Султон қапа-лаги учиб.

Абужаҳл ҳамон унинг енгидан чангаллаганча, қалтираб-қақшаб воқеани баён қилди.

Ўтган ҳафта Шермат кесак икки кун ишга чиқмабди — бир юмуш билан Жамбулга, юртига кетган экан. Табиийки, ижозат олиб кетишга юраги бетламаган, қайтиб келгач эса, Абужаҳлга нима ваъж-корсон рўқач қилишни билмай боши қотган. Шунда кимдир унга йўл кўрсатибди, уйдан олиб келган қазиларингдан биттасини Абужаҳлга обориб берсанг, прогулдан ҳам қутулсан, гап эшитишдан ҳам, дебди. Шермат кесак қазининг узунроқ, йўғонрогини қоғозга ўраб кепти-да, эрталаб Абужаҳлни холи топиб тутқазган экан, у бомбадай портлаб кетибди. Мана энди, у ўша «падарингга лаънат кимдир» нинг кимлигини тез айтасан, деб талаб қилар, шўринг қурғур Шермат эса лақабини оқлаб — кесак бўлиб турар эди.

— Хафа бўлманг-э, бирорта ҳазилкашингиз... — деб Султон гап бошлаган эди, Абужаҳл уни ҳам силтаб ташлади:

— Мен билан ҳазиллашадиган одам ҳали онасининг қоршида, билдингизми, акаси! — Сўнг бирдан товуши ўзгариб, Шермат кесакка йиғлагудек бўлиб деди: — Ахир, жон ука, бир аблаҳ шундоқ деса, ишонаверасанми? Мени шунақа ифлос, деб ўйлар экансан-да, а? Бошқалар ҳам шунақа деб юраркан-да! Э, тавбадан кетай, қариган чоғимда бу қандоқ маломат менга!

— Кечиринг, — деб гўлдиради Шермат кесак.

— Ўттиз йилдан бери лой чангаллаб бола-чақа боқаман, — деб куйиб-пишарди Абужаҳл бошини чайқаб, — бировнинг бир тийинига хиёнат қилган бўлсам, мана, ким ўтмаган жойларда турибман! Пора егунча, Алининг тигига учраб тилка-пора бўлмайманми!

— Абубакир ака, қўйинг, ўзингизни босинг, — деди Султон ва ҳадиксираб четга қаради. — Бир янглишган-да энди. Ҳой, нега без бўлиб турибсан? Қазингни олу йўқол бу ердан!

Шермат кесак жонҳолатда ортига чекишаркан:

— Кечиринг, — деб шивирлади, — кечиринг...

Абужаҳл уҳ тортиб, бетон плита устига чўқди.

— Қарап, акаси, ерга қориб кетди мени, — деди хиёл ўтиб, пешонасини артаркан, — қай бир каззоб мени тўғримда шундоқ фикрда экан-да. Наҳот шунча бирга ишлаб бу бола менинг кимлигимни билмаган бўлса?

У ишқиллаб ўридан турди-да, судралганча вагонетка томон кетди. Дуррачасини шоша-пиша тағиб келаётган Муштарийнинг саломига базўр алик олиб, кўздан йўқолди.

Муштарий Султон билан қўл бериб кўришаркан, сўради:

— Қайфиятлари йўқ?

— Қайдам, — деди Султон елка қисиб, сўнг қизнинг кўзларига сиповчан тикилиб: — Иемингизнинг маъноси нима, биласизми? — деб жилмайди.

Қиз буни одатдаги ҳазил фаҳмлаб, қошлари порози чиририлди.

— Билмайман. Қани, бошладикми? Қориниша тайёр эканми?

— Тайёр. Иемингизнинг маъносини айтайми? Эвазига нима берасиз?

Муштарий кулимсираб, оёғи остида ётган тешик пақирга ишора қилди.

— Шуними? Майли, шунини раво кўрсангиз... бўлаверади. Бўйинимга осиб юраман. Қулоқ солинг: Муштарий дегани — юлдуз, Юпитер сайёрасининг номи экан.

— Нима? Юлдуз? Юпитер? Қўйсангиз-чи! — Қизнинг кўзлари чақнаб кетди. — Қаёқдан олдингиз бу гапини?

— «Навий асарлари лугати»дан, — деди Султон содда қилиб. — Бундан буён сизнинг иемингиз — Сайёра. Йўқ, Юлдуз. Қўл етмас юлдуз.

Муштарий, юзлари ёниб ерга қаради, чехрасида миннатдор бир табассум балқиди.

«Одамни бахтли қилиш баъзан қанчалар осон!» деб ўйлади Султон қизнинг ортидан ҳавоза томон бораркан...

Уша қундан бошлаб у Муштарийни гоҳ Сайёраҳон деб, гоҳ Юлдузхон деб чақирадиган бўлди.

Абужаҳл эртаси ҳам, индининга ҳам ишга чиқмади — қазини озига олмаган бўлсаям, қон босими ошиб кетибди. Султон, унинг барча ҳалол одамлар сингари, териси юпқалигини, тухмат-маломат қаршисида буткул довдираб, ўзини йўқотар даражада ожиз қолганини пайқади, бақирок, аммо оққўнгил бу чолни шундан кейин янада яхши кўриб қолди. Шермат кесак эси борида этагини ёпиб, Абужаҳл тузалиб чиққунинча ариза ёзиб ишдан бўшаб кетди.

Янги йилни Султон касалхонада кутиб олди. Йилгирма олтинчи декабрь кечаси кўричаги тутиб қолди. Қудрат

одатдагидек аллақаерда сангиб юрарди, Қодирқул «Тез ёрдам» да бирга келиб, уни ТошМИ га жойлаштириб кетди. Эртаси кечқурун тиг теккан жойларнинг оғриги энди сезилиб, тишини-тишига босиб ётганида, оқ халатин қийшиқ ёнигиб Қудрат кириб келди. Ҳеч эсидап чиқмайди: Қудрат уни кўргани иккита «Скумбрия» консерваси олиб келган эди, не азобда ётганига қарамай, буни кўрдию кулиб юборди.

— Э, консерва бўлмай-дими? — деди Қудрат бенарво, бошини қашиб. — Майли, «минигбоши» билан эрталаб уриб ташлармиз.

Қудрат кетганидан кейин ярим соатлар ўтиб, ҳарсиллаб-гурсиллаб Ля Қодирқул билан кириб келди, йиглаб-сиқтаб, кастрюлькадаги қайнатма шўрваннинг сувидан икки қошиққина ичириб кетди.

Туни билан иситмаси гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, уйқусида ҳаловат бўлмади. Тонгга яқин кўзи иллиниб ухлаб қолган экан, бир пайт кимдир аста елкасига туртди:

— Сизни йўқлаб келишибди, чиқаркансиз.

Қараса, ҳамхонаси — қилтириқ, дароз ўспирин.

— Э, ука,— деди Султон каловланиб,— мен чиқолмайман-ку... Ким экан-а?

— Бир қиз. Оти Юлдуз экан.

Султоннинг таажжуби ошди. Унинг бу шаҳарда, умуман, бу оламда бундай йўқловчиси йўқ эди-ку?

— Халат оберайми бўлмаса?

У шоша-пиша бош ирғади.

Бир маҳал эшик очилиб, Муштарий кириб келди!

«Э, калла!» — деди Султон.

Қизининг кўзлари... Фақат суйган одамнинг кўзларигина шундай ҳамдардлик билан боқа олади.

Кечқурун у тагин келди, эртасига яна...

Султон ҳар сафар уни ҳазил-хузул билан кузатиб қоларкан, ўзини номарддек сезарди.

Касалхонадан руҳсат тегиши билан қишки имтиҳонлар боиланиб, бир ойлик ўқув отпускасига чиқди. Қайтиб боргач, Абужаҳлга ҳол-қушини арз қилди, мен энди оғир ишга ярамайман, жавоб берсангиз, деди. Абужаҳл бу гапга қулоқ солишнинг истамади: «Қўйинг, акаси,— деди,— мени жуда жаллод деб ўйламанг, бизда ҳам одамгарчилик бор, соғ пайтингизда ишлатиб-ишлатиб, энди касал бўлганингизда кўчага ҳайдайманми? Эшакнинг кучи ҳалолу ўзи ҳаромми? Қўнглингизга олманг, акаси, мисол учун айтганим, сиз парво қилманг, хўжайинлар билан гаплашман, бирор-ярим ой идорадан енгилроқ иш тошиб берамиз, кейин тагин жиқ-қамушт бўлиб ишлайверамиз, хаёлчи бўлманг, акаси!»

Бу гапни дарров қаёқдандир эшитган экан, зум ўтмай Муштарий етиб келди.

— Кетяпсизми? — деди кўзлари гилтиллаб.

Султоннинг томоғига данақдек парса тиқилди.

«Қани эди, мен ҳам бировни шунчалик яхши кўрсам!» деб ўйлади армон билан.

— Кетмаганда... нима қилдим энди сизларга дардисар бўлиб? — деди атай бардам оҳангда.

— Сиз дардисарми? — Қиз маънос қулди, таъна билан бош чайқадигунча сўнг қоржомасининг тугмасини ўйнаб, эшитилар-эшитилмас: — Қолсапгиз... кўпчилик сизга ўрганиб қолган эди, — деди-да, югургудек бўлиб вагонеткадан чиқиб кетди.

Абужаҳл айтганини қилдирди: Султон икки ойча идорада ишлаб, кейин бригадага қайтиб келди. Ишга чиққан куни Муштарий кўринмади. Пайт топиб туриб Зайтунадан сўради.

— Соғиниб қолдингизми? — деди Зайтуна, гўё буюк бир сирдан воқиф одамдек илжайиб. Сўнг қўли-қўлига тегмай, девор сатҳини ойнадек ярқиратиб кетаркан, бирпасда олам-жаҳон гапни айтиб ташлади: Клаванинг қизи бир ярим ойдан бери сариқ касал бўлиб ётганмиш, ўтиброқ кетган экан, анча оғирмиш. Клаванинг ўзи бошида ўтирганмиш, бир ноёб дори керак экан, Муштарий шуни қидириб кетибди. — Султон, сенга бир гап атай, — деб давом этди Зайтуна русчалаб, — сен шу қизга уйлангин. Агар мен йиғит бўлсаму бошим очиқ бўлганида, бир секунд ҳам ўйлаб ўтирмас эдим. Биласан, аёл аёлни тан олиши — жуда қийин масала. Тағин мenden хафа бўлма, шахсий ҳаётимга аралашмоқчи деб. Агар мўлжалингда бирортаси бўлмаса, уйлан шунга, бахтли қилади сени.

— Мен-чи, мен? Мен бахтли қила оламанми уни? — деди Султон сигарет тутатиб.

— Эй, Султон, қўйсанг-чи! Ахир, сендек йиғит...

— Э, мени билмайсиз-да, Зайтуна опа, ҳар айбларим борки, агар ҳозир бирортасини айтсам, андавангиз билан уриб ўлдирасиз. Муштарий чиндан ҳам ниҳоятда яхши қиз, ўзига ўхшаган яхши бир одамни бахтли қилиши керак.

Зайтуна қўлидаги ҳўл латтани пақирдаги сувга ботириб олди.

— Ўзинг биласан, Султон. Сезиб юрибман, кўнгли бор сенга, — деди-да, ўзбекчага ўтди: — Сиз унинг чиройига қараманг-да. Нима, ҳуснига нон ботириб ердингизми? Бунинг одамгарчилиги, бунинг меҳнатқашлиги!.. Ҳамма айб отасида, бўлмаса...

— Қанақа айб?

— Шундоқ қизни, кўрмайсизми, бахтини боғлаб... Отасини кўрмагансиз-а? Улардай ичаркан. Ичгандан кейин, биласиз, хотинига меҳру муҳаббати ошиб... Булар асли уч қиз, иккита синглиси ҳам бор, уларшим бўйи етган, уйда ўтирибди... Ичкиликнинг касофати курсини.

Султон туйқусдан, Муштарийнинг отасидан шикона равижиб юришларининг боисини энди аңглади.

— ...меням хўжайиним бир ўрғанди, деди. Хар куни қийшайиб келади. На ойлигида барака бор, на гашида маъни. Йўқ, бир бурадим, бир бурадим — ярқ этиб кўзи очилди.— Зайтуна гурур билан ҳикоя қиларди.— Бўлмаса...

— Менга қаранг,— деди у Зайтунанинг гашини бўлиб,— отаси ҳозир ҳам ичармикан?

— Йўқ,— дея бош чайқади Зайтуна.— Икки йил бўпти, ташлабди. Энди ҳамма ароқхўрларга ўхшаб, мачитга қатнаб қолганмиш.

— Ина зарур экан шунчалик ичиб...— Султон ўзича гўлдираб кўйди.

— Ким билади дейсиз,— деди Зайтуна.— бир дарди бўлгандир-да. Хотини эрта ўлиб кетган, кейин бошиқа оила қилмаган. Ҳаммаси ёш болалар, қийинчилик. Мажет подумал, что лучше умереть от воды, чем от скуки.— дея русчалаб кўшиб кўйди у.

Султон кечаси Зайтунанинг гапларини кўп ўйлади. Тўғри, ҳуснига нон ботириб еб бўлмайди. Лекин ҳаёт деганлари фақат мураббою бўрсилдоқ нондан иборат эмасда...

Юрагида қизга нисбатан мурувватдан ўзга парса йўқ. У Султонга етинса, гўё бахтли бўлармин. Оламда бир бахтиёр инсон кўпаярмиш. Аммо Султон унга бахт берса-ю, ўзи бахтсиз қолса, дунёда яна бир бахти ингун кимса кўпайса — бундан не маъно бор?..

Шу тариқа у кўкламга қадар қизининг қаршисида кишибилмас виждон азобида қийналиб юрди. Илк баҳор кунларининг бирида Зумрадин учратдию ҳаёти остин-устун бўлиб кетди. Ахир, муҳаббат деганлари бутунлай бошиқа парса экан-ку! Чорак аср Зумрадеиз қандай яшаганига ақли сира-сира бовар қилмас эди...

Муҳаббат одамнинг феълини қанчалик кенг қилса, шунчалик худбин ҳам қилиб қўяркан. Султон жуда кўп нарсани, жуда кўп одамни бирданига унутиб юборди. Умр йўлида қачонлардир дуч келган, меҳр тўла кўзлари умидвор термиладиган бир қиз ҳам Муштарий сайёрасидек бениҳоя олинларда қолиб кетди.

Августнинг бошида Муштарий отпускага чиқди-да, уч кундан кейин тўйга таклифнома ташлаб кетди.

Ёзда қор ёққандек, ҳамма бирданига довдираб қолди. На Клава, на Шокир, на Зайтунанинг бундан хабари бор эди.

Эртаси кечқурун Зайтуна тўйхонага бориб гап топиб келди: кўёв бўлмиш Муштарийнинг ҳаммаҳалласи эмиш, беш йил бурун хотини ўлган экан, уч қиз, бир ўгли бормиш, сабзавот дўконига юкчилик қиларкан. Уй-жойи бадастир, таниган-билганларнинг айтишига қараганда, ўзиям унчалик қари эмасмиш...

Абужаҳл киши бошига беш сўмдан пул йигдирди. Тўёна масаласи мунозарага айланаб кетди. Биров у деди, биров бу, лекин ҳеч кимдап жўяли маслаҳат чиқмагач, Абужаҳл аччиқланиб, шартта икки жуфт (!) торшер олиб келди, вагонеткага қўйиб, икки кун кирган-чиққаннинг ҳаммасига мақтаб ўтирди.

Бутун бригада бўлиб тўйга бордилар.

Султоннинг эсида қолгани: Бешёғоч, тутдек тўкилай деб турган озода-ораста ҳовли, бахмал дўппи кийган жик-каккина мўйсафид — отанинг юзидаги хокисор, андак гуноҳқорона кулги ва Муштарийнинг кўзлари!.. Оҳ, у кўзлардаги таъна-табассум!

Султон шу ёшга кириб, шунча маврид-маъракага аралашиб, булчалик чиройли тўйни кўрмаган эди. Ўйнаган ҳам ўйнади, ўйнамаган ҳам. Ҳатто бир пайт Клава юрак ютиб, қаршиенга келиб муқом қилиб қолганида, Абужаҳл ҳам даст ўрпидан туриб кетди, негадир, лоий қорадигандек енгини шимариб ўртага тушди-да, айиқдек лапанглаб шох ташлади. Кейин Султонга қараб имо қилди. Умрида қўл кўтармаган Султон азбаройи кўрққанидан, поилож даврага чиқди...

Тун ярмидан оққанда тарқалишди. Такси топиб, хотинлар билан Абужаҳлни ўтқазилди. Машина эшиги ёпилгач, Абужаҳл деразадан бошини чиқарди:

— Акаси, Ҳалоқунинг итидек кўп сангиб юрманлар эпти. Султон, акаси, сиз ўзингиз бош бўлиб опкетинг буларингизни, хўпми? Тагин душанба куни қайдасан, хушёрхона, деб юрмай!

— Йўғ-э, Абубакир ака,— деди Султон қулимсираб.

— Э, хушёрхонада пишириб қўйибдимми бизга! — деб тўнғиллади Қудрат.

— Майли-да, акаси, бир айтдим-қўйдим-да,— деди Абужаҳл товуши олинаиб.— Ўзингга хушёр бўл, қўшнинг-ни ўгри тутма, деган! Ҳайданг!

— Ұлдинг, — деди Султон.

— Э! — деди Қудрат қўл силтаб.

Ўрданинг кўиригига қадар чурқ этмай бордилар. Кўчалар жимжит, ёруғ, бошлар сархуш, кўнгилда ишқ оташи, шу тахлит сўзсиз кетаверсанг, кетаверсанг... Ҳеч кимнинг уйга қайтгиси келмасди, гўё уйга элтажак йўллар унут, дилда ажиб бир туйғу галаёи қилади, барчанинг тили учида бир гап, аммо бирор мард йўқки, юрак ютиб ошкор айласа... Беш дақиқа ўтди, ўн, ўн беш... Ниҳоят, Қудрат оёғи остига чирт этказиб тушурди-да:

— Одам эмас эканмиз, огайишлар! — деди.

Яна бир кимсадан садо чиқмади. Акбар сигарет тутатди, Исомиддин ҳомуза тортди.

— Шундоқ қизши... Эҳ! — Қудрат асабий қўл силтаб, кўприк панжарасига суянганча тескари қараб олди.

На эътироз бўлди, на эътироф. Ҳатто энг ўришчи сўз ҳам ўринсиз эди ҳозир..

— Кетдик, — деди Султон бир маҳал бўғиқ товуш билан.

Ёруғ, кимсасиз кўчалар бўйлаб яна жимгина юриб кетдилар. Шу тобда ҳеч ким уларни тўйдан қайтпти, деб ўйламас эди.

* * *

Қориндор бўлим мудирин Султонни эслаб қолган экан, бу сафар эски танишлардек кулимсираб кўришди.

— Утиринг, — деди тўрдаги оқ жилд сирилган диванга ишора қилиб, сўнг халатининг кўкрак чўнтагидан сигарет олиб, унга ҳам тутди: — Чекасиэми?

Султон бош чайқади:

— Ҳозир чекувдим.

— Так, энди сизни нима қилсак экан? — деди бўлим мудирини ўйлашиб. — Областан келган экансиз, қийналиб ҳам кетгандирсиз. Бугун тушдан кейин бир кишига жавоб берамиз, ўрнига келақолинг бўлмаса.

— Бугунми? — деб сўради Султон ишонқирамай.

— Ҳа. Бугун жумани, ахир? Бўпти, келавериңг. Шип-пак борми?

— Топамиз, — деди Султон бўшашиб. — Бу... Насимов қачон келадилар?

Бўлим мудирин унга кўз қирини ташлади.

— Домла, мешимча, душанба кунин қайтсалар керак, — деди столидаги календарини варақлаб. — Хотиржам бўлинг, сизни у кишига албатта кўрсатамиз. Ҳозирча дастлабки

гекшпришларни бошлайверсак. Келишдикми? Йўлланмангизни қолдириб кетинг.

Султон, шу дамгача бир мўъжиза рўй бериб, ўзининг сог-омон қайтиб кетишига ич-ичидан заиф бир умид билан ишонар эди, бўлим мудирининг гапларини эшитдию буткул руҳи тушиб кетди: «Демак, рост экан-да...» Тушдан кейин бўйнидан боглагандек базўр судралиб касалхона ҳовлисига кириб келаркан, кулранг иморатнинг совуқ пештоқларига тикилиб, ваҳима билан ўйлади: «Наҳот ўлим шу ердан чиқса?!»

Уни учинчи қаватга, одам бир-бирининг қорасини илгаёлмайдиган узун йўлак этагидаги ўттиз тўртинчи палатага ётқизишди. Ўша баланд шифт, ўша юракни сиқадиган ошноқ деворлар, ҳаммаси бир-бирига ўхшаш ўша беморлар.

Шамба куни диққинафаслик билан ўтди: билагидан қон олган семиз ҳамширадан бошқа ҳеч ким уни йўқламади. Унинг ҳам ҳозир бировни кўргиси йўқ эди, қуп бўйи жойида кўзларини юмганча гужапак бўлиб ётди.

Кеч кирди. Келадиган одам келиб, кетадиган одам кетиб бўлди. Кечки муолажалар ҳам ниҳоясига етди. Чироқлар ўчди, шовқин-суронлар тинди — ором оилари бошланди.

Султон халатини эгнига илиб, йўлакка чиқди. Рўнарадаги деразанинг бир тавақасини қия очиб, сигарет тутатди. Эҳ, қачон тонг отадю қачон қуёш чиқади? Қачон бу азоблар барҳам тонади? Балки азобларга қўшилиб бир йўла умри ҳам барҳам тонар?..

Настда, чироқлар ёгдуси билан чарогон кўчада эса бегона бир ҳаёт ўз маромида давом этарди. Машиналар шитоб билан олга елар, кеч қолган йўловчилар уй-уйларига ошиқар эди. Буларнинг ҳаммаси бахтли одамлар! Чунки барчаси касалхонадан нари кетмоқда — ўз оёғи билан юриб, ўз кўзи билан кўриб...

Саодатманд бу кимсаларга термилиб тураркан, у тагин андуҳ билан шивирлади: «Сен узоқ яшайсан, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларинг ўйнаб юрибди, мени-чи, шум ажал пақ остонада, эгарланган отдай кутиб турибди...».

Бу кечани ҳам не машаққатлар чекиб ўтказганини ёлғиз Султоннинг ўзи билади. Фақат, дераза ортида офтобнинг илк титроқ шуъласи пайдо бўлдию у шукроналик билан тин олди: «Тонг отди!»

Тонг отди. Олам ёришди. Шифтга беҳол термилиб ётган беморлар дилида яна эртанги кунга умид уйғонди.

Чой пайти радиода одатдагидек эрталабки концерт бошланди. Султон дераза олдида ташқарига паришон тикилиб ўтирар, пиёладаги чойи аллақачон музлаб қолганини сезмас эди.

— ... халқ артисти Нозим Қодиров ижро этган кўшиқлардан эшиттирамиз, — деб эълон қилди диктор.

Султон бирдан сергак тортди. Нозим ака айтаркан-да. «Ижро этган кўшиқлардан» дедими? «Ижро этади», дейиларди шекилли. Адашиб кетди чамаси.

Пазарида, Нозим Қодиров ҳеч қачон буичалар тўлиб-тошиб қуйламаган эди. Ким билсин, аҳтимол ўзи ҳам юракнинг энг позик, дардли тебранишлари янглиг янграган бу кўшиқларни балки ҳеч қачон буичалар мафтун бўлиб тингламагандир!

Дилгир руҳида ажиб бир тиниқлик пайдо бўлди. Палатага қайтиб киргач, рўпарасидаги каравотда ётган Фима амакини гапга солди, икки кундан буён қовогидан қор ёгаётган ҳамхонасининг чиройи очилганини кўриб, чол ёш боладек суюнди, бунга сари унинг кўнгли янада ёришди.

Фима амаки жиннилар ҳақидаги битмас-туганмас латифалар туркумини бошлади:

— Бир куни жиннихонага телефон бўлди. «Доктор, латимос, ўнинчи палатадаги беморни чақириб берамиз». «Ўнинчи палатадаги бемор бугун эрталаб қочиб кетибди», деб жавоб берибди доктор афсусланиб. «Хайрият-э! Демак, мен ростдан ҳам қочиб кетишга муваффақ бўлибман-да», дебди телефондаги одам.

Ҳамма қотиб-қотиб кулди.

— Латифа эшитганда мазза қилиб қуламану, лекин сира эслаб қололмайман, — деди Султон ёстиққа ястаниб.

— Мениям эсимда турмайди, — деди Фима амаки, — буни кеча газетадан ўқиб олган эдим, «Оқшом» да. Кўп латифа бор у ерда. Ўқийсизми? — У тумбочкасининг тортмасидан ёг босган газета олиб Султонга узатди. — Эрмак-да.

Султон аста жойига ёнбошлаб, газетага кўз югуртирди. «Шайба саҳифаси...» «Фойдали маслаҳатлар...» «Ҳар тўғрида...» «Ёнғоқ бехосият дарахтми?...» Қизиқ... Ҳа, мана, «Келинг, бир кулишайлик». Ҳай, майли, қапи, кулишсақ кулиша қолайлик.

Латифаларнинг қолганлари айтарли қизиқ эмас — «қитиқлаб кулдиришга» мўлжалланган сингил-елпи гаплардан иборат экан. У ҳомуза тортиб, тўртинчи саҳифани очди, жиддий бир машгулотга берилгандек, камоли диққат билан ўқий бошлади. «Реклама ва эълонлар...» Хўш, «мавсумдон пальтолар...» Яхши... «Ҳам салқин, ҳам озода...» Ҳойнаҳой, кондиционер бўлса керак. «Йўқолган тоза бланкалари...» Оббо, чатоқ бўпти-ку! Буниси таъзиялар. Тагин икки кишининг умри битибди. Аҳ, ҳаёт!.. Ие! Йўг-э?!

Султон каравотдан сапчиб турди, ерга тушиб кетган га-

зетани жонҳолатда олиб тикилди: «...халқ артисти Нозим Қодировнинг бевақт вафот этгани муносабати билан...»

У, оёқ-қўлидан мадор кетганча серрайиб турар, вужудини совуқ титроқ чулғаб, қулоғи шагиллай бошлаган эди. Епирай! Бу қандай гап, ахир!? Наҳот рост бўлса?! Ахир, кечагина... Епирай!.. Нозим ака, Нозим ака!..

Фима амаки уни кузатиб турган экан шекилли, дарҳол ёнига келди:

— Нима қилди? Мазангиз қочдимми? Врачни чақирайми?

— Йўқ, — деди Султон жонсиз бир алпозда жойига чўқаркан, — ўтиб кетар... ҳозир...

— Манг, валидол ичворинг, — деди дераза олдида ётадиган, боши дока билан салладек қилиб боғлаб ташланган Саидақбар немли йигит дори узатиб.

Султон тугмачадек дорини тилининг тагига ташлаб, узоқ вақт сўзсиз ётди. Мияси карахт, тилининг учуда: «Епирай! Епирай!» — деган сўзгина тинимсиз айланар эди. Нега, нега бундай бўлди экан? Бахтсиз тасодифми? Нега ҳеч ким беҳабар?

— Менга қаранг, — деди у алламаҳал ўтиб, бўғиқ товуш билан Саидақбарга, — эшитмадингизми, Нозим Қодиров вафот этибдимми?

— Ким дейсиз? Э, анови артистми? Билмадим, лекин кеча ҳовлида айланиб юрганымда қайсидир артист ўлибди, деган гап қулогимга чалингандек бўлувди. Нима, уям шу ерда ётган эканми?

Унинг саволи жавобсиз қолди — Султон шартта ўрнидан туриб, ташқарига отилди.

Аксига олиб, ҳовлидаги автомат телефониинг биттаси мутлақо ишламас экан, иккинчиси тангани ширіқ этиб ютдию без бўлиб тураверди. Султон атрофда айланиб юрган касаллардан икки тийинлик тилаб олиб, учинчи марта чексиз жаҳл ва умид билан рақам терди.

Трубкани Абдулланинг ўзи олди:

— Султон ака? Э, одамни куйдирдингиз-ку, қаёқларда юрибсиз? Излайвериб ахир...

— Менга қаранг, — деди у нафаси бўғзига тиқилиб, — Нозим ака... ростми?

— ...

— Нега индамайсиз? Алло, эшитяпсизми?

— Рост, — деди Абдулла хўрсиниб. — Эшитганингиз йўқмиди? Қаердан телефон қиляпсиз ўзи?

— Қасалхонадан, — деди Султон бўғин-бўғинлари бўшашиб. — Нега, Абдуллажон, нега, қандай қилиб?..

Абдулла шошиб қолди:

— Э, касалхонада нима қиласиз? Касалхонага тушиб қолдингизми? Қайси касалхона? Э, Султон ака, айтнинг, мен ҳозир етиб бораман.

— Ташвиш қилманг, мен ўзимга тузукман. Шунчаки, бир кўришиб кетишим керак эди. Нейрохирургия институтидаман.

— Нейрохирургия?! — Абдулла шундай ваҳима билан сўрадики, Султон унинг капалаги учиб кетганини сизди. — Султон ака, нима бало, авария-навария...

— Йўқ, йўқ, унақамас, — деди Султон шошиб, — айтдим-ку, нималигини. Очиги, сизга билдирмоқчи эмас эдиму манави гапни эшитиб...

— Ҳе-сй, Султон ака-я! Бўпти, трубкани қўйнинг, мен ярим соатда етиб бораман. Палатагиз нечанчи?

Султон нима деярини билмай:

— Ҳовлида, дарвозанинг олдида юриб тураман, — деди.

Абдулла айтганидек — ярим соатга қолмай, ранг-қути ўчган ҳолда етиб келди, упи соғ-омон кўриб, шундан кейингина юзига қон югурди.

Дарвоза ёнидаги, кимдир газета тўшаб кетган ўриндиққа чўкиб, сигарет тутатишди.

— Ёмон эзилиб кетдим, Султон ака, — деди Абдулла. — Бу ёқда бундай гап, бу ёқда сиз бедарак кетворгансиз, нима қилишимни билмайман. Агар бугун ҳам дарагингиз чиқмаганида, қишлоққа телефон қилмоқчи эдим, томошани ана унда кўрадингиз.

Султон бу томонини ўйламаган эди, энди кўз олдига келтириб, баттар юраги сиқилди.

— Қачон бўлди? — деб сўради сигаретини бетоқат сўриб.

— Жума куни эрталаб узилган экан. Тушдан кейин чиқаришди.

— Нега, нимага? — деди Султон сўз тополмай титраб.

— Юрак... — Абдулла ерга қараганча жим бўлиб қолди, сўнг уҳ тортиб: — Э, шунақа экан-да, одамзодга ишониб бўлмас экан, — деди.

— Юраги касалмиди?

— Икки марта инфаркт бўлган экан... Умуман, унга қўшиқ айтиш мумкин эмас эди.

Яқингинадан, худди девор ортида янграгандек, паровознинг чўзиқ гудоги эшитилди. Султон, хаёллари тўзғиб, бошини кўтарди: шаҳарнинг қоқ ўртасида паровоз нима қиладди? Бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас... ҳаҳ, бечора Полим ака!

— Докторлар билмас эканми? — деди тапғайин қуруқшаб.

— Доктор ҳам биларди, ўзи ҳам... Улимни бўйнига олиб қўйиб айтаркан-да. Эсингиздами, ўша кун қандай яхши ўтирган эдик?

Султон индамай бош ирғади, сўнг:

— Ё тавба! — деб ух тортди. — Биз қачон борган эдик, пайшанба куними?

— Йўқ, чоршанба кун.

— Уни қаранг! Демак, икки кун ўтиб... Ё тавба! Худди туш кўраётганга ўхшайман... Эсингиздами, Навоийдан гезал ўқиб берган эди?

— Эсимда, — деб тасдиқлади Абдулла.

— Ўша ғазални сурат қилиб чизаман, деган эди. Суратга қўймоқчи бўлган номиям шундоқ ёдимда турибди. «Бир хазонлиг бог ичнида...» Эҳ! Мана шундай бир богни тасаввур қилган бўлса керак-да. — Султон рўпарада қорайиб ётган намчил хиёбошга ишора қилди. — Ўзи ҳам хазонли богдек тўкилиб қолган экан-да. Сизни билмадим, лекин мен ўшанда уш бунчалик маънос кўриб хайрон қолган эдим. Наҳотки, ўзи сезган бўлса?

— Билмадим. — Абдулла тиззасининг кўзига таяниб, ўрнидан турди, — баъки сезгандир... «Баҳор» концерт залидан чиқаришди, тумонат одам. Укалари, шоғирдлари бошида қўшиқларини айтиб ўтиришди.

— Эҳ, менга хабар қилмабсиз-да, ўлигимни судраб бўлса ҳам борардим-ку! — деб юборди Султон.

— Қандай хабар қиламан?! — деди Абдулла ҳам гап-гап, ҳам ранжиб.

Султон бирдан ҳушини йиғди:

— Ҳа, дарвоқе...

Абдулла унинг уст-бошига синчиклаб назар солди, чий-духоба халатининг ёқасини тузатиб қўйди-да, қатъият билан сўради:

— Қани, ўзингиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?

Султоннинг мутаассир бўлиб турган кўнгли бирдан бузилиб кетди: «Қилдай бўлса ҳам жигар—жигар экан-да, овозимни эшитган заҳоти йўқлаб келди...».

— Нимасини айтмай, Абдуллажон, — дея бўғзига тикилиб келган тугундек нарсани қулт этиб ютди, — асли Нозим акангиз менинг ўрнимга кетибди-да. — Сўнг аграйиб қолган жиянига қараб, шивирлагудек: — Рақ бўлиб қолганман, — дедию шартта юзини четга бурди...

Абдулла сир бермасликка тиришиб сўраб-суриштирар, рангу рафтори ичида не бир галаёнлар кечаётганидан далолат бериб турар эди.

— Нақ ваҳиманинг иши бўлиб қолибсиз,— деди у ўридикқа чўкиб. Кўзлари девор оша олмакесак тераётганидан, Султон Абдулла бу ганини кўпроқ ўзи учун далда излаб айтаётганини найқади.— Ахир, бор-йўги гумон экан-ку. Мана кўрасиз, оддек бўлиб кетасиз ҳали. Эй, Султон ака-ей, шунга шунчалик...

Султон аслида худди мана шу нарсадан — сохта тасаллидан кўрқмаганмиди? Худди шу боис ўзини шу кўйларга солмаганмиди? Энди нима қилсин? Бу пачор таскинларга не деб жавоб берсин?

— Майли, Абдуллажон,— деди у ниҳоят,— пешонада борини кўрармиз. Сиздан ягона илтимос шуки, ҳозирча бу ганини сир тутинг. Ҳали қанча ётаман-қўяман — помаълум. Кейини, ўзингиз ҳам ҳеч безовта бўлманг. Мана, телефон бор, бирор гап бўлса, ўзим хабар қиламан. Фақат...— У тарадудланиб қолди.

— Лйтнинг, айтаверинг, Султон ака,— деди Абдулла унга жавдираб боқиб.

— Билмадим, иложи бўлармикан, Қудрат аканигизни бир кўрсам, деган эдим...

— Қудрат акасини? Бўпти. Ҳалиям шу нур станциясидамикан? Мен ҳам ўша, тўрт йил бурун сиз билан бирга охириги марта кўрганим.

— Ҳалиям ўша жойда. Буни қаранг, бир ерга телефони ҳам ёзиб қўйган эдим, ким билсин, қаёқларда қолиб кетди экан.

— Хотиржам бўлинг.— деди Абдулла,— топамиз. Унчалик узоқ эмас шекилли ўзингиз? Юз километрча бордир?

— Қайдам...— Султон хомуш тортиб, ўйлашиб қолди.

Абдулла кетди.

Султон кимсасиз ҳовлида, муздек ўридикқа яна узоқ ўтирди. Қоронги тушди, осмонда илк юлдузлар милтиллай бошлади, у аста ўридан туриб, хувиллаб ётган хиёбон томон юрди. Бир ҳазонлиг боғ ичида сукунат титрайди, теграсида — ҳар бири юракдек-юракдек япроқлар...

«Ҳаёт қанчалар ширин! Уни ташлаб кетишга одамнинг қандоқ кўзи қияркин? Сиз қандай ташлаб кетдингиз уни, Нозим ака?! Эҳ, ҳали сизга айтидиган гапларим кўн эди, сиздан эшитмоқчи бўлган гапларим ҳам ҳали кўн эди!.. Эҳ, ҳаёт, бевафо, бебаҳо ҳаёт, изтиробинг ҳам шунчалар лаззатлики, сени қандай ташлаб кетиб бўлади?! Сиз қандай ташлаб кетдингиз уни, Нозим ака? Ўзинг-чи, ўзинг, энди қандай ташлаб кетасан уни?!»

Кечаси, эл ётгандан кейин, Султон стуллари тўнтариб қўйилган ошхонага кириб иккита хат ёзди. Хатнинг биринчиси Зумрадга, иккинчиси фарзандларига аталган эди.

Ажабки, дилида Зумрадга айтиши шарт бўлган гаплари тўлиб-тошиб ётгандек туюлган эди, бироқ негадир ёзган узук-юлук сўзларига бир саҳифанинг ярми ҳам тўлмади.

«Албатта, сенга қийин бўлади, Зумрад, — деб ёзди у, — лекин қанчалик оғир бўлмасин, хонадонимизга ҳаромни яқин йўлатма. Майли, болаларим оч қолсин, яланғоч қолсин, аммо ҳалол бўлиб ўссин! Ахир, илгарилари ҳам кўп айтардим-ку: яримта пон қанчалар ширин... Кейин... ҳали ёшсан, ихтиёринг ўзингда. Фақат болалар ранжимаса бас...»

У, ортиқ бу мактубни давом эттиролмаслигини сезиб, бошини кўтарди. Стул суянчигига гавдасини ташлаб, қопқоронги деразага тикилди.

Ҳаммаёқ жимжит. Фақат бурчақдаги газ плита устида турган сариқ кастрюльгина бегам пишиллайди, ахён-ахён муюлишдан бурилиб кетаётган машиналар чирогининг заиф шуъласи деразада лип-лип қилиб қолади.

Эҳ, қани эди, бир мўъжиза юз берсаю...

Авалло отаси билан онасининг қабрини обод қиларди. Ҳар замонда — кимнингдир дафн маросимида мазорга бориб қолганида ота-онасининг чўкиб, ер билан текислашиб кетаётган қабрларига кўзи тушиб, юрагида чидаб бўлмас оғриқ уйғонар, «Эртага!» деб қасам ичар, афсуски, эртаси куши тирикликнинг туганмас ташвишлари туфайли барчасини унутар эди... Бу дунёда ундай умидвор бўлиб ётган мархумлар кўп: Ая, Орзу хола, Нозим ака... Тириклар-чи? Унинг меҳру шафқатига, қатъияту адолатига интизор юрган тириклар озми? Албатта, даставвал шуларнинг кўнглини олган бўларди. Бечора Зумрадга етишгунча не ваъдаларни бермаган эди! Агар умр вафо қилса, ўша ваъдаларнинг лоақал мингдан бирини бажарармиди... Кейин, салпал ўзинга ҳам қараган бўларди; ахир шу кунгача мудом иш ташвиши билан ўтди, ишга бораётиб ҳам «иш» деди, ишдан қайтиб ҳам «иш» деди. Ваҳоланки, иш ҳам одам билан иш эканини у эндигина тушуниб турибди. Эҳ, қани эди, муриши қайтадан бошласа, нима қилишни ўзи биларди. Паҳлавон Маҳмуд айтганидек, қул бўлиб ишлаб, бек бўлиб яшар эди!

Минг афсуски, мўъжиза фақат эртақдагина юз беради.

Иккинчи хатни ёзиш айниқса қийин бўлди. У энди ўзини бутунлай босиб олган, тақдирга тан бериш баробари

қалбида мардона бир туйғу ҳам пайдо бўлган эди. Уни қий наган нарса фақат шу эдики, Жамила ҳам, Қомила ҳам, Сардор ҳам пуштикамаридан бўлган зурёдлари эса-да, буткул янги авлод вакиллари эди, улар ҳали на риё, на алдов, на фирибгарликни биларди, бинобарин, у жигарбандларини умр йўлларида дуч келгуси ана шу балолардан огоҳ этиб қўймоқ учун қайғулар эди.

Ун беш йиллик ҳаёт ҳамроҳига айтолмай, дилида қолиб кетган армонларини ҳам у фарзандларига багишлади — борлиги титраб, шитоб билан узок ёзди, гоҳ қадрдон ота бўлиб, гоҳ маънавий устоз бўлиб юрагида неки бўлса, барини баён қилди.

«Болаларим, мен бу хатни сизлардан узокда, олис бир касалхонада ётиб ёзаяман, — деб бошлади у. — Эрта бир кун улгайиб, ақлингизни таниганингизда шу гапларимни бир мулоҳаза қилиб кўрарсизлар. Мен сизларни кучим етганича ҳалол меҳнатим, пешона терим билан боқдим, буниг учун виждоним пок. Афсуски, бедаво дардга чалиниб, сизларга ўзим истагандек тарбия ва билим беролмадим, буниг учун эса армошим чексиз. Аммо, фарзандларим, сизлар мард бўлинглар, ҳар қандай қийинчиликни ҳам бардош билан егишти ўрганинглар. Сардоржон, ботиб ўтдим, сен энди оиламизда ягона эркак бўлиб қоляпсан, онангини, онаг билан синглингини ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳафа қилдириб қўймагин. Отам, мен сени учувчиликка ўқитмоқчи эдим, осмон фалакларда парвоз қилсанг, дердим, катта бўлганингда албатта шуни ўйлаб кўргин. Жамилахон, она қизим, тилаб олган тўнғичим, сен энди укаларингга бош бўлиб қолсан, ўқишларидан доим хабардор бўлиб тургин. Жоним қизим, сениг бармоқларинг узун-узун, кўзларинг мулоим, бори-борлигинг шафқатинг ўзи, ўқишни битирганингдан кейин албатта доктор бўлгин, бедаво дардларга даво топгин. Қомилахон, кундузим, сен ҳали жудаям ёшсан, бу гапларни тушунмассан, энди Сардор аканг сенга ҳам ака, ҳам ота бўлади... Асал қизим, мен сени ой кулчам, деганман, ширин кулчам, деганман, ҳамиша шундоқ ардоқли бўлиб қолгин. Улгайиб, мактабни тугатганингдан кейин мен сени ўқитувчи қилмоқчи эдим, агар насиб этса, она тили муаллимаси бўлгин... — У мижжаларини артиб, яна давом этди: — Ҳамиша, ҳамма юрту элларда оталар болаларига мард, ақлли, ҳалол бўлинглар, деб айтиб келганлар. Бизга ҳам оталаримиз шундай деб васият қилган эдилар. Афсуски, бизнинг барчамиз ҳам оталар васиятига амал қилмадик. Авлодимиздан кўп ўғри, муттаҳам, порохўр чиқди. Энг ёмони, болаларим, булар-

нинг ҳаммаси сизларнинг бегубор нигоҳингиз қаршисида рўй берди. Қўрқаманки, бу ярамас ишларимиз мургак, тоза юракларингизни захарламаган бўлса!.. Қўзиларим, бироқ менинг имошим комилки, сизларнинг бирортаңгиз бу эгри йўллардан юрмайсиз, чунки мен сизларни ҳалол меҳнатнинг нони билан боқдим, тўғрисўз бўлишга ўргатдим. Бундан кейин ҳам бир умр шундай яшаб ўтинглар, фарзандларингизни ҳам, уларнинг болаларини ҳам покликка, тўғриликка ўргатинглар, буни қайта-қайта уларнинг онгига қуйишдан эринманглар. Дунёда пок одамлар қанчалик кўнайса, нопок одамлар шунчалик камаяди, буни доимо ёдда тутинглар.

Шамчироқларим, сизлар ажойиб кунларда улгайиб вояга етасизлар. Ана шундай ажойиб кунлар келади, мен бунга бутун борлигим билан ишонаман. Аммо ана шу кунлар тезроқ келиши учун ҳамма тўғри бўлиши, ҳамма бирдек ҳалол меҳнат қилиши лозим. Сардоржон, Ҳамилахон, Қомилахон, сизлар менинг бу дунёга келиб топган гавҳарларимсиз, ҳамиша гавҳардек соф, гавҳардек асл бўлиб қолинглар...»

Эрталаб, тонг саҳарда тўрхалта кўтарганча Абдулла етиб келди.

— Ишга кетаётиб кирдим, — деди тугунчагини узатиб. — Яхши ётибсизми? Кечқурун келаман.

Султон поризо бош чайқади:

— Овора бўлаверасизми ҳадеб? Мен... мана, ётган бўлсам...

— Ишингиз бўлмасин, — деди Абдулла бепарво. — Хўш, бирор парса керак эмасми?

— Йўқ. Дарвоқе... майли, қўяверинг.

— «Қўяверинг» из шимаси? — деди Абдулла ранжиб. — Энди, шунақа қилманг-да, Султон ака. Буюррадиган хизматингиз Қоратогни қайириб келиш эмасдир, ахир!

Султон тараддудланиб, ҳалатининг чўнтагидан иккита конверт чиқарди.

— Мана шу хатларни олиб қўйсангиз. Ҳар эҳтимолга қарши. Бири янгангизга, бири укаларингизга. Кейин... берарсиз.

Абдулла довдираб қолди.

— Ёмон ният қилаверадими одам деган! — деб гўлдиради зарда аралаш, бироқ гангиб тургани учунми, бари бир хатни олди-да, нари-бери хайрлашиб жўнади.

Чойдан кейин йўлакда, палаталарда югур-югур кучайиб

қолди: «Профессор Насимов!» Ҳамширалар, сапитаркалар бир-бирларини шошириб, палатани қайта-қайта текшириб чиқишди, ҳатто қоридор бўлим мудирини ҳам икки марта эшикдан мўралаб кетди. Хизматчиларнинг ҳаяжони Султонга ҳам юкиб, каравотида бетоқат бўлиб кута бошладди.

Ниҳоят, соат ўн бирдан ўтганда эшик очилиб, профессор бир тўда оқ халатли киши қуршовида палатага кириб келди. Бояғи ваҳималарга қараб Султон ушн бениҳоя баджаҳл, девқомат одам бўлса керак, деб хаёл қилган эди, бироқ бўйи ўртадан пастроқ, ранги захил, сочи йиғитларшикидек қуюқ, жиккаккина бир чолни кўриб, бир оз тааж-жубланди.

Кўрик бошланди.

Султон нафасини ичига ютиб, кўз қирин билан Насимовни кузатиб ётарди. Шу одам экаи-да. Энди ушнинг тақдирини ёлғиз шу одамга боғлиқ, бутун умиди шундан!

Кўзига авлиёдек кўринган шу кишидан паяжот тилаб термилиб ётаркан, Султоннинг ҳайрати тобора ошмоқда эди: бу жиккак чол ҳар бир касалнинг исм-фамилиясини, касб-корини феъл-атворини беш қўлидай биларкан, ҳар бирининг ўзига қараб муомалаю ҳазил-мутойиба қилиб кўярди. Шунча бемор, қандай эслаб қоларкин?

— Хўш, Искандар Зулқарнайин, аҳволлар қалай? — деди у Саидакбарнинг каравоти четига ўтириб. Беморларнинг ҳам, врачларнинг ҳам лабига кулги югурди: Саидакбар аварияга учраб, калла суяғи синган, тўрт элик келадиган суяк бошини ёриб чиқиб, тепага ўса бошлаган экаи.

— Яхши, — деди Саидакбар дўриллаб ва кулимсирганча биит билан чирмаб ташланган «шоҳ»ини снлаб қўйди.

— Буларни сузмаянсеними? — Профессор Насимов шундай дедию ундан жавоб кутмай, қоридор бўлим мудиридан «ўзларининг тили»да алланарсаларини сўраб-сўриштира бошлади, сўнг ҳамширага биитни ечишни буюрди... Султон юрағи орқага тортиб, кўзларини юмганча, киши билмас девор томон ўгирилиб олди. Докторлар ўзаро гўнғир-гўнғир гаплашишди, Саидакбар войвойлади, ниҳоят, Насимовнинг тагини хушчақчақ овози эшитилди: — Бақираверманг-э, шохим бор, деб! Қудуққа айтинг додигизни, қудуққа!

— Вой, жоним-э... — дерди Саидакбар итқиллаб.

Султон аста кўзини очди.

— Сиз қалайсиз, ўртоқ гвардиячи сержант? — Насимов Фима амакининг каравоти тепасида турарди. — Бош қандай, бош?

— Бишойидек, ўртоқ капитан, — деб жавоб берди Фима амаки ҳам дарров қондасини келиштириб. — Яхши бориб келдингизми? Қалай экан Вена?

— Вена яхши, — деди профессор кўзларини қисиб, — лекин Тошкент ҳам ёмон эмас.

— Аввал ҳам борганмидингиз?

— Қирқ бешинчи йил. Госпиталда ишлаганман икки ой.

— Ўртоқ капитан, сир бўлмаса, нима масалада бордингиз?

— Эҳ, ўртоқ гвардиячи сержант, бари бир разведкачилингизга борасиз-да! — Насимов завқ билан кулди. — Нимага борардим, сизга ўхшаш бошогриқларинг дардида бораман-да. Хўш, аҳволингиз қалай? Пункция қилишдими? Хўш, яхши, яхши... Қани, бундай ётинг-чи. Венага борганмисиз?

— Ийх-ийх... — Фима амаки ётган жойида бош чайқайди.

— Албатта бормайсиз-да. Йўл бўлсин сизга! Фронтингиз Узоқ Шарқда судралиб юрган эди-ю! Иштаҳа қалай?..

Навбат Султонга келди.

— Ҳа, Собиров кетдимми? — деди профессор унга ишора қилиб.

Бўлим мудури ноша-ниша тасдиқлади. қўлидаги «касаллик тарихи»ни Насимовга тутқазиб, секингина шимадир деди.

Насимов «касаллик тарихи»ни беш минутлар чамаси ўқиди, аммо Султоннинг назарида бир соатча вақт ўтгандек туюлди.

— Ҳа-а, — деди бир пайт профессор сўлиш олиб ва унга бошдан-оёқ сиичиклаб тикилди-да: — Бола-чақангиз борми? — деб сўради дабдурустдан.

Султоннинг вужуди зириллаб бўшашди.

«Ғамом! Чақиринг, деса керак».

→ Бор, — деди у базўр, — бир ўғил, икки қизим бор.

— Нега уларни ўйламайсиз? — Насимов ундан кўз узмай турарди.

— Нега ўйламас эканман? — деди Султон гангиб.

— Ўйлаган одам шундай қиладими? Аҳволингизни қаранг! Сизнинг ёшингиздаги одам ҳам элик икки кило бўладими? Ўзингизни еб ташлабсиз-ку, биродар! — У ачиқлашиб, бўлим мудурига ўгирилди. — Қон таркиби қалай? — Бўлим мудури қўлидаги панкадан аллақандай қозғоқларни олиб узатди. Профессор кескин бош чайқайди: — Чатоқ, огайни. Бунақада сизни қандай даволаймиз?

Султоннинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

«Даволаймиз! Даволаймиз?!»

— Дардин енгмасангиз, дард сизни енгади. Сукротин биласизми? Бир соатдан кейин ўлгинини билатуриб ҳам музыка чалишни ўрганмоқчи бўлган. Мусо Жалил эртага отиладиган кечаси ҳам шеър ёзган.

«Ха, гап бу ёқда экан-да! Шувдоқ одамлар ҳам ўтиб кетган ҳаётдан, сен нега оҳ-воҳ қиласан, демоқчи шекил-ли...»

— Уйқунгиз қалай?

Султон тирсагига таяниб, ягришини кўтарди.

— Уйқу... йўқ ҳисоб.

— Так, ҳамшира, ёзинг, бу кишига аввало ором керак, кучли овқат керак, режимга ёзиб қўйинг. Тофиқ Мамедович!

— Лаббай, Исмоил Раҳимович? — Бўлим мудирини солдатдай гоз қотди.

— Бу ёқни махсус назоратга оласиз. Рентген суратларини, ҳамма қозғаларини кўриқдан кейин менга киритиб беринг. Пункция қилинганми йўқми? Нега?.. Яхши...

Насимов ўридан турди, бошқалар унга эргашиб, олдинма-кейин чиқиб кетишди. Султон ҳушнинг йиғолмай қолаверди.

— Во одам! Ҳақиқий гвардиячи! — деди Фима амаки бошмалдогини тепага нуқиб, сўнг тортмасидан «Беломор» олиб, Султонга имлади: — Тутатамизми?

Йўлақдан ўтиб боришаркан, Султон эшик олдидаги ойна қаршисида бир зум тўхтадию кўзларига ишоимади. Ё тавба! Наҳотки шу потавои кимса ўзи бўлса?! Кўзлар ич-ичига ўрадай тушган, қоқчакак юзида сўррайиб бурнигина қолибди, яяги тапгилса — тайёр мурда.

«Шалвирамай ўл! — деб сўкинди афтини буриб пари кетаркан. — Тагин ҳам Насимов сени одам деб гаплашиб ўтирибди».

Тушдан кейин халатининг егини тирсагигача шимарган, бўйи шифтдек бир йиғит иккита ҳамширани бошлаб кирди.

— Муродов, пункцияга тайёрландинг, — деди семиз ҳамшира қўлидаги асбобларни тумбочка устига қўяркан.

Султон, ҳароммағиздан намуна олдиришининг қандай азоб эканини бошидан кечириб билган эди, бу гапни эшитиб кўнгли озиб кетди.

...Ва ниҳоят, бу уқубат ҳам поёнига етиб, Султон кўзларини очди. Унга юзтубан қимир этмай ётиш буюрилди — ҳақиқий азоб энди бошланди.

Палатада эса ҳар ким ўз ташвиши, ўз тирикчилиги билан овора: кимдир чой ичади, кимдир илқиллайди, кимдир юзига сочиқ ташлаб пинакка кетган. Эшик олдида ётадиган закидек қон-қора таксичи Уммат ака каравотда чордана қуриб олганча шапгиллаб гап сотади:

— ...қарасам, соат икки ярим бўпти. Чиқиб дарвозани очдим остана ҳатлаши билан қулоқ-чаккасига қўйиб юбордим. Ўзиям бўкирворди, бадбахт. Оғзидан гупиллаб ҳиди кел турибди. «Учта болали бўлсам ҳам ураверасизми, ада!» — деб додлайди. Бу гапни эшитиб меники баттар қайнаб кетди. «Хўв онагини. — дедим, — қадамнингги билиб босмасанг. ўита болали бўлганингдаям уриб ўлдираман», дедим. Ўзи сезиб юрувдим-да, бир қапжиққа илиқиб қолганини. Ҳаҳ, касофат, дейман, уйда гўлдек хотишинг бўлса, тиллага бермайдиган ўгил-қизинг бўлса...

— Бечорани чатоқ қилибсиз-да. — Нариги бурчақдан Саидақбарнинг хирқироқ товуши эшитилди.

— Бе, чатоқ ҳам гапми! Ҳа, қўрқмас экан, мулла минга гап эшакдай бўлди-қолди. Кўрдингизу, кунига уч мартадан олдимга гизиллаб ётибди. — Уммат аканинг остидаги каравот залворли гижирлади. — Болага қаттиқ турмасангиз-чи, вей...

Эшик очилиб ёнилди. Биров ташқари чиқди шекилли, Фима амаки тагин латифа бошлади. Аллақасердан радио-приёмникнинг гўнғир-гўнғир товуши қулоққа чалинарди.

«Наҳот шундайгина ўлиб кетсам? Бола-чақамни, дўсту ёримни қайтиб кўрмай, бир оғиз сўзини эшитмай? Ахир, мен ҳали бу ёруғ дунёга тўймадим-ку! Тўймадим-ку, ахир, тўймадим-ку!»

У, палата бирданига жимжит бўлиб қолганини пайқади. Кимдир ёнига келиб, пешонасига кафтини босди, сўнг, гўё биров эшитиб қолишидан чўчигаидек, шивирлаб:

— Олов, олов. Алаҳсираяпти, — деб қўйди.

Султон чурқ этмади — алаган оташ бўлиб ёнаётган вужудидаги, лагча чўгга айланган миясидаги оғриқ ўршини галати бир қарахтлик эгаллаб, ўз домига тортиб кетаётганини элас-элас сезиб ётарди...

Эрталаб кўзини очди-ю, узун чарм пальто этаги остидан чиқиб турган, тагчарми қалин, кўнги балад бир жуфт ботишкага нигоҳи тушди. Аллаким унинг бош томонидаги стулга бамайлихотир ўрнашиб олиб, дераза раҳига суянганча ниманидир мароқ билан гапирар, бир оз шамоллагандек дағал товуши бениҳоя таниш, бениҳоя қадрдон эди.

Султон юзини ёстиққа буркаб ҳамон қимир этмай ётаркан, хотирасини зўриқтириб, бу одамни элалашга тиришарди.

«Ким бу? Ким эди бу? Ё тавба, шунчалар таниш! Кеча оқшом... Уммат ака эди-ку у! Ахир, ким бу?»

— Уйғондиңизми? — деб сўради кимдир боши узра энганиб.

«Саидакбар! Аммо буниси ким бўлди?»

У кўз қири билан тасдиқ ишорасини билдирди, лабларини қимтиб жилмайишга уриди.

— Турдим? — Чарм пальтоли одам шундай деб ўрнидан чакқон кўзгалди, унинг теңасига келиб эгилди: — Жу-да-а оширвордиңиз-ку, огайин. Айиқполвоп ҳам бунча ух-ламас! Қалайсан, Кўккултон?

«Қудрат! — Султоннинг юраги ўйнаб кетди. — Келдиңгни, келдиңгни, дўстим, қадрдошим!»

Юз-кўзларида беўхнов бир табассум, у адёл тагидан қўлини чиқариб узатди. Қудрат куракдек кафти билан унинг бармоқларини маҳкам сиқди, титраётган елкасида қучиб, соқол босган ёноқларидан ўнди. Ёшлик биродарининг илтиқ нафаси димоғига урилди-ю, Султоннинг кўнгли тагин аллатовур бўлиб кетди, кўзлари миннатдорлик билан боқди. «Мана, дўсти азиз, бонимизда шу кунлар ҳам бор экан, тортгулигимни тортиб ётибман. Лекин бу гурбатлар шундай тез қувиб етади, деб ким хаёлига келтирибди, дейсан. Дийдорингни бир кўрмай кетаманми, деб кўр-қувдим. Хайрият, хайрият! Дўсти содиқ, кел, видолашайлик...»

Қудрат унинг жавдираб турган кўзларидан айни шу маъноларни уқиб, дош беролмади, адёлини тузатиб қўйиш баҳонасида нигоҳини олиб қочди.

— Қачон келдиң? — деб сўради Султон буни сезиб.

— Кечқурун.

— Йўқ, касалхонага деяман.

— Мен ҳам касалхонани айтяпман-да. Оқином келган эдим. Дюнг қотиб ётган экансан. Кесиб кетсаям билмайсан.

«Ўша-ўша Қудрат, сочи оқарибди, юзига ажин тушибди-ю, ган-сўзи сира-сира ўзгармаган...»

— Озарбайжон дўхтиринг бор экан, кўп ўтиришга қўймади. Неча кундан бери бугун ухлади, дейди. Аллақачон певара кўрғандир, энди кечаси тинчгина ухлайверса бўлмайди, десам, кулади. — Қудрат кўзларини қисиб, бир кўзгалиб қўйди. — Кейин кетдик Абдулла икқовимиз.

— Сен... қасқдан билдиң? Абдулла телефон қилдим?

— Нега билмас эканман? Радидан айтди, газеталарда чиқди: нима дейсан, Султон Муродов жапоблари ишламай-

диган қовоқ бошларини даволатгани Тошкенти азимга келдилар, деб. Ҳайрон бўлиб қотиб қолдим. Тавба, дейман ўзимга ўзим, ахир бу Султонда бош деган нарса йўқ эди-ку, йўқ нарсани қандай даволатар экан, деб ўйлаб хуноб бўламан-да!

Палатадагилар пиқир-пиқир кулиб юборишди. Қудрат эса шипак бузмай ўтирарди.

— Валдирайвер, — деди Султон бехтиёр илжайиб. — Бола-чақанг омонми? Анзираг яхши ўтирибдими?

Қудрат астойдил хайрон бўлиб, кўзларини пирпиратди:

— Ўтиргандир, ким билади, дейсан.

— Ие! Уйингдан келяпсанми, ахир?

— Уйдан бир ҳафта бўлди чиққанамга. Сени баҳона қилиб. Айтиб кўяй, мабодо хотин қидириб келиб қолса, мен бир ҳафтадан бери шу ерданман-а, ёдингда бўлсин!

— Ана холос! — дея қийқириб қулди Уммат ака.

— Ёспирай! Ҳали бу тухматинг ҳам борми менга? — Султон мийингида кулимсиради. — Уммат ака, мен ҳали-вери ҳеч касал-пасал бўладиган эмасдим, мана шу билан олти йил бир холада яшаганман, ўшанда...

— Менга қара, ўшанда бошинг бормиди? — деб луқма солди Қудрат ва соатига ўгринча кўз ташлади.

— Э, омон бўлинглар-э! — Уммат ака қаравотини ги-чирлатиб ўрнидан турди, Қудратга қараб деди: — Огай-шингиз ҳам куларқанлар-у! Сиз энди тез-тез келиб туринг.

— Майли, хотин рухсат берса, — деди Қудрат жиддий оҳангда.

— Э, эркак одам хотиндан сўраб ўтирадимми! — деди Уммат ака аччиқланиб.

Султон кулимсираб, ётган жойидан гап кўшди:

— Бу вақиллайверади, хотини ҳеч ушақа эмас.

— Сен биринчисини айтяпсан-да, огайини, — деди Қудрат уҳ тортиб.

— Вой, касофат-эй, иккинчиси ҳам борми ҳали?

— Сен билмасмидинг? Албатта, энди юз йилда бир кўришганимиздан кейин... Жуда баджаҳл, ярамасига учраб қолганман, огайини. Бир минут бир ёққа кўйиб юбормайди. Мана, сенинг олдингга ҳам аранг кўзини шамгалат қилиб қочдим.

— Ростданми? — деди Султон ишопқирамай. — Қай гўрдан орттирдинг уни?

— Энди... Ҳаёт мураккаб экан-да, огайини. — Қудрат товушини пасайтириб, бошини қуйи эгди. — Бир йигитчилик қилиб илашиб қолдим-да. Энди қутулмай доғданман.

— Э, парво қилманг, кўргилик-да,— деди Уммат ака унга таскин бериб.

— Ёширай! Сени нима гумроҳлик босди? — Султон ачишиб, машаққат билан бошини тебратди.— Ким ўзи, қанақа? Мен танийманми? Оти нима?

— Ким билади, балки таширсан,— деди Қудрат ҳамон гуноҳкор оҳангда.— Оти... отиям бор у касофатнинг: гелиостанция.

— Нима? — деди Султон қулогига ишонамай.

— Гелиостанция — оти.

Султон, бир зум қотиб қолди, сўнг бўғзига тикилиб келган қаҳқаҳанинг зўридан поқулайроқ тўлгонган эди, умуртқа погонаси узилиб кетгудек бўлиб, оғриқдан хушини йўқотаёзди.

— Э, ўл-о! — деди бир оздан кейин базўр. Аграйиб ўтирган ҳамхоналари эшитсин деб, товушини баладлатди.— Бу нур станциясида бошлиқ, шуни айтаётган экан.

— Ол-а! — деди Уммат ака ҳафсаласи пир бўлиб ва тумбочка устидаги чойнакни олиб, эшик томон юрди.

— Ахийри битказдингми? — деб сўради Султон дўстининг қорайиб кетган юзига тикилиб.

— Ҳа,— деди Қудрат.— Лекин мапа буни қурилиш деса бўлади. Телевизордаям кўрсатди, кўргандирсан балки?

— Кўрдим.— Султоннинг эсига бирдан Зарқўрғон, ишхонаси, чала қолган ишлар тушди, маънос тортиб деди: — Мен бўлсам, мапа, ётибман...

— Ётавер,— деди Қудрат унинг товушидаги ўзгаришни сезмагандек.— Ваҳима қилиб юрганмиинсан?

— Ваҳима эмас.

— Ваҳима бўлмаса, паникадир. Аҳмоқмисан, ўлиб нима қиласан? Айтиб қўйй, қурувчига у ёқда мутлақо иш йўқ: жаннат аллақачон қуриб бўлинган, уч-тўрт марта капитал ремонтдан ҳам чиқарилган бўлса керак. Дўзахга келсак, у ўз оти билан дўзах-да, у ерда биров қурилиш қилармиди? Шунинг учун, огайни, ўлишни хаёлингга ҳам келтирма. Ишсиз қолишинг аниқ.

— Майли,— деди Султон, тағни қулимсиреди.

— Кейин, ваъдаям эсингдан чиққан шекилли?

— Қанақа ваъда?

— Ана, азалдан бошинг йўқ эди, десам, яна бигиллайсан. «Қанақа ваъда» дейди-я! Қуда бўлмоқчи эдик-ку? Ҳе, Кўксултон бўлмай, ҳар бало бўл!

— Ҳа-а...— Султоннинг кўнгли ёришиб жилмайди.

— Айниб қолмадингми, ахир? Углимининг бўйи менинг

бўйим билан баравар бўлиб қолди, эрта-пидин челақларни тарақлатиб тегиб қолса ҳам ажабмас. Айтгайдек, қизинг чиройлими ўзи? Нега ишшайсан?

— Совчи бўлиб борсанг, кўрарсан.

— Бормасдан ҳам биламан, — деди Қудрат ва стулини яқинроқ суриб ўтирди. — Зумрадга тортган бўлса-ку, майли, агар сенга тортган бўлса... билмадим-да, э!

— Ўғлинг-чи, ўғлинг кимга тортган? — деди Султон кўзлари чақнаб.

— Менга тортади-да, қўшнимга тортармиди! — деди Қудрат керилиб ва яна соатига разм солди.

— Шошяпсанми?

Қудрат кулди:

— Мен-ку, шошмаянман-а, вақт шошяпти, огайни, вақт! Бир соатдан кейин аэропортга чиқишим керак.

— Ҳа? — Султон унга савол назари билан тикилди. — Бировни кузатасанми?

— Йўқ, бу сафар мени кузатишади. — Қудрат оёғи остидаги қондек келадиган қоғоз халтанинг оғзини шалдирашиб очди, орқасига ўгирилиб, Саидақбарни чақирди. — Укажон, илтимос, мана буида майда-чуйда бор, баҳам кўринишлар. Хўш, Султон, огайничалиш, бизга рухсат энди.

— Қаёққа кетяпсан ўзи? — деди Султон гапгаиб. — Москвагами?

Қудрат бош чайқади:

— Энди, гап бундоқ, дўстим: мен икки йилга коман-дировкага кетянман. Афғонистонга.

Султон ҳангу манг бўлиб қолди.

— Ҳозир-а?!

— Бир соатдан кейин, — деди Қудрат ва ўрнидан турди, стул суянчигидаги оқ халатни олиб елкасига ташлади-да, унинг тепасига энгашди. — Энди... вазият шундай бўлиб қолди, огайни. Мириқиб отамлашолмадик ҳам.

— Қудрат, дўстим, ахир бу... — Султон бўғзига шмадир тикилиб, гапиролмай қолди.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали хўб хумордан чиққунча гурун-лашамиз. «Олинг, қуда, беринг, қуда!» — Қудрат юзини унинг юзларига босди, икки чаккасидан ўпди. — Ажойиб бўлади-да ўшанда! Майли, огайни, сенга фармон шу: зудлик билан согайиб чиққину бориб бизнинг келишни тарбияси билан шуғуллангин. Тушунарлими? Бўпти, бўлмаса! Хайр, огайни! Етиб боришим билан хат ёзмам.

— Хайр...

Қудрат хонадагилар билан бир-бир қўл бериб хайрлашди-да, ҳануз юзтубан, қимир этмай ётган дўстига сўнги

бор пазар ташлаб, оёқ учида юрганча чиқиб кетди. Султоннинг силкишиб-силкишиб титраётган елкаларини у кўрмади...

* * *

Уч йилдек бўлиб уч кечаю уч кундуз ўтди.

Умнат акага жавоб тегиб, хайр-хўшлашиб кетди.

Саидакбар операция бўлди, лекин палатага қайтиб келмади. Фима амакининг айтишича, бир оз ўзига келгушига қадар алоҳида хонада ётармиш.

Султон эса ҳамон ўша алпозда — ерпарчин бўлиб ётар ва ўз ихтиёри билан қўл-оёғини қимирлатиш ҳам баъзан кишига чинакам саодат бўлишини суяклари зирқираб ўйлар эди.

Чошгоҳ пайти палатага тўсатдан Насимов кириб келди. Бу сафар у негадир ёлғиз, ёнида ҳатто Тофиқ Мамедович ҳам йўқ эди. Тўғри келиб Султоннинг тепасида тўхтади, саломига алик олиб:

— Шеригингиз қани? — деб сўради Фима амакининг каравотига имо қилиб.

— Ошхонага чиқувди.

— Хўш, ишлар қалай? — Профессор унга бошдан-оёқ синчиклаб тикилди. — Ётибсизми?

— Ётибман, — деди Султон қуруқшаб қолган лабларини қимтиб.

— Нега уйларни чала қилиб қурасиз? — Насимов стулга жойлашиб ўтирди.

— Қайси уйларни? — деди Султон ажабланиб.

— Қайси бўларди, умуман, уйларни дейман-да. Менинг кичик кўвим Юнусободдан квартира олган эди. Уч ойдан бери кўчиб киролмайди. Эшик-деразалар йўқ эмиш, батареялар қўйилмаган, сапузеллар чатоқ, дейди. Шунақаям бўладими, а?

Султон, худди ўша уйни ўзи қургандек, қизарди:

— Бўлади баъзан...

— Шунинг учун ҳам бошинглар оғрийди-да! Йўқ, кулманг, бу хурофот эмас: кимнидир ноҳақ раижитсангиз, албатта бир кун ё ошқора, ё гойибона жавоб беришингизга тўғри келади. Геродот буни «қасос қошуни» деб атаган. — Насимов унинг устидан аёллини олди. — Қани, бир кўрайлик-чи... Хўш, диагнозини сиз қаёқдан билиб олдингиз?

Султон кўзини олиб қочди.

— Область касалхонасида ётганимда бир кечаси уйқум қочиб коридорга чиқдим. Навбатчи ҳамширанинг столи

устида «касаллик тарихим» ётган экан, олиб ўқидим. Албатта, потўғри иш бўлди, лекин...

— Шу бўйи ваҳимага тушидигизу ўзингизни ўзингиз еявердигиз, шундайми? — Насимов халатишнинг кўкрак чўнтагидан бир варақ қоғоз олди. — Область касалхонасида сизни Алиасқаров кўрган эканлар, олий категорияли врач. Билмайсизми, қаерда ўқиган экан у, ТошМИ дами, Самарқанддами?

— Йўқ, — деди Султон хавотирлашиб. — Тинчликми ўзи?

— Агар ТошМИда ўқиган бўлса, — деди профессор хаёлчан, унинг гапини эшитмагандек, — балки мен ҳам дарс бергандирман. Эси!

Султон гарангсиб бошини кўтарган ҳам эдики, Насимов имо билан тек ётишни буюрди.

— Яна озроқ чидайсиз, шоҳ Султон! — деди кулимираб. — Босим қалай? Мана, менинг қон босимим ўз-ўзидан ошди-кетди.

— Нега, домла?

— Нега бўларди! Биз Веналарда юрамиз. Керилиб, халқаро конгрессларда маъруза ўқиймиз! Бу ёқда эса чаласавод шогирдларимиз... — Профессор бош чайқаб, ўрнидан турди. — Айтмоқчи, диагноз тасдиқланмади, оғайини.

Султон унинг гапидан эмас, гапининг оҳангидан довдираб қолди:

— Нега тасдиқланмайди? — деб юборди шошиб.

Насимов ялт этиб қаради:

— Тасдиқланиши керакмиди?

— Йўқ, кечирасиз... Аҳ! — Султон ўзини йўқотиб, ўрнидан туриб кетай деди. Профессор ҳайҳайлаб елкасида босиб қолди. — Кечирасиз, — деб такрорлади у буткул гап ва бўғилиб шивирлади. — Мен кўп қийналдим, домла!..

— Сизники бутунлай бошқа нарса, — деди профессор. — Лептоменингит. Парво қилманг. Ҳали узоқ яшайсиз.

Султоннинг назарида юраги тўхтаб қолгандек бўлди. Чўчиб бошини кўтарди. Боши айланди, девору шифтлар бирлашиб айланаверди...

«Мен узоқ яшайман, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларим ўйнаб юрибди... Мен узоқ яшайман...»

Остона олдида турган Насимовнинг товуши гўё ўзга сайёрадан келаётгандек қулоғига базўр чалинарди:

— ... бошни боғлаб ётаверасиз энди. Яхшилаб даволаймиз. Ўрик гуллаганда жавоб берамиз.

Эшик секин ёпилди.

«Ҳаёт қайтиб келди... — деб шивирлади Султон ва кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. — Қайтиб келди!»

Энди шу гўзал, ардоқли ва армонли ҳаётнинг — тенги йўқ, тимсоли йўқ шу буюк мўъжизанинг ҳар бир софияси қадрига етмоқ лозим эди, у ҳаёлап ана шунга қасамёд қилди. Қолган умр энди фойдага қолди. Бироқ кечаги кун хатолари, хотиралари... Абдуллага берган хатларини-чи?..

Дийдор қувончи ва айрилиқлар азоби, мубҳам дард изтиробию умидвор дил ўртанишлари билан кечган кейинги кунларини бир-бир ҳаёлидан ўтказаркан, Султон юракбағри тўкилиб, уйини, фарзандларини, Зумрадни чидаб бўлмас даражада соғинганини ҳис қилди.

«Ахир, — деб ўйлади у эптикиб, — ахир, уларни бир кўрмасдан ўлиб кетишим ҳам мумкин эди-я!.. Йўқ, йўқ, ўзингни бос, ҳовлиқма, ортиқча ҳаяжон сен учун кони зарар!»

У аста тин олиб, кўзларини юмди.

Ҳадемай кўклам келади. Қиш рутубатлари ортда қолади. Баҳор чечаклари яшил туғ кўтариб, замин узра музаффар юришини бошлайди. Олам яшаради. Олди билан бодом гуллайди, кейин ўрик, шафтоли... Ана шундай ажойиб купларнинг бирида у касалхонадан чиқади. Бу димиққан хоналарни, дарду уқубатларни бутунлай тарк этади. Соғинтирган фарзандларига, ёру биродарларига қучоқ очиб: «Ассалом, қадрдопларим! — деб табассум қилади. — Мен бир ўлиб тирилдим, азизларим. Мен яна қайтиб келдим!»

Кейин... таъвишлари, қувончлари, мағлубият ва зафарлари билан ҳаёт давом этаверади. Кўнгли сезиб турибди: у энди узоқ яшайди. Ҳали кўпдан-кўн дарахтлар экади, мургак ўғил-қизларини вояга еткази, ҳали беҳисоб иморатлар қуради, янги-янги дўстлар ва душманлар орттиради, умр йўлларида гоҳ енгилиб, гоҳ енгади...

Хона сув қуйгандек жимжит эди.

Султон ортиқ чидаёлмаслигини — ортиқ бу алпозда ёта олмаслигини англади.

«Туриш керак! Туриш керак!»

Гурсиллаб ураётган юрагида, икки чаккасида акс садо янгради:

«Туриш керак! Туриш керак!»

Ўнг қўлига таяниб, аста-секин қақдини ростлаб бошлади, пешонасига муздай тер чиқди...

Абдулла қачон келаркин?

АДАШ ҚАРВОН

(Ёзнинг ёлғиз ёдгори)

«Дип — халқ учун афюндир». Владимир Ильич Ленининг бу машҳур таърифи илоҳиётнинг ҳар қандай кўринишлари моҳиятини яққол очиб беради.

Қиссамиз қаҳрамони Адаш Қарвон ана шу афюн балосига гирифтор бўлган одам. Умр бўйи у нашавад кимса каби адашиб-гангиб яшайди, ҳалол, меҳнатқаш, камсуқум инсон эканига қарамай, онгини чулгаган хурофий ақидалар туфайли ҳаётнинг катта йўлларида четга чиқиб қолади. Ғойибга кўр-кўрона ишонч уни журъатсиз қилиб кўяди, журъатсизлик мутеликка айланиб, тақдирига зомин бўлади. Афсуски, Адаш Қарвон буни жуда кеч — умрининг сўнггидагина англаб етади... Ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш китобхон дўстларимиз бу кимсанинг аччиқ турмуш сабогини мумкин қадар эртароқ англаб олсалар, жаҳондан Адаш Қарвондек «нотамом ўтмак» (Алишер Навоий) фожиясини тарапроқ идрок этсалар, умр йўлларида адашган қарвондек сарсари кезмасалар — бу асардан кўзланган гоявий-бадий мақсад ана шу.

Муаллиф

Ғариб қисса эрдиким инқ, туганмади ҳеч.
Агарчи бўлгани олам бинсон айтиладур.

Алишер Навоий

Адаш Қарвон раиснинг олдига кирмади.

Адаш Қарвон раиснинг олдига кирмади-ю, лекин...

«Э, келинг, ота, бардаммисиз?»

«Раҳмат, болам, ўзинг қалайсан?»

«Мен-ку тиичман-а, қариган чоғингизда сизга қийин бўлди-да, ота, ёлғиз...»

«Ёлғизликдан ўзи асрасин, нега ёлғиз бўлай? Кўндан қўймасин, шукр, мапа, юртнинг ичидаман, бу ёқда колхоз... Кўмир юбортирган экансан. Чакки овора бўлсан-да, бултургидан қолгани ҳам старди. Сайфи бугалтир йўқ экан, пулини...»

«Эй, қўйинг-э, ота, бизни бундай уялтирманг! Саломатликдан гаширинг. Бел қалай? Намаган томонда бодни даволайдиган зўр санаторий бор, шунга иккита путёвка келувди, бирини сизга...»

«Раҳмат, болам. Ҳозир ўзимга тузукман. Кейин, кампирнинг доақал йили ўтсин, жуда туз кўмгандек... «Қазои муаллақ», деймизу, ҳар ҳолда...»

«Майли, ота. Уйда сиқилиб ётманг, дейман-да. Кеч-қурунлари бундай бизникига ҳам ўтинг, келинингиз ҳар куни сўрайди».

«Хўп, хўп, насиб қилган куни — албатта, болам. Ўзим ҳам ижужуқларингни соғиндим. Майли, мен борай...»

«Ота, шошманг, назаримда, бир гаингиз бору айтолмаётганга ўхшайсиз. Тиичликми?»

«Тиичлик, болам. Ке, яхшиси, бошқа келарман, ҳозир ишнинг кўн бўлса...»

«Ишни кўяверинг, ота, бу дунёнинг иши ишлаган билан битадиган бўлса, мапа, сиз битирардингиз. Нима гап ўзи? Ё бирон камчилик...»

«Йўт-э, камчилик эмасу бир нарсани сўрамоқчи эдим-да: ҳалиги, мазорда кўзинг тушган бўлса керак, гўр тенасига қўядиган тош бор экан...»

«Мармартошми?»

«Ҳа, марвартош. Энди, бир-икки йилдан кейин ким бору ким йўқ, Насиббек билан камшир раҳматлининг гўри оёқ остидан қўра сал белгили бўлиб турса, деб хаёл қилувдим. Парни нақананинг ўгли отасига қўйдирган экан, бориб сўрасам, Тошқани аллақайси жойинишай айтди, ўша ерда ёзиб ҳам беради, деди. Кеча бозор қўйинг бирини сотдим. Икки соатга бирорта мошина бериб турсанг...»

«Буни яхши ўйлабсизу, лекин аввал буюртма бериш керак-да. Хўш, бўлмаса, бундай қилсак: мен ўзим бир шаҳар тушганимда гаплашиб чиқсам. Маъқулми? Сиз уриниб юрманг».

«Ўғлим, сенинг бошиңда ўзи минг бир ташвиш. Ке, энди бу галвани ҳам сенга ортмайин...»

«Э йўғ-э! Хай, жуда қўнглингиз тинчимаса, ана, эртага уста Рисқивой шаҳарга тушади, ёғочга. Мен тайинлаб қўяман».

«Унда, мен Рисқивойга учрай, чақасини...»

«Ҳа, берасиз-да, ота, қочиб кетармидингиз».

«Йўқ, болам, гап тўрт танга пулда эмас. Армон ёмон нарса, билмайсан-да, илоё, ҳеч билгулик қилмасин...»

... кирса, ўртада ана шундай арзи ҳол бўлади, деб ўйлайди.

Тўсатдан келган гам ёмон бўларкан. Адаш Қарвон бугун ҳам уйда ўтиролмади — пешиндан сўнг тўғри мозорга чиқиб борди.

Қабристон қишлоқнинг сертупроқ дала йўли бошланадиган нариги четида. Нураган паҳса девор сиртидан сим тўр тутилган кенг ялангликда иккита баланд тепалик бири-бирига мингашган. Гир айлана саф тортган адл теракларнинг қумушранг япроқлари куёшга кўзгу тутиб ярқ-ярқ товланади.

Адаш Қарвон кўкка бўялган дарвоза ёнидаги пастаккина эшикдан ичкарига қадам қўйиши билан қўнгли бир хил бўлиб кетди.

Азим қайрағочлар шоҳида илишиб қолган битта-яримта қаҳрабо барглар ўтган баҳорига алвидо айтиб, кузак шамолда ожизгина титрайди, дов-дарахтларнинг оҳиета шовиллаши абадий суқунатга раҳна солиб, ёлғиз табиятгина ўлим билмаслигини таъкидламоқчидек, бир зум тинмайди.

Атроф кимсасиз. Қоратоллар хомуш бош эгиб турган қорамтир ҳовуз сатҳида бир тўп хазон қалқиб юрар, тоққа қаратиб солинган уй пешайвонига гувала тахлаб қўйилган эди. Тумонат одам, оломон елкасида лопиллаган тобут, сўнги бор кўрганга — кампирининг соқин, хотиржам, ҳатто бир қадар улугвор чехраси кўз ўнгида бир-бир жоиланди. Ҳовузни айлашиб ўтаркан, юраги зирқираб, мудҳиш ҳақиқатни қайта тап олди: энди кампир йўқ.

Юқорида, тепа бағрида паст-баланд дўмпайган қабрлар кўзга чалинарди.

«Мана, чин уйинг. Елиб-югуриб, айлашиб-ўргилиб, охир бир кун ёғоч от миниб шу ерга келасан. Келасану ичкари кирсан. Қирмоқ бору чиқмоқ йўқ».

Адаш Қарвон сан-сарик ажриқ босган сўқмоқдан бир-бир юриб, ўз хилхонаси тарафга ўтди. Кампирнинг қабри икки туп пастак бута шумшайиб ўсган оёқ томонда эди. Йўл четида, жимжимадор темир панжара айлантирилган

кўҳна қабр устидаги мармар лавҳада куз қуёшининг арзанда нурлари лип-лип ўйпарди.

«Худди шунақасидан бўлса... — деб ўйлади у. — Раисга тайинлайман-да. Аввал апавишақа панжара қурдираман. Камшир шўрликнинг дарди ичида кетди, лоақал арвоҳи...»

Қовжироқ ўт-ўлан қопланган гўрнинг тупроги кечаги ёмгирдан сўнг ҳануз намхуш эди. Адаш Қарвон култ этиб ютинди, пойгакка тиз чўкиб тиловат бошлади. Оғир, залворли оҳанглардан алланечук таскин туйгандек бўлиб, ўйга толди.

Нурсиз, рутубатли кун. Рўдапо булутлар сийқа тангадек хира ялтираб турган қуёшни ютиб юборишга ошиқадди, ҳароратсиз офтоб совуқ ёгдусидан ҳам айрилиб ҳализамон буткул сўниб қоладигандек...

Адаш Қарвон шу кўйи узоқ ўтирди.

Қабристон сукунати ютаман дейди. Яланғоч қайрағочлар маъюс оҳ тортади, ақалли бирорта бўлсин яшил япроқ излаб изгиган шамол қонталаш барглари саргардон тенгиратади, кузакнинг бу нурсиз кунда янада бефайз кўрмиган гариб сағаналар узра телба саховат билан хазон сочади.

Мозорнинг сўшик манзараси Адаш Қарвон дилида — ўлим ҳақ экапига ҳамиша имон келтирувчи, кун-узун кун омонатини елдек келиб, селдек олишини илтижо қилувчи бир кимса дилида уйготган ноёнсиз гашлик ва қўрқувни энг мутаассир суралар ҳам қувиб чиқара олмади. Багрига не-не зотлари жимгина ютиб, тўймас кўзларини жимгина юмган бу кўҳна мақон, девор ортидаги тириклик талвасасига буткул бепарво, совуқ, ғолибона бир салобат тўкиб турар эди.

Адаш Қарвон бу ерга илк бор қачон келганини ўйлаб кетди.

Эҳ-ҳе! Эслаб бўлармиди буни! Дарёдаги томчини ҳисоблаб бўладими? Осмондаги юлдузни санаб бўладими?! Адаш Қарвон етмиш икки йиллик умри мобайнида бу мақонга озмунча келганми? Озмунча одамни тупроққа қўйганми? Ҳар сафар оломон сафида, паймонаси тўлган марҳумни жой-ростонига топширгани келаркан, шу оломон унинг ўзини ҳам мазорга сўнги марта элтадиган кун тобора яқинлашганганини дил-дилдан англади. Бу ерга отаси ўлганда келди, онаси ўлганда келди, қариндош-уруғлари ўлганда келди, танишлар ўлганда, нотанишлар ўлганда келди ва ҳар гал юрагининг бир парчасини совуқ тупроққа кўмиб, жимгина уйига қайтди. Охири бир парча-бир парчадан узила-узила, тупроққа кўмила-кўмила юраги адои тамом бўлди, юрагининг ўрнида қолган нарса тошга айланди.

У шундай деб ўйларди.

Одамлар шундай деб ўйлашарди.

Бироқ етти йил муқаддам худди шу ерда кўксидан нимадир жазиллаб ачишди, зирқираб оғриди, ловиллаб ёнди — кўзининг оқу қораси, суйанган тоғи, салкам элликка чиқиб кўрган ёлғиз фарзанди Насиббекни қора ерга бераркан, юраги тутдай тўкилди. Отаси ўлганда унинг кўзи куйди, онаси ўлганда жигари куйди, қариндош-уруғлари ўлганда томоғи куйди, танишлар ўлганда, потанишлар ўлганда димоғи куйди, аммо Насиббек ўлганда, Насиббеги ўлганда юраги куйди, куйиб-куйиб кул бўлди.

Насиббекнинг ҳасрати кампирни олиб кетди. Энди навбат уники — Адаш Қарвонники. Хилхонанинг кунчиқар томонидаги қўш қабр ёнида ҳадемай учинчиси пайдо бўлади. Ўлим — барчага баробар қисмат, бирор зот қочиб қутулган эмас, аммо Адаш Қарвон ўлгандан кейин ҳеч кимса қабри тепасида уни бир калима сўз билан ёд этмайди — бу ўлимдан ҳам даҳшат...

Лекин биринчи марта қачон келган эди-я?

Ҳа! Бувиси ўлганда. Раҳматли Улуғ бувиси етмиш саккизида ўлган, «саксон», деб давра кўтаришган эди. Бу мулоҳим-муштипар кампирни эслаганда Адаш Қарвоннинг вужудини ҳали-ҳануз андак аламли ва армонли бир ҳиссиёт чулғаб олади. қоронғи кўнгли кўклам кунларидек ёришиб кетади.

Улуғ кампир ўп икки бола туғиб, ўн биттасини ерга берган бахтиқаро аёл эди. Унинг шўр пешонасига кенича ўгли — Мирза Қарвонгина сиғди.

Мирза Қарвон умрида туя етаклаб, қарвон тортган эмас. Умри бино бўлиб Тўйтепадан нари ўтганини биров билмайди. «Қарвон» лақаби унга отамерос: Соҳиб Қарвон замонасининг донгдор савдогарларидан бўлган. «Ўттизта нортяси бор эди, йилқию хўкизининг ҳисоби йўқ эди», деб гапирарди Улуғ буви. Бобосининг ана шу ҳисоби йўқ бойлигидан Адаш Қарвонга фақат «Қарвон» лақабию икки тоқча китоб насиб қилди, холос.

Улуғ буви фарзанд доғини хўб тортган эди. Шу важдан биттаю битта ўглининг ёлғиз зурёди Адашбойни еру кўкка ишонмас, икки гапнинг бирида «орқамда қоладиганим», «чироқчим», дея суйиб-сийлар эди. Бу жўнгина сўзларнинг туганмас маъносини Адаш Қарвон мана энди — ёши ўтиб, умри поёнига ета бошлагандагина англади. Дунёда одамзоддан яхшими-ёмонми фақат фарзанд қолар экан. Қим билсин, аҳтимол, тақдири азал шундай битилгандир, бироқ, наҳотки, ўша увоқ, муштипар Улуғ кампир қаттол

бўронлардан, даҳшатли қаҳратонлардан, бемаҳал изғирипу телба довуллардан эсон-омон олиб ўтган бир авлоднинг лишиллаб турган шамчироғи Адаш Карвоннинг кўлида ўчса!

Бувиси қазо қилганда у ўн бир яшар бола эди. Мозори Ҳожид масжидининг имоми Зукурхўжа домла кўлида ўқирди. Домлага ҳам бувисининг зўри билан отаси олиб бориб тонширган эди: «Отанг савлатидан от хуркадиган одам эди, «Соҳиб Карвон» деганда етти яшардан етмиш яшаргача кўл қовуштирарди. Мол-дунё вафо қилмас экан, шундоқ одам бир кечада эғнидаги тўшигача қиморга бой бериб келди, уч ойдан кейин қўшиникига бир кафт ун сўраб чиқиб қуруқ қайтди. Ўтники ўтга кетди, сувники сувга... Манглайинига фарзанд битибди, минг-минг шукр қил, боланг ҳақ йўлига кирсин, алҳамдулилло, кам бўлмас, бу дунёда кишига фақат илм вафо қилади».

У уйида илк марта янғроқ товуш билан «Қулху оллоху аҳад...»ни ўқиганда, Улуғ камшир узоқ йиглади. Кейин ўша кундан бошлаб певарасини — тўққиз яшар гўдақни сизлайдиган бўлди.

Кечагидек эсида: жавзонинг охириги ҳафтаси эди. Зукурхўжа домланинг меҳмонхонасини тўлдирган талабалар чувиллашиб ўтирарди. Кимдир ташқарига чақириб кетган домла пегадир ҳаяллаб қолди. Орадан бир чой қайшагулик фурсат ўтди. Ниҳоят, бўсагада домланинг хиёл букчайган гавдаси пайдо бўлди.

— Адашбой, — деди у остонада тўхтаб, гоят мулоийм товуш билан, — бу ёққа чиқ-чи, ўғлим.

У ҳеч нарсаи ўйламай даҳлизга чиқди.

— Бандалик, болам, — деди домла, — бувинг қайтиш қилибди... Сен энди уйингга борақол. Олло сабр берсин.

У домласининг сўзларини унчалик тушунмади, лекин кўнгли аллақандай ёмон бир нарса содир бўлганини сездди. Ва ҳозиргача ўшанда домласи у билан пега бу қадар жиддий сўзлашганига, муштдек болага таъзия изҳор этганига таажжуб қилади. Мусибат кишини тўсатдан улғайтириб қўяди. Балки Зукурхўжа домла ўшанда унга ана шу ҳақиқатни уқдирмоқчи бўлгандир...

«Мулла бола» бўлса-да, у бари бир бола эди — отаси йиглаб бағрига босганида ҳам, олақуроқ издиҳом ҳовлида саф тортганида ҳам, тўрдаги уйда кўзларини юмиб ётган Улуғ бувисининг олдига етаклаб кирганларида ҳам содир бўлган мусибатни у қадар англаб етмади. Фақат отасининг ёнида ҳасса тутиб, оломон олдига тушганча, қишлоқ четидаги баланд теналикка чиқиб боргандагина шу пайтгача мурғак назаридан шиҳон бўлиб келган даҳшатли бир

хақиқат кўз ўнгида ярқираб намоён бўлди: одам ўлар экан. Ўлган одам тупроққа кўмилар экан. Энг ёмони, ҳамма ўлар экан.

Шундоқ яхши, меҳрибон Улуғ бувисини отаси бир чуқурнинг ичига қўйиб чиқди. Кейин ҳамма тупроқ ташлади. Бир зумда чуқур тўлди. Шунда у юрагининг туб-тубидан қўзғалган бир нидо билан йиглади, ўксиб-ўксиб, тўлиб-тўлиб йиглади. Улуғ бувисини, уни доимо бағрида олиб ётадиган, «сиз-сиз» лаб сру қўкка ишонмайдиган меҳрибон, қадрдон бувисини аллақандай бегона одамлар совуқ, қоп-қоронги чуқурга кўмиб ташлаганига чидаёлмай, мурғак тасавури исён кўтариб йиглади. Бу йнгида энди болалик хархашаси йўқ эди...

«Мен ўлганда нима деб йиғлайсиз, мулла болам?» — деб сўрарди бувиси, баъзан узун қиш кечалари таңчада, шамолнинг увиллашига қулоқ солиб ўтиришаркан. У бувисининг ўзи ўргатган жавобни бурро қилиб қайтарарди: «Вой, онам, меҳрибоним онам, давлатбошим онам, гамгусорим онам, охиратларингиз обод бўлсин, онам, имонингиз саломат бўлсин, онам!» Улуғ кампир унинг манглайида суйиб, чўнтагини ёнгоқми, майиз билан тўлдирар, сўнг шу қуни эшикдап ким кириб келса, неварасининг таърифини қилар эди: «Мулла болам мен ўлсам мана мундоқ деб йиғлар экан...» У эса таңчанинг четида, ўз шаънига айтилаётган мақтовлардан эриб, жилмайиб ўтирарди. У пайтларда бу гапларнинг ҳаммаси кўнглига алланечук хуш ёқарди, назарида бувиси ҳеч қачон ўлмайдигандек, ўзи ҳеч қачон шундай деб йигламайдигандек, турмуш яна узоқ-узоқ йиллар худди шу йўсин беғам-беташвиш давом этадигандек туюлар ва буига астойдил ишонар эди. «Мулла болам, қаттиқ-қаттиқ айтиб йиғлайсиз-а? Уйдан чиққунимча ҳамма нарсани эшитиб ётаман, ҳа, билиб қўйинг». У бувисининг гашига тушунмай, анграярди. «Уйдан чиқиб қаёққа борасиз?» «Бувай Мочининг тепасига», дерди кампир ҳеч бир малол олмай. «Бувай Мочининг тепасида нима қиласиз?» «Уйимга кетаман». «Иҳ... Мана-ку уйингиз?» «Унда уйим ўша ерда бўлади-да». «Нега?» «Нега бўларди, шуни буюрганда бадаларига, мулла болам».

Аммо бу гап-сўзлардан сўнг орадап кўн ўтмай у бувисини Бувай Мочининг тепасига — «чин уйи» га элтганларида унга берган ваъдасининг устидан чиқолмади: қаттиқ-қаттиқ айтиб йиглаёлмади. Бувиси ўргатган сўзлар дилида чарх уриб бўзлади-ю, тили калимага келмади.

Кечқурун эса юрагини адоқсиз бир қўрқув чулғади: бувим қоронги, совуқ чуқурда ёлғиз ўзи қандоқ ётади?

Қўрқмайдами? Қорни очмайдами? Сув ичгиси келса, нима қилади? Мени соғинмайдами? Туйқусдан берган ваъдасини эслади. Қаерга кўзи тушмасин, бувисининг гамгин, гипали нигоҳини туяверди: «Мулла болам, мени алдадингизми?..»

Кейин у бир вақтлар Соҳиб Карвонининг айғирлари гижиңглаган бўм-бўш, қоп-қоронғи отхонага борди. Юзини гадир-будур устига ишқаб, ичидап тошиб келган фарёдни босолмай хўнғ-хўнғ йиңлади: «Вой, онам, меҳрибоним опам, давлатбошим онам, гамгусорим онам, охиратларингиз обод бўлсин, онам, имоингиз саломат бўлсин, онам!..» Йиңлай-йиңлай тинкаси қуриб, увада тўқимлар устига мук тушганча ухлаб қолди. Жойига ким олиб бориб ётқизганини ҳам билмади.

Эртаси кун икки гашиңг бирида Улуғ бувисини эслаш бошланди.

Бу сон-саноксиз нақллар, гоҳ кулгили, гоҳ қайғули инсоний қиссалар унинг кўз ўнгида Улуғ кампирининг шикаста, беозор сиймосини қайта тирилтирар эди. Буви-сининг синглиси — Қутлуғ хола айтган бир гап унга айниқса қаттиқ таъсир қилди: «Эгачим шўрлик шу Адашвойга жонп-жақонини қўйган эди-да, ўла-ўлгунича огзидан қўймади-я! Жончиқар найтдаям «Адашвой», деб ўлди-я, эгачим боёқши! Билмадим, бирор гап айтмоқчимиди ё бир кўрмоқчимиди, ишқилиб, кўп илҳақ бўлди. Одамни гафлат босар экан-да, бўлмаса, эгачимнинг ҳол-кунини маълум эди, ўша кун Адашвойни ўқишдан олиб қолиш бир инсоннинг эсинга келмабди-я!» Кейин-кейин, эсини таниган чоғларида шу ҳақда жуда кўп ўйлади. Ростдан ҳам бувисен ўшанда унга бирор нарса демоқчи бўлганми? Демоқчи бўлса, нега отасига айтмаган? Нима демоқчи бўлган экан-а? Назарида ўша сўнги дамда бувиси бени-хоя муҳим бир гап — унинг ҳаёт-мамоти, тақдирини ҳал қиладиган зарур бир гап — айтмоқчи бўлгандек туюлаверади. Бунинг шунчаки жон талвасасидаги тўлганиш эканига ўзини ишонтиришга ҳарчанд уринса-да, Қутлуғ холанинг сўзлари қулогига жаранглайверади: «Йўқ, бир гапи бор эди-ю, ичида кетди эгачим раҳматлининг...»

Онаси Улуғ кампирининг акси — бир сўзли, уддабурро, кесиб гапирадиган хотин эди. У онасида ўзи истаган фазилатларни — мупис хокисорлик, чинакам заифалиқ, шикаста қўнгилини кўрмади. Йиллар ўтиб, соғинган бу фазилатларни хотини Ойинсадан топди. Ажабо, Ойинсанинг феъл-атвори қуйиб қўйгандек Улуғ кампирининг ўзгинаси эди. У ҳатто дастлабки кезлар бундан қаттиқ

хавотирланиб, «Ўзи ўхшаса ўхшасин, ишқилиб, умри ўхшамасин», деб илтижо қилган эди. Афсуски, Ойниса ҳам Улуг бувига ўхшаб ёруғ оламда кўн рўшнолик кўрмади.

Улуг кампир дунёдан хотиржам кўз юмган эди. «Помнишоним ўчмас, ёлғиз бўлса ҳам, орқамда чирогимни ёқадиганим қоляпти-ку», деган ўй билан оёқ узатиб, мангу таскин ва мангу фароғат топган эди. У неварасини мартабаси улуг одам бўлади, деб астойдил ишонган эди. Суюкли зурёди, шамолни ҳам раво кўрмай ўстирган набираси унинг хоҳишига кўра таллаган йўл туфайли келажак ҳаётида ҳадсиз хатоларга дучор бўлишини билганида, ўша кезлардаёқ юраги ёрилиб ўлган бўлармиди...

Кампирнинг нурли хотираси Адаш Карвоннинг қоронғи кунларини бир умр ёритиб турди. У бувиёсига қилолмаган иззат-эҳтиромларини муштишар Ойнисага қилиб, қарзини узинишга аҳд этган эди, афсуски...

Мана, шуидоқ Улуг кампир ҳам энди хоки туроб бўлиб ётибди. Қабри аллақачонлар ер билан текисланиб кетган. Унинг оёқ томонида Адаш Карвоннинг бошқа қариндош-уруғлари, этак томонида эса Насиббек, ёнгинасида Ойниса...

Бувиёи ўлганда қаро ерга кўмингани унга беҳад адолатсизлик бўлиб туюлган эди. Наники инсон плон-чаёнга, қурт-қумурсқага ем бўлгани дунёга келса! Кейинчалик, оқ-қорани танигач, бу одат замиридаги тераи бир ҳикматни англади: гўрнинг совуқ тунроғи аламзада дилда ёнган аланган оташ ҳовурини босар экан. Марҳум қабрга кўйилгач, мотамдорларнинг алам-армони хиёл совини шуидан экан. Аммо бунга ҳам чидаган одам чидаркан.

Раҳматли Ойниса чидаёлмаган эди...

Насиббекнинг «учи» ўтган кечаси тўсатдан ҳовли тўс-тўнолон бўлиб кетди. Ичкари уйда ётган қариндошу кўшини хотинлар саросимада айвонга югуриб чиқинди: «Ойниса қани?!» Ҳовлидаги эркаклар сачраб уйғонишди: «Қани Ойниса?!» Ярим тунда азадорларнинг ҳаммаси оёққа туриб, қишлоқни тит-шит қилиб юборди. Осмонга учганим, ерга кирганим, Ойниса ҳеч қаерда йўқ эди.

Адаш Карвон аллақандай ички бир сезги билан қишлоқ чеккасига қараб йўл олди...

Кўройдин, ҳаво совуқ. Қоронғилик қаърида ҳайҳотдек бўлиб турган қабристонга қоқила-сурини кириб бораркан, тили базўр бисмиллога айланар эди. Кўнгли алдамаган экан: узоқдан аллақандай кўлапка қорайиб кўринди. У, юраги орқага тортиб, қадамини жадаллатди, ўйдим-чуқурлардан сакраб-сесканиб, кўлапкага яқинлашди. Ой-

ниса, бош яланг, оёқ яланг, сочлари тўзгиган, афтодаҳол, қабри кучоқлаганча тупроқни тимдалаб ётарди. Келганига алча бўлган шекилли, бир уюм тупроқни суриб, гўрнинг гумбазини чуқириб қўйган, ўзича нимадир деб гувранар эди.

— Ойниче!

Ойнича унга ялт этиб қаради-ю, чурқ этмай тупроқни тимдалайверди.

— Эсингни йинг, хотини! — деб бақирди у жонҳолатда.

Ойнича гужапак бўлиб олди, сўнг юлқиниб шивирлади:

— Бир кўрай... Болагинамни бир кўрай... Қўйинг, бир кўрай!..

У титраб-қақшаганча бориб, хотинининг биллагидан маҳкам чапгаллади, зўр билан ўрнидан қўзгатмоқчи бўлди.

— Урманг... уринг, майли... Насиббегимни бир кўрай... шундоқ болам тупроққа қорилиб ётаверадими! Мен бир кўрай!..

— Ойниче, хушингни йинг! — У гўристон жимлигини бузиб ўкраб юборди. — Эй фалак! Нима ёзугим бор эди сенга.

Ойнича юз-кўзини қабр тупроғига суйкаб, оёқ остида эмаклаганча ҳирқираб шивирлар эди:

— Болагинамни бир кўрай!..

Адаш Қарвон тоқат қилолмади, бор кучини тўплаб, хотинининг руҳини жасадини даст кўтарди-да, настига қараб отилди. Ҳовуз бўйига етгач, сунага ўтқазди, юзига, кўкрагига сув сенди, сўнг ёнига ўтириб... юм-юм йинглади.

— Айланай хотин, кўзингни оч. Эсингни йинг, жон хотин. Кўнаминг-да энди, кўнмай не иложимиз бор? Насиббек жойида тинч ётсин десаинг, сабрқил, савоби тегсин десаинг, қабрини вайрон қилма, обод қил. Сен билан меннинг қўлимдан келадигани энди фақат шу, ўргилай хотин!..

Хотинини суяб уйга кириб келганида осмон бўзара бошлаган эди. Шундан кейин муттасил юрагини ҳовучлаб юрди: Ойнича бардон беролмас, деб ўйлаган эди. Йўқ, Ойнича ўзи билан ўзи бўлиб қолди-ю, яна етти йиллик азоби бор экан, етти йил Насиббекнинг доғи ҳасратида қуйиб!..

Аммо бу гам тўсатдан келди. Адаш Қарвон ўгли ўлаганида ҳам бунчалик довдирамаган эди. Мана, уч ойдан ошди, ҳануз ҳушига келолмайди — худди алоқ-чалоқ туш кўраётгандек. Адаш Қарвон йингирма етти йиллик жафокаш ҳамроҳи — мусичадек беозор, муштипар кампирнинг қадр толмаган қадрини мана энди кун сайин тобора теранроқ сезаётир. Тириклигида унга гоҳ ҳақ, гоҳ ноҳақ ўтказган ранжу аламларини эсласа, суякларигача сирқираб оғриқ киради, тутунсиз алаңгада ўртанади.

... Ўгли билан хотинига ёдгорлик қўйиши ҳам қарз, ҳам фарз. Устларидан зар сочса ҳам кам. Майли, насиб қилса, қўйдиради. Эҳ, ахир, ҳеч бўлмаганда...

Қуёш уфқ губорига сингиб, кўздан йўқолди. Адаш Қарвон шу кўйи яна анча ўтирди. Мозор этагидаги дада йўлини чанг-тўзонга тўлдириб, подадан қайтаётган сигир-бузоқларнинг маъраши эшитилганда, увишиб қолган оёқларини базўр қимирлатиб ўрнидан турди-да, сўнгра орқасига қарай-қарай ҳовуз томон йўл олди.

* * *

— Адаш бува, ҳўв Адаш бува!

Қўйхонада кепчикдаги емнинг қоракосовини териб ўтирган чол чўчиб орқасига ўгирилди: останада беш-олти яшар яланг оёқ бола — қўшниси Хусниянинг ўгли бетоқат бўлиб туради.

— Ҳа?

— Ойим чақиряпти, тез бораркансиз.

— Нима бўлди? Тинчликми?

— Сигиримиз тугмоқчи.

— Ҳозир.— Адаш Қарвон чопонининг барини белбоғидан чиқариб, шоша-пиша қўзгалди.

Кеча кечкурун у бозордан қайтаётганида, кўчанинг бошида икки челақ сув кўтариб турган Хусния: «Адаш бува, сигиримни ҳар кеча пойлаб эсим кетяпти. Эркаксиз уй қурсин, биринчи қорин, жуда қўрқялман, бир кўрсангиз-чи», деди. Адаш Қарвон пачоққина ола ғунажинга синчиклаб разм солиб, молхонага чироқ ёқиб қўйишни тайинлаган: «Бохабар бўлиб тур, етилиб қолибди. Лекин жуда ориқ-ку, қайдам... Майли, бирор гап бўлса, вақт-бевақт чақиравер», деган эди.

У қўшнисининг ҳовлисига кириб борганда, Хусния худди ўзини тўлғоқ тутаётгандек, «вой-вой»лаганча молхонада зир югурар, тахта пол устида ётган сигир ҳар кунчанганда қўшилишиб инқиллар, оёқ остида ўралашган болаларини қаргай-қаргай ичкарига ҳайдар эди.

— Вой, Адаш бува, келдингизми-ей! Энди қандоқ қилдим! — деди у йиғламсираб.— Шўрим қуриб ўлиб қолмаса эди!

— Ҳа, ҳа, намунча ҳовлиқасан?

— Вой, Адаш бува, боласи тескари келди, димиқиб қолади энди! Ҳой, қоч, ер юткур, уйга кирларинг! Энди нима қиламан, Адаш бува?

— Шошма, шошма. Қани, бундоқ тур-чи.— Адаш Қарвон энгини шимариб, сигирга яқинлашди. Сигир, кўз-

лари ола-кула бўлиб безовта ҳимранди. — Ҳаҳ, жонивор-а, азобга қопсан-да! Ҳусния, бор, қопми, эскироқ шолча-полчани ошкел! Хўш, жонивор, хўш!..

Ярим соатдан сўнг сигир дир-дир титраётган қашқа бузоқчасини ялар, Ҳусния эса Адаш Карвоннинг қўлига обдастан сув қуяркан, оғзидан бол томиб алқар эди:

— Илоё барака тоининг, Адаш бува, хайрият, сиз бор экансиз. Фалокат босиб оқлиқсиз қолиб кетсам, манави тирик етимларнинг оғзига нимани тутардим? Шу етимчаларнинг толеига тагин ҳам сиз келиб қолдингиз-а! Ўзи денг, чап қовогим ўлгур эрталабдан бери...

— Майли, майли. Эртага оғзидан бир коса чиқарсанг, бас, — деб кулди чол унинг интиҳосиз жаврашини бўлиб.

— Вой, жоним билан, Адаш бува, оғиз сиздан айлансин!

Адаш Карвон уйига кўнгли ёришиб қайтди. Лекин оғзини аждардек очиб ётган қоп-қоронғи ҳовлисига қадам қўяркан, кўнглидаги ёругликдан ном-нишон қолмади. Ўзини ўзи койиди: айвоннинг чирогини ёқиб кетса нима экан!

Пайпаслашиб йўлакдан айвонга чиқди, чироқнинг тугмасига қўл чўзди-ю, негадир ёқмай, пойгакдаги кўрпачага тиз чўка қолди.

Атроф жимжит. Зимистон. Чолнинг кекса дилини билгисиз бир қайғу чулғади.

«Мана, шу тилсиз жонивор ҳам сендан бахтлироқ — насл-зурёди бор... Бахтинг дарёга оқиб кетган экан-да, Адаш Карвон! Мана, эрта-индин кунинг битиб, омонатини топширасан. Чирогинг ўчади. Ўлдинг — ўчдинг. Тамом-вассалом. Гўё Мирза Карвоннинг ўгли, Соҳиб Карвоннинг невараси Адаш Карвон бу дунёда ҳеч қачон яшамагандек, етмиш икки йил ер юзини хира қилиб юрмагандек...»

Шу аллозда узоқ, жуда узоқ ўтирди. Ўрнини тўшаб ётишга ошиқмас, уйқусиз кечажак тун узун эди.

Дилидаги гашликни хиёл бўлсин унутмоқ ниятида хаёлини чалгитишга урина бошлади.

Хотин зотини ажойиб қилиб яратган-да. Бир сигирнинг туғишини кўриб ўтакаси ёрилади-ю, ўзи тўрт-бешталаб болани қайси юрак билан тугаркин? Тавба!..

Ойшиса раҳматли ҳам шунақа эди. Сигир-ку сигир, ҳатто тикка туриб туғиб кетаверадиган шайтон эчки ётоқчиласа ҳам қўрқарди. Шу қўрқоқлиги устига эрини баъзан беозор танбеҳлаб ҳам қўярди: «Кулманг, кулманг, кўрганмиз юрагингизни, Сурхининг олмазорида. Исмоил ақай бир милтиқ отганда сурат бўлиб қолувдингизу...»

Ҳақиқатан ҳам, Сурхининг олмазорида, Исмоил ақай бир милтиқ отганда у сурат бўлиб қолган: азбаройи мол аччиғи — жон аччиғи...

Лекин фақат сурат бўлиб қолганмиди?

Ойниса ҳаётлигида бу олис ўтмиш хангомаси гоҳ ўзаро, гоҳ бегоналар олдида ҳамиша мулойим бир табассум билан тилга олинар, бироқ хотини: «... сурат бўлиб қолувдингизу...» дея гапга хотима қўяр эди.

Ахир у фақат сурат бўлиб қолмаган эди-ку! Ўшанда, Сурхининг олмазорида, Исмоил ақай бир милтиқ отганда у аввал суратга айланган, кейин шу суратга жон кирган — бедазор ўртасида қотиб турган хотинининг юз-кўзи аралаш икки шапалоқ тортиб юборган эди.

Аммо Ойниса буни сира-сира — на ҳазил, на таъна билан эсламаган эди.

Адаш Карвон хотинини ўшанда биринчи ва охириги марта урган эди.

Адаш Карвон Сурхининг этагидаги боғда хомтоқ қилаётган эди. Ойниса сигирини етаклаб чой олиб келди. Тушлиқдан сўнг Адаш Карвон яна ишига тутинди. Ойниса сигирини уватга қўйиб, ўзи олмазорга кирди, дарахтлар тагидаги сув ичган барра печак, қиёқларни юлиб қопга сола бошлади.

Олмазор ичида кўм-кўк беда белга уриб ётарди. Ойниса бедадан бирор қабзам олиш у ёқда турсин, ҳатто назар солгани қўрқарди: елкасига доим қўшогиз милтиқ осиб, узапига оёқ тираб юрадиган олмазор қоровули — шопмўйлов Исмоил ақай бадфеъл вазоҳати билан донг таратган эди.

Бир пайт Ойниса ердан бош кўтариб бедазорга қарадию эхонаси чиқиб кетаёзди: боягина уватда эриниб кавш қайтариб ётган сигири икки қатор наридаги оқ олмалар тагида пишқирганча бедани ямламай ютарди!

Ойниса юраги така-пука бўлиб сигирга қараб югурди. Энди бошвоғига қўл чўзганини билади, нақ боши устида алланарса қаттиқ гумбурлаб кетди. Кейин, худди осмондан тушгандек, Исмоил ақайнинг ваҳшатли дағдағаси янгради: — Бабангининг башини!..

Ойниса бедазор ўртасида серрайиб қолди. Шундоқ рўнарасида афт-ангори буришиб, кўзлари чақчайган Исмоил ақай, қўлида милтиқ, от ўйнатиб турарди.

Адаш Карвон гумбурлаган товушни эшитиб жонҳолатда олмазорга қараб отилди.

«Ойнисни отиб қўйди! Оҳ, худо, Ойнисни отиб қўйди!»

У ўнкаси озгига тиқилиб, можа ро устига етиб келди. Ойниса эрини кўрдию капалаги учиб кетди: рангида ранг қолмаган, тиззалари даг-даг қалтирайди. Кўзи кўзига туш-гач, эри фақат ундан хавотир олганини, ёлғиз уни деб шу қадар кўрқганини англади, юраги зирқиради...

— Санинг ипагингми? — деб сўради Исмоил ақай Адаш Карвонга хўмрайиб.

• Ниҳоят, Адаш Карвонга ғойибдан тил ато бўлди:

— Меники.

Исмоил ақай милтиқши елкасига осиб, хотиржам оҳанг-да буйруқ қилди:

— Қани, етекле эсе!

— Қаёққа етаклайман, ақай? — деб сўради Адаш Кар-вон атай талмовсираб.

— Баржақ кўресен!

Идорага боргандан сўнг нима бўлиши Адаш Карвонга маълум эди: Исмоил ақай айбдорни колхоз раҳбарла-рининг ҳузурига олиб кириб, айбига айб қўшиб-чатар, гулдирак товуши билан бақдириб-чақирганча на тавба, на таваллоға қулоқ солар, алхол, «эгесига ўх-шаш ярамес мал» ни кушхонага топширтириб тинчир эди.

Адаш Карвон Исмоил ақай бошвоғидан ушлаб турган сигирига таассуф билан қаради: елини нақ ерга тегеди. Эсиэ!

У юзига гуноҳкорона тус бериб, қоровулга ялина бош-лади:

— Энди, ақай, ҳақиқатан ҳам биз беноват... Тилсиз жонивор, биров атай қилган, дейсизми...

Исмоил ақай оёғини узангига тиради:

— Ялган айтасин!

— Хотин кўрмай қолибди, мен хомтоқда эдим, ўзим бўлсам наҳотки...

Исмоил ақайнинг юзида лоақал бирор мўйи қилт этмади.

— Етекле! — деб ўшқирди у.

— Бир сафарча кечиринг, ақай?

Қоровул индамай сигирни етаклаб жойидан қўз-ғалди.

Адаш Карвон нима қиларини билмай гарансиб қолди, сўнг бир сакраб хотинининг ёнида пайдо бўлди:

— Хув, меровсирамай ўл, аҳмоқ! Эси паст, кўзингга қарасанг ўларминг! — Адаш Карвон Ойнисанинг юз-кў-зи аралаш шапалоқ тортиб юборди: — Сенинг терингни шилиб олмасамми!

Ойниса қўллари билан бошини тўсганча букчайди, юзидан ўт чиқиб кетган бўлса-да, чурқ этмади. Адаш Карвон бунга сари баттар авж қилди:

— Сигир сўйилгунча, сен сўйилсанг бўлмасмиди, дардисар! Бари бир, сениям сўяман!

Исмоил ақай секин ортига қайтди. Қараса, Адаш Карвоннинг чиндан ҳам авзойи бежо. Отдан тушиб, ёнига келди.

— Ал,— деди сигирнинг бошвоғини тутқазиб.— Ал-де, жўне. Бирақ, хатинни урме. Накас адам хатинни уре.

У шундай дея отига миниб, олмазор оралаб кўздан йўқолди.

Эр-хотин бир-бирларига қараёлмай узоқ туриб қолишди.

Бир пайт Адаш Карвон товуши алланечук ўзгариб:

— Ахир, шундай қилмасам, бермасди-да! — деди. Сўнг, ниманидир ўйлаб, жиддий оҳангда қўшиб қўйди: — Сен ҳам ахир эҳтиёт бўлгин-да. Нақ бўлмаса сигирингдан айрилувдинг...

Ўшанда Адаш Карвон хотинини биринчи ва охириги марта урган эди...

Ўшанда у вақти келиб ўзи ҳам Исмоил ақайга ўхшаган қоровул бўлиб қолишини хаёлига келтирмаган эди; Исмоил ақай яна беш-олти йил ваҳшат солиб ҳаммаёқни титратиб юрдию ниҳоят қариб, пенсияга чиқди.

Далабой колхозга раис бўлгандан кейин Адаш Карвонни чақириб: «Исмоил ақайдан от билан милтиқни қабул қилиб олинг, Бешқашқага қоровул бўласиз», деди.

Одамзод пешонасида не борлигини билмай ўтади. Бўлмаса, Адаш Карвон ўшанда шу гапга кўнармиди?..

* * *

У, одатдагидек, тонг қоронғисида уйғонди. Туриб таҳорат олди, жойнамозни ёзиб, бомдод намозига ният қилди.

Илгарилари у паст, бир қадар шикаста оҳангда муножот қиларди — тўрда ётган ўгли Насиббекни уйғотиб юборишдан чўчирди. Бутун вужуди эриб такбир тушираркан, баъзан ён-верига разм солиб, ўглининг уйқу тарк этган кўзларида ҳайрат чақнаётганини, чехрасида ўйчан бир жиддият пайдо бўлганини сезар эди. Насиббек отасининг шу ҳолатига жимгина тикилиб ётишни яхши кўрарди. «Отам ашула айтяпти,— деб қийқирарди кичкиналигида.— Нима деб айтяпсиз, ота?» Адаш Карвон беозор кулимсираб қўярди. Кейинчалик Насиббек отасининг тонг

қоронғисида нима деб «ашула айтиши»ни билиб олди.

У яратгандан ўғлига — кўзининг оқу қораси бўлмиш ёлғиз жигарбандига «тансиҳатлик, меҳр-оқибат, инсофу тавфиқ; кўздан, суқдан, душманнинг қасдидан, ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ тухматдан, бемаҳал ўлимдан» — ўзи бу дунёда ситам чеккан жамики офатлардан омонлик тилар эди. Ўзи билан камширига бу ёруғ жаҳонда энди ҳеч нарса керак эмаслигини яхши билар, фақат имонининг саломатлигини, фарзанд доғини кўрсатмаслигини, неварачевараларнинг дийдор-қувончиси сўрар эди. У салқин саҳарларда яна юрту элга тинчлик, шифтга боқиб ётган беморларга шифо, ота-онасининг бағридан узокда юрган аскарларга беҳатар сафар, жамики мардум устида ҳукм юргизиб турганларга адолат, бева-танларга ватан, фарзандталабларга фарзанд ато қилишини тиларди.

Бирор кимсага ёмонлик соғинмаган эди-ку? Нега жами тилаги юзага чиқмади? Нега илтижолари соҳиби қарам қулогига етмади?

Кўп нарса сўраганмиди у?!

Озмиди сўраган нарсалари?!

Демак, у йўқ экан-да?! Ахир, бор бўлса...

Тумандек ёпирилган шубҳалар қалбини кемира бошлаганда уни қўрқув босади — шак келтириб қўйишдан қўрқади.

Юраги чексиз-чегарасиз ғамга тўлиб кетган кезларида дунё кўзига қоронги кўришиб, қ ў л с и л т а б юборай дейди!..

Эрталаб у иштаҳаси тиламаса-да, ўзини мажбурлаб нонушта қилди. Лекин томоғидан бир тишлам нону пиёла чойдан бошқа нарса ўтмади.

Тўрдаги уйга кириб, тахмондаги ўрп-кўрна орасидан оқ чит рўмолга ўралган пулни олди. Дераза олдига келиб, ёруққа солиб санади. Парни пақананинг ўғли айтгандан анча кам. Эрта бозор сариқ қўйни сотсамикан? Бирор ой емласа бўларди-да. Сандиқда минг сўм бор, аммо унга тегмайди: ўлимлик. Бандага ишонч йўқ, манман деган одамнинг ҳам ҳоли пуф дегулик.

Айтмоқчи, қўйнинг еми тугаб қолувди-я? Чол одатда емни бозордан эмас, даламаҳаллалик Ашур чўлоқдан оларди — инсофли, ҳалол одам. Ем баҳона узок ҳапгомалашиб, тафт-ғубори тарқаб қайтарди.

Адаш Карвон қўлтигига қоп қистириб, кўчага йўл олди.

Кўк плаш кийган баланд бўйли бир йигит автобусдан ҳамма тушиб бўлгунча орқа ўриндиқда сабр-тоқат билан жимгина кутиб ўтирди. Бекаат майдонига тушгач, четроққа ўтиб шимининг почаларини қоқди, «дипломат»ини чап қўлига олиб, ён-верига қарамасликка тиришиб, кўприк томон жўнади. Унинг чўзинчоқ, кўхлик юзида мубҳам бир таҳлика-тараддуд ифодаси бор эди.

Йигит йўл четидан жадал юриб бораркан, ногаҳон кўприкнинг нариги бошида қўлтиғига қоп қистирган малла чопонли чолни кўрдию жойида таққа тўхтади. Саросима босиб, теварагига аланглади.

Кўчада одам сийрак. Нон дўкони олдида оқ халатли икки йигит машинадан нон туширмоқда. Кабобпаз бола кўрадаги кўмирни зўр бериб елпийди. Кўприкнинг ўртасида тогорасини биқинига босган учта хотин йўргалаб бораётир.

Йигит нима қиларини билмай қолди. Югурик хаёл уч йил бурунги бир манзарани кўз ўнгида яққол жонлантирди: мана шу гузар, тумонат одам, сочлари тўзгигап қора кўйлақли аёл, мотамсаро қийшайган юз, бош-кўзи аралаш тушаётган қора сумка, «Боламини топиб бер!» «Топиб бер боламини, жувонмарг!» — деган аччиқ, телба бир ҳайқирик...

У сескашиб тушди. Чол рўпарасига келиб қолган эди. Йигит шартта кўприк панжарасига ёнбош бўлиб туриб олди. Чол ердан кўз узмай шундоқ ёнгинасидан ўтиб кетди. Йигитнинг назарида, малла чопоннинг этаги кўк плаш барини куйдириб юборгандек туюлди.

Чол уч-тўрт қадам узоқлашгач, у юрак ютиб қайрилиб қаради.

Хайрнят!

У кадамини янада жадаллатиб йўлга тушди. Кўприкдан ўтгач, рост кўчани қўйиб, сой ёқалаб кетган ёлғизоёқ йўлга бурилди. Шу пайт чойхона муюлишидан эшак миниб чиққан бир киши:

— Э, Саттор, яхшимисан! — деб қолди.

Йигит ноилож изига қайтиб, у билан кўришди.

Адаш Карвон Даламахалладан қуруқ қайтди: Ашур чўлоқнинг эшигига муштумдек кулф урилган, уйдагиларнинг қаёққа кетганини қўни-қўшнилари ҳам айтиб беролмади. Чол тегирмон биқинидаги тошсупада анча вақт пой-

лаб ўтирди, хонадон эгаларидан ҳадеганда дарак бўла-
вермагач, зерикди, секин изига жўнади.

Кўчасининг бошига етганда от мишиб тўйга айтиб юрган
учта йигитга дуч келди. Бир хилда банорас тўн, дўпни
кийган, духоба кежим ёшиб ясатилган эгар устидаги атлас
кўрпачаларда мағрур ўтирган новдадек-новдадек уч йигит
чолни кўрган замон бараварига салом берди. Сўнг бестоқат
типиричилиган отларни базўр тинчитиб, шўх, ўктам қич-
қиришди:

— Тўйга боринг, Адаш бува!

— Тўйинглар муборак бўлсин! — деди чол чиройи
очилиб.

— Қуллук! Эшигингиз қулф экан, шу айтганимиз
хисоб-а, Адаш бува?

— Хисоб, хисоб! Куёв қайси биринг? — деб сўради чол
кўзларини қисиб.

Улар қулмсираб, ўртадаги думалоқ юзли, хушмўйлов
йигитга ишора қилишди.

— Саруполаринг муборак бўлсин! Кимнинг боласисан,
чирогим?

— Қуллук, — дея қизариб жилмайди йигит. — Танима-
дингизми, бува? Наим аканинг ўғлиман-ку.

— Қайси Наим? Наим мелисаними? Қичигимисан?

Тасдиқ жавобини олгач, чол хижолат бўлиб бош чай-
қади.

— Қарилик, болам, айбга буюрмайсизлар... Қани,
омин! — дея фотиҳага кўл очди у.— Илоё, қўшганинг
билан қўша қариб, бахтли-тахтли, ували-жували бўлгин!

Йигитлар тўйнинг вақт-соатини чолга яна бир бор
тайинлаб, от жиловини бўшатишди. Адаш Қарвон улар-
нинг орқасидан таажжубланиб қараб қолди.

Уйга кириб келганида ҳам таажжуби тарқамаган эди.
Вожаб! Умр дегани оқар сувдек ўтиб кетаверар экан-да!
Наим мелисанинг кенжа ўгли — куёв, тўйга чорлаб юриб-
ди! Ахир, раҳматли Наимнинг ўзи кун-кеча уйланмаган-
миди?

Едида, Наимбой ўттиз учинчи йилнинг қаҳратон қи-
шида уйланган эди. Адаш Қарвон тенг-тўшлари билан
тўйда хизмат қилганини, тизза бўйи қорни замбиллаб
ҳовлидан ташқарига ташиганларини бугунгидек хотирлай-
ди. Никоҳ ўқигани келган ёш, хушсурат домла Фиёс-
хоннинг зинадан тойиб йиқилиб, адрес чопони йиртилгани,
азбаройи аччиқланганидан: «Феъли совуқ баттол, шу бу-
юқда тўй қилмаса нима экан!» — дея койиниб, ҳаммани
кулдиргани ҳам эсида.

Наимнинг тўйидан уч ҳафта ўтгач, опасининг жар-калонлик олис қариндоши уста Бозорнинг кичик қизи Ойнисани унга унашиб, нон синдиришган эди. Тўйни ўрик гулига мўлжаллашди. «Ҳавои жаҳон очилиб, мундоқ елка-мизга офтобнинг тафти тегсин», деди онаси раҳматли. Тўй, ҳақиқатан ҳам, ўрик гулида бўлди, лекин... орадан кўп йил ўтиб! Боёқиш онасига бу кунни — ҳавои жаҳон очилиб, елкага офтобнинг тафти тоғадиган кунни кўриш насиб этмаган экан...

Дала-даштан изгирин ариб, баҳор еллари сарсари эса бошлаган илиқ тунларнинг бирида «Қизил қадам» колхозининг аъзоси Адаш Карвон қамоққа олинди. Гуноҳи нима эканини у кўп йиллардан сўнг — муддатини ўтаб қайтганида, Тошкент вокзалининг шундоқ биқинидаги пасқам, исқирт қовоқхонада билди. Ўшанда эса, уч ойгача бароққош терговчи Абдулҳакимовнинг ҳузурда, етти ухлаб тушига кирмаган даъволарни оғзи ланг очилган кўйи эшитиб ўтиришга мажбур бўлган эди. Уни, Адаш Мирза ўглини, босмачилар билан алоқада айблашарди. Гўёки у мадрасадош ҳаммаслаги Ғиёсхон эшоннинг махфий топшириқларини мунтазам бажариб келган, чунончи...

Сўнг унинг қатор-қатор «жиноятлари» тизилиб келарди: қачон, қайси маърақада нима деган, икки йил бурун чойхонада айтган гапи, Ғиёсхон билан юрпш-туриши...

Энг даҳшатлиси шундаки, бўйнига қўйилаётган бу айблар рост эди. Йўқ, айбларнинг ўзи эмас, улар замиридаги гаплар рост эди. Бобоси Соҳиб Карвоннинг йирик мулкдор ўтгани ҳам, отаси Мирза Соҳиб ўглининг пири муршид Исломхон эшонга қўл бериб, узоқ йиллар эшигида хизмат қилгани ҳам, ўзининг Бароққон мадрасасида Ғиёсхон билан уч йил бирга таҳсил кўргани ҳам — барча-барчаси рост эди. Шунингдек, уч йил муқаддам бир маърақада: «Подшолар ҳам ўз йўлига, одамзод аввало имонини унутмаслиги лозим», деб айтгани ҳам, икки йил аввал чойхонада ўтирганида, извошда керилиб ўтиб кетаётган Фатҳиддиновни кўрсатиб: «Бу одамни мен танийман, сизлар танимайсизлар», дегани ҳам айни ҳақиқат эди.

Аммо бу гапларга бир куп бориб шу қадар даҳшатли тўн кийдирилишини мутлақо хаёлига келтирмаган эди. Чунки бу хатти-ҳаракатларнинг кўпи унинг инон-ихтиёридан ташқарида кечган эди. Бобоси Соҳиб Карвоннинг йирик мулкдор ўтгани унга боғлиқ эмасди; бу мулкнинг унга миси ҳам юқмаганини ҳамма билади. Отаси Мирза

Карвон умр бўйи эшоннинг хизматини қилиб, бири икки бўлмаган ва охир-оқибат ўлар чоги шипшийдам уйининг шифтига боқиб: «Эшопим деб, эшагимдан айрилдим», дея надомат чеккан эди. Зукурхўжа домланинг маслаҳатига кўра у уч йил мусофир шаҳарда тентираб, ҳамқишлоғи Ғиёсхон билан бирга мадраса тупроғини ялаган, аммо ҳар вақт ўз ҳаддини билган эди. Дарҳақиқат, Шўро ҳукумати кучайган сари Ғиёсхон оёғи куйган товукдек тинирчилаб қолди, уззуқун «динсиз бошавойлар»нинг гўрига гишт қалай бошлади. «Босмачи», «қўрбоши» деган гаплар авж олганда Ғиёсхонга жоп кириб, Адаш Карвоннинг кўнглига ҳам кўп бор қўл солиб кўрди. Бироқ Адаш Карвон тўпори ақли билан эшонзоданинг жигарбағри қишлоқдаги таноб-таноб ерлар, атроф етти кентдаги бехисоб муридлар, ичкари-ташқари даңгиллама ҳовлилар, қўш-қўш қароллару кўтон тўла қўйлар, асов айғирлар учун қуяётганини англади. Азалдан унга рўйхушлик бермас эди, шундан кейин буткул ихлоси қайтди. Ғиёсхоннинг нола-надоматларига Адаш Карвоннинг жавоби доимо тайин эди: «Оллонинг хоҳишсиз ҳеч иш бўлмайди, Ғиёсхон. Яратган эгам ихтиёр этмаса, бандасининг бир кичриги ҳам узилмайди. Бас, таңрига маъқулдирки, Шўро ҳукумати яшаб турибди».

Ғиёсхон жигибийрони чиқиб, унга ваъз ўқишга тушиб кетарди. Ниҳоят, бир иш чиқаролмаслигига кўзи етгач, ҳафсаласи пир бўлиб, унда узоклашган эди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, тағин қишлоққа кириб келди, имоматни қўлга олди. Адаш Карвон миридап-сиригача билгани учун унга иқтидо қилмас, кўча-кўйда дуч келиб қолган чоғлардагина қиёмат қарзи — саломини бериб ўтар эди, холос. У Ғиёсхон билан бир пайтлар бирга ўқиганини упутиб ҳам юборган эди. Аммо имону диёнати ҳаргиз унутмади. Бўйнига қўйилган барча даъволар ичида Адаш Карвон ана шунга чин дилдан иқроп эди. Агар гуноҳи шу бўлса, бунинг учун жазо тортиш лозим бўлса, Адаш Карвон ҳаминша тайёр. Лекин у ҳеч вақт одамларни қутқуга, бошбошдоқликка даъват этган эмас. Маъракадаги гапини ҳам бирор гараздан эмас, виждонишнинг амри билан айтган, ўзи шунини ҳақиқат деб билган, зеро, одамзодда имон бўлмаса, унда садоқат ҳам бўлмайди. Чойхонадаги гапини ҳам майнавозчиликка айтгани йўқ эди. Извошда ўтиб кетаётган Катта Одам — Фатҳиддиновни у яхши танирди: Тошкентда юрган кезларида Кўкча масжидида кўп марта кўрган. У кезларда бу киши ҳали «Ўртоқ Фатҳиддинов» эмас, «Фатҳиддинхон тўрамнинг тўнғич ўғиллари» эди. Бирор

ўн йил чамаси ўтгач, бу юртга Катта Одам бўлиб келганида у Адаш Карвонни танимади, албатта.

Адаш Карвон ана шуларнинг ҳаммасини бароққош терговчи Абдулҳакимовга ётиги билан тушунтиришга ури-нарди. Абдулҳакимов ишдамай гапни тинглаб турарди-да, сўнг айбномага тиқилиб, тўнг оҳангда тақрорларди: «Бўл-дингизми? Хўп, энди ишга ўтайлик. Ғиёсхоннинг топ-шириқларини бажарганингизни бўйингизга оласизми, йўқми?»

Тергов тугади. Адаш Карвон ғойибдан пажот тилаб ётаверди.

Негадир суд чўзилиб кетди. Энди уларни баъзи кунлар соқчи назоратида ишга чиқарадиган бўлишди. Хоккўза-нинг даласида колхоз янги боғ қилган эди, ўша ёққа ток чошиққа олиб бора бошлашди. Беш-олти чақирим масофага ҳар куни қатпашга эринишармиди ё бошқа нарс сабабми, ишқилиб, кечқурунлари Ғиёсхон иккаласини боғ этагидаги дарчасиз бостирмага элтиб қамашар, айвонда эса соқчи милиционер пойлаб ётар эди.

Милиционер кунора алмашиб турарди.

Бир куни кечаси соқчиликка Наим мелиса кел-ди...

Ўша кеча ой тиккада эди. Хоккўзанинг даласидан янги соғилган сут билан беда ҳиди келарди. Чигирткалар бетиним чирилларди.

Ярим кечаси Наим мелиса бостирманинг эшигини очди:

— Қочинглар, ошналар, — деди у. — Қочинглар! Ор-қанглардан осмонга қаратиб бир-икки отаман. Биров су-риштира: «Бостирмани тешиб қочишибди», дейман.

Адаш Карвон Ғиёсхонга қаради, Ғиёсхон — Наимга.

— Йўқ, — деди Адаш Карвон.

— Алдаб, итдек отиб ташламоқчимисан? — деди Ғиёс-хон қалтираб.

— Отмайман! — деди Наим. Чўяндай юзи ой ёғдусида бўздек оқариб кўринди. — Нон урсин, алдасам! Қандоқ қилай, ошналар, ахир, ошна эдик...

Ғиёсхон Адаш Карвонга қаради, Адаш Карвон — ерга.

— Сени қасам урмайди, худодан қайтгансан-ку! — де-ди Ғиёсхон. — Қофирсан-ку, имонсиз!

— Нима десам ишонасан? Нима десам ишонасан-лар?! — дея хирқираб шивирлади Наим. — Эшикни очиб қўяман, қочларинг! Алдасам, онам хотиним бўлсин!

Наим отасиз етим эди, онаси кўр эди, қасам даҳшатли эди, даҳшатли ва рост эди.

Ой балаидлаб кетди. Чигирткалар чарчаб, тинди. Хулкар ёнбошга келганда Ғиёсхон ўридан туриб бостирма эшигини итариб кўрди — очик. Бошини чиқариб атрофга қулоқ солди — жимжит.

— Туринг, Адашбой, — деди у, — таваккали худо. Бу бадбахт алдамаган бўлса, қутулиб кетармиз, алдаган бўлса, эртага пешонамизга қадаладиган ўққа бугун учиб қўя қолармиз.

Адаш Карвон жойидан қўзғалмади.

— Бир бошга бир ўлим, муича ивирсидингиз, Адашбой?

— Нима қил дейсиз?

— Қочмайсенсизми?

— Эркак ҳам қочадими?

— Аскиянинг мавриди эмас, Адашбой!

— Қочиб қаёққа борамиз?

— Ҳожикўлдан ўтиб, Чавканчакка ошсак бас, у ёғи қозоқнинг даласи. Отамнинг муридлари кўп, эс-хушли, ҳалол одамлар, хор бўлмаймиз.

— ...

— Кейин юрт сал тинчиганда қайтармиз. Бўла қолсангиз-чи!

— Менинг юртдан қочадиган гуноҳим йўқ.

— Булар гуноҳнинг борми-йўқми, деб суриштириб ўтирмайди, шартта замбаракка бойлаб отади!

— Майли, нима бўлса худодан.

— Э, худойимдан ҳам ўргилдим, шу азобларга солган... Тайсалламамг, биродар, вақт зиқ. Бу ҳароми Наимнинг қўнглига эгамнинг ўзи шафқат солиб турибди, буям бир иноят. Иншоолло, ишимиз ўнгидан келади. Бир бурда нон ҳамма ердаям топилар.

— Мени дардисар қилиб илаштирманг, Ғиёсхон. Биласиз-ку, бари бир сизга ҳамроҳ бўлолмайман.

— Нега? Нега, ахир?

— Фотиҳа... фотиҳа нима бўлади?

— Э, фотиҳангизни қўйинг! Бошингиз омон бўлса, хотин топилади. Агар чин тақдир битган бўлса, қирқ йил қиёматдан кейин ҳам шу қиз сизга насиб қилади. Тақдир битмаган бўлса, чимилдиқдаям бармогингизни тишлаб қолаверасиз.

— Фотиҳа — мухри илоҳий, дер эдингиз-ку, Ғиёсхон?

— Тавба! Ҳозир масала талашадиган пайтми, Адаш-бой! Буича латтачайнар бўлмасангиз!

— Майли, йўлингизни берсин.

— Мени айтди дерсиз, ҳали шундоқ пушаймон қиласиз, шундо-оқ пушаймонлар қиласиз!

Адаш Қарвон кейин жуда кўп пушаймон қилди, то ҳануз пушаймон қилади, суяклари оқаргунча пушаймон қилса ҳам ажаб эмас. Аммо у пайтда — осмони фалакда Хулкар чарақлаган, янги соғилган сут билан беда ҳиди келиб турган Хоккўзанинг даласида, навқирон йиғит чоғида ҳали буни билмас эди.

Тонг қоронғисида Наим мелиса лапг очиқ ётган эшикдан Адаш Қарвоннинг олдига кирди:

— Нега қочмадинг?!

— Нега қочманми?!

— Майли... Гипанг ўзингдан қолсин, Адаш. Мен... қандоқ қилай, ҳеч шундоқ бўлсин, дебманми...

— Бошлиқларингга нима дейсан? — Адаш Қарвоннинг юраги ачишиб кетди.

— Пешонамдан кўрдим. Ке, сен ҳам кетақол, Адаш.

Адаш Қарвон бош чайқади.

— Аслида мен сени деб... Бўлмаса, Гипёсхон менинг икки туғиб бир қўйганиммидики... Ахир, сен бечорада ҳеч гуноҳ йўқ-ку?

— Гуноҳим йўқлигига ростдан ҳам ишонасанми? — деб сўради Адаш Қарвон қатъий оҳангда.

— Ия! Сўрайди-я тагин!

— Бўпти-да! Гуноҳим йўқ бўлса, нега қочишим керак?

Наим эшик кесақисига суяниб мунгайиб қолди.

— Билиб бўлмайди-да... — ниҳоят, ундан садо чиқди. — Бошқалар сени менчалик билмайди-да... Ке, қўй, Адаш, кун ҳам ёришиб қолди, таваккал: кет!

Адаш Қарвон яна бош чайқади. Наим унга шундай мўлтираб қарадики... Адаш Қарвон унинг ўша ҳолатини эсласа, ҳозир ҳам юраги эзилиб кетади. Одамнинг соддаси эди раҳматли Наим.

Эрталаб Қурбон мелиса келиб, ҳол-аҳволни кўргач, Наим билан Адаш Қарвонни олдига солиб идорага ҳайдаб кетди.

Уч ҳафтадан сўнг суд бўлди. Гипёсхон топилмади. Адаш Қарвон жўнаб кетаётганда Наим ҳали ҳам ҳибсда эди, тақдири не кечганини билмади.

У совуқ ўрмонларда дарахт кесганида ҳам, ишчи

батальонида хандақ қазиганида ҳам Напми бот-бот эсларди. Бироқ, уни қайта кўрарман, деб сира ўйламаган эди.

Ва лекин... кўрди!

Кўрганда ҳам, мутлақо хаёлига келтирмаган жойда, етти ухлаб тушига кирмаган қиёфада кўрди.

Эллик учинчи йил ўн саккизинчи август куни афгангоридан бемаҳал қаригани яққол сезилиб турган бир киши Тошкент вокзалида кундузги поезддан тушди. У платформада бир нафас гангиб ён-верига боқди, сўнг қопчигини елкасига илиб, чумолидек гужгон ўйнаган олақуроқ оломон ичига сингиб кетди. Чап оёғини сезиларсезилмас силтаганча босиб бораркан, кўзи атрофга алаңлаб олмакесак терарди. Жазирама иссиқда ҳовурга кўмилиб, хумдондек қизиб ётган вокзал биносидан чиққач, у рўпарадаги — дарахтлари сийрак кичкина хиёбонга қараб юрди. Трамвай келиб айланадиган майдонда қора пешбанд тақиб, ёғ босган шапка кийган фаррош чол бурчакда тўпланиб ётган ахлат уюмини чўлтоқ белкурак билан тўзғитиб аравачага ортмоқда эди. Унинг кайфияти бузукроқ шекилли, кимгадир миннат қилгандек белкуракдаги ахлатни иддао билан қулочкашлаб улоқтирарди. Қопчиқ орқалаган одам ҳардамхаёл қадам ташлаб бораркан, ногоҳ фаррошнинг белкураги тирсагига тегиб кетди. У чўчиб четланди, фаррош баттар феъли айниб, бақирди:

— Кўзми, пўстакнинг йиртиғими!

Қопчиқ орқалаган одам бирдан ялт этиб қаради. Фаррош ҳам белкурагини бесўнақай ўқталганча унга хўмрайиб турарди. Тўсатдан у хирқираб бақирди:

— Адашмисан?!

— Наим? — деб пичирлади қопчиқ орқалаган одам.

— Ҳой, ростдан Адашмисан-эй?! Вой, болангдан айланай, сени кўрадиган кун ҳам бор экап-ку!

Наим Адаш Карвон билан қучоқлашиб кўришаркан, ёғ босган шапкаси бошидан тушиб кетди. Кўришиб бўлгач, шапкасини ердан олиб ахлат тўла аравага улоқтирди, лекин бу билан кўнгли тўлмади шекилли, белкуракни ҳам тарақлатиб отиб юборди:

— Ҳе, онангни!..

Адаш Карвон ҳамон кўзига ишонмас, худди туш кўраётгандек, тевааракка олазарак алаңлар эди.

Наим уни бошлаб кўприқдан ўтди, йўл ёқасидаги пасқам, исқирт бир ошхонага олиб кирди, кейин: «Ҳо-

зир!» дея қайгадир югуриб кетди, кўз очиб-юмгулча яримта қоқланган балиқ билан бир шиша вино кўтариб келди.

Адаш Қарвоннинг хануз ичмаслигини эшитгач, кўзи пешонасига чиқиб кетаёзди:

— Кўйсанг-чи! Шунча замоилар ўтиб кетди-ю! Ичмайдиган одам борми ҳозир!

— Рост, Наим,— деди Адаш Қарвон сиқиқина илжайиб.— Сен бемалол...

— У ёқдаям ҳеч ичмадингми? — деб сўради Наим шубҳали овозда.

Адаш Қарвон бош иргади:

— Ҳа...

— Намоз ҳам ўқигандирсан бўлмаса?

Саволда билинар-билинимас киноя оҳанги бор эди — Адаш Қарвон пидмади.

Сухбат бошланиб кетди. Наим чакаги чакагига тегмай, икки гапнинг бирида бандасию худонинг онасини бўғоз қилиб сўзлар, сал нарсага тутақиб фиғони фалакка чиқар эди. Адаш Қарвон эса жимгина тинглар, тинглаган сари қалбида ҳам алам, ҳам армон, ҳам ўзи помини билмайдиган аллақандай ғалати бир ҳислар уйғонар эди.

Наим шишани очиб, бир ўзи ичди. Эски аламлар эсига тушиб, дарров маст бўлиб қолди.

— Қарибсан, Наим,— деди Адаш Қарвон.

— Ҳаммамиз ҳам қариймиз,— деди Наим афтини буриштириб. Сўнг Адаш Қарвонни буткул ханг-манг қилиб деди:— Ойниса бечора ҳам сени кута-кута қариди.

Адаш Қарвон Наимга анграйиб қаради. Наим яроғқ бошини сийпаб, қиррадор стаканга вино тўлдирди.

— Ойниса... эр қилмаганми?! — деб сўради Адаш Қарвон томоғи қуруқшаб.

— Йўқ,— деди Наим унинг ҳайратига эътибор бермай.— Ух! Нима, хат-пат олмасиндиги?

— Кетган йиллим битта хат ёзган эдим. Оюасига,— деди Адаш Қарвон столнинг четига тикилиб.— «Ўзингизнинг иштиёри ўзида», деган эдим. Наҳотки турмушга чиқмаган бўлса? Сен ўзинг аниқ биласанми?

— Бир ой бурун қишлоққа борган эдим, чиқмаган эди. Агар бир ойнинг ичида чиқмаган бўлса...— Наим сўзини ямлаб, оғзига балиқнинг думини солди.— Иштиёри ўзида, деган бўлсанг, шунақа иштиёр қилган-да.

Адаш Қарвон Наимнинг уст-боши, абгор қиёфаси, гупиллаб вино иси аниқиб турган хомсемиз вужудини кўриб, бу гапга ишонмади, ишонмагани учун кавлаштириб ўтирмади.

— Ўшанда қапча ётдинг, Наим? — деб сўради у.

Наим асабий қўл силтади:

— Бари бир сешкидан кам. Чиққанимдан сўнг қишлоққа қайтиб бормадим. Фатҳиддинов қўймади. Мана, аҳволимни кўриб турибсан, гўлаҳдан баттар...

Уч-тўрт дақиқа жимлик чўкди. Тўсатдан Наим гурзидек мунти билан столни қарсиллатиб урди, стакан бир сакраб, бўш шиша қулаб тушди.

— Билмайсан, ошнам, ҳеч балони билмайсан, — дея гудрана бошлади Наим. — Ҳаммамиз ҳеч балони билмаймиз. Ўшанда сени Фатҳиддинов қаматтирган экан. Қандоқ қилай, мен ҳам кеч билдим, билганим билан ўзим бадном эдим, гапимга ҳеч ким қулоқ солмади...

Адаш Карвон Наимнинг ҳисобсиз ажнллардан буришиб-тиришган юзига тикилди. Бурунги содда, оғиркарвон Наимдан фақат шу «қандоқ қилай» деган сўзигина қолибди.

— Фатҳиддиновнинг менда нима қасди бор экан? — деб сўради у секин.

— Бориб Ойнисадан сўра, — деди Наим ва ўршидан туриб хиёл гапдираклаганча эшик томон юрди. Адаш Карвоннинг ингоҳида шубҳа йилтираганини кўриб, яна жойига чўкди. — Йўқ, хотиринг жам бўлсин, Ойниса фариштадек пок. Билсанг, ўша пайтларда Фатҳиддинов унга хуштор экан, қиз сени дегач, шундай қилган экан.

Адаш Карвон бирдан ҳаммасини яққол англади. Бунинг шунчаки бир сабаб экани, аслида чойхонада айтган ўша гапи Фатҳиддиновнинг қулогига етиб, бошига бало бўлганини тушунди.

— Фатҳиддинов... қаерда? — деб сўради қалтираб.

— Ўлган, — деди Наим кўзлари милт-милт қисилиб. — Икки йил бурун. Лекин, ишонсанг, уч йил тўшакдан туролмай шишиб ётди, охири приб-чириб, сув бўлиб оқди...

Хийла вақт жимиб қолдилар.

— Ҳа, шу... ким қилмагай, ким тортмагай, — дея гўлдиради Наим. — Сенгаки бекордан-бекор хусумат қилган экан...

— Бекордан-бекор эмас, Наим, — деб унинг сўзини бўлди Адаш Карвон. — Энди билдим, у мендан қўрқар экан.

— Нега?

— Мен унинг кимлигини билардим-да.

Наим унга телбага қарагандек қаради:

— Билармидинг? Ростдан билармидинг-а, хумгазак?

Адаш Карвон бош ирғади.

— Билсанг... нега ўшанда дамингни ютиб кетавердинг?
— Бу иш унинг қилмиши экапини туш кўрибманми?
— Туш кўрмасанг... Ахир, битта-яримтага айтсанг бўлмасмиди? Ахир: «Гуноҳим нима мени?» — деб фарёд қилсанг бўлмасмиди? Раз шунақа экан...

Адаш Қарвон индамади, жилмайишга уринди.

Наимнинг қош-кўзлари пирпиради:

— Бўлмаса, энди мендан кўради улар! Бу ишни қўйиб бўлмап шундоқ! Керак бўлса-чи, агар...

— Э, қўйсанг-чи, — деди Адаш Қарвон кулимсираб, — энди бундан кимга не наф? Кўргилик-да. Ҳа, бу Гиёсхон нима бўлди?

Наим бетоқат чимирилди:

— Сўрама шуни, дийдори қурсин. Юргандир бирон кавакда. Тошкентда деб эшитаман... Фатҳиддиновнинг кимлигини билар экансан, ўшанда айтсанг бўлмасмиди?! Э, одам ҳам шунчалик латта бўладими? Биз-ку бир авом, ким айтади сени, мадраса кўрган деб?!

Адаш Қарвон унинг жўшқин хитобларига жавобан кулимсираб қўйди.

— Шунча йил умрингни хазон қилиб-а! Падарлаънат бари бир кейин урилиб кетди-ку! Ўзи халқ душмани бўлиб чиқди-ку!

— Майли, ўтган ишга... — Адаш Қарвон қончигига қўл чўзди. — Мана, тагирининг ўзи кўрсатибди-ку, ахир. Яратган эгам ўзи ҳар кимнинг ажрини олиб беради, фақат унгача бандаси шошади, холос.

— Э! «Худо» дейсан, «эгам» дейсан, бирор марта жонингга ора кирдимми?! Наҳотки бошингдан мағзава тўкса ҳам осмонга гўлайиб ўтираверсанг?! Қандоқ бўлсанг, шундоқлигингча қолибсан, Адаш. Тавба!.. Қаёқда кетяпсан? Бугун уйга борамиз!

— Йўқ, Наим, мен қишлоққа кетай, — деди Адаш Қарвон. — Бир соат олдин бўлса ҳам борай, юрагим чидамаяпти, билсанг...

— Майли, ошна! — Наим ўришдан туриб Адаш Қарвонни бағрига босди. — Кўрган-кечирганинг шу бўлсин энди! Бу ёқ умринг энди фойдага, ошна! Кўрасан, мен ҳали ўлган эмасман! Сениям, ўзимнинг ҳам номимни оқлаб олишга қурбим етади! Лекин Ойнисани эҳтиёт қил, фариштадек пок, жаннати қиз экан у!

Адаш Қарвон ўйга толди.

Искандар Зулқарнайн қудрати чексиз подшо эди. Молмулки, хазинаси, қул-чўриларию лашкарларининг сон-са-

нõғи йўқ эди. Унинг ақлда бепазир, ҳусида тенгсиз Киоксар деган баҳодир лашкарбошиси бор эди. Подшо учун жамки мол-дупеси ҳам бир, Киоксар ҳам бир эди. Салтанат ташвишларидан чарчаган, ҳарбу зарбдан зериккан чоғларида уни ҳузурига чорлаб, узоқ суҳбат қуриб ўтирар эди. Киоксар подшонинг кўнгли тилаган нарсани шу ондаёқ муяссар қиларди.

Кунларининг бирида Искандар қаттиқ бетоб бўлиб, узоқ ётиб қолди. Етти иқлим элидан таклиф этилган не-не машхур табиблар ҳам дардига даво тополмадилар. Ахийри уни бир ҳинди табиб кўриб: «Сенинг жисминг эмас, руҳинг дардга чалинибди, — деди. — Бунинг ягона давоси шуки, умрида эркак зотини хаёлига ҳам келтирмаган покдомон, бокира қиз билан суҳбат қуриб, кўнгли очмоғинг керак. Поклик чашмасиғина дилинг жароҳатига малҳам бўлгусидир». «Ғалат сўйлайсан, табиб, — деди Искандар ҳайрон қолиб, — бундай қизни қайдан топаман? Топган чоғимда ҳам, унинг юрагини қаңдай қилиб биламан?» Шунда табиб кўйнидан бир кўзгу олиб: «Бу сеҳрли кўзгу, — деди. — Ҳар қаңдай қизнинг кўнглида не борини бир зумда яққол кўрсатади. Бунинг учун кўзгуни қизнинг нафасига тутмоқ кифоя. Агар умрида лоақал бирор марта эркак зотини хаёлига келтирган бўлса ҳам, кўзгуда губор пайдо бўлади».

Искандар боши тепасида ўтирган Киоксарга қараб деди: «Олиҳиммат Киоксар, бу хусусда сенинг кенгашигини эшитмоқ истайман».

Киоксар ўрнидан туриб, бош эгди: «Эй саодатли шоҳ! Сенинг кўнглихушлигининг мамлакатнинг тинчлиги, фуқаронинг маъмуриги демакдир. Ижозат эт, бугуноқ йўлга отланай».

Искандар ўзида йўқ шод бўлиб, ижозат берди.

Киоксар энг жасур, энг содиқ навкарлардан олиб, Искандар тутқазган кўзгуни кўйнига яширди-да, йўлга отланди.

Басра подшосининг малаксиймо, паричехра бир қизи бор эди. Унинг овозаси узоқ-узоқларга, жумладан, Искандар Зулқарнайн мамлакатига ҳам тарқалган эди. Киоксар тўғри Басрага қараб жўнади. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, чўлу биёбонлар ошиб, нкки ой деганда Басрага кириб келди. Подшони зиёрат этиб, қимматбаҳо совға-саломлар топширди ва ҳукмдорининг тилагини маълум қилди. Бу гапни эшитиб Басра подшоси гоят шод бўлди, Искандардек қудратли зот учун бир эмас, ўн қизи бўлса ҳам аямаслигини айтди. Сўнг Киоксарни қизининг

кўшкига олиб боришларини буюрди. Ҳайратомуз гўзал боғ ўртасидаги муаззам кўшк қуёш нурида ярқираб кўзни оларди. Киоксарни муҳташам бир хонага олиб кирдилар. Рўпарадаги тилла шоҳсупага қават-қават пардалар тутилган эди. «Маликамиз ифбат бобида якто,— деб изоҳ беришди мулозимлар Киоксарнинг ҳайрон қолганини кўриб,— номаҳрам кўзлардап яширишиб, етмиш минг парда ичида ўтиради». Шу пайт шоҳсупадан булоқ сувидек тилиқ бир овоз эшитилди: «Бу мусофир нима тилайди?» Киоксар секин кўйнидан сеҳрли кўзгуни чиқариб, овоз келган томонга қаратдию вужуди тош бўлиб қотди: ярақлаган кўзгу бир лаҳзада, гўё қурум босгандек, қоп-қорайиб кетди!.. У орқа-ўнгига қарамай саройдан чекинди, навкарлари олдига етгани он Машриқ томон от кўйишни буюрди.

Шу тариқа Киоксарнинг саргардон қуллари бошланди. У Исфаҳон ва Бадахшоши, Табриз ва Истамбулни, Ҳиндистон ва Ҳиротни, Гурижистон ва Самарқандни, Шероз ва Бухорони, яна қанчадан-қанча шаҳру кентларни бошдан-оёқ кезиб чиқди. Лекин ҳеч қайда муродига етмади. Сеҳрли кўзгу таърифи етти иқлимни тутган хурилиқо маликаларнинг ҳам, умрида остона ҳатлаб ташқари чиқмаган бокира гўзалларнинг ҳам сирини фош айлаб кўяр эди.

Орадан уч йил ўтди. Киоксар ҳамон Исфаҳон ва Бадахшонда, Табриз ва Истамбулда, Ҳиндистон ва Ҳиротда, Гурижистон ва Самарқандда, Шероз ва Бухорода, яна қанчадан-қанча шаҳру кентларда бесамар кезиб юрарди.

Ниҳоят, Киоксарнинг қадами етмаган юрту эл жуда оз қолди. Шавкатли лашкарбоши беҳуда изланишлардан чарчаб-зерикди. Сеҳрли кўзгу унинг кўзига бало-қазодек кўрина бошлади. У туфайли Киоксар одам боласига бўлган эътимодини, покликка, бокиралikka ишончини йўқотиб қўйди.

Шундай қулларнинг бирида унинг кулоғига Қайсари Румнинг гўзал қизи ҳақида эл-элатлар оша кезиб юрган овозанинг бир учи келиб етди.

Киоксар сўнгги умид билан Рум мамлакатига қараб отланди. Неча-неча тоғу тошлар, дарё-денгизлар ошиб, алоҳал, Қайсарнинг салтанатига етиб келди. Таомилга кўра, Қайсарнинг хузурига кириб, муддаосини баён қилди. Қайсар қизини хузурига чақиртирди. Киоксар, қаршисида ўз гўзаллигидан ийманиб-қимтиниб турган бемисл санамнинг нафасига бадқирдор кўзгуни тутиб, қувончидан

қичқириб юборди: кўзгу янада ярақлаб, янада равшан тортиб кетган эди!

Қиоксар Қайсарнинг қизига миннатдор тикилди. Самбитдек нозик, гулобдек тишиқ, фариштадек пок бу қиз ифбатнинг тирик ҳайкали эди. Унинг маъсум чеҳрасида фақат ишонч ва шафқат туйғуларигина жилва қиларди.

Қайсари Рум билан тўй муддатини келишгач, Қиоксар қизни олиб юртига жўнади. У бениҳоя шод, ҳукмдорининг ҳузурига ёруғ юз билан қайтаётганидан мамнун эди. Елғиз бир парса лашкарбошини безовта этар — Қайсари Румнинг гўзал қизи, унинг ишонч ва шафқат туйғуларигина жилва қилган гулгун юзи кўз ўнгидан кетмас эди.

Тоғу тошлар, ҳадсиз-ҳисобсиз дарё-денгизлар ортда қолди. Узоқдан она юрт сарҳадлари кўзга чалина бошлади.

Манзилга етти кечаю кундузлик йўл қолганда, Қиоксар қаттиқ қийналиб кетди. Ўтирса ҳам, турса ҳам зебо сапамнинг гулгун чеҳраси кўз ўнгидан кетмас, юраги пишхон бир ҳасратдан сирқираб оғрир эди.

Аммо Қиоксар мард, содиқ лашкарбоши эди. Вужудидаги бу азобларга матонат билан бардош берди. У кечалари навкарларига ўзининг оёқ-қўлларини чодир устунларига боғлаб ташлашни буюрар, сўнг тун бўйи фироқ ўтида тўлғаниб, бедор тонг оттирар эди.

Ниҳоят, Уқубат биёбони тугади. Карвон эртага саройга кириб боради.

Қиоксар сўнгги кечани сўнгсиз изтиробда ўтказди. Қўнглига оралаган шайтон васвасасидан қутулмоқ учун кечаси қароргоҳдан чиқиб, олис қумтепалар қўйнида аламандуҳ чекиб ётди, тонг ёришар-ёришмас кўз ёшларини артиб, яна тунд, шижоатли саркардага айланиб, ҳамроҳлари олдига қайтди.

Йўлга отланишаркан, Қиоксарнинг юрагига гулгула тушди. Қизнинг нафасига яна бир бор кўзгу тутмоқ, баҳонада унинг дийдорини сўнгги марта кўрмоқ ниятида ҳузурига борди. Фариштадек пок санамнинг кўзларига боқишга журъат қилолмай, ерга тикилганча кўзгуни унинг ҳаётбахш нафасига тутди...

Бир лаҳзадан сўнг поёнсиз биёбонда Қиоксарнинг аламли фарёди янгради: ярқираб турган кўзгу қоп-қора кўмирга айланиб кетган эди!

— Нега?! Нега, ахир?! — дея бошини чапгаллаб аччиқ-аччиқ фарёд чекарди баҳодир лашкарбоши. — Нега, ахир?!

Шунда гўзал санам унинг қошига келиб шундай деди:

— Ўрнингдан тур, эй шери мард! Мени деб багринг

кабоб бўлиб кетди-ку... Сени илк марта кўрганимдан буён хаёлимдан кетмайсан. Мен сени муттасил ўйладим, шу боис сен бу қадар азоб чекдинг... Мана энди, ихтиёрингдаман...

Найза зарбидан, қилич зарбидан кўрқмаган, ҳукмдорининг ғазабидан, ўлим азобидан кўрқмаган шавкатли баҳодир бу сўзни эшитиб ларзага тушди — дунёда ўзи истаган поклик йўқлигидан, ўзи излаган бокиралик йўқлигидан ва бу даҳшатли ҳақиқатдан ёруғ жаҳонда танҳо ўзи хабардорлигидан, қўлида фақат машъум кўзгу борлигидан...

У ғазаб ичра қалтираб, кўзгуни рўпарасидаги улкан қора тошга улоқтирди. Кўзгу чил-чил синиб, атрофга сочилиб кетди. Унинг синиқлари учиб тушган жойлардан кўз очиб юмгунча хайбатли тепаликлар ўсиб чиқди, зум ўтмай бу тепаликлар қоп-қора тусга кирди.

Киоксар оёғи остида қад кўтарган тепалик пойига йиқилиб жон берди.

Орадан асрлар ўтди. Искандар Зулқарнайппи ҳам, Қайсари Румнинг гўзал қизини ҳам, бу афсонани тўқиганларни ҳам ер ютди.

Бу гамгин қиссадан ёлғиз ёдгор бўлиб Киоксар жон берган тепалик — Қорамозор деб ном олган кўҳпа қабристонун эл тилида танҳо бир байт қолди, холос:

Ойшаси бор кишининг бари Искандар эмас,

Чехраси кутган гўзалининг барчаси дилбар эмас¹.

Адаш Карвон қишлоққа қайтиб, онасига аза очди.

Уч кун ўтиб Ойнисанинг онаси одам юборди: «Адашвой қизимни хасмига олса олсин, бўлмаса, жавобини айтсин. Фотиҳадан кўрқиб, шунча йил кутдик. Орада қудам боёқиш ўлиб кетди, қизимнинг отаси ўлиб кетди. Менинг ҳам бир оёғим гўрда. Кўзим тиригида Ойнисани эгасига топширай».

Адаш Карвон элчига ҳол-қунини баён қилиб, узр айтди, бир оз муҳлат сўради.

Эртаси куни элчи яна қайтиб келди: «Менга Адашвойнинг ҳеч нарсаси керак эмас, бир коса сув билан расмни қилинса — бас. Мол-дунё, пешонасига ёзган бўлса, битиб кетар».

Индини кечқурун бир коса сув билан расм-русм қилинди. Сўнг ёр-ёрсиз, карнай-сурнайсиз, куёвнавқарсиз тўй бўлди.

Улар дунёдаги бирорта келин-куёвга ўхшамай турмуш қурдилар.

Лекин улар ҳам дунёдаги барча келин-куёвлар сингари

¹ Алишер Навоий.

бахт-саодат, яхши фарзандлар умидида бир ёстнққа бош қўйдилар...

— ... Айт, Ойнис, нега мени шунча йил кутдинг? Ахир, «Ихтиёринг ўзингда», деган эдим-ку?

— Қандоқ қилиб кутмайин? Ахир, ўртағизда нон снн-дирилган эди-ку?

— Лекин, бари бир, ишонгим келмайди. Озмунча вақт ўтдим, ахир?

— Ишонмасангиз... ишонмасангиз мен нима ҳам дердим... Ўзингиз биласиз.

— Йўқ, Ойнис, мен сенга ишонмайман, деганим йўқ. Мен сенга ўзимга ишонгандек ишонаман, имонимга ишонгандек ишонаман. Фақат шунча йил қандай кута олганингга ақлим бовар қилмаётибди.

— Отам ўлар чоғи васият қилди: «Қизим, биз бир одамга сўз берганмиз. «Ўлди», деб хабар келмагунча — кут», деди. Мана, кутдим, чидадим. Юрагим сезарди, бир кун мана шундай кириб келишингизни билар эдим.

— Ойнис... Мен энди, ахир, қариб қолдим. Бошимда сочим, оғзимда тишим қолмади. Қирқ олтига чиқдим-а, қирқ олтига! Балки бир вақти келиб пушаймон қиларсан. Яхшилаб ўйлаб кўр.

— Нимасини ўйлайман? Йигирма йил ўйлаганим етмайдим? Ўйлаганимда кутиб ўтирардим?

— ...

— Сизга нима бўлди? Нега йиғлаясиз?

«Нега йиғламай, Ойнис? Ахир, мен бир ўлган одам эдим-ку? Ахир, мениям одам деб, йўлимга кўз тикиб, биров умрини хазон қилса... Ор-номусни, вафони сариқ чақа билмайдиганлар озми! Нега йиғламай, Ойнис! Ахир, сенинг гуноҳинг нима эди, Ойнис! Ахир, сен дунёга келиб, мени деб бахтсиз бўлдинг, Ойнис!..»

— Қўйинг... Қўйинг, энди...

— Майли, Ойнис, қўй мени... Жигарларим тош бўлиб кетган, ахир! Майли, зора шу билан эрпса! Зора мен ҳам одам бўлсам!

— Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз.

— Айтганинг келсин. Айтганинг келсин — мениям дунёдан умидим бор, ахир!

— Мен энди турай... Ҳадемай тонг отади.

— Бирпас шошма... Яна бирпас ётгин. Ойнис... Жоним!..

...в а ф о н и н г о қ й ў л и ш у н ч а у з у н м и ? ! ¹

¹ Гафур Гулом сатри.

Адаш Карвон тўйга айтиб юрган йигитларни кўрдию хаёлан бутун ўтмишини, умрининг қайтмас ва армонли фаслларини қайта кезиб чикди.

Ўша йили кузга бориб Наим ҳам бола-чақаси билан қишлоққа кўчиб келди. Бузилиб ётган уй-жойини тиклаб, касалхонага қоровул бўлиб кирди. Ичишни ташлаб, маҳалла-кўйга аралаша бошлади, баъзан Адаш Карвоннинг олдига келиб, ўти кетган ўша ишларни сўраб-суриштирар, юқори маҳкамаларга ёзган хатларининг жавобларини кўзига ёш олиб, қувонч билан кўрсатар эди. Наим бу чигал савдони ҳақиқат қилишга қаттиқ киришган экан, энди ниятига етай деган пайтда, тўсатдан, бир кечада вафот этди.

Адаш Карвон ўшанда унинг сой бўйидаги каталакдек ҳовлисига борганини, таъзияда ўтиришганида, беқасам тўн устидан қаргашойи белбоғ боғлаб, айвонда бепарво ўйнаб юрган беш-олти яшар болани кўрсатиб кимдир: «Шу кенжаси билан икки қизалоғи сағир қолибди», деб шивирлаганини эслади.

Мана, Наимнинг кенжаси — отаси ўлганда қайгу-аламши хаёлига ҳам келтирмай айвонда бепарво югуриб ўйнаган ўша сағир гўдак бугун эр етиб, элу юртни тўйга чорлаб юрибди. Умр дегани дарё экан-да.

Насиббек тирик бўлганда, Адаш Карвон ҳам аллақачон тўй қилган, насиб этса, шу пайтгача икки-учта набиранинг бобоси ҳам бўлар эди. Эй!.. Ўгли боёқиш лоақал бир зурёд қолдириб кетганида ҳам баҳарнав эди-я!..

* * *

Саттор ҳамон сой ёқалаб кетиб борарди.

У, ердан кўз узмай, жадал одим отарди. Бахтига, йўл кимсасиз эди. Сой бўйида ҳам унда-бунда кир чайиб ўтирган хотинлардан бўлак бирор киши кўринмасди.

Миртурсун халфанинг теракзорига яқинлашгач, у қадамини секинлатди. Ўрмондай қалин теракзорни оралаб ўтиб, туядек келадиган кулранг харсангтош остидан қайнаб чиқаётган булоқ қошида тўхтади. Булоқ лабидаги намхуш чимзорга мук тушиб, қўлини сувга ботирди. Муздек сув бармоқларини шиша билан кесиб кетгандек бўлди. Ҳовучига сув тўлдириб қониб-қониб ичди-да, қаддини ростлади. Теракларнинг заъфарон қуббаси оша баланд тепаликда қаққайган кўҳна болохонанинг дарчаси кўзга ташланарди.

Саттор бир хўрсиниб, мисдек қизиб бораётган юзини

булоқ сувига чайди, теракзор четидаги четан девордан энгил сакраб, болохона томон йўл олди.

Бу кўхна болохонада унинг навқирон дамлари, илк изтироблари ва қувончлари кечган. Саргайган вассажуфтлар, ўймакор тоқчалар унинг бедор тушларига гувоҳ.

У ёшлигидан ҳайҳотдек чорбоғ этагидаги шу болохонани ўзига макон қилиб белгилаган — дарсхонаси ҳам, кейинчалик ётоқхонаси ҳам шу қадимий кулба бўлган эди.

Саттор кўк дарвозадан ичкари киргач, рўпарадаги кўкракдор иморат томон бир-икки қадам турди, тўхтаб, орқасига қайтди. Ёғоч зинапояни гижирлатиб болохонага чиқди. Ер билан битта қилиб пиёз тўкиб қўйилган пастак хонада бир зум каловланиб тургач, портфелини тоқчага суяб, дарча олдига борди. Унинг бўёғи ўчиб, тавақалари қийшайиб ётарди. Кўнгли бир хил бўлиб, сўл тавақасини очди.

Яқин-яқиндагина у кечқурунлари шу дарчадан пастга — теракзор ортидаги булоқ бошига термилиб, сувга келиб-кетаётганларни томоша қилиб ўтирарди.

Оқшомлари булоқ атрофи айниқса гавжум бўлиб кетарди. Эшагига бидон ортган қора-қура болалар, сув баҳона юрагининг чигалини ёзишга чиққан келинчаклар, қўлидаги чойгумини қумлаб ишқалаганча соатлаб гап сотадиган эзма хотинлар, сой ёқалаб ётқизилган омонат тошлардан сакраб-сакраб, шўх кулги билан турнадек тизилиб келгувчи қизлар...

Аммо кўхна болохона дарчасидан тикилиб ўтираркан, уни ола-қуроқ бу намоён асло қизиқтирмас, у булоқ оша сойнинг нариги бетига, йўқ, ундан ҳам узоқдаги олис тепаликларга тунд ва бепарво боқаётгандек кўринар эди. Лекин сиртдан қарагандагина шундай кўринарди. Аслида эса, Саттор ўзига ҳар оқшом чексиз бахт ва чексиз азоб ато этадиган лаҳзаларни зориқиб кутарди.

Ниҳоят, кун ботиб, булоқ бўйи кимсасиз бўлиб қоларди. Қора-қура болалар бақириб-чақирганча эшакларини ҳайдаб жўнар, юрагининг чигалини ёзиб олган келинчаклар апил-тапил уй-уйларига гизиллашиб, тор кўчалар қаърига сингиб кетишар эди.

Ана шунда булоқ бўйига бир қиз келарди...

У ҳам бошқа қизлар сингари, қўлида иккита челақ, сой ёқалаб ётқизилган омонат тошлардан сакраб-ҳаққалаб, оҳиста юриб келар эди.

Аммо болохона дарчасидан интизор термилиб ўтирадиган Сатторга у гўё оёғи ерга тегиб-тегмай учиб келаётгандек кўринар эди.

Қиз, ниҳоят, учиб-қўниб, булоқ лабига етиб келарди.

Саттор, бори-борлиғи шодликка тўлиб, қизнинг хатти-ҳаракатларига сеҳрлангандек, жойида девонавор ўтириб қоларди. Назарида, ғира-шира қоронғилик чўккан кўҳна болохона кўз илгамас аллақандай ёғду билан ёришиб кетгандек туюлар эди.

Теракзор ҳам, кунда ўн марталаб кўрадигани жимжит булоқ бўйи ҳам энди қайгадир чекиниб, нигоҳи қаршисида сирли ва поёнсиз, нотаниш ва кўнгилга яқин бир манзара намён бўлар эди. Бу манзилдаги ҳамма-ҳамма нарса — тиниқ, муздек сув шарқираб ётган сой қиргоқларни йўсин қоплаган чағир тошлар ҳам, туяга ўхшаш кулранг харсангу теракзор ўртасидаги кафтдек чимзор яланглик ҳам, булоқ кўзига ўйчан тикилган қиз ҳам бирдан юракни эитиктирар даражада азиз ва қадрдон бўлиб қоларди.

Сатторнинг вужуд-вужудига лаззатли титроқ тараларди. Шундай лаҳзаларда у ўзини бениҳоя мард ва шиқоатли ҳис этар, бирор кимса шу тобда жонини сўраса, беришга тайёр эди.

Сал ўтмай, теракзор ичидан жиринглаган товуш эшитилар ва шихоллар орасидан велосипед етаклаган бир йигит чиқиб келар эди.

Қиз ялт этиб қайрилиб қарарди.

Болохона дарчасидан ҳушсиз термилиб ўтирган Саттор қизнинг кўзлари шодумон чақнаб кетганини, чеҳрасида бахтиёр табассум пайдо бўлганини сезар ва буни сезгани он жисми жаҳонига ўт тушиб, беихтиёр ўрнидан турар эди.

Кейин... ночор, аянчли титроқ огушида аламзада кўзларини пастга тикарди.

Йигит кулимсираб қизга яқинлашарди. Қиз жойидан қўзғалиб, уқпардек тўзғиган сочларини, зангор дуррачасини тузатар, бошини хиёл қийшайтирганча унга жилмайиб боқар эди. Йигит булоқ четига ётиб, қониб-қониб симирар, сўнг велосипедига сўянган кўйи қизга шималарнидир гашира бошлар эди.

Уларнинг гап-сўзлари болохонага эшитилмас, лекин қиз аҳён-аҳён хандон ташлаб кулганда, янгроқ кулгиси оқшом суқунатини титратиб юборар эди.

Улар қоронғилик қўйнида ягона кўзи — танҳо дарчаси билан хўмрайиб турган кўҳна болохонани ҳам, шу болохонада ярадор арслондек тўлганиб, унсиз инграётган Сатторни ҳам пайқамас эдилар. Сезган тақдирларида ҳам унга парво қилмоқликлари маҳол эди — ўз тақдири, ўз бахти, ўз қувончидан шу қадар маст эди улар.

Вақт алла-палладан ошганда қиз челақларини олиб, сой ёқалаб ётқизилган омонат тошлардан яна оҳиста-оҳиста юриб йўлга тушар, йигит велосипедини етаклаганча сув кечиб унинг ортидан эргашар эди.

Саттор ана шундагина ўзига келарди. Алам, қаҳр ва хўрликдан бўғилган бўғзи куйиб, кўксидан аччиқ-аччиқ хўрсиниқ тошиб чиқа бошларди. Энди буткул олам кўзига ана шу бефайз болохонадек зимистон кўринар, топталган гурури фарёд кўтариб, қалбини қора қайғуга тўлдирад эди.

Қизнинг бахтиёр кулгилари, юлдуздек чақнаган кўзлари, безабон тошларга, жонсиз теракларга, туссиз майсаларга, ҳиссиз сувга мунаввар ҳаёт бағишлайдиган, боягина азиз ва қадрдон бўлиб туюлган жонбаста нафаси бошқа бировники эканини, ҳеч қачон ўзига на сиёб этмаслигини идрок этаркан, вужудига чирмашган ўт баттар аланга оларди.

Деярли ҳар оқшом шу ҳол такрорланар, деярли ҳар оқшом Саттор дарчадан ҳасрат ва алам билан пастга — Изтироб майдонига термилар, сўнг тонггача бедор тўлганиб токи санар, лекин бирор нарсани ўзгартиришга қодир эмас эди.

Ўша кезларда ўзи ўзига дунёдаги энг бахтиқаро кимса бўлиб туюларди. Ваҳоланки, у пайтлар умрининг энг бахтиёр, энг масъуд дамлари экан — юрагида дунёга, одамларга меҳр, қаҳр яшаган дамлар... Кўксиди чалажон умид типирчилаган ўша оқшомларда у беихтиёр бахтиёр бўлган экан.

Ана шу қувонч ва изтироблардан, кўнглида ана шу қувонч ва изтиробларни уйғотувчи ардоқли манзаралардан у бирийўла жудо бўлди. Энди эса туғилган қишлоғига, интизор ота-онасининг бағрига юрак ҳовучлаб, ўғридек келиб, ўғридек кетишга маҳкум! Ҳолбуки...

Зинапоя гичирлади — у чўчиб ўғирилди, шоша-пиша эшик олдида борди: опаси қўлида тоғорача, зинадан ҳарсиллаб чиқиб келарди.

— Вой, Саттор?! — дея она жойида қотиб қолди. — Қачон келдинг, болам? Вой, нега бу ерда турибсан?

— Ассалому алайкум, ойи...

— Ваалайкум... Вой, қачон келдинг? Тузукмисан? Раиғ-рўйнинг бир ҳолат... Нима бўлди, типчиликми?

— Ҳеч нарса, ойи, — деди Саттор ва портфелини олиб, опаси томон юраркан, димоғи ачишганини сизди. — Тинчлик.

Тушдан кейин Ҳусния бир коса шўрва олиб чиқди.
— Олинг, Адаш бува, совимасин. Боя Адҳамингизни чиқарган эдим, эшигингиз қулф экан.

— Ҳа, бир айланиб... Бекор овора бўпсан-да. Ҳозир чой ичувдим. — «Етимларнинг ризқини қийиб...»

Ҳусния — зийрак хотин, унинг дилидан кечган гални дарров пайқади.

— Вой, Адаш бува, овораси борми! Унақа демапг, хафа бўламан-а! Сизни деб атай қозон қайнатармидим, мартабаси бир коса сув-да!

— Хўп, хўп... Э! — Адаш Карвон хижолатомуз бош чайқаб, хонтахта устидаги дастурхонни очди. — Қани, ол ўзинг ҳам.

— Сиз бемалол... Мен болалар билан ичдим. Едириб, кийдириб, то мактабга жўнатгунимча нақ эсарақ бўп кетаёздим-а! — Ҳусния айвон бурчидаги газ плитаси олдига бориб, кўк чойгумга сув сола бошлади. — Адаш бува, шулар ҳам одам бўлармикан? Ҳеч эс деган парса йўг-а!

— Э! Ҳали шунақанги қиличдай йигит бўлсинки, ўзинг ҳам ҳайрон қолгин. Бола-да ҳозир, ўйин боласининг нима-сидан ўпка қилсан?

— Эй, ким билади дейсиз... Ишқилиб, айтгашигиз келсин, умидим шулардан энди. Зора бир кун менинг ҳам кўкрагимга шамол тегса...

— Юк кўтарган юзага чиқади, ҳадемай кўрмагандек бўлиб кетасан. — Адаш Карвон патсочиққа қўл чўзди, сўнг тараддуланиб сўради: — Бу, Нурматдан ҳеч дарак борми?

Ҳуспия бошини сарақ-сарақ қилди:

— Ўша ўйинчи хотиннинг орқасидан бадар кетгани...

— Ў, баттол! Бу донадек болаларни қандоқ кўзи қийди экан-а! — Адаш Карвон илкис қўзғалиб қўйди. — Ахир, бир кун бунинг савол-жавоби бор-ку, нима дер экан ўшанда?! Ҳаҳ, хомқайиш, етимнинг ҳақи етти дарёни қурилади-я!

Аёлнинг чағир кўзларида алам чақнади:

— Балодек одам, билмайман, нима касофат босиб... «Мошина оламан», деганида, юрагим ёрилиб ўлган эканманми, онамдан ёдгор қолган тилла зирагу билагузукларимниям қўшқўллаб тутқазибман. Бу кишим кейин мошинали бойвачча бўлиб, отарчиларни тўйма-тўй олиб санғийдиган бўлдилар. Мана, оқибати: бир этак чурвақанинг ўртасида чапак чалиб ўтирибман. Э, асли пешомам тошда чақиладиган экан, Адаш бува! — У бўғзига тиқилган йиғини ютиб, жим қолди.

— Болаларига пул-мул юбориб турадими?— деди Адаш Карвон анчадан сўнг, ниҳоясиздек туулган сукутни бузиб.

— Бе! Юбориб ҳам кўрсин-чи! Ўша манжалақи думбасини қилпиллатиб топган пулдаи юборади-да, юборганда! Ундан кўра, бола-чақам билан очимдан қирилиб кетарман! Илоё ўша ҳаром-ҳаришлари исқотларига буюрсин!

Чол мум тишлаган каби сўзсиз-садосиз қолди.

«Э фалак! Норасо ишларинг бунча кўн!»

У ҳозир ҳар қандай таскин-тасалли ҳам, ҳар қандай эзгу тилак ҳам бу аёлнинг юрагида ёнган аламни боса олмаслигини яхши билса-да, бари бир, уни инсофу тавфиққа, сабр-бардошга чақиритишдан бўлак чора тополмади:

— Майли, кўн куяверма, кўргилик. Куйганингдаям нима фойда? Ишқилиб, толсингга энди шу ўғил-қизларинг омон бўлсин, шуларнинг инсофини сўрагин!

Хусния косани оларкан, билинар-билинимас бош ирғади:

— Бошқа нимаям қилардим? Илоё менинг уйимни бузганлар ўзи бузилиб ўлсин!

Адаш Карвон деворга суянди, оғир тин олди.

Хусния хўрсиниб эшикка қараб юрди, остонага етганда нимадир эсига тушиб, тўхтади:

— Нонингизнинг суви қочибди, хамир қориб қўйганман, тагини кўчадан нон олдириб юрманг.

— Эй, кўй, нон етади!— Адаш Карвон негадир шоша-пиша ўрнидан кўзгалди.— Нон кўн, бола-чақанга ёпиб едиравер!

— Вой, иссиқ нон-а, Адаш бува! Йўқ, бозорга чиқиб юрманг, хўнми? Бугун-ку энди қўлим тегмас, эртага эрталабдан кир бошлаймай. Қирларингизни йигиб қўйсангиз, кечқурун Адхамни, бирортаси олиб чиқар.

— Оббо!— Адаш Карвон нима деяриши билмай қолди.— Энди.. тоза сениям..

— Вой, йўқ, Адаш бува, ҳеч у ёгини ўйламай! Раҳматли Ойини холамга ваъда берганман-а!

— Ваъда? Қанақа ваъда?

— Раҳматли холам, ўлимларидан икки ойча олдин, шу ерда чой ичиб ўтирганимизда гапдан гап чиқиб, бирдан васият қилиб қолдилар. «Вапдалик, иссиқ жон, билиб бўлмайди, мабодо мен бир парса бўп кетсам, Адаш бувангизнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турасиз-да», десалар денг! Аввалига қизиқчиликка олиб кулдим: «Қўйсангиз-чи, Ойини хола», дедим. Йўқ, азда-базда мендан ваъда олсалар бўладими? Боёқини холам фариштадек аёл эдилар, ўшанда кўнгилларига солган экан-да. Икки ойдан

кейин ўзлари мунақа бўлиб ўтирибдилар-а, ё тавба!..
Вой, майли, Адаш бува, хампирим ҳам уй билан битта
бўлиб кетгандир...

Эшик оҳиста ёшилди. Адаш Карвон ҳанг-манг бўлиб
ўтириб қолди.

Кампир раҳматли ундан бўлак одамларга ҳам васият
қилган экан!

Демак, с е з г а н экан-да?

Ў з и аён бўлади, б е л г и бериб келади, дейдилар.
Ким билсин...

Боёқиш кампир! Сўнгги дамда ҳам упинг — умр бўйи
ўзига тирик товон бўлган Адаш Карвоннинг туганмас
ташвишини тортган экан-да...

Чолнинг юрагида похуш санчик турди.

Ҳар бир комил инсон, то тирик экан, бола-чақалари,
хеш-ақраболарини тўплаб, бу ёруғ оламда қилган ишлари,
дунёга нима олиб келиб, нима олиб кетаётгани, ҳаёти
давомида содир этган гуноҳу савоблари, бўйнидаги қарз-
қаволлари ҳақида сарҳисоб бериб, виждони неки буюрса,
васият қилмоғи фарз, дейдилар.

Ўзгаларга бу гапни қайта-қайта такрорлагувчи Адаш
Карвон, ўзи ҳануз бунга журъат этолмайди! Йўқ, гап
ёлғиз журъатда ҳам эмас...

Кампирга, ҳар қалай, осон бўлган эди: йигирма етти
йилдан буён азобига ҳам, қувончига ҳам тенг шерик
бўлиб келган умр йўлдоши мангу айрилик чоғи ёнида
эди, васиятининг ҳар бир сўзини вужуди қулоққа айланиб
тинглаган эди...

Адаш Карвон эса... Б у н и н г қачон, қандай содир
бўлиши ёлғиз ўзига аён, лекин негадир миясига ўрнашиб
олган ва ҳаргиз ҳаёлини тарк этмайдиган бир манзарани
кўз олдига келтираркан, танглайигача муз қотади, томир-
ларида суст оқаётган ўлимтик қон бирдан тўхтаб қолган-
дек туюлади: у кечаси жон беради. Туйқусдан. Огриқсиз.
Шиква-шикоютсиз. На розн-ризалик, на васият... Кун
пешиндан оққанда Ҳусния киради. Эшикни очиб, додлаб
юборади, қўлидаги косани остонага ташлаганча орқасига
қочиб чиқади — мурдани, оёқ-қўллари акашак, жағи тар-
рақдай очилиб ётган мурдани кўриб...

Адаш Карвон энди эртаю кеч ўзига кампирининг
ўлимидек осойишта, беозор ўлим тилайди: «Э қодир эгам,
жамолинга термилтириб қўйима, елдек келгичу селдек
олгин...»

Ва шунда фавқулудда рўй берган, ўзига пихоясиз
зарба бўлиб тушган кампирининг ўлимидан ажиб бир

маъно топади, армон, таассуфлар ўрнини алланечук шукроналик ҳисси эгаллайди. Зеро, дунёдан кетмоқ дунёга келмоқдек муқаррар экан, ажал гаргараларисиз, қийноқ ва азобларсиз, бедаво касалликсиз, оқма маразларсиз, гўё бир пиёла сув ичгандек сокин ва осойишта кечган ўлимни, то сўнгги дамгача бурро тилдан, тиниқ ақлдан жудо этмаган ўлимни дунёнинг сўнгги улуг неъматидемай бўладими?..

«Неъматингдан бенаиб этма!» — деб илтижо қилади у кун-узун кун.

У ш а к у н и Адаш Карвон шаҳарга икки тоғора чиллаки олиб кетган эди. Олой бозорида савдо суст бўлди, қишлоққа кечқурун қош қорайгандагина қайтиб келди. Кун бўйи қўш хайдагандек ҳориб-чарчаб, боққа аранг чиқиб борди.

Қари марвак тут остидаги супа бўм-бўш. Лойтом боғ уйнинг шапалоқдек дарчасида ҳам милт этган чироқ кўринмайди. Жимжит. Япроқлар шитирлайди, холос.

У алмисоқдан қолган ўймакор эшикни қия очиб ичкари кирди. Шундоқ бурчакда, тахмоннинг ёнгинасида кўрпатўшак қилиб ётган кампирини ғира-шира кўрдию азбаройи шошганидан каловланиб бошини кесакига уриб олди: «Милтиқининг ўқидек юрган парса...»

— Э, ҳой?— деди у овоз бериб.— Нима бўлди?

— Келдингизми?— Кампир машаққат билан эшик томонга ўғирилди.— Намунча хаялладингиз? Бозор ўлгур касод эканми?

— Эй, сўрама! Еру кўкни узум босиб кетибди. Ҳа?

— Қайдам... Биқиним сапчипти, шамоллабманми, бир бало...

— Оббо!— Адаш Карвон чироқни ёқди, чопонини ечиб қозикқа илди.— Чой-пой ичдингми?

Кампир бош ирғади.

— Қачоп? Кеча эрталабми?

У ташқарига чиқди. Супа устиши, ўчоқбошини қалин гард-тўзон қоплаган. Қизгиш-яшил барглар дарчадан тўкилиб турган хира ёғдуда чирк босган каби қорайиб кўринадди.

Адаш Карвон қўлига супурги олиб, уй эшигини ёпган эди, кампир ётган жойида зорланди:

— Ёпманг, гўрдан баттар... Ўламанми димиқиб?

— Супурсам, тупроқ бўласан-да?

— Тупроқ бўлсам, унда нари. Охир бир кун шу тупроққа бориб ётаман-да, бари бир. Супурманг, бемахалда...

Чол суна лабидаги ярим челак сувни атрофга шакароб қилиб сенди, тупроғи ўйнаб ётган кафтдек саҳнини нари- бери чалиб чиқди. Сўнг тоқрўда майдалаб, кичкина рух самоварга соларкан, сойининг нариги бетига синчиклаб тикилди: «Рўзимат ҳам қишлоққа тушиб кетибди-ёв, чироғи кўринмайди».

Елкасига шолрўмола ташлаган кампир ишқиллаб таш- қари чиқиб келди.

— Йўл бўлсин? — деди Адаш Карвон бароқ қошларини чимириб.

— Бир нима пиширай. Иссиқсиз қоласизми...

— Ёт, ёт-э, эси паст! — Чолнинг расмана жаҳли чиқ- ди. — Ўзи, ўларга қўли тегмаётибди-ю, тагин... Рангингни қара! Бир қошиқ оби ёвгонни амалларман. Босилдими биқининг?

Кампир бўшашиб суна лабига чўкаркан, бош иргади.

— Чулчутдан баттар ўжарсан, — деди Адаш Карвон. — «Ҳой, кўргондан жилмайлик, узум пиша бир ган бўлар», десам, кўнмадинг. Қақшайвериб қайтага миямини айлан- тирвординг. Мана энди, ҳузурини тортиб ётибсан!

Ойниса, кўзлари жавдираб тутга қаради:

— Ҳаммадан кейин қолиб... Чугурчиққа ем қилмоқ- чимидингиз узумни? Уч-тўрт боғ янтоқ ўриб қўяй, ҳарна, девдим-да...

— Ҳа, хўн, лекин биров сенга шунча янтоқни кўтар- гин, дептими? Сал сабр қилсанг келаман-ку, бозорда қишлармидим?

— Ким билади, дейсиз... Янтоқни пуштадан олиб чиқиб қўйсам, қуриб турар, деб... Унга эмас, ўзи шамоллаб юрувдим.

Ойниса уйга кириб кетди. Чол ўчоқбошида ивирсиб, ўт ёқди.

Атроф гира-шира. Кўм-кўк боғлар, олинда хўмрайган тоғлар жимикит. Сойдаги қурбақаларининг ҳам негадир уни ўчган, кунни кеча баҳайбат ёнгоқ тепасида чарх уриб юрган қушлар бугун не сабабдандир чугурламайди, нафис япроқлар шукуҳ билан шовилламайди. Фақат қайда- дир ёзининг ёлғиз ёдгори — чигирткалар безовта чирқирай- ди...

У икки коса мастава кўтариб ичкари кирганида кампир кўрпани бошига тортиб ётарди.

— Тур, аччиққина мастава қилдим, бир-икки қошиқ ичгин.

Ойниса кўзини очиб, қақроқ лабларини ялади:

— Бирпас ётатурай. Терлаб сув бўп кетпман.

— Э, қайноқ-қайноқ хўпла, мадор бўлади.

Қампир почор бош кўтариб, овқатдан номига тотинган бўлди.

— Ҳа? Иримига экан-да?

— Кўнглим беҳузур. Бирнас ётай.

Мастава косаларда қолди. Чол, хаёли алагда, нима киларини билмай, дастурхон четини қайириб ёнбошлади.

Вақт шомдан оғди. Бир пайт кампир қаттиқ-қаттиқ ихрай бошлади. Ихраш илқиллашга айланди. Адаш Қарвон ўнинчи чироқнинг пилигини кўтариб, унинг тепасига келди.

— Ҳа, Ойинс?

Қампир оғир ютинди, бўғриққан юзлари ирпираб:

— Мен бўлмай кетяпман,— деди.

— Эй, қўй! Нега? Дўхтир чақирайми, Ойинс, дўхтир? — Адаш Қарвон эшикни қия очди, намхуш елвизак ёширилиб, девордаги чироқ шуъласи заиф лишиллади. — Қампир! Мен дўхтиргга кетдим. Йўлдан Исоқнинг хотинини айтиб юбораман, ўтириб туради.

— Йўқ, борманг,— деди кампир. Товуши фавқулудда тетик эди. — Дўхтирлик ишим йўқ мени. Шошманг... Анави чойми? Уҳ! Ўтиринг...

Адаш Қарвон саросима ичра гапгиб, туйқусдан сергак тортган хотинининг бош томонига чўкди. Қампирнинг бир куйда алланечук қорайиб кетган юз-кўзига мунтазир қаради.

— Ўзингга шукр... Уф! — Ойинса ўнг ёнбошига ағдарилди, кафтини ёстиққа босиб, яғринини кўтарди-да: — Мени Насиббекнинг ёнига қўйинг,— деди.

Чолининг вужуди зириллаб бўшашди.

— Қўй, кампир, ёмон ният қилма,— дея олди, холос.

— Тузалиб кетсам, кулиб-кулиб эслаб юрармиз, тузалмасам, эс-хушим ўзимдалигида айтиб қолай: ўлимлигим бекаму кўст. Ўрта уйдаги сандиқда. — Қампир қийналиб, секин, аммо дона-дона гапирар эди. — Хуснияга айтсангиз, ўзи ажратиб олади. Сизникиниям бут қилиб қўйганман, ўша сандиқда. Бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Кейин...

Адаш Қарвон шошиб:

— Гапир, гапир! — деди.

— Анув... Раҳмонбердининг ўгли, Сатор... Узоқ йили бозорбошидаги гапдан кейин уйига келмайдиган бўп кетган экан. Келолмас экан. Шуни... Раҳмонбердига айтинг, мен кечдим, майли... Мендан ҳам жоҳиллик ўтди. Ҳоижаргаям айтинг, кечди, денг. Шўрликнинг боласи дарбадар

юрмасин. Сиз ҳам, кўпглингизда нима кудурат бўлса, кечақолинг.

У бош иргадн:

— Мен кечганман... аллақачон.

— Майли. Кечмагаанда... Насиббегим тирилиб келармиди?

Кампир толиқди, бошини ёстиққа ташлади. Нурсизланиб бораётган кўзлари шифтга қадалди.

Адаш Карвон ҳадик аралаш тин олди. Ўрнидан секин кўзгалиб, беморнинг кўрпасини тузатмоқчи эди, кампир бирдан ўгирилиб қаради-да:

— Розн бўлинг...— деди.— Кўп яхши-ёмон гапирган бўлсам...— Энди унинг товушида бояги осойишталикдан асар ҳам йўқ, безовта титрар эди.

Чол талваса билан атрофга аланглади.

«Э раббано!»

— Мингдап-минг розиман, сен ҳам рози бўлгин...— деди у ва погоҳ оёқ-қўли живирлашиб кетганини сезди.

Кампир кўзларини юмиб, жим қолди.

Адаш Карвонни ваҳм енгди — жонҳолатда сапчиб турди.

— Кампир! Мен битта-яримтани айтиб келай!.. Дўхтирга обораёйми? Ё кўргонга олкетайми, а?

— ...

У апил-тапил ташқари чиқди, сарпойчан оёгига калишини илди, суна бурчига етганида ортидан заиф инграш эшитилди. Шошиб изига қайтди.

— Ха, Ойшис?

— Кетманг,— дея шивирлади кампир.— Кетманг...

Адаш Карвон Ойшиснинг бош томонига тиз чўқди. Гўё фақат шу сўзлар хотинини ўлимдан асраб қоладигандек, тириклик тарк эта бошлаган бемажол вужудига қайтадан ҳаёт бағишлайдигандек, кўзларини чала юмганча сўнгги илинж билан пичирлай бошлади. Ва шунинг баробарида яратганни умрида илк бор ич-ичидан потантиликда, номардликда айблади. Айблади-ю, ўзининг шаккок шижоатидан ўзи кўрқиб кетди.

«Ўлиб қолса-я?! Ростдан ўлиб қолса-я? Илоё, ўлмасин! Ўлмасин, илоё!»

Кампир ҳушдан айрилгандек қимир этмай ётарди.

Туйқусдан Адаш Карвон юрагида кампирига айтадиган, айтишни шарт бўлган жуда кўп гаплари борлигини пайқади. Уларни айтмаса, то гўрга киргунича алам-армонда ўртанишини сезиб, беихтиёр Ойшиса томон талпинди, муздек манглайига кафтини қўйди. Юрагида қайнаб-тош-

ган дардлар, туйғулар, айтиши шарт бўлган гаплар орасидан тилига келгани шу бўлди:

— Мен сенга кўн жавр қилдим, кампир...

— ...

Шундай дедию дафъатан галати бир воқеа эсига тушди. Ҳозиргидек ёдида: ўғли олтинчида ўқирди, бир куни тўсатдан: «Ота, биз боймизми?» — деб сўради. «Йўқ», — деди у. «Нега бой эмасмиз?» Адаш Карвон нима деярига ҳайрон: «Билмасам», деди. Насиббек унга таажжуб билан қаради.

Кечқурун у супада эгарнинг жазлигини тикиб ўтирарди. Ойниса тандирга нон ёпаётган эди. Насиббек онасининг олдига бориб нимадир деди. Ойниса кулимсираб: «Сен бой бўлмай ким бой бўлсин! Бошингда отанг бор, онанг бор, бойлигинг шу-да», деди. «Сизлар-чи?» «Биз ҳам боймиз — сендек ўғлимиз бор».

Насиббек бир бурда нон ушатиб пари кетди. Адаш Карвон шунда хотинига ҳайроналик билан узоқ боққан, шу оддий нарсадан кашф этилган ҳақиқатни бутун борлиги билан англаб, қаттиқ таъсирланган эди.

Мана энди, Адаш Карвон мислсиз, аммо омонат бойликларини навбатма-навбат эгасига тонширмоқда!

...Шу алпозда яна қанча ўтирди — билмайди. Тилида, дилида ягона бир сўз: «Тезроқ тонг ота қолса эди!»

Назариди, тонг отса, кампири ўлмай қоладигандек... Кўнглида милтиллаган шу умиддан юрагига мадор югурди.

Бир пайт кампир бемажол ингради. Адаш Карвон ўрнидан санчиб кўзгалди:

— Ҳа, Ойнис?

— Сув... сув беринг... — Кампир кўзларини очмай шивирлади.

— Сув... мана, ҳозир. — У чойнакдан пиёлага чой қуйиб, Ойнисанинг лабига тутди. — Мана, ич, чой...

Кампир машаққат билан бош чайқади:

— Йўқ, сув...

— Ҳозир, ҳозир! — Адаш Карвон чойши сениб ташлаб, ташқарига югурди, сува лабидаги челака пиёлани ботириб, изига қайтди, кампирнинг бошини тиззасига олиб, пиёлани оғзига тутди: — Ойнис, мана сув...

Шу лаҳза кампирнинг кўзлари ярқ очилди, бироқ сув ўтмади — лабининг икки четидан силқиб, чолнинг тиззасига тўкилди.

— Ойнис! — деб ичирлади Адаш Карвон қалтираб. — Ойнис!..

Кейин... кампирнинг боши шилқ этиб тушди.

Хуснианинг васият ҳақидаги гапи Адаш Карвоннинг дилига гулгула солди.

Ўлим маслаҳатлашиб келмайди!

Асли, унинг нима ташвиши ҳам бор? Хум-хум мол-дунёсию мерос талашиб қолаётган бола-чақаси бўлса эканки... Шу қутичадек ҳовли, шу арзимас дов-даскак. Борар макони эса тайин, аллақачонлар мўлжаллаб қўйган: хилхонанинг кунчиқар томони, ўғли билан кампирининг шундоқ ёнгинаси.

Ҳовли-жой... Ота уругидан бир ўғай жияни бор, қўшни қишлоқда. Лекин номига жияи, холос: «Қорада кўрсам — қорним тўқ», дейдиган қариндош. Ойда-йилда бир — тўй-маърақада кўришишади. Ўзига тўқ, бадавлат. Кейинги пайтда негадир серқатнов, сермулозамат бўлиб қолди. Адаш Карвон бу мулозаматлар замиридаги илинжни дарров пайқайди. Бироқ ҳовли-жойнинг эгаси аниқ.

Адаш Карвон буни ҳали бирор кимсага айтгани йўқ, лекин қарори қатъий. Кўзи тириклигида битта-яримтага билдириб қўйса бўларди.

Чол ўрнидан қўзғалди. Турди олакўз уйидамикан?

Остонага етганда ниятидан қайтди. Ким билсин, балки бу ниятини ошкор этса, мишпатдек туюлар... Одамзоднинг кўнгли ҳам тубсиз уммондек гап, яхшиси...

У бир варақ қоғоз олиб, дераза олдига чордана қурди. Учи тўмтоқ қаламни йўниб, кўпдан ўйлаб юрган азму қарорини шошилмай қоғозга туширди-да, тўрт буклаб, тоқчадан кўк чорсига ўралган китобни олди, васиятномани ичига солиб, ўрнидан турди.

Турди олакўз уйида экан. Адаш Карвон уни чақириб чиқиб, тўрдаги хонага бошлади.

Турди олакўз Адаш Карвондан беш-ўн ёш кичик. Унинг ўн битта ўғли бор, бутун умр шуларни уйлан-тириш, уй-жойли қилиш ташвиши билан овора. Ўғилларини ёнига олиб ёз бўйи деҳқончилик қилади, кузда уйига машина-машина қовун-тарвуз, картошка, сабзи-пиёз келиб тушади. Турди олакўз уч ой қиш, сарғиш мўйлови ялтираб, савлат тўкиб чойхонада ўтиради. Кўклам йилт этиши билан албатта ё дабдабали тўй қилади, ё бирор ўғлига атаб уй солади. Кейин яна шишийдам бўлиб, этагини қоқади-да, ўн бир паҳлавонни ёнига олиб деҳқончиликка жўнайди.

— Қани, тўрга!— деди Адаш Карвон.

— Э, тўри борми!— Турди олакўз пойгакка тиз чўкиб, унга синчков тикилди.— Ҳа, Адаш ака, тинчликми?

— Турдибой, сиз менга ука қатори одамсиз,— деди

Адаш Карвои.— Мана, йиғирма олти йил қўшиқчилик қилиб, шукр, «сиз» оғзимиз «сен»га бормади, тўғрими?

Бундай кутилмаган «даромад» дап ажаблаиған Турди олакўз:

— Ҳаққаст рост,— деб тасдиқлади.

— Балли! Энди, «Қиёмат кун — қўшиқдан», деган гап бор. Ўзингиздан қолар гап йўқ, бадаллик, мана, биз ҳам қариб қолдик. Ёш олдин ўладими, қарими, билиб бўлмайдими, лекин, ҳар ҳолда, сизга бир нарсани қулоққовди қилиб қўяй, деган эдим.

Турди олакўз энди негадир таажжубланмади.

— Хўш?

— Турдибой, мана бунда...— Адаш Карвои токчага қўл чўзиб, кўк чорсига ўралган китобни олди.— Ичнда икки оғиз васиятим бор. Мабодо қазом етган кун сиз шу атрофда бўлсангиз, жамоатга айтсангизки, раҳматлининг васиятномаси бор эди... Хўш, энди бунда ҳовли-жой, шу қақир-қуқур дегандек... Кейин... Ўлимликка атаган уч-тўрт таиғам бор, худо хоҳласа, йилимгача етади. Яратган ағам пешонамга чироқчи битмаган экан, нима қилай? Турдибой, шун сизга бериб қўйсам, савоб бўлади, нийсамбилло оби матъракамга яратсангиз.

Турди олакўз қўшиқсининг сўзлари чин эканини, унинг ўлимини астойдил бўйинга олиб қўйганини пайқаб, хийла вақт жим қолди, сўнг эътирозга оғиз чоғлади:

— Э, Адаш ака, қўйинг бу гапни, ҳали...

— Йўқ, Турдибой, мен қўйганим билан ажал қўярмиди?— дея бош чайқади Адаш Карвои.— Паймона тўлгандан кейин... Нима дейсиз шу гапга? Малол келмайдиган бўлса, албатта. Агар бирор узрингиз бўлса, яна ўзингиз биласиз.

— Узрим-ку йўғ-а,— деди Турди олакўз чайналиб,— лекин...

— Ҳм, Турдибой?

— Лекин, ўзингиз биласиз, мен бир қорапда одам, юришим доим дала-дашт, борим бор, йўгим бор...

— Э, Турдибой, қизиқмисиз, мен ҳам насиб этса деяпман-ку!

— Хўп, қани эштайлик.— Турди олакўз кафтини ўнг тиззасига босиб, салмоқ билан томоқ қирди.

— Хўш, эшитсангиз... Шукр, ҳеч кимдан «оласи-берадим» йўқ, ўлимлигим ҳам ўзимга етади, кўчадан кафанлик қидириб юрмайсизлар. Қаерга қўйишни Алимат гўрков ўзи билади, хилхонамиздан жой кўрсатганман. Бир-иккита

қўй-пўйлар бор, унғача сотилиб кетар. Тагин... Қолган гапнинг ҳаммаси шу ерда, — дея Адаш Карвон васият-номага ишора қилди.

Турди олакўз, қозоғга кўз югуртириб, елка учирди:

— Ия! Ўзимизнинг ёзувда ёзмабсиз, бунга тиши ўтадиган одам тоңилармикан?

Адаш Карвон бир зум сукут қилиб, кўзини деразага тикди:

— Топилмаса... ўзини тургизга қоларсиз.

— Вах-ха-ха! — Турди олакўз пегадир қотиб-қотиб кулди. — Ҳа, бу... уй-жойнинг ёздингизми, боя индаганингиз йўқ?

— Ҳа, ҳаммаси бор.

— Ҳойнаҳой, анави жиннингизга қолса керак, Сўқоқ-даги? Салоҳинди оти?

Адаш Карвон бош чайқади:

— Салоҳиннинг уй-жойи етти пуштига етади.

— Э! Кимга қолади бўлмаса?

— Ушанда биласиз, — деди Адаш Карвон.

— Йўқ, айтнинг, ахир? Бирор мўжалингиз бордир?

— Мўликал... Мўликал ҳам йўқ ҳисоб.

Турди олакўз бир қад ростлаб, яна жойинга чўкди:

— Бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми?

— Э, нега, айтнинг!

— Мен дангал гапни яхши кўраман, Адаш ака: мўл-жалингиз йўқ бўлса, ҳовлини бизга бера қолнинг. Абдурахимнингизга бошпана қилиб берай. Хоҳланг, парх бичиб нақд пулини олиниг, хоҳланг, бошқа бирор йўлини айтнинг.

Адаш Карвон нима деяриши билмай қолди.

— Абдурахимнингизнинг хотини сал ҳунармандроқ чиқди. Тўқимини сибошига олиб бизни жуда ўйнатяпти. Энди шу, юздан парда кўтарилмасдан бўлак қилиб тинчитсам, девдим.

Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди!

— Турдибой, ҳовлини сотсам, албатта сизга сотаман. Назаримда, сизга бир ҳовли сувдек зарурга ўхшайди.

— Зарурки, парёғи йўқ.

— Мабодо, ҳовлини сизга сотиб қўйсам, кейин дарров бўшатиб беришим керак-да, тўғрими?

— Э, дарров шарт эмас, кейинроқ бўлсаям...

— «Кейинроғ» ингиз қачон?

Турди олакўз: «Ўлгашингиздан кейин», деёлмай:

— Ҳа, ишқилиб, бир кун-да, — деди.

— Йўқ, қўшни, бунақа билан бўлмайди, — деди Адаш Карвон, бироқ унинг шубҳали тикилиб турганини кўриб,

ростига кўчишга мажбур бўлди: — Сиздан бекитадиган сирим йўқ, Турдибой. Ўзингиз мендан ҳам яхши биласиз, мана шу Хусния бир шўрпешона хотин. Бечора, бир этак чурвақанинг ичида умриши хазон қилиб ўтирибди. Эри ҳам номард бола экан, биттасининг орқасидан илиқиб кетиб қолибди. Кеча йиглаб чиқибди: ўтирган уйи Нурматининг тоғасишики экан, келиб, ҳозир бўшатиб берасанлар, деб тўполон қилти! Бу шўрлик қаёққа борсин, деги!

— Э! Қийин бўпти!

— «Қийин», деб секин айтасизми! Кеча етимларини кўриб жуда кўнглим бузилиб кетди. Шуларни ўйлаб...

— Ўзи бўшашган хотин экан, — деб унинг сўзини бўлди Турди олакўз. — Арз қилиб бормайдими, ҳозир хотин кишининг доди қиличдан ҳам ўткир, ахир, зақун бор, бошқа...

— Зақун ҳам... Ишқилиб, шу ҳовли-жой энди Хусниянинг болаларига қолса, девдим, Турдибой.

— А? — Турди олакўз Адаш Карвонга аграйиб қаради. Лекин ҳаялламай ҳушини йиғиб олди. — Ҳа, яхши-да, ака, савоб. Савоб яхши. — У бир зум кўзлариши қисиб ўйлагач, кўшиб кўйди: — Хусниянинг ўзиям тузук хотин, оёқ-қўлликкина.

— Э, барака топсин, кампир раҳматли бўлгандан бери бутун иссиқ-совугимдан шу хабар олиб турибди, туғишгандан афзал.

— Ана! Ҳа, уям савобталаб-да, ака. — Турди олакўз тўсатдан овозини пасайтириб шивирлади: — Бу, шунақа экан, энди Хуснияни хасмингизга олиб қўяқолсангиз, қандоқ бўларкин?

Адаш Карвон шундагина унинг товушидаги масхаромуз товлатишни пайқаб қолди.

— Қўйинг-э, Турдибой! — деди ранги ўчиб. — Коски бўлмаг!

— Коскингиз нимаси? Эрақ одам, ётин-туришингиз бор, ҳам етимларига бош-қош бўласиз, — деди Турди олакўз шоша-пиша овозига жиддий оҳанг беринга тиришиб. — Кейин ҳовлини қолдирсангиз қолдираверасиз-да.

Адаш Карвон унга кўз узмай тикилди. Турди олакўз саргини мўйловини чимдиб, илжайди:

— Ўзиям ҳали сўлқилдоққина нарса, жонингиз кириб...

Адаш Карвоннинг ичида нимадир титраб кетди: «Ҳали дардимни келиб-келиб...»

— Бемаза гапни айтмаг! Мен сизни шунга чақирувдимми?! — деди базўр.

— Ҳазиллашдим, Адаш ака! Оббо! Жаҳлингиз ёмон-а!
— Ҳазилнинг ҳам уйи куйси!
— Хўп, хўп, тавба қилдик, уэр, тақсир, — деди Турди олакўз. — Майли, ака, ихтиёр ўзингизда. Насиб қилса, ахир, биз ҳам қўлимиздан келган хизматни аямаймиз.

— Майли, Турдибой, қўяверинг.

— Нега ундоқ дейсиз? Бу қоғозингизни бирор одам ўқиб берса, шунга қараб иш тутаверамиз-да. Юртчилик, биронта одам чиқар... Э, ана, Гиёсхон бувам борлар-ку, ўзлари ўқиб берадилар-да.

Адаш Карвон шимадир демоқчи эди, Турди олакўз гап бермади:

— Айтгандек, Адаш ака, кеча Гиёсхон бувам шундоқ тиловат қилдилар, денг, нафасларидан ўргилай, бир уй одам роса сел бўлди-да. Жуда қироатлари зўр-да.

— Қаерда?

— Э, анави Бўрсилиқда маърака бўлди. Хўв илгари Фатҳиддинов деган одам бўларди-ку, районда ишлаган, ўшанинг шаҳарда уч-тўртта азамат ўғиллари бор экан, шулар келиб қўй сўйиб, отасига маърака қилди. Шунга борувдик. Жуда-а бойвачча болалар экан, тоза тўкиб ташлабди.

— Гиёсхон ҳам... бормиди? — деб сўради Адаш Карвон ҳанг-манг бўлиб.

— Ис, бўлмаса-чи! Роса тиловат қилдилар, деяман-ку.

Адаш Карвон биров кулоқ-чаққасига кулочкашлаб туширгандек гап-сўзлари қолди.

Гиёсхон Фатҳиддиновнинг уйига борибди! Арвоҳига хатм бағишлабди! Енирай! Одамларга нима бўлган ўзи?!

Бирдан ҳафсаласи совиди. Ўлим ҳам, васият ҳам, Турди олакўзнинг гап-сўзлари ҳам, ўзининг қайғу-ғуссалари ҳам аллақандай бачкана кўриниб кетди.

Турди олакўзни руҳсизгина кузатиб, остонадан қайтаркан, ўйлади: «Гиёсхонни биламан, деб юрардим. Билмас эканман. Имонсиз, имонсиз!»

Ортидан Турди олакўзнинг овози келди:

— Айтгандек, Адаш ака, сал бўлмаса эсимдан чиқибди... — у ўгирилиб қаради: Турди олакўз эшикни қия очиб турарди. — Кейинги бозор уйда ҳашар, чиқинг, тош терамиз. Майдоннинг ярмига Абдурахимингизга иморат солиб бермасам... Лоп этиб эсимга тушиб қолди, келиннингизга: «Адаш бувангни айтмабман-ку», деб қайтиб чиқдим.

— Ҳашар? Хўп, хўп.

— Ўғил-қизнинг савдоси — елкага тегар новдаси, дегандек, бизники шу ташвиш-да.

— Ҳа, ишқилиб, тўйларга буюрсин.

— Айтганингиз келсин! Хўп, бизга рухсат! — Турди олакўз эшикка қараб юрди. — Чиқинг-а, Адаш ака! Сиз билан бизда қолиб кетармиди, насиб бўлса, ҳашарларингизда ўзимиз қамишдан бел боғлаймиз-да!

— Хўп, хўп.

Турди олакўз кетди. Адаш Карвон эшикни ёпиб изига қайтаркан, кўксига ногоҳ оғриқ туйди.

«Ҳашарларингиз, дейди-я! — У зинапояга беҳол ўтириб қолди. — Ҳашар қилиб... қайси ўғил-қизимга иморат солиб бераман?! Энди менга фақат битта уй лозим, унга на ҳашару на мардикор керак — вақт-соати етган кунни ўзи битади».

Адаш Карвон аввал Турди олакўздан, сўнг ўздан ранжиди: «Бандасига ўн саккизгача эс-хуш берса — берди, бермаса — тамом, кейин қаро ерга киргунича ҳам фаҳм-фаросат битмайди. Бас, шунин билганингдан кейин...» Лекин шу ондаёқ бу тасаллининг ёлғон эканига ўзи ҳам иқрор бўлиб, хўрсинди.

У қайтиб уйга кирди. Хонтахта устида, сахтиён муқовали китоб саҳифалари орасидан васиятноманинг бир чети чиқиб турарди. Бир зум ўйлашиб тургач, қоғозни олиб майда-майда қилиб йиртди.

Хиёдан сўнг дайди шамол Адаш Карвоннинг сўнгги тилаклари битилган қоғоз парчаларини ҳовли юзидан пилдиратиб ўйнай бошлади.

...в а с и я т и м , в а с и я т и м ! . . к и м х а м
э ш и т г а й ? ! ¹

Уйга кириб, бир пиёла чой ичгач, Саттор шима қиларини билмай қолди.

— Айвонга жой қилиб қўйдим, чиқиб бирпас чўзилгин, — деди онаси тандирга ўт қалаётиб. — Мен нонимни ёпиб олай.

Пешайвонда ёибошлаган кўйин ёзги тароватини йўқотган улкан боққа, ишком пояларига тикилиб ётди. Зальфарон ранглар алаңгаси кўзини оғритди. Ётавериб, сиқилиб кетди. Кўчага чиқишини ўйлади — юраги безиллади.

Ниҳоят, шу бугун ҳеч ботмайдигандек туюлган қуёш ҳам ботди. Отаси даладан, синглиси Қундуз мактабдан қайтиб, оила худди бир пайтлардагидек дастурхон атрофида тўрт кўз тугал бўлди.

Дастурхон ёзилди. Онаси ёнган бўрсилдоқ нон, отаси узиб чиққан поввотранг кўзаки, синглиси қоқиб келган

¹ Мақсуд Шайхзода сатри.

жнйда, ёнгоқ... Баъзан тушларига ҳам кириб соғинтириб-энтиктирган, кун ўтган сайин армонга айланиб бораётган азиз неъматлар!

— Самоварни олиб келақол, Қундуз, бир доғ қилиб ичайлик,— деди онаси тоқчадаги қутидан яна нимадир оларкан.

Зум ўтмай болалиқдан таниш, қадрдон ўша самовар — оилашнинг тенг ҳуқуқли бир аъзосига айланган, дастурхон теграсида ҳамиша ўз ўрнига эга кўҳна мис самовар пойгакда вишиллай бошлади.

— «Индийски» чойдан дамла, кеча Ҳасандан опкелганман! — деди отаси.

Демак, Ҳасан чойхоначи ҳинд чойини ҳалиям беки-тиқча сотар экан-да.

Чойхўрлик бошланди. Гўё ҳеч нарса ўзгармагандек, ҳамма-ҳаммаси аввалгидек: гўё орада а н а в и и ш бўлиб ўтмаган, гўё у тугилган уйидан узоқда, гадойтопмас аллақайларда адашиб-улоқиб юришга маҳкум эмас, гўё... Барчаси — эришмай бир самовар чой ичишлар ҳам, дастурхон тепасидаги гап-сўзлар ҳам ўша илгаригидек содда, юракни орзиқтирар даражада гаштли, бегам-бехавотир...

— Нишонбойнинг хотини келиб кетди. Эртага даладаги тана-тўллиларни тарқатар экан, келиб новвосини олиб кетсин, деб тайинлаб юборибди,— дейди онаси.

— Ўзим ҳам эртага бир хабар олмоқчи эдим. Далада ҳам ўт қолмагандир, совуқда бари бир эт ташлайди,— дейди отаси. — Ким билади, этига эт қўшилдими ё бултургидек қуруқ шохи билан қайтармикан?

— Бало урдими, Нишонбой инсофли одам-ку,— дейди онаси. — Бу, новвосин олиб келиб бўрдоқи қиласизми ё?..

— Қайдам, эти тузук бўлса... — дейди отаси чаккасини қашиб.

— Қўлбола эди жонивор, ювошгина,— дейди онаси. — Боқиб, семиртирсак, ахир...

У сўзини ямлаб, ўглига қараб қўяди. Нима демоқчи экани аён: боқиб семиртирсак, гўшт деб чошиб юрмай, тўйга сўярдик, ҳамма йиғинга балогардон бўларди.

Саттор зимдан разм солиб, онасининг салқинган юзларида чинакам шодумонлик излариши кўрди. Вужуди бўшашиб, кўзларини юмди. Бейхтиёр шипшийдан ётоқхонасини, ҳамиша стол устида ётгувчи консерва очадиган ўтмас пичоқни эслади.

Бошини эгиб, ота-онасининг гапларини жимгина тингларкан, дафъатап кўнгли ёруғ бир шукуҳга тўлди.

...Очиқ-сочиқ дастурхонинг бўлса; дастурхонда бир бурда поининг бўлса; кўзингга нур, қалбингга шуур берган ота-онанг барҳаёт бўлса; улар билан суҳбат қурсанг — тирикчилик, рўзгор ҳақида, ўзингни узар бағрида сезсанг — ҳамиша, ҳар вақт; меҳр ошкор айласанг — ўзингни унутсанг, юрагингда қолмаса на қайғу, на ҳасрат...

Шунинг ўзи бахт эмасми, эй бахт нэлаб дарбадар кезган кимса?!

Шунинг ўзи саодат эмасми, эй саодат истаган инсон?!

— ...Ўртоғингнинг тўйига бормаيسانми? Эрталаб айтиб кетувди, — деди бир найт онаси.

— Қайси ўртоғим?

— Раҳим-чи, Наим бувангнинг ўгли?

— Ҳа-а, — деб қўяқолди у.

— Саруполари бирам ярашибди! Ўзиям кўхликкина йнгит бўлибди. Бормаيسانми?

— Чарчадим, ойи, — деди у ҳорғин.

Онаси сишиққина кулди:

— Бунақада сеннинг тўйингга ким келади, болам? Юрту элга аралашмасанг...

Бу гапни у «эшитмади».

Ош ейилиб, чой ҳам ичиб бўлинди. Қундуз дастурхонини йигиштириб, ошхонага чиқиб кетди.

Отаси духоба болишни биқинига тортиб ёнбошлади. Онаси увушиб қолган чан оёғини уқалай бошлади.

Маъноли бир жимлик чўкди.

Саттор яна ўша гап очиладиган фурсат етганини сездди. Зада юраги зиркиради.

Кампир эрига қараб-қараб қўяверди, лекин хонтахта бурчагига тикилган чолдан садо чиқавермагач, зардаси қайнаб, асабий томоқ қирди.

— Энди нима қиламиз, ўғлим? — Онаси алоҳал чидаёлмай, унга юзланиб, зўраки босиқлик билан сўради.

Саттор, онасининг сохта вазминлигидан ибрат олиб иложи борича бепарво оҳангда:

— Нимами нима қиламиз? — деди.

— Нимами бўларди, ахир... — Онасининг юз-кўзларига аламли бир ифода ёйилди. — Ахир, сен тенгидан ҳеч ким қолмади. Юраверасанми энди шунақа қилиб?

У онасининг — фикру зикри бола-чақа, уй-рўзгор ташвишида ўтмаслашган, ҳусну малоҳати тирикчи

ликнинг адоқсиз ғам-койишларида сўниб битган мушфиқ ва беқадр аёлнинг аянчли юзига юраги бетлаб қараёлмади, безовта кўзларини шифтга, ундан деразага олиб қочди.

— На фарзанд бўлиб сендан, на ота бўлиб отангдан бир садо чиқмаса! Юрт-элнинг ичида бош кўтаролмай қолдим-ку, ахир, тўртта одамга қўшилсанг, сўрагани сўраган...

«Юрту эл! Падарига лаънат!»

— Нахот уканг тенгилар уйланса-ю... Ахир, жуда қийнавординг-ку бизниям, болам.— Кампир азбаройи қуйинганидан чолга қараб ўқрайди.— Ҳой, отамисиз, пимасиз, сесканмайсиз-а мундоқ!

— Нима, ёш болами ўзи?— Чол ягринини ёстиқдан узиб, кафтиши хонтахта қиррасига тиради.— Вақт-соати битмагандирки...

— Вақт-соати ҳам ўлсин! Ҳамма касал сизда! Болани бола эмас, бало қилган сиз! Аввало кўргилигу, лекин бошдан қаттиқ турганингизда шу фалокатлар бўлмасмиди...— Кампир, чолнинг огзи асабий қийшайиб, аччиқ бир жавобга хозирланганини сезиб, ўглига зугум қилди:— Нега ишдамайсан, гапир!

— Нима дей?— деди у базўр ютиниб.

— Айт мундоқ ахир кўнглингдагини, одамни хит қилавермай!

У кўрпача жиягига тикилди.

«Кўнглингдаги... кўнглимдаги... Эҳ!»

— ..ана, кўча тўла қиз. Аммангдаям бор, Рисқибу кимдан кам, ойдай, ота-онаси жон-жон деб беради. Уни бўлмайди, десаи, ана, Анзиратнинг кичкинаси, ўзинг билган Маърифат...

Сатторнинг боши яна ҳам пастроқ эгилди.

— Нега дамнинг чиқмайди?

— Ойи...— У бошини илкис кўтарди.— Ойи, айтганман-ку, ахир, биласиз-ку, бўлмайди.

— Ҳа? Нега бўлмайди? Ким бўлади бўлмаса?

— ...

— Сенинг кўнглингдагини мен лойдап ясаб, офтобда қуритаманми энди? Нима қил, дейсан, ахир?! Ўзинг топ, деса, топмайсан, на топганга қўнасан?.. Э, қандоқ ғурбатга қолдим-а! Бир ишонганинг Зуннун чўтирнинг қизи бўлса, уям мана бунақа бўлиб...

Саттор титраб кетди.

«Ишонганинг... Ишонганим...»

— Шу ер юткур мегажинни деб...

— Ойи! — У онасига хўмрайиб қаради. — Қаргаманг бировнинг боласини!

— Ху, надарига лаянат ўша бировнинг боласини! Қаргайман-да, нега қаргамас эканман?! Иккита қарчигайдай йигитни жувоимарг қилади-ю, қаргамайманми?! Биламан, сенинг ақлу хушнинг ҳаллим ўшанда! Ҳали оламан, деб ҳам куйдирмасанг эди!

«Кошки эди тегса! — дея хаёлан шивирлади Саттор. — Кошки эди!»

— Олсам олавераман-да, — деди у азбаройи ночорликдан, гапни ҳазилга буриб.

Аmmo онаси бирдан тутақиб кетди:

— Ҳой бола, сенда ор-номус деган нарса борми ўзи?! Қиз олмаган нарса, иккита итваччаси билан жувои оласанми?!

— Бўлди, ўз ҳолимга кўйинг. Уйланмайман, билдингизми?! — деб қичқирди Саттор бўйиш томирлари бўртиб ва дик этиб ўридан турди. — Керак эмас, керак эмас, бўлдим!

Эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетаркан, елкаси оша онасининг гам тўла нигоҳини пайқади.

Қаёққа боради?!

Оёқлари жавоб тонди: болохонага.

Онаси ҳозир отаси билан уч-тўрт оғиз аччиқ-тизиқ айтишиб олади, сўнг ошхонага чиқиб, шишиб-кўпчиб йиғлайди, ўзига ўлим тилайди, ниҳоят, йиғидан гин бўғилган товуш билан Қундузни чақириб, буюради: «Секин бориб қара-чи, шма қилаётибди». Қундуз сасиз юриб болохона айвончасига чиқади, секин ичкарига мўралаб, оҳиста изига қайтади: «Чироқ ёқилди, каравотда ётибдилар». «Китоб-шитоб ўқияптими?» «Йўқ, шифтга қараб ётибдилар».

Саттор, кўнгли вайрон бўлиб, шифтга қараб ётарди.

Отам деб, онам деб, ўлкаси тўлиб, озиб-ёзиб бир келганида доим аҳвол шу!

Онаси билиб-билмай, унинг кўнглида ниҳон изтиробга энг тўғри ва аниқ ном тонган эди: «ишонганинг...»

Ҳақиқатан ҳам, Гулнор унинг и ш о н г а н и эди.

Саттор дуиёда шу қизни ҳаммадан, ҳамма нарсадан ортиқ яхши кўришига, уни деб жон фидо қила олишига ишонар эди.

Чиндан ҳам, кунларнинг бирида, машъум бир соатда Саттор уни деб жон фидо қилди. Лекин... бировнинг жонини!

Ҳаммаси тасодифан — унинг инон-ихтиёридан ташқари, унинг истак-хоҳишига қарши, қош билан қовоқ ўртасидаги муқаррар фалокатдек, тўсатдан содир бўлди.

Кейин, орадан йиллар ўтиб фалсафа китобида ногоҳ бир жумлага дуч келди, ларзага тушиб, ваҳима билан пичирлади: ҳар қандай тасодиф замирида зарурият бор.

Ота-онаси, хайрихоҳ-ҳамдардлар тўқиган нажотбахш гапни қайта-қайта эшитавериб, қулоқлари ўрганиб қолган эди: «Фалокат-да, фалокатга даво йўқ: шайтон йўлдан оздирган-да, бўлмаса, наҳотки...»

Наҳотки, ўша воқеа зарурият бўлган бўлса?!

Наҳот, у Насиббекни зарурият юзасидан...

Ахир, уни ёмон кўрарди! Оҳ, қандай ёмон кўрарди уни! «Агар шу бўлмаганда...» дея алам билан ўйларкан, баъзан ҳузурланиб кетарди.

Ўша жума куни эрталабдан бир бало урган эди. Ҳадеб унинг олдига боргиси, юзма-юз ўтириб, «ора очди» қилгиси келаверган эди.

Лекин бу зарурият эмас эди!

Агар зарурият бўлганида, кўча-кўйдами, гузардами юз бериши муқаррар бу учрашувдан қочиб, ўзини мажбурлаб этигини кийган, белига нақита нон тугиб, ҳовриши босиш — аламзада хаёллардан чалғиш учун боғига жўнаб кетган бўлармиди?

Ҳаммаси тасодиф эди. Машъум бир тасодиф. Тасодиф эдики, боғлари колхознинг боғига ёндош эди. Тасодиф эдики, бир пайт ўтоқдан бошини кўтариб, эшакка миниб жўнаётган Адаш Қарвоғини, отасини кузатиб кулимсираб турган Насиббекни кўриб қолди.

Йўқ, фалсафа китоби алдайди! Тасодиф бу! Бундай заруриятга у қодир эмас!

Шайтон йўлдан оздирди, холос.

Гўё аллақим қўл-оёғидан куч билан тортиб, колхоз боғи томон судраётгандек бўлаверди, дилни васваса чулғади...

Гулнор! Гулнор! Ҳаммаси сени деб, Гулнор!

* * *

Кечқурун Наим мелнесаникига келин тушди.

Сой бўйидан сурнайнинг ингичка нотаси эшитила бошлади.

Адаш Карвон, бир кўнгли раҳматли Наимнинг хоти-раси, бирров тўйхонага кириб чиқмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин фикридан қайтди.

Кампирининг вафотига уч ойдан ошди, у ҳали бирор тўй-маъракага боргани йўқ. Эл-юрт андишаси ўз йўлига — юрагига енгмайди.

Карнай-сурнайнинг титратма садоси чолнинг кекса, мискин дилида тағин оғриқ кўзгатди.

«Агар Насиббек ўлмаганда...»

Чол дам-бадам ана шуздай поёни йўқ хаёлларга гарқ бўлар, рўё уммонининг бешафқат тўлқинлари унинг беҳол жисминини қиргоқдан қиргоққа улоқтирар эди.

У ҳануз ўйлаб ўйинга етолмас, ўглининг ўлими тақдирнинг машъум хатоси каби туюлиб, вужуди ўрташиб кетар эди.

Ўша мудҳиш кундан буён етти йил ўтди. Етти йил ичида кўп қорлар ёғди. Етти йил ичида кўп излар босилди. Юрагидаги аламга ҳам аста-секин кўшиқди, аста-секин тақдирга тап берди. Аммо ўша машъум жумада гумроҳ босгани учун ўзини гўрга киргунича қаргаб ўтади.

Чунки...

Чунки, гумроҳ босмаса, ўша куни умрида бормаган Баландмачитга намозга отланармиди? Гумроҳ босмаса, колхоз боғидаги қоровулхонага — қамиш чайлага ўглини атай чақиртириб, милтиқни ўз қўли билан тутқазармиди? Гумроҳ босмаса, боққа ёв кириб кетаётгани йўқ эди, милтиқни бекитиб кетса бўлмасмиди? Гумроҳ босмаса, эшакка мишаётганида этак томондан салом бериб келган бадбахт Сатторни чайлага йўлатармиди?

Чол ўришдан туриб, ух тортди. Энди буларни эслашдан не мурод? Бари бир, бирон нарса ўзгармайди-ку? Бу даъво-далилларнинг барчаси бир оғиз сўз — «тақдир азал» деган ягона калом қаршисинда ҳеч эмасми?!

Шу шафқатсиз эътироф кўкенга ханжар каби санчилганда ёстиги тошга, емиши оғуға айланади.

Саттор... Ух, баттол Саттор!

Бу помини эсласа, унинг қалбида чидаб бўлмас алам ва қаҳр пайдо бўлади; баъзан имконсиз изтиробда тўлганиб, не алпозда тонг оттиради, унутмоқ, тақдирга тап бермоқдан ўзга чораси йўқлигини қайта-қайта идрок этса-ди, унутолмайди, тақдирга тап беролмайди...

Ўша куши жума намозига бормаса нима бўлар эди-я!

Ҳеч нима бўлмас эди. Намоз-шўздан аввал, кун ёниб ётганига қарамай, салобат сақлашга тиришиб янги мовут чакмон кийган, оппоқ бармоқларида йирик кўзли узук

ярқираган Гиёсхон минбарга чиқиб, одатдагидек, масрур ва ўктам оҳангда, Адаш Карвонга беш бармогидек аён охираат ишларидан, шариат-тариқат йўлларида амри маъруф айлаб ваъз айтган, сўнг ташқарида мунтазир кутиб турган савобталаб дўкондор болалардан бирининг бошини кўкка стказиб машинасига ўтиргач, юмшоқ ўриндикқа ястаниб маъракага жўнаган бўлур эди.

Адаш Карвон борса-бормаса, шу тартиб-қоида оғишмай амалга оширилар эди. Афсус, минг афсуски, ўша куни у Балаидмачитга борди!

Бормаса нима бўлар эди-я!

Кўн парса бўлар эди: ўгли чайлага келмас эди, келса ҳам, милтиқ миҳда тураверарди, милтиқ миҳдан олинганда ҳам, шумқадам Саттор боққа йўлаёлмасди, йўлаганда ҳам Насиббекнинг азиз жонига қасд қилган ёвуз ажал доғда қолаверарди...

Во дариг, энди буларнинг барчаси нуч, хомхаёл-ку — гумроҳ босган Адаш Карвон ўша куни Балаидмачитга, жума намозига бориб бўлган!

...Афсуски, сўйлай десам, тилим йўқ. Қани эди, менда ҳам забон бўлсаю ичимдаги бор гапни тўкиб солсам!.. Чунки бу дунёда кўрган-кечирганларимни ичимга ютавери-риб, ич-ташимни қурумунанг босиб кетди. Нима қилай, мениям жоним темирдан эмас — жисмим темир, холос.

Мен оддий бир милтиқман. Очиги, ҳозир бундай деб даъво қилгани уяламаи — жуда шалагим чиқиб кетган. Ёшлиқ чоғларимда — ҳали ҳамма мурватларим бут, вужудимдан мой томган пайтларда мен ҳам бинойиндек милтиқ эдим, қуролхонада алоҳида ўриним бор эди, ўзимга ўхшаган навкирон аскар доим парвона бўларди, кундузлари бир зум елкасидан қўймас, оқшомлари танамга қўнган гард-губорни мойли латтага артиб, ярқиратиб тозалар эди. У мени чўнтагида олиб юрадиган қизининг суратидек яхши кўрарди, менинг ҳам ундан сира айрилгим келмасди. Лекин бизни айирдилар: тўсатдан эгам кўринмай қолди...

Қуролхонада узоқ зерикиб ётдим. Кейин мени бошқа аскар кўтариб юра бошлади. У калласи катта, уйқучи одам эди, далага чиққанимизда кўпинча панароқ жойни топиб, мени бошининг тагига қўярди-да, хуррак отишга тушарди.

Ундан кейин ҳам қанчадан-қанча одамнинг елкасида юрмадим, эҳ-хэ! Яна печа марталаб сувга тушиб оқмадим, қор бўронларига, гармселу довулларга учрамадим, дейсиз! Қанчадан-қанча ёғоч нишонларни куннаякуи қилдим, қарга ҳам, қуён ҳам, каклигу тулки ҳам, ҳатто бир гал

тўнғиз ҳам отдим — лекин сира одам ўлдирганим йўқ.

Охири, индамас бир чолнинг қўлига тушдим. Упинг мен билан иши йўқ ҳисоб, доим девордаги миҳда осиглиқ турардим. Фақат, ёз пайглари эгам чапг-чулгимни тозалаб, ўзи билан қамиш чайласига олиб кетарди. Аҳён-аҳён сочма ўқ солиб, гумбурлатиб отиб қўярди. Ўқ товуши янграши билан улкан бог этагидан дув этиб чуғурчук галаси осмонга кўтариларди. Шунда индамас эгам: «Ҳаҳ, бошингни егурлар!» дея аччиқлашиб, яна устма-уст ўқ узарди. Менинг хизматим унга жуда кам асқотарди: боғни шовқин-сурону тартирақ билан қўрир эди. Уч ойми-тўрт ой чайлада турганимдан кейин эгам мени яна доимий жойимга элтиб қўярди.

Эгамдан кўра ушинг ўғли менга кўпроқ ёқарди. Чунки у илк марта мени елкасига таққан ўша навқирон аскарга жудаям ўхшарди. У ҳам ўша аскардек ёш, чиройли, ҳавасманд эди, унинг ҳам кўкрак чўнтагида бир сурат бўларди — кўшинча кўз узолмай узоқ-узоқ термилиб ўтирарди... У гоҳо мени зах босган омборхонадан ёруг оламга олиб чиқиб, қунт билан ялтиратиб тозалар, сўлоғи ўйнаб кетган мурватларимни бураб маҳкамлар эди. Қайини тасмам узилиб, не вақтгача чўлтоқ сунурғига ўхшаб юрганымда ян-янги чармдан тасма қилиб берган ҳам шу — индамас эгамнинг ўғли эди. У мен билан худди одам билан гаплашгандек гаплашарди. Тўсатдан кулимсираб кириб келардида, мени миҳдан оларкан: «Хўш, милтиқбой, қалайсан, зерикиб кетгандирсан-а? Қани, юр бўлмаса, айланиб келайлик», дерди. Бир марта у мени овга ҳам олиб чиққан эди.

Қишнинг куни, қаттиқ соғуқ эди. Ғира-шира тонг қоронгисида тоққа жўнадик. Йўл бўйи у мени елкасидан қўймай ҳуштак чалиб борди. Лекин куни билан уриниб, лоақал биронта каклик отолмади. Какликлар шариллаганча нақ оёғининг тагидан қорини тўзгитиб учганда, у беҳос чўчиб тушар, сўнг шоша-пиша қўндогимни кифтига тирар — бари бир тегизолмас эди.

Яна ғира-шира қоронгида орқага қайтдик. Уйга яқин қолганда у негадир бошқа томонга бурилди, бандимдан маҳкам ушлаганча индамай кетаверди, сой бўйидаги булоқ бошига бориб тўхтади. Туяттош устига чиқиб, мени елкасидан олди, чўнқайиб ўтирганча сувга тикилди.

Анча вақт ўтди. Бир маҳал ўридан турди, мени апил-тапил тош устига қўйиб, уч-тўрт қадам олға юрди. «Сувга тушиб кетсам-а!» деб шундай кўрқдим!.. Бахтимга, у дарров қайтиб келақолди. Енида ўша — кўкрак

чўнтагида олиб юрадиган суратдаги қизнинг ўзи кулиб турарди.

— Тоза совқотдинғизми, Насиббек ака? Бугун роса қор ёққанига, балки келмассиз, деб ўйловдим,— деди қиз.

— Тош ёгса ҳам келардим,— деди эгамнинг ўғли.

— Терлаб-пишиб кетибсиз, типчиликми?— деб сўради қиз.

— Овга борган эдим,— деди эгамнинг ўғли менга ишора қилиб.

Қиз мени шундагина кўрди, бандимдан ушлаб қўлига олди. Унинг кафтлари пахтадек юмшоқ эди, шу пайтгача мен сира бунақанги беозор қўл кафтини туймаган эдим.

— Ростданми?— деди қиз кўндогимни силаб.— Милтиқ ўзингизникими?

— Милтиқбой билан эскитдан ошпамиз,— деди эгамнинг ўғли.— Бугун какликларни роса қийратдик-да.

— Вой...— деди қиз кўзларини катта очиб.— Уволига қолибсиз-ку! Бекор қилибсиз, гуноҳ орттириб...

— Э, шунча гуноҳнинг устига яна озгина кўшилса нима бўпти!— деди эгамнинг ўғли кулимсираб.

— Ха-а, ҳали шунақа гуноҳи кўи одаммибсиз?

— Бўлмасам-чи! Мана, бировни қизининг бош-кўзини айлантриб турибман-ку, бу гуноҳ эмасми?

Қиз сочларига қўнган қор учқунларини кафти билан охиёста сидираркан:

— Бекор айтибсиз!— деб кулди.— Бировни қизининг бош-кўзини сиз эмас, бошқа одам айлантирмоқчи.

Бу гапни эшитиб, эгамнинг ўғли бирдан қовоғини солди.

— Ким экан у?

— Э!— деди қиз қўл силтаб.— Шунчаки айтдим-қўйдим-да. Қани каклигингиз?

— Мушук сб кетди,— деди эгамнинг ўғли ҳамон чимирлиб.— Ким эди у, деяпман?

— Ҳеч ким,— деди қиз шоша-пиша,— ҳеч ким эмас, ўзим, ҳазиллашдим...

— Лекин, ким бўлсаям, айтиб қўй: жим юрсин, нақ пешонасидан отиб ташлайман!— деди эгамнинг ўғли бандимдан маҳкам чангаллаб.

— Вой-бў, Насиббек ака!— деди қиз.— Мунча! Қаёқдан ҳам айтдим-а! Қўйинг, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дермиш...

— Омин дейдими, бошқами, лекин у қулогинг билан ҳам, бу қулогинг билан ҳам эшитиб ол: шартта отиб ташлайман, вассалом!— деди эгамнинг ўғли.

— Азза-базза тоққа чиқиб, битта каклик отолмабсизу ваҳимангизни қаранг!— деб жилмайди қиз.

...Ярим кечаси уйга қайтиб келдик. Эгамнинг ўгли мени қуруқ латта билан артиб тозалагач, яхшилаб мойлади-да, яна миҳга олиб қўйди.

Шу бўйи жойимда уч ой қимирламай турдим. Уч ойдан кейин эгам мени боққа олиб кетди. Тагин ҳар йилги аҳвол: ўша чайла, ўша узумзор, ўша чугурчуқ галаси...

Энди кун-уззукун чайладаги миҳда осиглиқ турар ва: «Қачон эгамнинг ўгли келиб мени қўлига оларкин?» деб кутар эдим.

Ниҳоят, бир куни чошгоҳ пайти у келди.

У келгач, эгам чўлоқ эшагини миниб қайгадир жўпади.

Эгамнинг ўгли мени қўлига олганда шундай қувондим, шундай қувондимки!.. «Хўш, милтиқбой, қалай, запп босиб ётибсанми?» — дея кулимсраганидан билдимки, у ҳам мени согинган.

Чиндан ҳам, миҳда туравериб бир ҳолат бўлиб қолган эдим. Эгамнинг ўгли аҳволимни кўриб бош чайқадди, чайланинг шифтини тимирскилаб, чарм халтачадаги сочмани олиб чиқди, икки-уч марта гумбурлатиб ўқ узди, дувиллаб осмонга чугурчуқ кўтарилди...

Эгамнинг ўгли сунада ёнбошлаганча бир бош чиллаки билан пош еб ўтирганида чайла олдида аллакимнинг қораси кўринди.

— Э, келинг, Саттор ака!— дея эгамнинг ўгли дарров ўрнидан турди.

Бўйи ўртадан тикроқ, қошлари туташ, хушранг юзли бир йигит илякайиб унга қўл чўзди.

— Ҳорма, Насиббек! Ҳа, бобойни қаёққа жўнатдинг?

— Балаидмачитга кетдилар, жума-ку бугун. Ҳеч бормасдилар, ҳайронман...

— Пост ўзимизда, дегин? Жуда гумбурлатаётган экансан...

— Ҳа. Қани, бу ёққа ўтинг.— Эгамнинг ўгли чойпақ тубидаги совуқ чойни пиёлага сирқитиб, меҳмонга узатди.— Ҳозир чой қўйвораман.

— Овора бўлма, тураман,— деди меҳмон ва негадир анча вақт эгамнинг ўлига бондан-оёқ тикилиб турди.

— Э, овораси борми! Бир ўзимга манави челақдай чой-гумни қайнатгани эришиб турувдим, келганингиз яхши бўлди.— Эгамнинг ўгли ўчоқ ёнидаги сони чиқиб ётган тешани олиб, тоқрўда майдалай бошлади.— Қаникулми, Саттор ака? Институтда ўқини зўр-а?

— Ёмонмас.— Меҳмон эгамнинг ўглига эмас, чайла ортидаги қари ёнгоқнинг осмонга туташган шохларига қараб жавоб берди.— Ўзинг нега ҳаракат қилмадинг? Мактабни тузук битирувдинг.

Эгамнинг ўгли ғарамдан бир қучоқ тоқрўда олиб кунда устига ташлади.

— Чол-кампирни кўзим қиймади.

— Э, бир тирикчилик қилиб туришарди-да, чакки бўпти.

— Отамни-ку амаллаб кўндирдим-а, лекин ойимни унатиб бўлмади,— деди эгамнинг ўгли энгашиб ўчоқдаги оловни жўнаштираркан.

— Нега? Тошкент қочиб кетган эмас-ку, ахир?— деди Саттор овози қуруқшаб.

— Энди... бизнинг чол-кампирни биласиз-ку. Кўзимизнинг олдида юрасан, вассалом, деб туриб олишди.

Саттор ўрнидан кўзгалиб, ўчоқ олдига борди, тиз чўкиб, қўлидаги сигаретасини ёндирди-да, Насиббекнинг ёнига чўнқайди, сўнг чирс-чирс ёнаётган оловдан кўз узмай, мудроқ элитган одамдек узоқ жимиб қолди, ниҳоят, чойгум вишиллаб қайнаб-тошганда, ўзинча хаёл сургандек:

— Бари бир сен бу ерда узоқ юролмайсан!— деди секин, аммо дона-дона қилиб.

Эгамнинг ўгли ялтироқ чойқоғоз билан чойгумнинг бандидан ушлаб ўчоқдан оларкан, унга бир қараб қўйди.

— Нега?

Сатторнинг шунча пайт олов тафтидан қизармаган юзи тўсатдан қизариб кетди, бир зумдан кейин эса, қизиллик тарқаб, ранги бўздек оқарди.

— Ахир, армия, армия-чи?— дея негадир қичқирди шошқалоқлаб.

— Армияга чақирса кетавераман-да.

— Ўқишга кирганинда эди, армияга олмасди. Энди битта йўли бор.— Саттор ўрнидан турди, супа лабига яқинлашиб, илинбигина ўтирди.— Дарров уйланасану бола-чақани кўпайтирасан. Иккита болали бўлсанг бас, армиядан озодсан,— деб илжайди у лаблари қийшайиб.

Эгамнинг ўгли чойнакдаги чойни қайтараркан, товушсиз кулди.

— Нега куласан?— деб сўради Саттор атрофга аланглаб.

— Ахир, мени октябрда армияга опкетади, сиз бўлса... Олинг, узум билан олинг.

Саттор мени четга суриб жойлашиброқ ўтирди. Унинг қўллари чўғдек иссиқ эди.

— Келин тайёр бўлса, уйланаверасан-да, ҳарбий озгина сабр қилиб турар,— деди у чой ҳўплаб.

Эгамнинг ўғли бепарво қўл силтади:

— Келин-ку тайёр, лекин нима кераги бор ҳалитдан тузлуқ тўрвани бўйинга илиб?

— Ким билади дейсан,— дея елка қисди Саттор.— Ҳозирги қизларга ишонч борми, келгунингча кутадимийўқми...

— Кутади! Кутмай ҳам кўрсин-чи!— деди эгамнинг ўғли ғурур билан.

— Қайдам. Ким экан ўзи у кутадиған, биз ҳам таниймизми?— деди Саттор ва эгамнинг ўғлига галати-галати қараб қўяверди.

Эгамнинг ўғли қизариб, кулимсиради.

— Танийсиз, уйи маҳаллангизда,— деди секингина.

— Ҳали маҳалланинг куёви билан улфатчилик қилиб ўтирган эканмиз-да?— Саттор огир қўзғалиб қўйди.— А, кимнинг қизи?

— Зуннун аканинг.

— Ҳм...— Саттор ёнбошига чўзилди, қўндоғимдан ушлаб мени болиш устига олиб қўйди. Қўллари негадир титрарди.— Яхши,— деди у бўғиқ товуш билан. Туриб-туриб, анчадан кейин:— Ҳм, яхши,— деб такрорлади яна.

— Ўзингиз қачон уйланасиз, Саттор ака?— деб сўради эгамнинг ўғли ҳам ёнбошлаб.

Саттор кўзларини юмган кўйи қисқагина жавоб қилди:

— Ўқиш битсин.

— Кенноймиз... шаҳарданми?

— Йўқ.

— Борми ўзи?

— Бор эди, энди йўқ.— Саттор яғринини кўтариб ўтирди, уҳ тортиб, чўзинчоқ иягини сийпади.— Ў, ҳаммаёқни чуғурчуқ босиб кетибди-ку, маҳалланинг куёви!

— Қани?— Эгамнинг ўғли супадан сакраб тушди.— Э, отинг, дарров бўлинг!

— Ўқи борми буни?

— Бор, бор, ана, халтада! Э, шошманг, ўзимга беринг!

Эгамнинг ўғли қўндоғимни кифтига тираб, устмас-уст ўқ узди. Иккинчи бор ўқ гумбурлаганда осмонга кўтарилган галадан бир чуғурчуқ боғ этагига тошдек шўнғиди.

— Э, тегди! Ростдан тегди!— Эгамнинг ўғли шошапиша мени Сатторга тутқазди.— Манг, ўқлаб туринг. Мен бориб опкелай, яна бир-иккита отсак, қозонкабоб қиламиз. Манг, ўқниям олинг.

У токзор ўртасидаги янтоқ қоплаб ётган йўлдан боғ адоғига қараб кетди.

Саттор ҳам шу заҳоти дик этиб ўрнидан турди, апил-тапил атрофга кўз югуртирди: ҳеч ким йўқ. У титроқ бармоқлари билан ўқдонимга ўқ жойлади, бир лаҳза қимир этмай турди, кейин шартта бандимдан ушлаб, қўндоғимши кифтига тиради ва... боғ ўртасидаги ёлғизоёқ йўлда ҳеч нарсадан беҳабар, хуштак чалиб кетаётган эгамнинг ўғлини мўлжалга олди! Аввал, у ҳазиллашаётган бўлса керак, деб ўйладим, аммо ўт сочиб ёнаётган кўзларини кўргач, нафаси кўксига тикилиб ҳансираётганини эшитгач, даҳшатга тушдим...

Лекин, не қилайки, мен жонсиз бир темирмап, кимнинг қўлида бўлсам, шунинг ҳукмига итоатдаман!

Вужудим титраб-қалтирай бошлади.

Қани энди, менда забон бўлса!

«Қоч, Насиббек, қоч! Эҳ, қочсанг-чи, ахир, қоч!..»

Эгамнинг ўғли оёқ учи билан ўт-ўланларни титиб, ҳамон хуштак чалганча кетиб борарди.

«Насиббек, қоч!..»

Аммо бандимдан маҳкам тутиб турган қўл чайир эди, қўндоғимга тиралган кифт бақувват эди, тепкимга қўйилган бармоқ кучли эди!

Ўқ гумбурлади!

Йоп-жаҳдим билан Сатторнинг кўксига тепдим — қўлимдан келгани шу бўлди, холос...

Эгамнинг ўғли бирдан қалқиб кетди, биқинини қўш-қўллаб чангаллаганча аста орқасига ўгирилди, ҳайрат, таажжуб қотиб қолган юзи оғриқдан аламли буришиб, базўр икки қадам ташладию унсизгина юзтубан қулади.

Саттор бандимдан ушлаган кўйи бир муддат ҳайкалга айланди. Сўнг мени улоқтириб юборди-да, орқа-ўнгига қарамай, ўзини токзор ичига урди. Мен қари ёнгоқ тағидаги тезак уюми ёнига тап этиб тушдим.

Токзор орасида қоқилиб-суришиб бораётган Саттор, оёғи чалишибми, зангга илашибми, тўсатдан мункиб кетди, шу заҳоти жонҳолатда сапчиб турди-да, юзлари шилинган, сочлари тўзгиган афтодаҳол вужудини пастак паҳса девор ортига олди.

Кечгача тезак уюми олдида ётдим. Кейин... нималар бўлганини сиз сўраманг!

...Энди мен бутунлай бошқа одамнинг қўлидаман. Эгам — магазин қоровули, бир оёғи йўқ. Узун қиш кечалари синиқ яшиқларни майдалаб гулхан ёқади, бозор қорову-

ли билан гурунглашиб чой хўпларкан, қувуримни косов қилиб ўт жўнаштириб ўтиради.

Ана шунда аъзойи баданим қурумга тўлиб...

Шундай кезларда ўша индамас эгамини, унинг ўглини — мени илк марта елкасига осган навқирон аскарга бениҳоя ўхшаб кетадиган ёш, ҳавасманд, жувонмарг Насиббекни соғинаман, соғинчимни кимгадир айтгим келади.

Афсуски, сўйлай десам, тилим йўқ!

* * *

Адаш Қарвон Баланدمачитдан чиқиб тўғри бозорга келди, эшагипи дарвоза олдидаги симёғочга боглаб, гўшт растасига қараб юрди.

У Назир қассобдан ранжиди: касофат, бергани бир кило гўшту ярмидан кўнига сўнғак билан без қўшибди. Имонсиз, моли мардумхўрлик қилганинг нимаси-ю, ҳар ҳайит мазорда хўкиз сўйиб ҳалим қилдирганинг нимаси! Бада-ни-ку алдарсан, лекин наҳот парвардигорнинг ҳам кўзига чўп соламак, деб ўйласанг!

«Кампир чучварага, деб тайинлаган эди, жаврайдиган бўлди-да», дея кўнглидан ўтказди чол, лекин қайтиб бориб қассоб билан бетма-бет бўлгани, унинг чақчайган, чағир кўзларига боқиб ҳақини талаб қилгани уялди. Гўштни белбоққа тугиб, эски ошнаси — уста Шоназарнинг дўконига бош суқди, ўтган ҳафта буюриб кетган чалғи ўроғини суриштирди. Уста билан бир пиёла чой ичиб пича ҳангомалашгач, ёйма растаси томон юрди. Қилтириқ бўйинини арабг тутиб ўтирган Муслим аттордан икки сўмлик маккаи сано билан уч думалоқ ҳинди чой олди. Дори емаган қовун йўқ экан — харидини тугатди.

Эшагини хитиллатиб жўнади. Аввал уйга кириб, олган нарсаларини ташлайди, кейин боққа қайтади. Насиббек ҳам зеркиб кетгандир.

Ахваннинг кўпригига етганида ёш томондаги сой кўчадан желагипи қийшиқ ёпинган бир кампир ўқмолича отилиб чиқиб, тўғри келаверди, уч-тўрт қадам қолгач, унга кўзи тушиб, юз-бетини чангаллаганча бирдан фарёд кўтарди:

— Вой, Адаш, уйе-ениг куйде, уйгинанг куйди-е!

Адаш Қарвон эшагини таққа тўхтатди, ҳуши бошидан учиб кампирга тикилди ва шундагина уни таниди: Тожи буви, Ойинсаннинг холаси!

— Ҳов, ҳов, нима деярсиз? Қачон, нега қуйди? — деди товои-товоингача музлаб.

Тожи буви рўмоли елкасига сирғалиб тушганини ҳам,

сийрак, пахмоқ сочлари тўзғиб кетганини ҳам пайқамай, икки қўлини икки ёнбошига уриб, айюҳаннос соларди:

— Уйе-енг куйде-е, Ойнис! Елғизингдан айрилиб қолдинг, Ойнис! Шўринг қуриди, Ойнис!

Адаш Қарвон яшин ургандек мияси чатнаб, боши орқага огди, кўз ўнги хира тортиб чаплашди — Тожи бувининг қораси ғойиб бўлди. Ҳушига келиб, ўзини ҳамон Ахваннинг кўпригида, эшак устида сурат бўлиб турган ҳолда кўрди. Ингирма қадамча нарида желагини судраб Тожи буви талваса ичра чаппор уриб боряпти — ўзини унутган, оламни унутган... Адаш Қарвон жонсиз оёғини қандоқ қилиб узангидан суғурдию қандоқ қилиб кампирнинг олдига етиб борди — билмади, унинг елкасидан тутиб жон алозда силкитаркап, тили оғзига сиғмай гўлдирарди:

— Н-насиббекка нима бўлди?! А-айтинг, нима бўлди?! Э, айтсангиз-чи, ахир?!

Тожи буви унинг чапгалидан чиқишга уришиб, юлқина-юлқина қичқирди:

— Отиб қўйибди! Тилаб олган болагини отиб қўйибди!

Адаш Қарвон эс-ҳушидан айрилгандек бир зум карахт қотди, ердан нимадир олмоқчидай эгилди, кейин... кейин бирдан ўзини тош йўлга отди, пешонасига шақ-шақ урганча ўкраб юборди.

...Кейин, қачонки ўша машъум кунни эсласа, энг аввал қулоғи остида Тожи бувининг ситамдийда фарёди янграйдиган бўлди: «Уйинг куйди-е-е, Адаш!»

Ох, қани эди, Адаш Қарвоннинг уйи куйган, куйиб кул бўлган, кули кўкка совурилган, ниналаб йиққан рўзғоридан бирорта чўп қолмаган, тахмон тўла кўрпалару кўра тўла қўйлар бари ёниб битган бўлса! Қани эди, буларнинг ҳаммаси хоки туробга айланган бўлса-ю, эвазига фақат Насиббек, кўзининг оқу қораси, суянган тоғи, юрагининг малҳами, жисмидаги жони — Насиббеги омон қолган бўлса!..

Минг бор таассуфки, Адаш Қарвоннинг уйи куймади.

Адаш Қарвоннинг юраги куйди, холос.

Адаш Қарвоннинг юраги ҳамон ёнмоқда.

Уни ким ўчиради?.. Ўчира оладими?!

...н а ҳ о т , а з о б б о р д и р қ и с м а т д а ф а қ а т ?¹

* * *

— Гулнор, Гулнор... Яна келдим, Гулнор!

— Нега келдингиз, Саттор ака? Ахир, бошқа келманг, деган эдим-ку!

¹ Ҳамид Олимжон сатри.

- Гулнор, шошма, бир огиз гапим бор.
- Ҳамма гапни ўшанда айтганман, биласиз. Кечиринг, мен боришим керак. Касал кўп, врачимиз кутиб қолади.
- Ахир... Наҳот, шушчалик бағринг тош-а?
- Саттор ака, ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг. Илтимос, кетинг, ўтган-кетганинг ҳаммаси қараяпти, уят...
- Ҳайдама мени, Гулнор, ҳайдама. Балки ҳозир сени охирги марта кўриб туришимдир.
- Нега ундай дейсиз?.. Ахир, мен нима қилай, айтганман-ку, ахир, Насиббек акам бўлмаганда...
- Шошма, Гулнор, шошма! Агар у бўлмаганда... агар у бўлмаса, нима дердинг?
- Нимани нима дердим?
- Энди у йўқ, тушуняпсанми, ахир, у йўқ энди!
- Нега йўқ бўларкан?!
- Эҳ!.. Емон бўлди, Гулнор, ёмон бўлди! Хайр, майли, хайр! Эҳ, Гулнор!.. Қўрқиб кетяпман...
- Нималар деяпсиз? Тобиғиз йўқми? Ё... кайфингиз борми?
- Кайфим ҳам йўқ, тобим ҳам йўқ. Мен сени яхши кўрардим, Гулнор! Энди ҳеч нарса йўқ. Тушуняпсанми, Гулнор, ҳеч нарса йўқ!..

* * *

Шундан кейин кўп ғалати ишлар бўлди. Лекин уларни на Адаш Карвон кўрди, на Саттор эшитди, фақат мен — Муаллифгина барчасини ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитдим.

Насиббек дунёга келганида киндик қони томган, дунёдан кетар чоғи юрак қони тўкилган бу кўҳна қишлоқда унинг гирдо-гирдини қуршаган тоғлар каби қадимий бир удум авлоддан авлодга, насллардан наслларга ўтиб келар эди: бу юртда агар бўй етган йиғит бевақт қазо топса, қадрдон дўстлари, жўралари марҳумнинг бошига тўпланиб, йиғи ўрнига... «ёр-ёр» айтар эдилар...

Дарвозада Насиббекнинг дўст-ёрлари кўринганда таъзияхона қалқиб тушгандек бўлди. Ун чоғли паст-баланд йиғит бош эгиб жимгина кириб келаркан, куни кеча базмлар гули бўлиб юрган мард ва ўктам жўраларининг отасига — погаҳоний ғам адои тамом қилиб қўйган Адаш Карвонга бетланиб қарашга журъат этолмас, бу фожиага худди улар айбдордек, барчасининг бўйни қисик эди.

Адаш Карвоннинг берух, беҳуш қоматини бир-бир қучоқлаб ичкари ўтаркан, уларнинг бирортаси ҳам ошхона бурчагига тиқилганча тош қотган Гулнорни пайқамади.

Бел боғлаб юрган азадорлардан бири йигитларни тўрдаги айвонга бошлаб чиқди. Айвоннинг хотин-халаж уйма-лашган чап томонига оқ бўздан парда тутилган, рўпарадаги хонадан бўғиқ йиғи эшитилади.

Йигитлар парда остидан энгашиб ўтиб, кунгай тарафдаги катта уйга қараб юрдилар.

Бўсағада одам тирбанд эди. Улар остонага қадам қўйганларида хотин-халаж икки ёнга чекиниб йўл берди, кейин аёлларнинг бирдан кўтарилган уввос йиғиси ховлини зир титратди.

Насиббекдан — жўраларнинг бегидан дафъатан айрилиб қолган, кўпчилиги илк бора ўлим кўраётган йигитлар, юраклари тўкила-тўкила, кўзларини арта-арта, ичкари ҳатладилар.

Хона ўртасида кунботар томонга оёқ узатиб Насиббек ётарди. Устига яп-янги банорас тўн ташлаб қўйилган — гўёки хориган бир вужуд шунчаки ором олаётгандек... Жасаднинг бош томонида қатор тизилишиб ўтирган кампирлардан бири аста ўрнидан турди, мурданинг юзидаги оқ докани секингина олди-да:

— Мана, ётибди ўртоқларнинг, ўлмагандек... — деди.

Бу муқиллаган кампир — саксон уч йиллик узун ва машаққатли умри давомида уқубату ўлим кўравериш дийдаси қотиб кетган, ажалнинг тўймас, совуқ кўзларига хотиржам, тик боқа оладиган бу оқ соч кампир ҳақ эди: Насиббекнинг ҳаёт тарк этган жонсиз вужуди янада кўркам тортган, бир тутам қол-қора сочи кенг, ёрқин манглайига тушиб турар, тиниқ, мардона чеҳрасида на бир оғриқ, на шиква-шиқоят ифодаси сезилар эди.

Башарти, Саттор Насиббекни шу ҳолатда кўргудек бўлса, шу ҳолига ҳам ҳасад қилмоғи муқаррар эди — рақибининг сиймосига ҳатто ўлим ҳам ҳусн бўлиб тушган эди.

Кампир ишқиллаганча жойига бориб ўтирди, тиззаларининг кўзини уқалаб, оғир сўлиш олди-да:

— Қани, чироқларим, бошланглар! — деди.

Йигитлар бир-бирларига қараб қолишди. Удум нақадар муқадас, нақадар жониз бўлмасин, ҳозир — шу лаҳза, шу ҳолатда уни адо этмоққа уларнинг бирортаси қодир эмас эди.

— Ҳа, бўлақолинглар, маҳтал қилиб қўйманглар! — деди оқ соч кампир, ҳамон ўша хайратомуз босиқлик билан.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Тўсатдан айвонда пимадир гурс этди, аллакимнинг: «Ҳой, секин, секин!» — деган хирқироқ товуши эшитилди, сўнг эшик шарақлаб очилди-ю, остонада Ойниса пайдо бўлди — мотамсаро вужудида телба бир титроқ, юз-кўзлари шишган, қонталаш...

Пойгакроқда ўтирган иккита аёл ўрнидан сапчиб туриб, унинг икки қўлтигидан суяди, дераза рафига ўтказиб, бири рўмолини тузатди, бири қонсиз-жонсиз лабларига пиёлада чой тутди. Ойниса бошини орқага ташлаб, лабларини қимтиркан, бирдан ўзини ерга отиб урди, наमत устида сургалганча Насиббекнинг оёқларини маҳкам кучоқлади:

— Вой, боле-ем, вой, боле-ем!.. Отингдан айланай, Насиббек! Сочларингнинг қорасидан айланай, Насиббек! Мени кимга ташлаб кетяпсан, Насиббек!..

Боядан бери чет-четда пиқ-пиқ йиғлаб турган йигитлар ҳам энди баралла хўнграб юборишди.

Қора чопон устидан қарғашойи белбоғ боғлаган оқсоқ киши — Ойнисанинг укаси Умматали шоша-пиша ичкари кирди, опасини кучоқлаб, базўр ажратиб олди.

— Йиғлама, опа, йиғлама, жон опа!— деб яккаш такрорларкан, букчайган елкалари силкина-силкина ўзи ҳам йиғлаб юборди.

Ойниса укасининг қўлидан юлқиниб чиқдию, бесаранжом кўзларини гангиб қолган йигитларга тикди, сўнг жонқолатда олдинга талниниб, бирининг оёғига, бирининг этагига ёпишганча бўғилиб шивирлади:

— Боламини кўрган кўзларингдан айланай!.. Насиббекимдан айрилиб қолдим-ку, энди қандоқ қиламан, қандоқ қиламан!

...Пихоят, таскин-тасалли, отамерос ўлим, бедаво фалокат ҳақидаги гаплар унинг эс-ҳушини бир зум яна ўзига қайтаргандек бўлди. Алланечук юмшаб, кўнгли тўлиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Менинг болам дунёга келиб чодирларга куёв бўлмади, саруполар кийиб «ёр-ёр» эшитмади... Айтишлар, болаларим, болам шўрликнинг лоақал арвоҳи эшитсен, айтишлар...

Йигитларининг дадил ва элироғи бир ютиниб олди-да, кўзини ердан узмай, дўриллаган овоз билан бошлади:

Мен ўланчи эмасман-о бошлагани...

Шу зумдаёқ ивир-шивир товушлар тўхтаб, ҳовлидаги қадам шарналари ҳам тинди. Кейин ўп чоғли раста йигит-

нинг баравар кўтарилган йиғи аралаш товуши баланд шифтга, хонанинг тўрт деворига урилди, урилди-ю, зир титраб ортига қайтди ва орадан дақиқа ўтар-ўтмас, мотамдор кўнгиллар қаърига бостириб борди:

Ёр-ёр-эй, бошлагани...

Гиря бўлиб янграётган ўлан садоси ошхонанинг қия очиқ деразасидан ичкари кирди.

Гулнор машъум хабарни эшитгач, асло ишонмаган, ишонмай тўғри шу ерга келган, бир бурчакка тиқилганча ҳануз гангиб ўтирар эди, ўлан товуши қулогига чалингач, юз берган воқеанинг бутун даҳшатиши юрак-юракдан англади. Англадию лоп этиб Саттор, унинг боягина маст-аластликдек туюлган пойинтар-сойинтар сўзлари, у сўзлар замиридаги бешафқат ҳақиқат — бари-барни ёдига тушди.

Аммо ўршидан туриб ичкари киргани ҳамон журъати етмас эди. Ошхонада ух тортиб шивирлашганча юмуш қилиб юрган хотинлар унга галати-галати қараб кўяр, аммо у ҳеч кимга эътибор бермас эди.

Ҳа, улар ўртасидаги сир пинҳон, пинҳону муқаддас эди! Буни аввал уларнинг ўзидан бўлак ҳеч кимса билмас эди. Кейин бу сирдан учинчи одам воқиф бўлдию...

Гулнор ҳозир ҳамма нарсани кўриб турар, лекин ҳеч нарсани кўрмас, ҳамма нарсани эшитиб турар, лекин ҳеч нарсани эшитмас эди.

Ичкарида эса, Насиббекнинг етолмаган армони — энди бир умр кўрмайдиган орзу-ҳаваси аянчли ўлан — гиряи қаза бўлиб, тобора авж билан янграрди:

Тогда тойчоқ кишнайди-ей, от бўлдим, деб,
Ёр-ёр-эй, от бўлдим, деб...

Ногаҳон Гулнор бир нарсани — Насиббекнинг умрига беихтиёр зомин бўлганини идрок этди. Нега, нима учун унга бир оғиз билдирмади? Саттор муттасил йўлини тўсганларини нега ундан сир тутди?! Нега, нега ахир?!

Уйда келип йиғлайди-ей, ёт бўлдим, деб,
‘Ёр-ёр-эй, ёт бўлдим, деб...

Гулнорнинг чиппа битган қулоги бирдан очилиб кетгандек, мияси равшан тортиб шахд билан ишлай бошлагандек туюлди. Кўз ўнгини тўсган шашқатор ёшлар ортида чаплашиб кўринаётган теваракка термиларкан, ғайрихитиёрий бир хўрсиниқ билан пешонасига муштлади:

«Ёт бўлдим!.. Чиндан ҳам ёт бўлдим! Ёт бўлмай нима бўлдим, ахир! Энди бир умр ётман, етти ёт, бегона...»

Бу гаройиб ҳол эди: ичкарида ўлик чўзилиб ётар, қотил қайлардадир қочиб борар, жўралар мархумнинг йигитлик армонини адо этар, маъшуқа ошигининг кўксига сўнгги бор бош қўйиб видолашмоққа ожиз эди...

Энди ичкари уйларда ҳам бараварига қий-чув, сурон бошланган, ўлан товуши узук-юлуқ учиб чиқар эди.

Гулнор бори-борлиги шамдек ўртаниб, ўзини қарғаб, ўзига қайта-қайта ўлим тилаб йиғларкан, ситамдийда кўксини ёргудек тўлиб келган қаҳр бутун вужудига ларза солди: «Саттор, Саттор! Жувонмарг бўл, Саттор! Бизга кун кўрсатмадинг, илоё кун кўрмагин, Саттор!.. Наҳотки, ҳаммаси тамом?!»

Чиндан ҳам, наҳотки ҳаммаси тамом? Наҳотки, ҳаммаси бекор? Наники, у навқирон қомат, Гулнорнинг қўлидан тутган чоғи оҳиста титрагувчи бармоқлар, қизга олам-жаҳон севишч, йўқ, севишч нима, ҳаёт бағишловчи у мардона табассум, ҳали илк бўса лаззати кетмаган лабларнинг у ўтли нафаси, у кўзларда чарақлаган жуфт юлдуз шуъласи — наҳот буларнинг бари тупроққа қоришиб, тупроқ бўлиб кетса?! Наҳотки, Саттордан ҳам, Насиббекдан ҳам охир-оқибат бир кафт хок — якранг, қутсиз, бир ҳовучгина қора тупроқ қолса?! Наҳотки, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам азал-абад қисмати шу бўлса?!

Уйда... уйда... тирикликнинг маъноси, эзгулигу ёвузликнинг маъноси не? Қани бунда ҳақ, қани адолат?..

* * *

Ўша кундан бошлаб Сатторга қишлоқнинг суви ҳаром бўлди.

Орадан анча йил ўтгач, изғиринли куз кунларининг бирида у Эскижўва бозорида боши оғиб юаркан, дилдираганча узум сотиб ўтирган Меҳмон деган собиқ синфдошидан икки ой бурун Гулнорнинг тўйи бўлганини эшитиб қолди. Гулнор улардан тўрт синф аввал ўқиган Адҳам деган шофёр болага тегибди. Меҳмон кула-кула сўзлади: тўй жуда аломат бўлган эмиш. Келинтушар кун куёв иккита жўраси билан от миниб тўйга айтиб юрганда, тагидаги ғўна асовроқ эканми, ҳуркиб йиқитибди. Адҳамнинг оёғи тагида қолиб, сонидан синибди. Номус кучли, бир амаллаб тўйни ўтказишибди-ю, эртасига чидаёлмабди — дўхтир кўриб, белигача тахтакачлаб ташлабди. Ўшандан буён куёвбола шифтга боқиб ётганмиш... Кейин

Меҳмон маъноли чимирилиб давом этди: қишлоқда ҳар хил гап тарқаган эмиш: биров «Насиббекнинг арвоҳи урди», деса, биров: «Қарғиш теккан қиз экан», деб бичиб-тўқирмиш; Адҳамнинг ота-онаси ваҳимага қолиб, азиявлияларга қозон қайинатиб юрган эмиш...

Саттор шу куни холдан тойгунча ичди — қўнглининг фарёдини босмоқчи бўлди: кечаси — сочлари елкасига шалоладек қуйилган қийгоч кўзли бир гўзал огушида тонг оттирди; бурчакдаги радиолада тун бўйи Ивица Шарфези эҳтирос билан шивирлаганча қандайдир ситамгар Малайкасини чорлаб бўзлади.

Бундай тунлар кейин кўп бор такрорланди. Май — қўшиққа, қўшиқ — эҳтиросга, эҳтирос — шармисор бўсаларга қовушиб кетган бедор кечалар дарёсида унинг руҳдан айри тушган жисми бемажол оқди...

Ва у ҳар сафар ўзини — ўзи баҳона, аччиқма-аччиқ, қасдма-қасд уни унутмоққа урипти.

...а б а д и я н а л в и д о. с е в г и! ¹

Унутолмади.

Икки йил бурун — якшанба куни тушдан кейин шаҳарда, катта бозорда у тасодифан Гулнорга дуч келиб қолди...

Гулнор ёйма дўкон олдида қандайдир ялтироқ матони титкилаб кўрар, ёнидаги сумка кўтарган повча йигитга ҳар замонда нимадир деб қўяр эди. Саттор автобус бекати томон бораётган эди, бирдан тўхтади, худди ҳозир биров келиб ёқасидан оладигандек оёқ-қўли бўшашиб кетди. Атрофга олазарак аламлиаб, четроқдаги газета дўкони папасига ўтди, титроқ қўллари билан сигарета тутатди.

Қачондан бери уни лоақал бир кўрсам, деб юрарди. Мана, ниҳоят кўрди! Танирмикан? Ё унутиб юборганмикан?.. Таниганда не мурод, унутиб юборганда не қайгу? Ахир, у...

Озиб-ўзгариб кетибди, уст-боши ҳам нимдошгина...

Ногаҳон Гулнор ёнидаги йигит билан тўғри газета дўкошига қараб келаверди. Саттор тиширичилаб талвасага тушди, нима қилаётганини билмай, оёғи тағидаги ахлат тўла қоғоз қутини ағдариб юбориб, беихтиёр уларга пешвоз юрди ва орада икки қадам қолгандагина рўшарасидаги жувоннинг... бошқа аёл эканини кўрди. Шошиб четга бурилди, юраги бетоқат дукурлаб, сал нарида тахлаб қўйилган сабзи тўла қошларга беҳол суяниб қолди.

¹ Ойбек сатри.

«Хайрият! — деб шивирлади кўйлагининг ёқасини бўшатаркан. — Хайрият, бошиқа экан!..»

Ва шунда Гулнорни унутмаганини, унутдим, деб ўйлаганлари бекор эканини, энди ҳеч қачон унутолмаслигини дил-дилидан англади.

Ҳаётида яна бедор тушлар бошланди. Энди оқшомлари эшигини қўша-қўша қулф билан маҳкам бекитиб олар, аммо бари бир ярим кечаси гоҳ Насиббек, гоҳ Гулнор ушинг ҳузурига бостириб кирар эди...

* * *

Саттор ҳамон шифтга тикилиб ётаркан, дабдурустдан, қўйиб берса, шу алпозда узоқ, жуда узоқ ётиши мумкинлигини, охир-оқибат, юраги ёрилиб ўлиши ҳам ҳеч гап эмаслигини сезиб қолди.

Нимадир қилиш керак! Нима бўлмасин, қандай бўлмасин, ишқилиб, изтироб чапғалидан қутқарувчи ҳаракат — халоскор бир ҳаракат керак!

Худди ёв қувгандек шоша-пиша ўрнидан турди, ёғоч зинапояни ғирчиллатмасликка тиришиб дарвозахонага тушди, ҳувиллаган кўчага чиққач, кўксига муздек шабада тегиб, хўрсинди.

Вақт шомга яқинлашган, теракзор кимсасиз эди. Юраги ёрилгудек шаҳд билан кўчага отилган одам, йигирма қадам юрар-юрмас, нима қиларини, қайга борарини билмай қолди.

Шартта жўнаб кетса-чи? Ҳаммасига бирийўла қўл силтаб, ҳаммасидан бирийўла воз кечиб...

Нима ўзи у — «ҳаммаси»?..

Энди одимлари сует тортиб, аста булоқ бўйига тушиб борди. Товушсиз қайнаб ётган булоқ кўзига тикилди. Мана, унинг хотиралари — ҳам тиниқ, ҳам қайғули; ҳам совуқ, ҳам қайшоқ — қалбидаги туганмас изтиробдек, тошу қум қатламлари орасидан тўхтовсиз сизиб ётибди...

«Ҳаммаси» — бу неки кўнгилга қадрдон бўлса, неки юрагини қачондир ақалли бир марта жинзиллатган бўлса — бари; бу — ихтиёрсиз жишоят азоби ва ихтиёрий жазо тазарруси билан йўғрилган кунлар, ишқнинг ёруғ ёди билан мунаввар тушлар... унинг ўтмиши, бугуни, эртаси — бутун умри-ку!

Шуларнинг барчасидан бирийўла воз кечиб бўладими? Шуларнинг барчасига бирийўла қўл силтаб бўладими?!

Бутун бир умрга-я?!

...Бир пайт ҳушшини йигиб қараса, бўғотлари пураб ётган пастак пахса девор олдида турибди. Чўчиб, аввал

ён-верига аланглади, кейин девор оша хайхотдек ховлига тикилди. Ховли этагида, қари тут остидаги пўпанак босган тўнка ёнида уч-тўртта товуқ қорайган хазон уюмини титкилаб юрибди. Ойнабанд айвондан вағиллаб ётган радиокарнай товуши келади. Ошхона олдида бола кўтариб турган қизил кўйлакли қизча кўп ўтмай ичкари кириб кетди. Негадир радионинг овози бирдан ўчди. Апчадан сўнж бояги қизча қўлида товуқ кўтариб чиқди-да, «ту-ту» лаб товуқларга дон сочди, кейин яна жимгица ғойиб бўлди.

Хийлагача ховлида жон асари кўрилмади.

Саттор нимадандир умидвор бўлиб, ҳануз пешайвондан кўз узмасди.

Бу девор ортида у жуда кўп марта шу ализода соатлаб турган. Гулнорнинг лоқал қорасини узоқдан бўлса-да, бирров кўриш умидида шу ховли, шу айвонга юраги орзиқиб қайта-қайта термилган...

Аmmo бу кўҳна девордан — руҳи аро тушмиш бу тўсиқдан ошиб ўтгани ҳеч вақт, ҳеч қачон журъати этмагандек, бу сафар ҳам кўчанинг бошида аллақандай шарниани сезган захоти анил-танил ортига қайрилди.

Ахир, Гулнор энди бу ховлини тарк этмаганими? Бу ховлинигина эмас, унинг ҳаётини ҳам абадий тарк этмаганими?..

Чексиз-чекарасиз бу оламда ҳозир унга ягона навоҳ болохона эди, аста қайтиб келди. Саросима чапгагида яна анчагача карахт чўзилиб ётди. Бир пайт ўз-ўзидан нафаси тикилиб ўрнидан турди, шоша-пиша дарчага яқинлашиб, сўл тавақасини очди. Шунда мўъжиза рўй берди: у Гулнорни кўрди!

Ҳа, бу сафар адашмаган эди. Гулнор — унинг қалбида ҳануз ўн саккиз яшар, ҳануз диловар сиймода яшаб келаётган Гулнор, энди бутунлай ўзгариб кетган Гулнор, булоқ бошида челақ кўтариб турарди. Ёнида паст-баланд иккита бола...

Саттор багрини дарчага бериб, борлиги кўз-қулоққа айланиб, теракзор ортига тикилди. Гулнор челақларини тўлдириб сув олди-да, обкашини елкасига илиб:

— Юринглар, — деди болаларига қараб. — Укангни етаклаб ол, Ҳамдам.

Унинг овози!.. Бир маҳаллар тун сукунатию Сатторнинг юрагига бирдек титроқ солган бу овозгига ўзгармаган эди — ҳамон илгаригидек тиниқ ва жиндақ шикаста...

Саттор Гулнорнинг изидан унсиз фарёд билан термилиб қоларкан, сарпойчан оёғига бесўнақай калиш илган иккита болани эргаштирганча кўздан узоқлаб бораётган б е г о н а бир аёлни кўрди. Шу лаҳзанинг ўзида жуда кўп нарсани

бирданига тушунди — ўтган умрини қайтариб бўлмаслигини, қачонлардир жаҳолат туфайлими, ҳасад туфайлими, муҳаббат туфайлими содир этилган маънум хатоли ҳам тузатиб бўлмаслигини, қапчалар оғир, машаққатли бўлмасин, энди бошқача яшаши кераклигини, бундан бўлак иложи йўқлигини...

Қайтадан, янгитдан ҳаёт бошламоқ керак! Янгитдан — хатоларсиз, гуноҳларсиз; мардроқ, олижаноброқ бўлиб!..

Ўшандай ҳаёт бошлади ҳам дейлик, лекин ана шундай яшаб ўтишга қудрати етармикан? Ҳадсиз уқубатлар сўнгида унга ниҳоят ҳорғини бир қувонч насиб етармикан?..

Аmmo... нимадан бошламоқ керак?

Ҳа! Ўтминн билан хайрлашувдан! Неки ўтмининини эслата, у рутубатли кунлар изтиробини ёдига солгудек бўлса, баридан воз кечмоқ керак! Мактублар, суратлар, дафтарлар — бариши унутмоқ, йўқотмоқ, йўқотиб тугатмоқ лозим!

У, кўнглида қутилмаган бир қатъият туйган кўйи, ўридан туриб ўймакор тоқчага яқинлашди. Қатъияти жасоратга айланиб, алмисоқдан қолган қора чамадондаги эски суратларни, турли-туман саргайган қоғозларни олиб, аямай-ачинмай йирта бошлади.

Чамадонининг тагидан қизил ипак боғич билан боғланган бир даста қоғоз чиқди. Саттор қўлига илтиган биринчи варақни сугуриб, кўз югуртирди...

«Салом, Гулнор, соғ-омон бормисан? Кўзларингнинг ёши тиндимми? Ёки ҳануз аламдамисан? Мени қаргандан чарчамадингми?»

Олти йил мобайнида сенга қирқ еттита хат ёздим. Бу — қирқ саккизинчиси. Ишончим комилки, унга ҳам жавоб олмайман. Йўқ, йўқ, бунинг учун сени айбламоқчи эмасман. Сенга маломат тақмоқдан ўзи асрасин. Қайда бўлма, қаерда юрма, ҳаминша омон бўл — ёлғиз тилагим шу.

Биласанми, сенга айтишим, тушунтириб беришим шарт бўлган гаплар шунчалик кўпки, қирқ еттита хатга сиғмаганидан, мана, қирқ саккизинчисини бошлаб ўтирибман. Мени ҳар қапча лаънатласанг, қаргасанг — ҳаққинг бор. Иқрорман, гуноҳим улуг, кечирилмас. Лекин ўшанда аслида нима бўлганини билишингни истайман, Гулнор. Буни сенга айтмасам, кимга айтаман?..

Ўшанда ҳеч чидаёлмадим. Алам кўзларимни кўр қилиб қўйди. Умримда қўлимга милтиқ ушламаган ёдам, қандай қилиб мўзикалга олдим, қандай қилиб... Гулнор, эласам, ҳали-ҳали тутқаноқ тутгандек гужанак бўлиб қоламан.

Бечора Насиббек! Айби нималигини ҳам билмай кетди шўрлик...

Менга бошдан бир нарса тинчлик бермасди: нега энди у? Нега энди у? Ахир, Гулнорни у менчалик яхши кўрмайдик-ку, деб ўйлардим эртаю кеч. Сенинг ҳам унга кўнглинг борлиги эса менга ҳаддан ташқари бедодлик, бориб турган адолатсизлик бўлиб туюлар эди.

Нега шундай бўлди? Ахир, одамлар бугун топишиб, эртаси ажрашиб, индини буткул унутиб ҳам кетаверадик-ку? Нега мен сени унутолмадим? Нега тақдирга тан беролмадим?

Билмайман, билмайман... Билганимда эди, оҳ!..

Кейин нималар бўлганидан балки хабардордирсан ҳам. Ўшанда жон ҳаллида Жарқалонга қочиб бордим. Ёшлигимизда мол боқиб юриб бекинмачоқ ўйнайдиган қоронги камарлардан бирини кириб ётдим. Юрагимнинг дукури бутун камарни ларзага солди. Назаримда, шу тахлит гурислайверса, зах босган деворларни устимга ағдариб юборадигандек туюлди. Кеч бўлди, ҳаммаёқин зулмат-зимистон босди. Қимир этарга ҳолим келмай, ётган жойимда чўзилиб қолдим. Тинка-мадорим қуриб, хиёл кўзим илинибди. Қанча мудрадим, билмайман, бир маҳал аллақандай қоп-қора нарса кўкрагимга мишиб олди, бўғзимдан маҳкам бўгаётганини сездим. Қора терга тушиб жон талвасасида тўйганим, отзимни кашша-кашша очиб бақирдим — товуним чиқмади, ҳушдан кетдим...

Мени эртаси чошгоҳдан кейини ўша камарда беҳуш топишибди. Бир ой қишлоқ касалхонасида ётдим, кейин — руҳий касалликлар шифохонаси, кейин тергов, суд, ниҳоят, мапа энди, бу ердаман...

Ҳеч вақт шу кўйларга тушарман, деб ўйлаганмидим? Асло, асло! Одам дунёдан эртага аҳволи нима бўлишини билмай ўтаркан, Гулнор. Мени «жинни» деб, «қотил» деб айтгандирлар. Балки бу гапларга ишонгандирсан, ишонарсан. Нима ҳам дердим? Уларни рост ёки ёлгон деб исботлашга уринганим билан ҳеч нарса ўзгармайдик-ку? Фақат бир илтимос, Гулнор, шунча гапга ишонган экансан, яна бир нарсасига ҳам ишон:

Сени деб жинни бўлганим рост!

Сени деб одам ўлдирганим ҳам рост!

Бу ерга дастлаб келган кезларимда сени тез-тез тушларимда кўриб турардим. Энди эса... Нега, Гулнор? Ёки энди мени қаргашдан тўхтадингми? Илтимос, қаргаб-лаънатлаб бўлса-да, мени аҳён-аҳён ёд этиб турсанг. Зора мен шунда дийдорингни яна тушларимда кўра олсам!

Инда афви умумий чиқади, деган гап бор. Жуда
дам озод бўлади. Аммо сен мени афв этмайсан,
а. Демак, менга мутлақо афв йўқ — бир умр,
и...

И бу хатини, аввалги қирқ еттитаеси каби, ҳеч қачон
сан. Чунки уларини сенга ҳеч қачон юбормаганимдек,
ини ҳам асло жўнатмайман. Чунки...

Йси юз билан юбораман, Гулнор? Ахир, энди сенга
и хат ёзишга ҳам ҳаққим йўқ-ку!..»

Индай қилиб, Адаш Карвон раиснинг олдига кирма-
роду муддаосини, айтар сўзини ипидан-иғнасиғача
иб қўйган эди-ю, кирмади.

Ига бозор деган кунин у ногоҳ фикридан қайтди.
И кунин ҳам, одатдагидек, пешиндан сўнг мазорга
и эди.

Или билан кампирининг бошида ўтириб, тағини узоқ
илади.

Иварак-атрофдаги маҳобатли сағаналар, ярқироқ мар-
ишларга тикилиб хаёл сурди.

Ишлар... Спаник, совуқ тошлар... Қачонлардир шодли-
инини, ҳасрату қайғуси билан бу ёруғ дунёга сизмай,
Ичра ўзи бир олам бўлиб яшаган кимсалар ёдини

Ииз кўксига нақш этган тошларнинг ғариб салобатидан
Ии ҳам алланечук чўкиб, ҳам алланечук юксалиб

Иркан, кўндан бўён борлигини банд айлаган ташвиш-
Ирдан ортга чекинди. Ён-веригаги мрамртошларга
Идафъатаи англадики, ўгли билан кампирининг ёди —
Икўксига, етмин икки томирида ниҳон. Улар унга

Илар азиз, шу қадар мўътабарки, мрамр эмас, ҳар
Ини тиллодан қилиб сағана ўриятганида ҳам, бари
Иарзини узоқмайди...

Иинг шуқрки, ўгли ҳам, кампирини ҳам ҳалол янади,
И саломат, диёнати пок кетди. Улардан Адаш Карвон-
Иксиз изтироб билан бирга, ўртаниб эслаган чоғи
Ибатрини ёруғ бир шуқруҳга тўлдирувчи соғинч ёдгор
И қолди.

Или, ёдгору ёдгорлик деганимиз нима? Бир юрак-
Ииккинчи юракда қолдирувчи азиз, ардоқли армони
Ии?

Ир кимса тириклигида қилган эзгу ишлари билан
Изи хотира қўйиб кетади. Қачондир, қайдадир имо-
Иқўйилган бир дона гишт, қайсидир богда ўтказилган

Иини ниҳон, жабрдийда кўндан аритилган бир томчи
Иўнгли ярим ғарибга айтилган бир огиз ширин сўз,

Яқинда афви умумий чиқади, деган гап бор. Ҳудда кўп одам озод бўлади. Аммо сен мени афв этмайсан, билмаман. Демак, менга мутлақо афв йўқ — бир умр, абадий...

Сен бу хатини, аввалги қирқ еттитааси каби, ҳеч қачон олмайсан. Чунки уларни сенга ҳеч қачон юбормаганимдек, бу хатини ҳам асло жўнатмайман. Чунки...

Қайси юз билан юбораман, Гулнор? Ахир, энди сенга лоақал хат ёзишга ҳам ҳаққим йўқ-ку!..»

Шундай қилиб, Адаш Қарвон рансининг олдига кирмади. Муроду муддаосини, айтар сўзини ипидап-ипнасингача пишитиб қўйган эди-ю, кирмади.

Эрта бозор деган кунни у ногоҳ фикридан қайтди.

Шу кунни ҳам, одатдагидек, пешиндан сўнг мозорга чиққан эди.

Ўгли билан кампирининг бошида ўтириб, тагин узоқ ўй ўйлади.

Теварақ-атрофдаги маҳобатли сағаналар, ярқироқ мартартошларга тикилиб хаёл сурди.

Тошлар... Силлиқ, совуқ тошлар... Қачонлардир шодлиги, севишчи, ҳасрату қайғуси билан бу ёруғ дунёга синамай, олам ичра ўзи бир олам бўлиб яшаган кимсалар ёдини жоисиз кўксига нақш этган тошларнинг ғариб салобатидан кўнгли ҳам аллапечук чўкиб, ҳам аллапечук юксалиб ўтираркан, кўндан буён борлигини банд айлаган ташвишлар бирдан ортга чекинди. Ён-веридаги мартартошларга боқиб дафъатаи англадики, ўгли билан кампирининг ёди — унинг кўксенда, етмиш икки томирида ниҳон. Улар унга шу қадар азиз, шу қадар мўътабарки, мартар эмас, ҳар гиштини тиллодан қилиб сағана ўрнатганида ҳам, бари бир, қарзини узолмайди...

Минг шукрки, ўгли ҳам, кампири ҳам ҳалол яшади, имони саломат, диёнати пок кетди. Улардан Адаш Қарвонга чекенз изтироб билан бирга, ўртаниб эслаган чоғи юрак-бағрини ёруғ бир шуқуҳга тўлдирувчи соғинч ёдгор бўлиб қолди.

Асли, ёдгору ёдгорлик деганимиз нима? Бир юракнинг иккинчи юракда қолдирувчи азиз, ардоқли армони эмасми?

Ҳар кимса тириклигида қилган эзгу ишлари билан ўзинга ўзи хотира қўйиб кетади. Қачондир, қайдадир иморатга қўйилган бир донга гишт, қайсибир боғда ўтқазилган бир туи ниҳон, жабрдийда кўздан аритилган бир томчи ёш, кўнгли ярим ғарибга айтилган бир оғиз ширин сўз,

беминнат топилган бир бурда нон — одамзод ўзи учун ўзи бунёд этажак ёлғиз ва асл ёдгорлик мана шу. Бас, шундай экан...

Мозордан ҳар галгидек руҳи сўниб эмас, дили ёришиб қайтди. Кўпдан буён беором, беҳаловат ўрташиб излаган нарсасини тонгандек, қадам олишлари фавқулодда тетик эди.

Ҳа, неки бўлган бўлса, бари ўтди!

Энди қандай бўлмасин, нима бўлмасин, эртаги кунга кўз тутмоқ лозим. Инсоннинг умиди узилган кун — ўлгани. Токи тирик экан, умид қилмоқ керак. Ахир, бахт — ўткинчи, умид — абадий.

Дошишмайдлар айтмишларки, эртага қиёмат деган кун ҳам дарахт экмоқ керак.

Ахир, эртага ҳам қуёш чиқади!

1980 — 1983 йиллар



ТЎҶЧИЛИК ВА ЙЎҶЧИЛИК

Раҳматулла хотиндан ёлчиган эди. Буни дўстлари ҳам, душманлари ҳам якдиллик билан эътироф этардилар. Чиндан ҳам, Нозимахон эрни эр қиладиган аёл эди. У асли маргилонлик, Кумушбиби юридан; кулча юз, нозик қад, кўзлари доим кулибгина туради, қоп-қора, сунбул сочларини кестирмаганида албатта тақимини ўпарди. Раҳматулла эса самарқандлик, дашту далалар фарзанди. Улар Тошкентда ўқиб юришганида тасодифан бир зиёфатда танишиб, битирар йили турмуш қурдилар, ўқишни тугатгач, ризқ-насиба экан, шаҳарлик бўлиб, пойтахти азимда яшаб қолдилар.

Ҳар бир нарса каби меҳр-муҳаббатнинг ҳам аввали, авжи ва поёни бўлиши табиий. Раҳматулла тўйгача Нозимахонни телбадек яхши кўрарди, тўйдан сўнг, не-не йигитларни куйдириб уни деган шундоқ сулувни буткул ўзиники қилиб олганидан кейин, эҳтирослар совиб, ақл-хуши тиниш ўриига хотинини илгарпгидан кўра юз чандон кўпроқ яхши кўриб қолди. Нозимахоннинг тили шакар эди, кўзи, сўзи, вужуди пок эди, бир табассум билан

одний, нурсиз лаҳзаларни беқиёс байрамларга айлантириб юбора оларди.

Раҳматулла серфарзанд оилада, туйгулар кўз-кўз қилинавермайдиган, муносабатлар бир қадар вазмин-сино хонадонда ўсган, меҳрга зор эди ва шу булоқдан симирган сари ташналиги тобора ортиб борарди.

Тўртинчи йили — иккинчи ўғиллари Элзод олти ойлик бўлганида Раҳматуллага ишхонасида квартира берилди. Шу кунгача у хотини олдида мудом хижолат чекар, шундоқ аёлини ижарама-ижара саргардон қилиб юргани учун ўзини гуноҳкор сезар эди. Лекин шу чоққача Нозимахон унга таъна-дашном қилиш у ёқда турсин, бу тўғрида чурқ этиб оғиз очмаган эди. Ҳисобсиз кўч-кўчлар, феъли тор кампирларнинг қош-қовоғи, зулукдай сўрадиган ижара ҳақи... буларнинг барчасига у матонат билан дош берар ва шу матонати Раҳматуллага тоғдек юрак бўлар эди. Беҳзод, тили энди чиққан пайтда, қўлчаларини ёнига ёзиб, бошини қийшайтирарди-да, икки ганининг бирида: «Ана, энди тамом!» деб кўярди. Нозимахон бениҳоя завқланиб, ўғилчасининг шу қилигини ўзлаштирган, павбатдаги ижара можароси чиққанида, кулимеираб, «Ана, энди тамом!» деб жилмайар, унга қараб Раҳматулла ҳам кулиб юборар, шу тариқа кўнгилсизлик кулгига айлланиб кетар эди. Кулги аралашгач эса, ҳар қандай даҳшатнинг ҳам даҳшатлик ери қолмайди.

Ипҳоят, ҳаммаси ортда қолди. Энди уларнинг ўз уйи — ўлан тўшаги бор. Энди кўнгиллари тусагандек яшайдилар, ҳеч ким уларнинг мушугини ништ демайди, деёлмайди. Кўчиб келган куни Раҳматулла ич-ичидан ният қилди: ўлмасам, бу уйда бирор кун ҳам хафагарчилик бўлмайди!

Дарҳақиқат, бу хонадонда то кечаги кунгача бирор кини товушини кўтариб ганирмади, болаларнинг хархашасидан бонқа бирор йиги овози эшитилмади.

Ҳаммаси орасталикдан бошланди.

Нозимахон каталакдек ҳужраларда яшаган пайтларида ҳам эргаю кеч ҳаммаёқни қатрон қилиб ётарди, иссиқ сув, совуқ суви муҳайё уйга етишгач эса, тагин худо берди: кўз кўрганга кўз кўргунча атрофни чиниш-чироқ қилиб ялаб-юлқаш билан овора. Раҳматулла баъзан кечкурун ницдан қайтиб, уйини таниёлмай қоларди: диван у ёққа сурилган, стол бу ёққа, гулдоиларда аявийи гуллар... Хоналар ёруғ, ҳар томон ораста, болалар озода, бири-биридан ўзиб салом берган... Бош чайқаб, мийигида кулимеираб кўярди-да, ювингани кириб кетарди. Остонада сочиқ узатиб турган Нозимахонга шунинг ўзи кифоя, яшнаб

яшариб, оёги олти бўлиб охинонага югурар эди. Сўнг, қутичадек телевизорни вагиллатиб қўйганча, овқатлангани ўтиришарди. Раҳматулла тўрда, чугурчүкдек чугурлашган икки ўгилчаси икки ёшида, дастурхонда ҳил-ҳил ишган таом, пойгакда — аллақандай баҳорий либосда ўн саккиз яшар найтидагидек очилиб кетган Позимахон... Шунда бу хонадоннинг ҳавоси бахт билан тўлар, эшик-деразалардан саодат ёғдулари кириб келаётгандек туюлар эди. Беҳзод билан Элизод ўйинчоқ талашиб, уришиб-қулишиб, ниҳоят, ҳориб-чарчаб, таппа ташлаганча ухлаб қолар, Раҳматулла уларнинг нахмоқ сочларидан, пешонасидан суйиб, жой-жойига ётқизар, сўнг диванга ёнбошлаб, ҳар хил олди-қочдилар битилган ёстиқдай-ёстиқдай китобларни ўқиниша тутинар ва уларда зикр этилмиш воқеаларга ишонар эди. Позимахон париги хонадан болини келтириб унинг ёнбошига қўяр, зум ўтмай настак столча устида бир чойнак аччиқ чой, тақсимчада тўртта қора майизми, бир бўлак ҳалвоми — бирор ширинлик мухайё қилар эди-да, ўзи тагин кундалик юмушларини тўхтаган жойидан давом эттирарди. Раҳматулла аста чой хўшлаб хаёл суриб ётаркан, қалдирғоч уясидек хонадонини, мўъжазгина бахтини ўйлар, кўнгли ёришиб, нимадир яхши ишлар қилгиси келар эди.

Вақт алламаҳалдан оққанда ётоқ бўлмасига кириб қўштўшақка чўзилар, худди чиллани куёвдай энтикиб, Позимахоннинг кириб келишини нитизор кутиб ётар эди.

Кута-кута кўзи илиганини сезмай қоларди.

Позимахон қушдек енгил қадам билан, сассиз кириб келарди — шунда у муқаррар равишда уйғониб кетар, юраги бир ширин титраб, хотинига мўъжизага тикилгандек термилар эди.

Позимахоннинг бўйшидан, юз-кўзларидан, сочларидан соф, сарин бир не аққирди — гўё ҳозиргина ноёнсиз бир чаманзорни оралаб, даста-даста гул тергандек... Бу муаттар, хушбўй ҳидлар уни эс-хушидан айиргудек маст қилиб қўярди. Икки йил бурун Москвага командировкага борганида бор нулига ўгилларига кийим-кечак билан хотинига атаб ўнча ангийнвонадек шишада фаранги атир олиб келган, ўшандан буён ҳар кечанинг ўз таровати, ўз элитгувчи бўйларини бор эди.

Бироқ, Позимахон уни ҳадидан оширмас, кўзларини, қовоқларини снлаб:

— Ухлапг. Эрталаб туролмайсиз, — деб мулозим шивирлар эди.

— Майли,— дерди у қувончдан, бахтдан, муҳаббатдан кўксин тоғдек юксалиб.— Майли...

Ҳаммаёқ осуда, қоронги, фақат хонада тунчиरोқнинг нимтатир заъфарон ёғдусию икки ошиқ қалбнинг безовта дуқури ва суҳбат — адоқсиз, алдоқсиз, орзу-хаёлдан, кулги ва табассумлардан, болаларнинг ширинлигидан, яхши кунлар ёди ва умидидан шарҳи ҳол айлагувчи суҳбат...

Улар кунин кеча қовушган келин-куёв эмас, қарийб беш йиллик эр-хотин, аммо тунлари бир-бирига айтадиган, айтиб адо қилолмайдиган гаплари шунчалар кўп!..

Ана шундай бахтиёр кечаларнинг бирида Раҳматулла шифтга хаёлчап тикилиб ётган хотинига:

— Ишхонадагиларини бир чақирсак бўларди. Мен ҳам кўп борганман «уй тўйлари» га... — деди.

Позимахон, кўзлари юлдуздек чақнаб, унинг тўзғиб кетган сочларинини наришон силади, алланечук ҳазин оҳангда:

— Ҳозир-а? Қўйинг-э, — деб пичирлади.

— Нега?

— Аҳволимизни қаранг!

— Аҳволимизга нима қилти?

Позимахон беозор қулименради:

— Сал у ёқ-бу ёғимизни тузатиб олайлик. Ҳалиям студентга ўхшаймиз.

Раҳматулла қизарди, лекин сир бермай, янгини бепарво қашиди:

— Э, нима қиларди! Бизнинг ишхонада бунга эътибор берадиган одамнинг ўзи йўқ.

— Нега йўқ бўларкан? Муаттар Зокировна-чи? Лобархон-чи?

— Қизикмисиз! — деди Раҳматулла бошини кўтариб.

— Билмайсиз-да, аёл зотининг бунга эътибор бермайдигани бўлмайди.

Раҳматулла нимадир деб гудранди.

— Албатта чақирамиз, чақиринимиз шарт, — деди Нозимахон, — мен розиман, фақат кейинроқ, хўпми? Шу билан ишхонангиздагилар бизникига яна қачон келишади-ю...

Раҳматулла хотинининг ҳақ эканини ич-ичида тап олди.

У кичкинагина бир лабораторияда илмий ходим бўлиб ишлар, ҳамкасблари билан салом-алиги жойида, Нозимахоннинг магазинма-магазин елиб-югуриб, чақмоқдек кийинтириб қўйгани учунми, кўпчилик уни «бойвачча болалардан» ҳисоблар ва очингани айтганда, бу эътироф кўнглининг аллақайси бир жойларига хуш ёқар, ўзгалар назаридаги шу мартабадан тушиб қолиш ҳисси хийлагина

кўнгилисиз туюлар эди. Нозимахон тўғри айтади, меҳмон чақиргандан кейин бирйўла манзур бўладиган қилиб чақирини керак. Дунёда лаб бурчига яширини мурувватомуз табассумдан кўра огир нарса йўқ. Демак, даставвал у ёқ-бу ёқни тузатиш лозим, ундан кейин...

Аммо Раҳматулла эртаси уйига разм солиб, дурустроқ мулоҳаза юритиб кўрсаки, у ёқ-бу ёқни эмас, ҳаммаёқни тузатиш керак экан. Энг аввал, тузукроқ мебель даркор — уч хонали уй ютаман деб хувиллаб ётибди, деворлар ялангоч... Топган-тутгани ҳозир онладан ортмайди, Нозимахон яна олти ойча уйда ўтириши керак — сентябрда Элзод бир ярим ёшга тўлса, кейин...

Ўша кундан бошлаб Раҳматулла хўжалик магазинларининг доимий томошабинига айланди. Қиради, кўзи ёниб, антиқа хорижий мебельларга термилди, фикрани уйига қўйиб, чамалаб кўради, акси тушиб турган ярқироқ жиҳозларни астагина сילайди, сўнг... жимгина чиқиб кетади.

Ниҳоят, у ҳаёлий режалардан чарчаб, узил-кесил қарорга келди-да, бир кечаси хотинига шиятини айтди:

— Бунақада бўлмас экан. Ишимни ўзгартираман.

Нозимахон қўрқиб кетди:

— Нега?

У дилидаги ҳамма гапни ошкор қилди. Нозимахон кўзига ёш олди: «Қўйинг, борига бозор, оз бўлсаям баракасини берсин, бир кун яхши бўлиб кетар...»

— Қачон келади ўша яхши кун? — деди Раҳматулла кулименраб. — Мана, ўттиздан ошдим, умрининг ярми ўтди ҳисоб.

— Яқинда мен ҳам ишга тушаман, ҳадемай, ҳарна... — Нозимахон юзини унинг кўзига босди.

— Мен кўи ўйладим, Нозимахон, — деди Раҳматулла ҳаётчан. — Бошқа иложи йўқ. Менинг ҳам кечкурун бахмал креслоларда ястаниб, рангли телевизор томоша қилгим келади. Шанба кунлари ўғилларимни, сизни машинага ўтказиб, далаларга опчиққим келади. Уйга тўртта одам келса, сизни уялмасин, дейман.

— Вақт-соати билан бўлар, — деди Нозимахон. — Лекин менга ҳеч нарса керак эмас. Сизу болаларим омон бўлса бас.

— Бу юришимда вақт-соати сираям келмайди, — деди Раҳматулла қатъий. — Чол-камширдан ёрдам йўқ, биласиз. Ҳали печта укаму сингиллар қаторлашиб турибди. Иложини топсам, мен уларга қўл қоқишим керак. Хуллас, аҳвол шунақа. Ҳамма умид энди ўзимиздан.

— Илмий ишнингиз нима бўлади? — деб сўради Нозимахон анча жимликдан сўнг.

— Э! — деб бепарво илжайди Раҳматулла. — Илмий иш дейсиз-а, Нозимахон! Мен дунёга келиб энг зўр иккита кашфиётимни яратиб бўлдим: бири Бехзод, бири Элзод!

Нозимахон унинг юзига оҳиста уриб қўйди.

— Очиғи, мана шу қолбалар мени сира-сира қизиқтирмаган, — деб давом этди Раҳматулла. — Ўқишга кириб, шунча йил шаҳарда адашиб-улоқиб юришларим бемаъниликка ўхшайди-ю, лекин аслида бунда катта бир маъно бор: бўлмаса, сизни учратмасдим-да!

У шундай деб хотинининг елкаларидан қизгин меҳр билан қучди.

— Энди нима бўлади? — деди Нозимахон секингина.

— Эндими? Энди яхши бўлади. Армиядаги касбимни қилавермап, биринчи класс шофёри, гулдек хунар, ҳамма жойда жоп-жоп деб ишга олишади. Ишлайман, ишдан одам ўлмаган, сиз ҳам биргалашасиз, уй-жойимизни тузатиб олгандан кейин...

— Пенсияга чиқамиз, — деб кулди Нозимахон.

— Э, йўқ, шошманг-да унақа! Кейин, битта пучуқ қизчамиз тугилади, отини Қуируз қўямиз, менга шу исм жудаям ёқади...

— Бекор айтибсиз! — деб эркаланди Нозимахон. — Мана шу иккита безорингизнинг ўзям...

— Безориларни уйлаштириб қўямиз — жазоси шу! Мен ҳам сизга уйлашгунча қандоқ безори эдим, эсингиздами? Қаранг, мана энди, бинойидек қуюлиб...

— Ҳо-о, қаёқда, суюлиб кетяпсиз-ку! — деди Нозимахон жилмайиб ва бир зум ўтгач: — Соат печа бўлдиёкини-а? — деб сўради.

— Соат... айни вақти бўлди! — деди Раҳматулла кўзлари чақнаб.

— Йўқ, йўқ, шошманг. Шошманг, ростдан ишни ташламоқчимисиз?..

— Уф! Тагин сўрайди-я! Дадангиз темирчимас-ку! Душанбадан «РАФ» минаман, бир қурилиш ташкилоти билан келишиб қўйганман. Ўчирмайсизми чироқни?

— Менга қаранг, — деди Нозимахон, — шунчалик зарур бўлса, битта-яримтадан қарз олиб тура қолайлик? Кейин ишлаб-ишлаб узармиз. Ҳаммаям шунақа қилса керак?

— Кимдан оламиз?

Узоқ жимлик чўкди.

— Ойимларнинг олдларига бориб келсаммикан?

— Ойингиз бизни жудаям яхши кўрадилар, — деди Раҳматулла ўйлаиб. — Ҳатто жопларини беришга ҳам тайёрлар, биламан. Лекин ҳозир бизга жон эмас, беш-олти

минг сўмгина пул керак, холос. Аммо ойингиздан олмайман. Нега олмаслигимни ўзингиз яхши биласиз, тўғрими?

Нозимахон индамай, индаблмай қолди ва қайтиб бу хусусда оғиз очмади.

— Бари бир ишингизни ташламайсиз, — деди бир маҳал. — Шунча йил ўқиб... Майли, кўп эмасак, оз ермиз, озгинадан жамғариб борсак ҳам...

— Йўқ, — деди Раҳматулла кескин қилиб, — уй-жой деб бола-чақани сирмайман. Мениям ўғилларим ҳамма-нинг боласидек соғ-саломат ўсиши керак.

— Илмий ишдан кетар экансиз, унда, шаҳарда қолиб нима қилдик? — деди Нозимахон ипча рағжиб. — Қишлоққа кета қолайлик?

— Қайси қишлоққа? — деб кулди Раҳматулла. — Самарқанддаги қишлоққа сиз арқон билан боғласа ҳам бормайсиз, мен ҳам шаҳри Маргилонга Отабек бўлолмайман. Демак, ўз-ўзидан равшанки, биз фақатгина нейтрал зонада яшашимиз мумкин.

Шундай деб, ўзининг тоққирлигига ўзи ҳам ҳайрон илжайди.

Шу-шу, уларнинг подъезди қаршиенда ҳаворанг «РАФ» дам-бадам кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Кўзга бориб Нозимахон ҳам ишга тушди. Уйларидан анча олисдаги лойиҳа идорасида ишлай бошлади. Энди эр-хотишининг мурод-мақсади ягона — тезроқ у ёқ-бу ёқни тузатиб, «одамларга ўхшаб яшаш». Энди тунги суҳбатлар ҳам қисқарган, соатлаб болаларнинг оғзига завқ билан термилиб ўтиришга деярли фурсат йўқ, шошиб ишга бориб, шошиб қайтишар эди.

«Дом»чилик, сиртдан ҳамма ўзи билан ўзи оворадек кўрикса-да, бари бир аёллар кўшиниешиникига дам-бадам «олак сўраб» чиқиб турар, шу биле тўққиз қават аҳлининг туриш-турмуши бир-бирга аён, ҳавас, ҳасад, рақобат, гийбат, мишмиш — барчаси буида аралаш-қуралаш эди.

— Заҳролар уйини ремонт қилдирибди, саккиз мингга тушибди, — деб қолди Нозимахон бир куни. — Кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади.

Раҳматулла иёлладаги чойини ҳўнлаб, эснад.

— Оғзим очилавериб-очилавериб, аллақачон ёнилмайдиган бўлиб қолган. Заҳронгиз ким?

— Бенинчи қаватдаги-чи, Умар акалар?! «Ноль саккиз» и бору ўн еттию йиғирма тўрт?..

Нозимахоннинг рақамга хотираси зўр эди, бир эшитган-қўргани миёнга муҳрдек ўрнашарди-қоларди.

— Ҳа-а... — деди Раҳматулла бир оздан сўнг хаёлчан. —

Қизик, одамлар қаердан топаркин пулни? Шулар ҳам бизга ўхшаган оила, эр-хотин ишлайди... — деб қўйди.

— Э, ишлаган билан... Ҳаракат қилади-да, — деди Нозимахон маъюдор чмирилиб.

— Биз ҳам ўшалардан кам ҳаракат қилмасмиз?

— Бари бир уларга етиб бўлмайди, — деди Нозимахон ва чойнакни олиб, ошхонага чиқди. Қайтиб келиб, чойни шопирди-да: — Заҳронинг қулогидаги бриллиантнинг ўзи беш минг туради, — деб қўшимча қилди.

Раҳматулла бошини эгганча хотинининг товушини, ҳолатини таҳлил қилиб, енгил тин олди: хайрият, минг шукрки, ҳасад йўқ, маломат йўқ, шунчаки... ахборот!

— Қаерда ишларканлар беш минг сўмлик бриллиант тақиб? — деб сўради азбаройи эрмак учун.

— Вой, билмасмидингиз ҳали... — Нозимахон аҳли аёлга хос иштиёқ билан сўзлай кетди.

Заҳро асли пединститутни тугатган экан, юраги чатоқлигида, шовқин-сурон тўғри келмай, ўз соҳасида бир кун ҳам ишлаёлмабди, маоши оз бўлсаям майли, деб аэропорда кассирлик қиларкан. Умар ака — жарроҳ, буйрак касалликлари бўйича мутахассис экан. Иккита қизлари бормиш, Беҳзод билан Элзод тенги, худди Фотима-Зухра эмиш...

— Яхши, келин ҳам оёғимизнинг тагида экан, қуда бўлиб қўя қоламиз, — деб кулимсиради Раҳматулла.

— Э, улар... — Нозимахон бирдап гапни ямлаб, хомуш тортиб қолди, анчадан сўнг: — Чой ичасизми? — деб сўради аллақандай бегона оҳангда.

— Йўқ, — деб бош чайқади Раҳматулла ҳоргин — хотинининг тили учиде қолиб кетган гапни у жуда яхши тушунган эди.

Жойига кириб ётгач, қаттиқ чарчаганига қарамай ухлаёлмади — уйқуси ўчиб кетди. Бояги гап туриб-туриб энди пашъа қила бошлади. Хотини: «Улар сизни бир тийинга олмайди», демоқчи эди, демади — аяди... Нега бунақа? Нима учун бундай? Аслида, у — фақат пешона тери билан, ҳалол кун кўрадиган одам, уларни бир тийинга олмаслиги керак эмасми? У, уларнинг олдида эмас, улар бунинг олдида уялиши керак эмасми? Ахлоқан, маптиқан шундай бўлиши керак-ку? Нега унда...

Йўқ, у ҳеч қачон ҳаромхўрлар, каззоблар олдида тили қисик бўлиб қолмайди! Меҳнатнинг, меҳнаткашнинг шималарга қодирлигини кўрсатиб қўяди! Меҳнат — ҳалол ва халос бўлишининг ягона йўли; у ҳали ишлайди, виждонан, қора терга ботиб ишлайди ва имони қомилки, ҳадемай

чеккан заҳматларининг роҳатини албатта кўради! Шундагина у ҳозир саломига базўр алик оладиган ўша бешинчи қаватдагилар билан теппа-тепг, ҳатто балаид келиб гаплаша олади. Лекин, бунинг учун тезроқ, кўнроқ ҳаракат қилиш керак, жон қойитиш керак, тапбалликка, бегамликка ўт очиш керак!

«Йигит киши қирқ ёшгача бирор нимага эришса — эришиди, бўлмаса — тамом-вассалом, — деб ўйлади у, — нарёғи маълум — йўл тадориги...»

Бир ҳафтадан кейин ўт ўчириш командасига ишга кирди. Уч кунда бир боради, кечаси. Кундузлари «РАФ» ни ҳайдаб юраверади.

Витя амаки билан у янги ишхонасида танишди.

Витя амаки — эллик-эллик беш ёшлар чамасидаги ориқ, қоқчакак киши, қоровул. Бу оламда унинг қўлидан келмайдиган хунар йўқ — дурадгорлигу сувоқчилик, чилангарлигу устачилик... Ичкиликни хуш кўришини ва кайф қилган чоғларида бир оз эзма, мақтанчоқ бўлиб қолишини ҳисобга олмаганда, беозор, улфат одам. Ўзининг мақтаниб айтишгича, велосипеддан тортиб атом бомбасигача тузата олади.

Танишган кунидёқ иккаласи ҳам бир-бирига бениҳоя кераклигини англади. Витя амаки уч кунда бир навбатчиликка келар, қолган вақт одамларнинг шахсий буюртмаларини бажарар эди. Ҳожатмандлар орқасидан гала-гала бўлиб ялиниб юришарди: «Виктор Андреевич, Виктор Андреевич...» Бироқ, Витя амаки кейинги икки йил ичида ўзининг хийла қариб қолганини пайқаган, аввалги куч-қуввати йўқ, тўрт марта раида тортеа, қора терга тушиб кетади. Хуллас, унга ёш, бақувват, мўмин-қобил бир ёрдамчи ҳаводек зарур эди. Раҳматулланинг ичмаслиги айни муддао бўлди. Сархуш устанинг ёшида ҳушёр шогирд турса яхши-да: иш ҳам унумли бўлади, ҳисоб-ки-тоб ҳам.

Шайба куни улар шаҳар ташқарисига — бир мансабдор одамнинг далаҳовлисига фин ҳаммоми куришга бордилар. Уста томоқ хўллаб олгач, иш юришиб, ота-бола бўлиб кетдилар. Витя амаки ҳақиқий уста эди, ҳар бир қоққан мишини бир санъат асарини, деса арзирди.

Ўркач-ўркач адирлар қўйидаги бу мўъжазгина чорбоққа, қулф уриб ётган турли-туман гул-чечакларга термилиб тураркан, Раҳматулланинг ҳаваси келди, яна оҳиста хўрсинди, дилидаги қат-қат орзулар ёшига тагин бир ният тугун бўлиб тугилди...

Нозимахон зийрак аёл эмасми, эрининг хатти-ҳаракат-

ларни кўриб, қўл қовуштириб ўтираверса бўлмаслигини дарҳол англади. Кечқурунлари бичиш-тикиш курсига қатнай бошлади ва кўкламга чиқиб, бир кун кечаси Раҳматулланинг қулоғига:

— Бозорнинг ичидаги магазинга зўр тикув машинаси кепти, немисларники, — деди. — Биттасини олиб бера-сиз-а?

Раҳматулла чала мудраб ётган эди, кўзларини очишга эришиб:

— Қўйсангиз-чи, — деди.

— Йўқ деманг, — деди Нозимахон унинг елкаларига суйкашиб, — оберақолинг, менга жудаям зарур. Хўпми? Хўп, дейқолинг энди, майлими?..

Аёлнинг тунги гамзаларига қайси эркак дош берибдики, Раҳматулла дош берсин!

Раҳматулла энди уйда камдан-кам бўлар, баъзан у ишхонасидан бунисига югуриб кетаётиб, беш-ўн дақиқага бош суқиб ўтганида, болаларини мудом ҳовлида, Нозимахонни эса машинасини шақирлатиб ўтирган ҳолда кўрар эди. Гоҳ унинг атрофида потаниш-аёллар уймалашиб турар. Нозимахон эса бирпас ишини қўйиб, у билан икки-уч оғиз гаплашарди-да, тагини миқозлари ёшига шошиларди. Ҳадемай у зўр чевар бўлиб долг чиқарди, энди шаҳарининг нариги четларида ҳам қиз-жувоқлар, келин-чаклар «Нозимахон тиккан кўйлақлар»ни орзу қила бошладилар. Раҳматулла хотинининг бу ишига бошда шунчаки бир ҳавас деб қараган эди, аммо кундан-кунга унинг шуҳрати том баравар ошиб бораётганини кўриб хайрон қолди-ю, мамнуи илжайиб қўйди.

Уйдаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янги жиҳозга улар худди ёш боладек қувонишар, хоналари тўлиб кўрки очила борган сари ўзлари ҳам тобора очилиб боришмоқда эди.

Бир якшанба Витя амаки шамоллаб, Раҳматулла уйда қолди. Эрталаб хотинининг олдида иккита қиз кўришгандек бўлудди, кечга бориб ҳам улар кетмади. Раҳматулла ошхонада чой ичиб ўтирганида Нозимахон кириб келди.

— Йўнатдингизми миқозларини? — деб сўради Раҳматулла ярим ўгирилиб.

Нозимахон жавондан пиёла олиб, унинг рўпарасига ўтирди.

— Миқозмас улар.

— Не?

— Сизга айтмадим-а, ҳали, тунов кун кечки пайт жой сўраб келиб қолишди. Бири Бўкадан экан, бири

гулистонлик, медтехникумда ўқишаркан. Раҳмим келиб... Йўқ деёлмадим... — Нозимахон унга гуноҳкорона тикилди.

Раҳматулла қаттиқ аччиқланди, тўнгиллади:

— Бир оғиз маслаҳат...

— Ўзингизни бир ҳафтадан бери энди кўриб турибману қандай маслаҳат қиламан? Жаҳлингиз чиқмасин, вақтинча. Кичкина хона бари бир бўш ётибди-ку... Сиз доим ишда бўлсангиз, қўрқаман иккита бола билан...

Раҳматулла индаёлмай қолди.

Нозимахон, ўзи ижара азобиши кўп тортганиданми, қизлар билан тинч-тоғув яшаб кетди. Фақат, Раҳматулла анчагача порози бўлиб юрди: «Қизлар эшитади!» деб, Нозимахон уни энди яқинига йўлатмас, ижарачилар уйига кетган аҳён-аҳён кечалардагина у хотишининг висолидан баҳраманд бўлар эди...

Гулсара билан Дилдор очик, содда-самимий қизлар эди, бир йил туриб, хайр-хўшланиб чиқиб кетишди. Ўша куни кечқурун Нозимахон унга олти юз сўм тутқазиб:

— Мана, Гулсара билан Дилдордан эсдалик, — деди...

Умуман, Нозимахон энди бутунлай ўзгариб кетган, уш устма-уст ҳайратга солмоқда эди: бир оқшом қарасаки, яп-янги «Оптима» машинкасини чиқиллатиб ўтирибди.

— Ҳа? — деди у таажжубланиб.

— Муборак бўлсин, демайсизми? — деди Нозимахон ўршидан туриб. — «ГУМ»даги бир таниш аёлга тайинлаб қўйган эдим, кеча ишхонага телефон қилиб қолди, опкелдим. Қараинг, энг зўр маркаси! — У ярқираб турган машинкани меҳр билан силаб қўйди.

— Нима қиласиз буни?

— Роман ёзаман, — деб янқ этиб қолди Нозимахон.

— Йўқ, беҳазил? Биров сўраганимиди?

— Ўзимга олдим, ўрганаман.

— Нега?

— Керак-да. Вой, қўлингиздагини беринг, гўштми?.. Билмас эканман, ҳамма пул машинкада экан! Бир бети қирқ тийини-а! Холида она айтди, ўргатаман, деди.

— Холида онангиз ким тагини?

— Сиз танимайсиз, қўйлак тиктирувди. Редакцияда ишлайди.

Раҳматулла нима деярини билмай етулга чўқди.

— Чарчадингизми? Ҳозир овқат опкеламан.

— Йўқ, кетаман. Витя амаки кутиб турибди, Тезиков томондан иш олганмиз. Эрталаб ўшанақаси ишга ўтаман, кечқурун навбатчиман. Болалар қани?

— Ҳа-а... — Нозимахон муҳим бир гап эсига тушгандек, унга синовчан термилди. — Болаларни боғчада қолдирдим, ҳафталикка.

— Нима-а? — Раҳматулла ўридан туриб кетди.

Нозимахон унинг авзойини кўриб, капалаги учди:

— Ишим кўпайиб кетиб... вақтинчага...

— Нега ундай қилдингиз?! Нега?! — дея бўғилиб шивирлади Раҳматулла. — Етимчами сизга? Отаси ўлганми, опаси ўлганми?! Боқмайман, десангиз, майли, айтинг, детдомга топширворай!

Нозимахон, қуралай кўзлари жик ёшга тўлиб, ёлворди:

— Мени нимага қийнайсиз, мен...

Раҳматулла ўзини босолмай қўл силтади, асабий тутакиб, ошхонага кирди, негадир холодильник эшигини очиб-ёнди, остона олдига қайтиб, туфлисини кияётганида, ичкаридан Нозимахон мунгайиб чиқди, индамай, эгилиб унинг туфлисини арта бошлади... Раҳматулланинг кўнгли бузилиб кетди, бу бечорада не гуноҳ, деб ўйлади, айби — сенга қўшилиб арава тортаётганими, ўзи учун қилмайти-ку, шу рўзгор деб, бола-чақам деб... Вақтинча-ку ахир буларнинг барчаси, оз қолди, кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетар...

Бироқ, қовоғини очмай, эшикни қарсиллатиб ёнди.

Пайшанба куни Витя амаки билан ўна ишни тугатиб, кайфи чоғ қайтди. Нозимахон ҳеч гап бўлмагандек, очик юз билан қарши олди, айланиб-ўрғилиб, атрофида нарвона бўлди, болалар ҳамон боғчада экан, у индамади — турмуш тағин изига тушиб кетди.

Шу орада уйларининг ёнгинасида кечки мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Раҳматулла бир куни шу ердан шошиб ўтаётди, симёғочдаги эълонга кўзи тушиб қолди: мактабга зудлик билан қоровул керак. Эълонни йиртиб олди, уйга кириб, Нозимахонга кўрсатди:

— Яна бир кеча бўшман-ку, шунинг сизнинг номингизга расмийлаштирсак, нима дейсиз?

Нозимахон қаршилиқ қилмади, вақтинча бўлса, майли, ўзингиз биласиз, деди, агар жуда кўрқсам, яна бирорта ўқувчи қизлардан ёнимга оларман, келиб юришувди, деди. Унинг ҳозир бош кўтариб қарашга фурсати йўқ, стол устида кўлёмалар — бировнинг китоби, бировнинг днп-ломи, аллакимларнинг диссертациялари уюлиб ётар эди.

Шу тариқа Раҳматулла уйдан ихтиёрий «бадарга» бўлди. Энди у асосан ишхонада истиқомат қиларди: бирида ётиб турар, иккинчисида овқатлапар, яна бирида соқол олар эди. Баъзан буларнинг барчаси кўзига ҳирси

дунё каби қўришиб кетар, ammo энди бирор нимани ўзгартиришга журъати етмас эди.

Куилар ўтаверди, ойлар ўтди.

Ёзга бориб, Раҳматулла ишни катта қилиб юборди: Нозимахоннинг поэтик дидио Витя амакининг олтин қўллари ва ўзининг куч-қуввати қўшилиб, уйда гаройиб бир мўъжиза рўй берди. Пул бўлса, миянинг ҳам янги-янги тарҳлари очилди кетаркан. Қарийб тўрт ой давом этган «фундаментал ремонт» дан сўнг уйлари ажойибхонанинг ўзига айланди-қолди. Ҳожатхонагача дуб эшиклар ўрнатилди. Раҳматулла жонига тегиб кетган эски қақир-қуқурларини — алмисоқдан қолган жиҳозларини мамнуният билан ахлат уюмига улоқтирди. «Орхид» югослав мебели, уч минг сўмлик япон стереосистемаси, французча кинескопни рангли телевизор, ҳар бир хонада шифтга қадар қоқилган шоҳона араби гиламлар — ҳамма-ҳаммаси нақ унинг ҳаёлидагидек, балки ҳаёлидан ўй чандон зиёда эди.

Эр-хотинининг қувончи чексиз. Буларнинг барчаси уларнинг ўз меҳнати билан бунёд бўлган, уйқусиз тушлар эвазига, ҳузур-ҳаловатдан, бола-чақадан кечиб тортган заҳматлари эвазига келган, бундаги ҳар бир буюмининг ўз тарихи бор, бу тарих қон ва тер билан сугорилган, улар учун бениҳоя азиз, муқаддас!

Энди бу уйларда роҳат-фароғатга чўмиб, фақат яшаш лозим эди, бироқ, афсуски, Раҳматулланинг бунга вақти йўқ: тонг саҳардан ит қувган мушукдек ишхонадан ишхонага чопади, шамба-якшамба қуилари уни Витя амаки бетоқат кутади.

Куз оқшомларининг бирида «уй тўйи» қилиб беришди. Жуда кўн одам келди: Раҳматулланинг учала ишхонаси, Нозимахоннинг коллективи, лабораториядан Муаттар Зокировна бошчилигида саккиз киши, Самарқанду Маргилондан қариндош-уруғлар, қўни-қўшини, миқозлар, ижарачилар... Зиёфат олиймақом бўлди, ҳамма уларга ҳавас қилди, ҳамма уларга қойил қолди.

Меҳмонлар тарқаб, энг яқин одамлар қолгач, Раҳматулланинг отаси айтган гап шу бўлди:

— Бошқа уйга кўчганимсан, ўғлим?

Раҳматулла кулиб, Нозимахонга қаради, Нозимахон гул-гул яшнаб, дастурхонни поз-исъмат билан тўлдираркан, жилмайди:

— Ўша уйимиз, фақат ўғлингиз у ёқ-бу ёқни сал тузатиб бердилар.

Эртасига ота йўлга отланди. Раҳматулла уни пастга кузатиб тушганида, шунчаки айтгандек:

— Зерикдим, ўғлим, — деди. — Уйнинг худди магазинга ўхшаб қолди. Қандоқ яшайсизлар бунда?

Раҳматулла яна қулиб қўя қолди.

— Хай, омон бўлинглар, — деди отаси вокзалда, хайр-лашаётиб. — Ишқилиб, ҳаром йўлга юрма, болам. Ҳаром буюрмайди.

— Э, нима деяпсиз, ота! — деди Раҳматулла ранжиб.

— Ҳозир замон тўқчилик, — деди отаси унинг гапини эшитмагандек, — ҳамма парса бор. Сизлар йўқчиликни кўрмагансизлар, плоё кўрманглар. Лекин йўқчиликка дош берса бўлади-ю, тўқчиликка... Билмадим-да, болам.

Раҳматулла кўнгли гаш бўлиб қайтди.

Эртаси кечқурун Нозимахон машинкасини чиқиллатиб ўтириб, бир гап айтиб қолди:

— Тагини озгина ҳаракат қилсак, янаги йил кўкламга машина олсак ҳам бўлади.

— Э, бас энди! — деди Раҳматулла эпаси қотиб. — Чарчадим, яшаш ҳам керак. Неча йилдан бери отпускасиз ишлаймайман. Сиз ҳам кўп уриनावерманг, болаларга қараиш, ўзингизга...

— Ўзимга нима қилти? — деб қолди Нозимахон. — Ё... — Бошини кўтариб, унга қаранима билан тикилди.

— Тирикчилик деб жуда қатордан чиқиб қолдик. Қанча бўлди кўлимга бир китоб олмаганимга.

— Машинаям жуда зарур-да, — деди Нозимахон ўзининг гапини маъқуллаб. — Машина олайлик, кейин, майли, илмий ишингизга қайтасиз.

Раҳматулла ҳуштак чалиб юборди.

— Ўйлаб ганирияйсизми? Илмий иш — илм, ҳаммом қуриш эмас сизга!

— Э, агар сиз хоҳласангиз...

— Мен энди тинчгина яшанин хоҳлайман.

— Майли, олдин машина олиб бериш.

Раҳматулла, бир кўнгли, хотинига жуда кўп гапларни айтмоқчи бўлди. Нозимахон, ёдингизда бўлса, талай қийин купларини ҳам бошимиздан кечирдик, сиз билмайсиз, Элзодин касалхонада олиб ётганингизда, бир куп овқат қилиб боришга ҳам пул тополмаган пайтим бўлган, йўқчиликни ҳам кўрдик, шуларга ҳам дош бердик, ҳаммаси ўтди, энди ундай қилмайлик, бориға шукр қилиб, тинч-тотув яшайлик, мен ҳам чарчадим, жоним темирдан эмас, азбаройи шу уйим-жойим деб, бола-чақам деб... Лекин ҳозир Нозимахоннинг қулоғига «08» маркали «Жигули»нинг сигналидан бошқа парса кирмас эди.

Қуилар қуиларни қувиб, улар эса дунё қувиб ўта бошладилар.

Поябрь байрами арафасида ниҳоят ниятларига етишди: подвездлари тагида сутраги «Жигули» пайдо бўлди. Озгина етмаганига Витя амаки қараниб юборди.

Шанба кун Раҳматулла йиллаб орзу қилганидек, ўғилларини, хотинини машинасига ўтқазиб, далага олиб чиқди. Паркент томонларга бориб, икки кун роса маза қилишди: қимиз ичишди, тоғлар-боғларни кўришди, қайтишда бир қогоз қутн тўлдириб хусайин олиб келишди. Шу сафарнинг ўзидаёқ Раҳматулланинг ҳамма чарчоқлари тарқаб, дилида зигирдак ҳам губор қолмади.

Душанба кун эрталаб стул суянчигидаги жинсен шимини шоша-пиша олиб кияётган эди, Нозимахон тўхтатди:

— Қўйинг, кийманг энди шуни.

— Нега? — деди Раҳматулла ҳайрон бўлиб.

— Беармон кийдингиз-ку, ҳаққингиз қолдим!

— Э, қўйсангиз-чи! — Раҳматулла шимига қўл чўзди.

— Йўқ, кийманг. Кўчада мундоқ атрофингизга қарайсизми ўзи?

— Нима бўпти?

— Ҳамманинг эғшида жинсен. Қадриям қолмади. Сиз кийманг энди. Бошқа нарса олиб бераман ўзим.

Икки кундан кейин Нозимахон унга хитойи жуққундан ўзи антиқа қилиб тиккан шим совга қилди. Раҳматулланинг боши кўкка етди.

— Нарини ҳафта уйимизга телефон тушади, — деб хушxabар айтиб қолди Нозимахон, у чиқиб кетаётганида. — Қийналмайсен энди. Суянчини чўзаверинг.

— Ростдан-а? Ана бу зўр иш бўпти! Дарров навбатимиз келти-да?

Нозимахон хандон танглаб қолди:

— Соддасиз-эй, хўжайини! Навбатингиз ўттиз йилдаям келмайди.

— Ҳа-а? — деди Раҳматулла гапгиб.

— Э, бир хонаси келиб қолди-да.

Маълум бўлишича, Нозимахон телефон идорасида каттақон бўлиб ишлайдиган Сусанна Владимировна деган бир аёлга «кечки» қўйлақ тиккан экан, она-синигил бўлиб қолишибди, у ёрдам беришга ваъда қилибди, албатта, озгина совга-салом кетса керак, лекин ўсма кетар, қош қолар, дегандек, баҳонада телефонли бўлиб қолишди.

— Аммо, бизнинг «дом» га ҳали телефон келмаган-ку? — деди Раҳматулла бошини қаниб.

— Нега келмас экан? Заҳролар икки йил бўлди-ю, тушириб олишганига...

Э, падарига лаънат! Япа ўша Заҳро! Япа ўша бешинчи қаватдагилар! Қачон тугаркин бу пойга?!

Раҳматулла шошиб бораркан, ўзича ўйлади: қарздан қутулиши билан ўт ўчиришни ҳам, қоровулликни ҳам, Витя амакини ҳам ташлайди-ю, тўйиб-тўйиб ухлайди!..

Аммо Нозимахоннинг режалари бутунлай бошқача экан, хафа бўлди: ётиб еганга Сулаймон тоғи ҳам чидамайди, янгини эски асрайди, ҳали камчилик қўп, бу беш йилликда видеомагнитофон оламиз, ундай кейин иккаламиз Японияга саёҳатга бориб келамиз, дунё кўриш керак, ахир...

Раҳматулла у билан тортишиб ўтирмади.

Чоршанба куни бир соат бўш вақти бор эди, уйига кириб, энди чой қўйиб турганида, Нозимахон ишдан келиб қолди.

— Кеча печенье пиширган эдим, шанба куни болалар келса ейишар,— деди халатини кийиб чиққач, унинг олдига дастурхон ёзаркан.— Олинг. Овқат қилайми?

Раҳматулла ҳуши оғиб, хотинига тикилиб қолди.

— Очилиб кетибсиз...— деб шивирлади унинг хипча белидан кучиб.

— Қўйинг, хали бир дунё ишим бор. Қўйинг...

— Мен Қундузни соғиндим. Жудаям...— деб шивирлади Раҳматулла.— Қачон...

— Э, шма кераги бор? Энди ўлсам ҳам тугмайман.

— Бекорларни айтибсиз!— Раҳматулла нўнуса қилди.— Хали...

— Тугмоқ осонми сизга? Бўлар, шунча азоб торганим. Мен ҳам одамдек яшай энди. Овқат қилайми, нега индамайсиз?

— Йўқ,— деди Раҳматулла алланечук бўшашиб, руҳсиз.— Кетаман ҳозир.

Бу воқеа чоршанба куни бўлди. Пайшанба куни кечқурун Витя амаки уни Чилонзорга ишга олиб кетди, эрталаб ўшанакаси ишхонасига борди. Кеча иш жуда қаттиқ бўлган, ўтган куни Эски шаҳардаги ёнғинни тонг отгунча ўчиришган, боши чўяидек оғир эди.

Кечга томон Юнусободда ишчиларни олиб келиш учун йўлга чиқди. Кун қайтгани билан ҳаво иссиқ, худди кўрғошнинг ёгаётгандек, нафас олган сари кишининг ичи ёпади. «Қозогистон» кинотеатри ёнида светофорнинг қизил чирогига тўғри келиб, машинани тўхтатди, йўлга тикилиб тураркан, силкиб-силкиниб, тош осгандек пастга

босиб кетаётган қовоқларини очди, Галаба боги олдига етганда, кўзи бир лаҳза, бир лаҳзагина илиндию...

Уни шанба кунини пешинида чиқаришди. Самарқанддан эрталабки рейс билан қариқдошлари учиб келишди. Қийёмат бўлиб кетди. Йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам.

Учала ишхонасидан одам келди. Ҳамма жойда уни ниҳоятда яхши кўришаркан. Учала идоранинг ҳам маҳаллий комитетлари ёрдам пули ажратиб, Нозимахонга топширди.

Нозимахон бир кечада адоин тамон бўлган, кўзлари одамга маънисиз боқарди, пулдан бош тортди.

— Ҳеч нарса керак эмас,— деб шивирлади у,— ҳеч нарса...

Эрининг «уч» и ўтгач, Нозимахон қора кийиниб ишга тушди. Отпуска беришмоқчи эди, рад қилди. Одатдагидек, яна кечкурунлари гоҳ машинкасини, гоҳ тикув машинасини юргизиб алламаҳалгача ишлаб ўтирибди. У Раҳматулланинг «йигирма»сини жуда катта қилиб ўтказмоқчи — икки юз кило гуруч дамлаб, етти маҳаллага ош бермоқчи, учала ишхонасидан, Самарқанду Маргилондап одам чақирмоқчи...

Кўклам чоги, илик узилди палла, одамнинг силласи қуриб лоҳас бўлаверадиган кунларнинг бирида тушлик пайти икки-уч ҳамкасб шаҳар ташқарисига кабобхўрликка чиқдик. Ишхонага қайтиб келсак, соат икки ярим бўпти. Ҳали жойимга ўтиришга улгурмасимдан котиба қиз эшикни қия очиб:

— Сизни Сафар Ашурович сўраяптилар, тез кираркансиз, — дедию ёв қувгандек югуриб изига қайтди.

Ҳайрон қолдим. Чунки директор мени танимасди ҳисоб: уч ой бурун ишга кираётганимда у бетоб эди, мен билан муовинларидан бири суҳбат ўтказган эди. Қолаверса, юздан ортинқ одам ишлайдиган идорада директор ҳаммани таниши шарт эмас, деб ўйлардим, кейин, ўзим ҳам бунга у қадар орзуманд эмасман — фақир киши панада бўлгани тузук. Хуллас, қабулхонага етгунча не бир хаёллар бошимга келиб кетмади. Ярим соатгина кечикканимга хабарқашлардан бирортаси кириб бонг урдимикин? Ё, боя кабоб устида идорадаги баъзи ишлар ҳақидаги наст-балаид гапларимизни битта-яримта етказдимкин? Дарров-а? Қойил-э, одамлар қандай улгураркин? Умуман, қандай эплашаркин?

Директорнинг столи сип-силлиқ эди. Юмшоқ креслога чўкиб ўтирган жиккак, кўзойнакли одамнинг акси стол сатҳида ойнадагидек тишиқ бўлиб кўринарди. Эшик очилганда у олдидаги китобдан бош кўтариб, кўзойнаги устидан бир қараб қўйди. Қизиқ, ўқиётган китоби ҳам бениҳоя катта, нақ ёстиқдай келарди. Негадир, менга Сафар Ашурович маза қилиб қадимги жангномаларни ўқиб ўтиргандек туюлди: «Андоғ урдиларким, тиззаларигача ерга кириб кетдилар...»

«Мана, ҳозир андоғ урадиларким, тиззаларингача ерга кириб кетасан», деб ўйладим юрагим увишиб. Лекин Сафар Ашурович титроқ саломимга «Ваалай...» деган

бўйи яна китобини ўқийверди. Чамаси, жангиоманинг қизикроқ жойига келиб қолган шекилли. Оғирлигимни у оёғимдан бунисига солиб, эшик ёнида ўн беш дақиқача қаққайиб турдим. ниҳоят, тоқатим тоқ бўлиб:

— Мени йўқлатган экансиз? — дедим. «Ўладиган хўкиз — болтадан қайтмас» қабилдаги бир жасорат билан.

Сафар Ашурович хаёлини бўлганимга оғриниб, китобидан кўзини узди, хийла вақт муддаомни англамагандек, елкам оша бўйлиққа фаромуш тикилиб турди-да, бир пайт эснаб:

— Сиз беш-ўн кун ўйнаб келинг, ўғлим. — деди. Сўнг яна китоби ичра шўнғиб кетди — ҳа, айнан, том маънода шўнғиб кетди — орқага ястаниб, кафтдек юзига «жангиомай ёстиқ» ни тутиб олди. «Тушунарли. Дийдорингни кўрмай деяпти». Яна нима деярини кутиб, гангиб туравердим. Бироқ Сафар Ашуровичдан қайтиб садо чиқмади.

Хит бўлиб, нимқоронғи йўлакка чикдим. Сигаретим тугаган экан, гудранганча кетиб бораётсам, биров шапша билагимдан ушлади: Маллаев, матбуот бўлимидаги ҳамсезимиз Эшназар Маллаев ҳансираб турибди, пешонасида мунчоқ-мунчоқ тер.

— Ҳа? — дедим бирдап кулгим қистаб.

— Йилингиз отми, намунича чопасиз? — У ялтираб кетган қора костюми чўнтагидан дастрёмол олди. — Боядан бери орқангиздан лўкиллаб етолмайман-а! Қалай энди?

Маллаев — ўзининг ғурур билан таъкидлаб юришича, «идорамизининг йирик намояндаларидан бири». Лекин бунини у асосан баҳайбат гавдасига инебат бериб айтишини ҳамма биледи. Шунинг учун тап тортмай:

— Зўр, — дедим.

— Ў, маладес! Хурсандмиенсиз, ахир?

— Нега хурсанд бўлишим керак? — дедим энди эсим қотиб. Ё тавба, бугун бу идорадагиларга бир бало бўлганми?

Маллаев шап этиб пешонасига урди-да, қиқирлаб кулганча бидирлай кетди:

— Э, калла! Сизга айтмабман-ку, муни қаранг! Ҳе, склероз чол! Ҳа, бу... хўжайини чақирдиларми?

— Хўш, чақирса нима?

— Зўр бўпти-да. Қани, қўлини ташлап, бир ҳафта машаат қилиб келамиз энди!

— Қайфингиз йўқми, Эшназар ака? — дея бир қадам жилдим.

— Э, шошманг, шошманг ахир, гап бор. Хўш, демак, бундог. Кеча кечқурун меням сизга ўхшаб тўсатдан

чақриб қолдилар. Анча гаплашиб ўтирдик. Сафар Ашурович жуда улуғ одам, ҳеч нарса эсларидан чиқмайди. Ҳа-а, у киши янги ҳовли олганлар, хабарингиз бор. У ёққа ўғилларини чиқараётган эканлар, Асқаралини. Хўш, шунга ўша кўчатдан тагин тошиб бўлмасмикан, деб қолдилар.

— Қанақа кўчат?

— Ҳе, дарвоқе, сиз буни билмайсиз-а... Анча бўлди, қани, ўн беш... йўқ, ўн етти йил бўлибди. Мен Сафар Ашуровичнинг қўлига ишга келган йилим Сарносиёдан уч туп хурмо кўчат опкелган эдим. Бир туپини ўзимнинг ҳовлимга, икки туپини у кишининг ҳовлисига эккан эдик. Яхши тутиб кетди, ҳозир жуда бинойи. Энди Асқарали ҳам дадасидан илтимос қилган экан, менгаям икки туп эктириб берсангиз, деб. Шунга мен маслаҳатга чақирган эканлар.

Маллаевнинг узундан-узоқ даромади назаримда асло тугамайдигандек эди.

— Хўш, қисқаси?— дедим гижиниб.

— Хўш, қисқаси,— дея лабини ялаб қўйди у.— «Майли.— дедим.— эски кадрдонлар бор, ахир, ўн йил тер тўкканмиз Сурхон воҳасида, икки туп кўчат одаминг хуни бўптим!— деб юбордим.— Энди, ака, йўл узоқ, хурмо деганиям жуда позик нарса, поезд-моезд қилиб юрма-сақ-да, шу Файзуллажонга икки-уч кунга жавоб берсангиз, гир этиб бориб келардик, гангир-гунгир», дедим. У кишига маъқул бўлди. Шу. Бу ганин кейин сизга бир оғиз айтиб қўярман, дедим, буни қараинг, паққос хаёлимдан кўтарилибди-кетибди.

Маллаев сийрак, сарғиш киприкларини пирпиратиб қулиди. У куляпти-ю, менинг жоним бўғзимда лиқиллаб турибди. Вой, сурбет-эй! Вой, хушомадгўй-эй! Елпатаклик қилмоқчи экансан, ўзинг қилавермайсанми, мени нега қўшасан?! Ҳа, Маллаев бўлмай ҳар бало бўл!

— Ие, бу қанақаси?— дедим тишларим гижирлаб.— Бир оғиз сўрамай-петмай, бировнинг номидан... Қанақа одамсиз ўзи?!

— Э, роса маза қилиб келамиз, ука,— деди Маллаев қувнаб, сўнг шифтга қараб олиб:— Сарносиёда бўлганмисиз? О!— деди.— «Сарносиё, Сарносиё! Осиёдан нари Осиё!»

— Мен боролмайман,— дедим қатъий,— кириб айтишингиз мумкин.

— Ия, нега?— Маллаев азбаройи ҳайрон қолганидан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди.

— Нега бўларди, ўзимга яраша тирикчилигим бор

мениям,— дедим тўнгиллаб.— Машина ҳам ярамайди — тормоз чатоқ.

— Э майли, тўхтамасдан етиб оламиз!— деди Маллаев шоша-пиша.

Ё қудратингдан! Жинни-пиними бу?

— Ҳўв, ака, нима деярсиз, худди умрингизда Тўйтепадан нари ўтмаганга ўхшайсиз-а! Сурхондарёдек жойга тормозсиз машинага бориб бўладими?!

— Жон Файзуллажон, бир амалланг!— Маллаев бирдан ер бўлиб ялпира бошлади.— Одамни шарманда қилманг. Бир мардлик қилинг энди. Мен аҳмоқ сизнинг устингиздан ваъда берворган эканман, шарманда бўлмайлик, жон ука. Майли, қанча чиқим десангиз — ўзим балогардон.

«Идоранинг йирик намояндаси» бўлган важоҳатли, савлатманд бу одамнинг ёш боладек эланиб ўтириши бир оз шантимни қайтарса-да, бари бир бўш келмадим:— Баллонлар сийлиб кетган.

— Майли, ука, ҳўп,— деди Маллаев илтижо билан.— Дуёда ажалдан бошқа ҳамма нарсага чора топса бўлади.

Лекин Маллаевнинг ўзинга чора топиб бўлмади — нақ елимкуя экан, кулди, кулдирди; ялпиди, ёлворди — хуллас, тоғи саҳарда йўлга отланиш мажбуриятини бўйнимга олди.

Жўнадик.

Машина хусусида Маллаевга айтганларим баҳона эмас эди: мен аниқ, бўладиган гапни ёқтираман. Жазоир жазираларида кечган уч йиллик умримнинг ёдгори — шартли кетиб қолган «Волга» жонивор билан манзилга етгунча не балоларга гирифтор бўлганимни ёлғиз ўзим ука биллади. Йўлга тушганимизда радио тоғги концерт бераётган эди, охири ашуланинг бир мисраси бутун сафаримизга сарлавҳа бўлганини қаёқдан билибман денг: «Тортган азобим, вой-эй, ким десин!»

Шаҳардан энди чиқшимиз билан Маллаев тўсатдан елкамга туртиб:

— Бир секунд, Файзуллажон!— деб қолди. Шошиб тормоз берган эдим, нэма-нэ келаетган «МАЗ» ўкириб сигнал боеганча орқа ойнага қарийб тақалиб тўхтади. Саватдек соч кўйган шофёр деразадан бошини чиқариб бўралаб сўкинди.

— Нима гап?!— деб қичқирдим Маллаевга ярим ўгирилиб.

— Ҳозир, ҳозир!— Маллаев бамайлихотир лапанглаб машинадан тушди. Қозондек шляпасини бошидан олиб,

яргоқ калласини сийпаб кўйди, ҳалпиллаган шимини юкори тортди-да, орқа ўриндиққа савлат билан ўтириб: — Ана энди ҳайдайверинг. — деди.

— Э, нима қилганингиз бу! — деб бақирдим фиғоним фалакка чиқиб.

— Хўп деяверинг, ука, кейин хурсанд бўласиз, — дея мамнун ишшайди Маллаев.

Оғзини очсам, сўкиб юборишимни сездиму жон-жаҳдим билан тишимни тишимга кўйиб газини босдим.

— Энди, бу важоҳат билан орқада ўтирсак ярашадиди, тўгрими, Файзуллажон? — деди Маллаев сал ўтириб.

Миқ этмадим. Асли, аҳмоқ бўлмасам...

— Ахир, дўст-душман ўтиб турибди. кўрган кўзга... Ким билади, ҳали мелиса ҳам тўхтатадимми... — Маллаев суялчиққа ястанганча ҳамон ўзича жавраб келарди.

Оҳ, қани эди, мелиса тўхтатса, гувоҳномани олиб кўйсаю мени бу бетайин сафару бетайин ҳамроҳдан бирийўла қутқарса!

— Хомтама бўлмапг, одамлар кўр эмасдир. — дедим зардам қайнаб.

— Ҳе, майли-да, ука, буям энди қирқ йилда бир эшак ўйин дегандек гап-да. Оҳ-оҳ! — Маллаев завқ билан бармоқларини қисирлатиб кўйди.

«Илрик намоянда» башорат қилган экан: бирор километр юрмасимиздан ГАИ пости келди. Ола-була таёгини ўйнаб турган мўйловли сержант йўл четига ишўра қилди:

— Хўш, хўжайини, энди нима қилдик? — дедим Маллаевга истехзо билан.

— Нима деяпти йингитча? — Маллаев кафтини пешонасига соябон қилиб милиционерга қаради.

— Хусну жамолингнизни бир кўрмоқчи эмин!

— Хо-хо-хо! Нонушта қилмаган бўлса, нон ботириб ермишми? — У шлянасини қапшарига бостириб, пихиллаб кулди, сўнг фитиначимонанд кўз қисиб: — Қани, нича сабр қилинг-чи! — деди-да, чўнтагидан газета чиқариб, диққат билан ўқишга тутинди.

Хўжжатларни олиб машинадап тушаётган эдим, Маллаевнинг гапидан сўнг қизиқиш ҳисси голиб келиб, қимирламай ўтиравардим. Сержант бир оз қутгач, хусибузар тошган юзиди таажжуб ифодаси балқиб олдимизга яқинлашди, честь бериб, дўриллаган товушда деди:

— ГАИ катта сержанти Хусниддинхўжаев!

— А?! — Маллаев газетадан бошини кўтариб, милиционерга ниҳоясиз ҳайронлик билан боқди.

— ГАИ катта сержант Хусниддинхўжаев! — деб так-
рорлади йннгит зарда аралаш.

— Ҳа-а... Нима қилай шунга? — Маллаев кўзларини
пириратиб милиционерга шундайини маъсум соддалик
билан қарадики, кунга минг асвон одам билан минг
алноз муомала қиладиган сержант бечора ҳам довдираб
қолди.

— Бир хужжатларни кўриб қўяйлик, ака, — дея
журъатсизгина менга юзланди у.

— Хужжатлар жойида! — деди Маллаев мени гашир-
тиргани қўймай, сўнг газетани икки буклаб, лоқайдгина
еллинкари: — Қани, ҳайданг, — деди амирона.

Рўнарадаги кўзгучадан аста разм солдим у ҳайрон қол-
дим — орқада Маллаев йўқ, унинг ўрнида важоҳатли,
қовоғи солиқ бир арбоб ўтирарди! Милиционерга қараб
нидамай елка қисдим.

— Кечирасизлар-да, энди, — деб жилмайди милици-
онер, — хизматчилик...

Маллаевнинг оламшумул маъно билан чимирилган
бароқ қошлари наст-балаид бўлиб кетди.

— Нима? Э, ука, қизиқ экалсиз-ку! Ё бизнинг гапи-
мизга ишонамансизми?

— Ишонамизу, лекин...

— Ия! Бу қандай гап! Ахир, бизнинг гапимизга эл
ишонади, халқ ишонади, сиз нега ишонмайсиз? Сизинки
хизматчилик бўлса, биз аммамининг чорбоғига анжир
егани кетаётганимиз йўқ, бизинки ҳам хизматчилик! Қани,
кетдик!

— Майли, яхши боришлар, акалар, — деди милиционер
бирдан бўшаниб.

— Шундоқ бўлсин, — дея Маллаев унга ҳомийларча
бир назар солди.

«Дам бу дамдур, ўзга дами дам дема», дея зудлик
билан машинани ўт олтирдим. Катта сержант Хуснид-
динхўжаев честь бериб қолди.

— Балосиз-ку! — дедим анчадан кейин лабимга сигарет
қистириб.

— Э, ука, Маллаевни билмайсиз-да! — У илянасини
бошидан олиб, негадир оғир уф тортди. — Аслида-ку... —
Шундай дея хомуш жимиб қолди-ю, қарийб бир соатча
чурқ этмади.

Чиндан ҳам, мен Маллаев ҳақида нима биламан?
Деярли ҳеч нарса. Бир марта тўйда, бир гал ошда бирга
бўлганмиз, холос. Қолгани — салом-алиқ, об-ҳавою парх-
наво хусусидаги икки-уч оғиз луқма. Унинг иши ҳам

биздан бўлак — идорамиздаги янгиликларни ҳар замонда газетга ёзиб туради.

Маллаевни билмаслигимга, мутлақо билмаслигимга манзилга етиб боргач, буткул амин бўлдим.

Район марказига кун чошгоҳдан ўтганда кириб келдик.

— Ўнга бурнинг, ижроқўмга! — деди Маллаев улғворлик билан ва тағип лабимга сигарет қистираётганимни кўриб, пешонаси тиршди: — Э, шофёр деган ҳадеб тутатаверадим!

Маллаевнинг чиндан ҳам менга бошлиқ эмаслигига шукр қилиб, индамай қўя қолдим. Маллаевни кутиб олиш маросими кичикроқ бир тўйга айланиб кетди. Қарнай-сурнай чалинмади, холос. Бирпасда бир дунё тапиш-пота-нишлари ёпирилиб келди. Маллаевни қучоқлаган ким, ўпган ким... Яна ҳайрон қолдим: орадан шунча йил ўтиб кетибди-ю... «Йирик намоянда» бу одамларга нима каромат кўрсатган экан?

Озода, соя-салқин чорбоққа жой қилинди. Дастурхон нақ Маллаевнинг кўнглидагидек: чуқурию чакки, апор сувию ануур пиёз... Ижроком раиснинг ўришбосари — қиррабурун, ўнг оёғи оқсоқ йигит Муртазо Маматқулов бир пайтлар область газетасида Маллаевнинг қўлида ходим бўлиб ишлаган экан, икки гапнинг бирида: «Биз ҳам Эшназар аканинг оталиқлари туфайли...» дея тилидан бол томиб турибди.

Маллаев бу иззат-икромлардан чамаси ўн ёшлар яшариб кетган, қизариб-бўртиб ўтирар эди. Бир маҳал хиёл диққат қилсам, таг-туби марғилонлик одам, соф Сурхон шевасида жағи-жағига тегмай гап сотяпти:

— ...Шуйтиб десангиз, Файзуллабойди бир ўйинатиб келайлик, деб келабердикда-е! Бу киши бизди шопир эмас, инимиз, инимиздан ҳам қадрдон бўлиб қолган.

Дод деб юбораёзим. Ҳаҳ, муттаҳам Маллаев, мана энди билдим ниятингни! Фирибгар! Канадай ёпишганидан ҳам сезувдим-а ўзи! Зўр бериб унинг шира босган сурбет кўзларини қидираман, қани, тутқич берса!

— Ҳўда соз бўпти-да, — дея даврадагилар менга манзират кўрсата бошладилар. — Қани, ука, пиёлапиз...

Салдан кейин Маллаевнинг гап-сўзлари гашимга тегмай қўйди. Аксинча, бу ўйин ўзимга ҳам ёқиб қолди, беихтиёр янги қиёфага киришиб кетганимни сезмадим ҳам.

Қовурдоқ келди. Ниҳоят, Маллаев овқатга андармон бўлиб, оғзи гапдан бир зум тинганда:

— Хўжайин, боя кўчатни эсимга солгин, девдингиз, —

деб қўйдим, баллон хусусида берган ваъдаси ҳам ёдига тушар, деган умидда.

Дарвоқе! — Маллаев бошмалдогини ялаб, Маматқуловга қаради.

— Қани, олигизлар. Қандай кўчат, ака? — деди Маматқулов.

Маллаев шёладаги чойни бир хўшлаб бўшатди.

— Э, Муртазобой, ўгил-қизди савдоси — елгага тегар новдаси, деб машойиҳлар хўб билиб айтган, — деди тамшаниб. — Шу, тўнгич ўгилга ўтган кузакда бир ховли қилиб бериб эдик. Рўзгорини токи игнаю ишигача бутлаб бердик. Ҳай, ўғлим, энди раччўтдир-а, десам, илжайиб нима дейди денг, хумнар? «Мана шу хурмодан бизди ҳовлига ҳам икки тунгина ўтқазиб берасиз, кейин — раччўт», дейди.

— Не, Эшназар ака, ўгил-қизлар шундай катта бўлиб қолганми? — деб сўради пойгакда ўтирган Самад деган молния ходими.

— Ҳе-хе! Умр кетяпти, биродар. Пабираиниғ ўзидан бир команда бўлди, — дея Маллаев ёлгонни ҳам ямламай ютарди. — Энди, асли келишимизга ҳам сабаб шу, Муртазобой.

— Отасига раҳмат ўглингизиниғ! — Маматқулов бир им қоққан эди, хизмат қилиб юрган элчил йигитлардан бири тақсимчаларда жизиллаб турган кабоб келтириб қўйиб кетди. — Кўп эли йигит экан. Агар шундай демаса, бу дийдор кўришув қаёқда эди, а, Эшназар ака? Қани, шундай ақлли йигитлариниғ соғлиғига... Бўнти, ташвиш қилманг, мана, ҳозир Ҳамдамбойдан илтимос қиламиз, ҳаммасини қотиради. Ҳа, тўғри лимонарийга борасиз-да. Менга қаранг...

Кўчатга одам кетгач, пича хотирижам бўлиб, еган-ичганим ичимга туша бошлади. Энди Маллаев янги нағмалар бошламасидан — шарманда бўлмай туриб, эс борида этакни ёнган маъқул.

Зиёфат айни қизган маҳал дарвоза олдига ичоққина «Москвич» келиб тўхтади. Машинадан тушган баланд бўйли, ёни қайтган чорпахил киши мошранг камзул-шимини бир-икки қоқиб, тўғри биз томон келаверди.

— Ким бу? Турдиёров эмасми? — деб шивирлади Маллаев Маматқуловга энгашиб.

— Ўша. Дарров танидингиз-а? Буям қариб адо бўлган. Менда жиндай иши бор эди, излаб келяпти шекилли.

— Пенсиядадир? — Маллаев ўтирган жойида бетоқат тўлганиб қўйди.

— Йўқ, ишлайди. Госстрахда инспектор.

— Ҳормангизлар!

— Э-э, келинг, Бердирахмат ака! — Маматқулов ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди. — Қани, бу ёққа.

— Ассалому алайкум. — Бердирахмат ҳамма билан бир-бир омонлаша бошлади. — Ў, жамоат жам-ку! Э, ўтираберингизлар. Ҳа, Муртозбой, димоқлар чоғми?

— Раҳмат. Мана, меҳмонлар келиб қолган экаи, гурунглашиб ўтирибмиз-да.

— Бинойи. Қалай, меҳмонлар, толиқмай келдиларингизми? Хуш келибсанлар.

Мундоқ қарасам, Маллаевдан садо чиқмайдиган.

— Хушвақт бўлинг, — деб қўя қолдим.

Самад Бердирахматга чой қўйиб узатди.

— Қани, ака, қовурдоққа қаранг.

— Хўш-хўш. Меҳмонларни таништирмадингиз, Муртозбой? — Бердирахмат чағир кўзларини қисиб Маматқуловга қараб қўйди.

— Танимадингизми? — Маматқулов кулимеираб, дастурхон четини ҳимарди. — Хўп, бу укамиз Файзуллабой. Бу киши... Эшназар ака, ўзимизнинг Маллаев, эсладингизми?

Бердирахмат мағлайти тириниб, бизга зеҳн билан узоқ разм солди, негадир дўничесини бошидан олиб кизағини эзиб кўрди, қоқиб қайта кияркан:

— Э! Буни қаранг! — деди. — Ҳа, ўртоқ Маллаев, қалайсиз? Ўзгармабсиз-ку, танимабман-а.

Маллаев хиёлатли илжайди:

— Хўб саломат бормисиз, Бердирахмат ака? Болачақа?

— Шукр.

Орага узоқ, маъноли сукунат чўкди. Назаримда, буларнинг ўртасида мендан бошқа ҳамма биладиган аллақандай саноат мавжуд эди-ю, шу барчанинг тил-жағига қулф солиб қўйгандек эди.

— Иш битдими, Бердирахмат ака? — деди Маматқулов ашчадан сўнг.

— Битди ҳисоб. Мана шунга битта имзо боссалар — бас. — Бердирахмат камзули чўнтағидан аллақандай қоғозларини олиб Маматқуловга узатди. Маматқулов қоғозга қараб ҳам ўтирмай қўл қўйиб берди.

— Мана, ака.

— Кўп яшанг! — Бердирахмат шундай деб бемалол ўришиб ўтириб олди, аллақандай синиқ кулимеираб: — Энди, хўжайини, руҳсат берсангиз. ўртоқ Маллаев билан бирпас отамлашамиз-да? — деди.

— Ҳе, марҳамат!— деди Маматқулов ва зимдан Маллаев билан кўз уриштириб олди.

— Қани, сузинг эса, Самадбой! Ўртоқ Маллаевнинг пойқадамларига битта олайлик!— дея Бердирахмат катак дастрўмолча билан мижжаларини артиб қўйди.

Самадбой ҳам имога маҳтал турган экан, кўз очиб юмғунча қадаҳларни лиммо-лим тўлдирди.

— Хўш, бўлмаса,— дея Маматқулов мутасаддиликни қўлга олди,— даврамиз тўлаверсин. Қани, Бердирахмат ака, бир тоз айтнинг энди.

— Э, бизди қўйинг-э, Муртозбой!— Бердирахмат қиҳ-қиҳ кулди.— Мана, меҳмонлардан... ўртоқ Маллаевдан эшитайлик, у киши мухбир, сўзга уста. Биз бир урилган одам бўлсак, чаласавод сугуртачи...— Сўнги ижумлани кулиб айтarkan, лаблари негадир буришиб кетгани сезилди.

Маматқулов Маллаевнинг нимадир демоқчи бўлганини пайқайди шекилли, усталик билан гапни бурди:

— Қани, олар! Қаторимизда хато бўлмасин!

«Қаторимизда хато бўлмади» — Бердирахмат ҳам каф-тининг орқаси билан лабини артиб, устма-уст йўталди.

Сухбат совиди.

Маллаев ўнгайисизланиб тинмай илжаяр, ҳалиги хуш-хандонлигидан асар ҳам қолмаган эди.

Мезбонлар дам-бадам дастурхонга манзират қилишар, гурунг мавзун ҳам, боя айтганимдек, об-ҳавою нарх-наво хусусига оққан эди.

Бердирахмат қўлидаги қалампиргулли ниёлапи аста айлантириб ижмгина ўтирар, аҳён-аҳён бошини кўтариб Маллаевга галати-галати тикилиб қўяр эди.

Яна қадаҳ айланди. Маллаев алёр айтди, кейин — мен. Ҳамма хийла сархуш, бироқ даврадан аллақачоп файз кетган.

Ниҳоят, барча бир-бир «тоз айтиб» бўлгани учун Маматқулов поилок, сўз навбатини Бердирахматга берди.

— Қуллуқ, оғам!— Бердирахмат кўзлари милт-милт қисилиб, ўзини ўнглаб ўтирди.— Қуллуқ... бизниям одам қаторига қўшиб...

— Э, нега ундай дейенг!— деди Маматқулов кескин.— Ундай гапга ўрин йўқ, ака. Қани, бир яхши тилак билдиришг, олайлик бу энагарди!

— Хўш, хўш!— дея Бердирахмат гуноҳкорона жилмайди, негадир ўрнидан турди-да, камзулининг тугмасини очиб, бирдан кўкениш очди.— Мана, Самадбой шил! Мана, меҳмон! Шу еримни,— деди кўреаткич бармогини оқёл чап

тўшидаги аллақандай сезилар-сезилмас чандиққа нуқиб, — ўн беш йил бурун илон чақиб эди. — Бир сесканиб тушдим. — Ҳа, Муртозбой, кўзойнакли илон чаққан, Бандихоннинг даштига уполномоч бўлиб борганимда. Ҳа-а!.. Хўш, мен нима демоқчиман? Мен демоқчиманки, илон баданини чақса, битиб кетар экан. Мана, битиб кетди. Лекин юракни чақса-чи? Ҳе, йўқ! — У чап ёнбошига қий-шайиб, аччиқ кулди. — Битмайди, ўртоқ Маллаев, битмайди! Қани, олайлиқ, шу даврада юракка заҳар солғичлар энди бўлмасин!

Ҳамма ўзаро кўз уриштириб, жимиб қолди. Бердирахмат чайқала-чайқала жойинга ўтириб, ниёлани бир кўтаришда бўшатди.

Секин Маллаевга кўз қиримини ташладим: рангида ранг йўқ, бурун катакларини пир-пир учяпти.

«Оббо! — дедим қафтим қочиб. — Эски адоват бор эканда. Охири «қонтўкди» бўлмаса гўрга эди...»

Бундай пайтларда қийин-қийин — мезбонга қийин: Маматқулов ҳам сир бермай, «икки қўчқорининг бошини бир қозонда қайнатилганга» уришарди.

— Энди, ҳаёт мураккаб нарса, Бердирахмат ака, — дея сўз бошлади у салмоқлаб.

Бироқ, Маллаев бир юлқиниб унинг гапини бўлди:

— Хўш, Бердирахмат ака, ким илону ким чаён экан?

Бердирахмат бўйинини ичига тортиб сасиз кулди.

— Иршайманг, ҳой, нимага иршайсиз?! — деди Маллаев ҳансираб. — Ўн етти йил ўтиб ҳам эсингиздан чиқмабди-да?

— Чиқмайди! Нега чиқар экан?! — дея тикчайди Бердирахмат яккакифт бўлиб. — Э, ўн етти йил дейсан-а, ўн етти минг йилда сен чаённинг қилмиши эсимдан чиқармикан?!

Маллаев — хомсемиз, тўнкадай қўюл одам, кутилмаганда ажиб бир чаққонлик ила санчиб ўридан турди, тураётиб кафтининг қирраси билан дастурхондаги минерал сув шишасини шундай қарсиллатиб урдик, пўкак отилиб, Самадбойнинг қаншарига тегди.

— Ўв, энангини!.. — деб шартта Бердирахматнинг ёқасидан олди Маллаев. — Ҳали мен чаён бўлдимми? Халқ қўйинида, давлат қўйинида кулча бўлиб ётган сен илони фош қилган мен илон бўлдимми?!

Ҳаммамиз ўрчимиздан туриб кетдик, ҳай-ҳайлашиб орага тушдик. Бердирахмат пайт пойлаб, қўлидаги ниёлани Маллаевга отди. Маматқулов Маллаевни маҳкам қучоқлаб олди, қолганлар зўр бериб юлқинаётган Бердирахмат билан овора эди.

— Ҳаётимни барбод қилдинг, ит! — деб ҳирқирарди у шақ-шақ титраб. — Бутун ҳаётимни барбод қилдинг, илоё, косанг оқармасин!

— Қўйвор! Қўйвор меши! — Маллаев хирси безанжир эмасми, бир силтаниб Маматқуловнинг қўлидан чиқиб кетди. Бало-қазодай Бердирахматнинг устига ёнирилганда араиғ тутиб қолдим. — Вой, ифлос, ярамас! Ҳаётингни барбод қилдимми? Ўзинг-чи, ўзинг, қанча бечораларнинг ҳаётини барбод қилганингни биласанми?! Ҳе, ҳаётингга!...

Бирнасада давра арининг уясидай тўзғиб кетди — ярмимиз Маллаевни у ёққа, ярмимиз Бердирахматни бу ёққа тортқилай-тортқилай, хайр-маъзурни насия қилиб тарқалишдик.

Машина олдига етганда хижолатдан ер ёрилса кириб кетгудек аҳволда эдим. Тўнкамижоз Маллаев кўзимга бениҳоя шумшук кўринарди: туз ичиб тузлуққа тунургани нимаси!.. Маматқуловнинг кўзига қарашдан қочиб, шартта машинанинг капотини очдим-да, заруратсиз куймалана бошладим.

Маллаев ҳамон ўзига келмаган, гўё юз чақирим югуриб келгандек, ўнкаси тикилиб хапсирар эди.

— Оббо, Эшназар ака, — деди Маматқулов хижолатли илжайиб, — озиб-ёзиб бир келганингизда... фалокатни қаранг, оёқ остидан... Асли, тўғри уйга бораверсак бўларкан.

— Э, қисмат бу, ука, — деди Маллаев тўзғиб кетган сийрақ сочларини сийшаб. — Қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди. Тавба, ҳалиям аламзада экан-а.

— Аламзада бўлмай, хурсандзада бўлсинми? — деб кузди Маматқулов. — Ахир, ўша бўйи учиб кетди-да. Ёмон яқсон қилгансиз-да ўзингиз ҳам. «Қўтондаги бўри» миди помп?

Маллаев бош ирғади, машинанинг орқа эшигини очиб, оёғини осилтириб ўтирди.

— Энди бизга рухсат, Муртозжон, — деди бир-муддат жимликдан сўнг. — Кўчат келмагани чатоқ бўлди-да.

— Э, рухсатингиз нимаси! — Маматқулов аччиқланиб қўл силтади. — Бизди буздай хижолатга қўйиб кетманг-да, ака. Бир ниёла чойди ҳам мундай бегалва ичиролмадик, ахир.

Капотни ёпиб, уларга яқинлашдим. Қўлимни ҳўл латага артатуриб Маллаевга саволомуз тикилдим: хўш?

— Жўнаймиз, — деди Маллаев. — Сиз, Муртозжон, қўнглингизга ҳеч қандай гап келмасин. Мен ҳеч кимдан аччиқ-араз эмасман. Бу одам ўшанда ҳам ноҳақ эди,

ҳозир ҳам юз фоиз ноҳақ, ўзингиз сезиб турибсиз. Энди, жўраларни олиб, бир ўтиб боринг биз томонларга.

— Эшназар ака, астойдилми жўнаш?— Маматқуловнинг авзойи ўзгариб, чинакамига ранжигани билиниб турарди.

Маллаев кулди.

— Бу келганимиз, майли, ҳисоб эмас. Ишлар зарурроқ, Муртозбой, қайтмасак бўлмайди. Бир ёқда машинамиз ҳам сал ҳалигидай... Хўн, иним, қани кўлди ташланг!

— Тоза қизиқ бўлди-ку, тушда кўргандек...— деди Маматқулов бошини қашиб.— Сал сабр қилинг, лоақал кўчат келсин.

— Файзуллажон, озроқ кутсак майлими?— дея яна асл товуши билан сўради Маллаев.— Мана, соат ҳам олтига қараб кетибди.

— Менга бари бир, — дедим елка учуриб. Чиндан ҳам, менга энди бари бир эди — ҳозир икўнадик нимаю ярим соат кейин нима, гўр азобини тортадиган ўзим бўлгач...

— Бундай қилсак, — деди Маллаев ўйлашиб, — кўчат келиб қолса, тўғри станцияга жўнатаверасиз. Биз шундоқ буфетга кириб чиқамиз... бирров.

— Э-ҳа!— деди Маматқулов.— Шунга шошянман, дени? Айтдим-а...

Маллаев хомуни тортди:

— Энди, ука, ўзингиздан қолар гап йўқ-ку.

— Бўпти!— дея Маматқулов бирдан тапчиллик билан қўл узатди.— Тушунаман, ака, бу огир савдо. Ҳай эса, яхши борингизлар. Файзуллабой, айбга буюрмайсиз-да, акамиз...— У бош чайқаб кулимсираб қўйди.

— Йў-йўқ!— дедим тавозе билан.

Маллаев Муртазони бағрига босиб хайрлашди.

— Станциянгиз қайси томонда?— дедим машинани ўт олдиргач.— Умуман, ўша ёққа боришимиз жуда зарурми? Агар, шарт бўлмаса...

— Мана шу охирги илтимосим, жон ука,— деди Маллаев аллақандай ялпнчоқ оҳангда.

Индамай, рулни у кўрсатган томонга бурдим.

— Шер бўлиб кетаркансиз, — дедим радиони созлаётим.

— А? Э, шерлигим бор бўлсин,— деди Маллаев.— Энди камида бир ой уйқудори ичншим керак. Асаблар тамом бўлган, юрак ҳам... Ишқилиб, ўзимни ҳам, ўлимни ҳам алдаб юрибман-да.

— Ким эди у?

— Турдиёровми? Бу бир пайтлар шу райондаги биринчи одам эди. Хўб омилкор эди, кейинчалик ўзидан кетиб

дунёда не номаъқулчилик бўлса, жамини қилган. Область газетасида фельетон қилганман. Шунинг алами.

— Сиз фельетон ёзганмисиз? — дея ишонқирамай Маллаевга зимдан қараб кўйдим.

— Ҳе-ҳе! Ҳозирги аҳволимизга қараб тўн бичманг-да, ука. Вақтида «Э. Маллаев» деса, бу юртда ҳамма зир титрарди. Э! Бари ўтди-кетди! — Маллаев ойнани очиб оғир сўлиш олди. Мийигимда кулимсираганимни сезди шекилли: — Ишонмадингиз-а? — деди ҳафсаласи ипир бўлиб.

— Албатта ишонмайман-да, — дедим. — Сизники худди кинодаги Шумболанинг гапларига ўхшайди, «иннай-кейин» деб ёлгон устига ёлгон кўндиравераркансиз.

— Ие? Қачо-он? — Маллаев сохта таажжубланиб, кулги билан енгмоқчи эди, силтаб ташладим.

— Шошманг! Хурмо кўчат, деб Сафар Ашуровичнинг оғзига оҳак суртдингиз, баллон олиб бераман, деб мени лақиллатдингиз, бу бизнинг шофёр, деб манави бечораларни алдадингиз, энди бўлса... Фельетон эмиш! Ким билсин, балки у билан эчки бозорда уришиб қолгандирсиз! — дея тутаб-тутақиб заҳримни сочдим.

Маллаев газабим нўртанасини лом-мим демай кузатиб турди-да, бир найт бўғиқ товуш билан:

— Ёшсиз, ука, тушунмайсиз, — деди.

— Нимага ёшман? Нимани тушунмайман? Сизга ўхшаб тушушиб доно бўлгандан...

Станция яқин экан, тузукроқ уришиб олишга ҳам улгурмадик. Икковимиз ҳам бир-биримизга қиё боқмай тумшайиб ўтирардик.

Маллаев машинадан тушаркан, шалвираган улкан қоматиши, қизариб кетган кўзларини, қуйи эгилган хумдек бошини кўриб, тўсатдан юрагим эзилиб кетди. Чақки бўлди! Бечора, мени одам деб ҳозиргина соғлиғидан ҳасрат қилган эди, мен эса...

— Тез чиқасизми? — деб сўрадим атай қовогимни уюб.

Кулранг плашини билагига ташлаб олган Маллаев шартта ортига ўгирилди — кўзлари мишпатдор чақнади.

— Ҳозир, — деди у ютиниб ва плашини орқа ўридиққа кўйдим.

Машинадан тушиб, рўпарадаги дўкончадан бир қути «ВТ» билан ўтган ҳафтанинг спорт газетасини сотиб олдим. Эшикни очиб кўйдим-да, маза қилиб тутатганча («хўжайини» йўқлиғида) газетани кўздан кечира бошладим. Бош мақоладан тортиб босмахона адресигача ўқиб бўлдим ҳамки, Маллаевдан дарак йўқ — гўё сувга чўккану гарқ

бўлган. Қарасам, ҳомуза тортавериб, оғзим йиртилиб кетадиган.

Буфетнинг ёғоч пештахтаси тушириб қўйилган, эшик ҳам берк, ичкаридан гўнғир-гўнғир товуш эшитилар эди.

— Эшназар ака! — дедим эшикни силтаб тортиб. — Ҳў, Эшназар ака!

Бир муддат саросима аралаш жимлик чўкди, сўнг Маллаевнинг: «Оч, очавер!» — деган овози чиқди.

— Нима бало, ухлаб қолдингизми? — дея ичкари кириб бордим. Эшик олдида — қўлида гижимланган пешбанд, баланд бўйли, қора кўз, қора қош, оқ юзли, ўрта яшар бир аёл турарди.

— Келинг-келинг, — деди у секингина ва шу заҳоти ерга қаради. Ҳар хил қоғоз қутилар, минерал сув шишалари, вино идишлари, банкалар қаланиган, тузланган карам ҳиди анқиган захкаш хонада, пастак стол ёнида Маллаев ўн етти-ўн саккиз яшар, жингалак сочлари сарғиш бир йиғитча билан ўтирар эди. Мени кўриб беўхшов илжайди:

— Узр, Файзуллажон, яна хафа қилдик-да сизни.

— Ничево. Ухлаб қолмадингизми, ивқилиб? — дея атрофга ажабланиб қарадим. Бу, Маллаев деганимиз жуда сирли шахс чиқиб қолди-ку! — Йўнамаймизми?

— Кўчат келмадимми?

— Бе! Ҳалним ишониб ўтирибсизми? Буям бир... — «сизнинг ёлгонингиздай гап-да», демоқчи бўлдим у тилимни арабг тийдим.

Сарғиш соч ўспирип чиройли «кроссовка» си билан ер чизганча чурқ этмай ўтирарди — менга лоқал қайрилиб қарамади. Кўнглимга шубҳа оралади: Маллаев бу шўринг қурғур буфетчилардан бирор нима тама қилмадимкан? Ким билади, мухбирман, деб...

— Турдикми? — дедим хўмрайиб.

— Ҳозир! Бир пиёла чой... — Маллаев гапини тугатмасидан бояги аёл бир тақсимчада қовурилган балиқ, пош, елим вазада тўрт-бешта пирожний, тунука чойнакда чой билан иккита стақан келтириб қўйди. Унинг ҳам кўзлари қизарган, оқ оралаган сочлари паришон. Эшитилар-эшитилмас овозда: «Олингизлар», деди-да, шарпадай юриб парда ортига ўтиб кетди.

Чой ниҳоятда қайноқ экан, пуф-пуфлаб ичгунча терга тушиб кетдим. «Пуф-пуф» деган товушимгина хонадаги жимликни бузарди, холос. Стақанни арабг бўшатиб ўрнимдан турдим, бу ғалати сукунатдан ҳайронлигим баттар ортиб:

— Мен машинани ўнглайверамаи, — деб ташқаригга йўналдим. Маллаев шоша-пиша бош ирғади.

Уш минутлардан сўнг у буфетдан аста судралиб чиқди, бир-бир фаромуш боёганча машинага қараб келаверди. Қўлида — қаннайган қоғоз халта.

«Ана! — дедим жоним тагин бўғзимга келиб. — Худди айтганимдек! Э, нима қилиб юрибсан бу товламачи билан? Тавба! Шартта ташлаб кетсам-чи?!»

Бироқ, Маллаевнинг авзойи шу қадар абгор, шу қадар афтодаҳол эдики, ҳозир у нимадир ундирган кимсага эмас, аксинча, умр бўйи йиққан-терганини бирийла бой берган одамга ўхшарди. У индамай, ёнимга гуреллаб чўкди.

Район чегарасидан чиққач, чироқларни ёқдим. Йўлда машина сероб, ялт-юлт шуъла кўзини қамаштиради, бирор нарса ҳақида ўйлашга ҳам қўрқиб, рулга ёшишганча олдинга тикилиб борардим.

Маллаев эса ҳамон жим.

Қизиқ, нимани ўйлаётган экан? Наҳотки, мендан хижолат чекаётган бўлса? Йўғ-э?.. Туриб-туриб, бирданига ўзимдан аччиқланиб, ўзимга ачиниб кетдим: одамлар мендан хижолат ҳам тортмайдиган бўлиб қолган бўлса, демак, одам сонидан чиқиб қолибман ҳисоб-да! Аттанг!

— Сал тезроқ юришнинг иложи йўқми? — дея бир пайт Маллаев тилга кирди. Чамаси, жим ўтиравериш юраги ёрилиши даражасига етган эди.

Истеҳзоли илжайиб, спидометрни кўрсатдим:

— Ажалга шошилиб нима қилдик?! Бизнинг баллон билан бундан ортиқ юриш мумкин эмас, — дедиму шу заҳоти: — Қўрқманг, таъна қилаётганим йўқ, — деб қўшиб кўйдим.

Маллаев бу гапни эшитмагандек, бардачокни очиб, бояги «ВТ» қутисини олди.

— Ҳа? Муборак бўлсин! — дедим бепарво. Чунки Маллаевнинг галати хатти-ҳаракатларига энди ажабланмай қўйган эдим.

— Бир чектиринг. Уҳ! — Маллаев ютоқиб устма-уст тортди. — Роса йиғирма олти йил чекканман буни. Икки йил бўлувди ташлаганимга. Ҳойнаҳой, тоза ҳайрон қолаётгандирсиз, қандай тентакка дучор бўлдим, деб? — деб қолди у ногоҳ фикримни уққандек.

Индамадим. Қап-катта одамни алдаб нима қилдим!

— Доим шошдим, доим. Умр бўйи! — деди Маллаев худди ўзига ўзи гапирётгандек. — Тез юрган сари тезроқ юргим келаверди. Одам бир мартагина яшайди, тезроқ

хаммасини кўриб қолиш керак, деб ўйлардим. Йўқ, бекор, бари бекор, одам бор-йўғи бир мартагина яшар экан! Шошмаслик керак эди. Э! — У гўё: «Сен бари бир тушунмайсан», дегандек, ноумид қўл силтади.

Катта йўлга тушиб олдик. Машиналар оқими энди хийла қамайган, икки томон қалин тутзор, қоронгида ваҳимали кўлагалардай қоп-қорайиб кўрпнади. Муздек шамол гуриллаб уна бошлади.

— Ё ойпани ёнинг, ё плашингизни кийиб олинг! — дедим жупжикиб.

Маллаев орқага қўл чўзиб плашини энди олган ҳам эдики, худди тўп отгандек нимадир пақ этиб кетди. У сесканиб менга алаңлади.

— Этиб келдик! — дедим шартта тормозни босиб. — Тамом, баллон ўлди. Нима дедим сизга, хўжайини?!

Тушиб қарасам, айтганимдек, чап томондаги орқа баллон ёрилиб кетибди. Бошимни қашиб, ичимда Маллаевни, унга қўшиб ўзимни ҳам бўралаб сўкаётган эдим, у иккилаб-синкиллаб машинадан тушиб ёнимга келди. Плашини елвагай қилиб елкасига ташлаб олибди, пақ саркарда Суворов дейсиз! Нима дейишини билмай, бир фурсат қаққайиб турди, сўнг базўр эгилиб, дами чиқиб ётган баллонни ушлаб кўрди.

— Энди нима қиламиз?

Маллаев кўзини олиб қочди:

— Билмадим. Запас баллон йўқмиди?

Эшикни қарсиллатиб ёпарканмай, ансам қотиб тўнғилладим:

— Запас баллон нечта бўлади?! Қаршида бошига етувдик-ку, эсдан чиқдимми?

Маллаев яна чурқ этмади, бўшашиб тураверди. Назаримда, чап томондаги орқа баллоннинг эмас, унинг дами чиқиб кетгандек эди.

Йўл ўртасига чиқиб, милтиллаган чироққа умидвор тикила бошладим — гўё улар менга баллон берадигандек! Яқин келган машинага илтижо билан қўл кўтараман, қани энди!.. Беш-ўнта машина бепарво ғизиллаб ўтиб кетди. Албатта, аҳмоқми тўхтаб! Битта аҳмоқнинг ҳолини кўриб туришибди-ку! Бир «Жигули» билан силос ортган бир трактор тўхтаб ўтди-ю, қуруқ ҳамдардликдан бошқа нарса қўлларидан келмади.

Вақт алламаҳал бўлганда, баданимдан совуқ ўтиб, ҳамон уфққа тикилганча ҳайкалдай қотиб турган Маллаевни чақирдим:

— Бу ёққа келинг.

— Нима дейсиз?— деди у тунд товуш билан. Бечоранинг безиллаб қолганини сездим.

— Машинани четроққа олиб қўййлик,— дедим секин.— Шу ерда қолдик энди.

У итоаткорлик билан машинанинг орқасидан итара бошлади.

— Говга кўтариб маншатнинг ҳам белига тепдингиз,— дедим кабинага кириб ўтиргач.— Қорин пиезнинг пўсти бўлиб кетди. Эсиз зиёфат-а!

Маллаев плашини тахлаб, орқа ойна олдига қўйди-да:

— Ҳозир, ҳозир!— дея энгашиб, оёғи остидан бояғи қоғоз халтани олди.— Мана буида егулик бор эди.

— Порами?— дедим ижирганиб.

Маллаев ўридикқа газета ёзиб, халтадаги парсаларни олиб қўяркан, ҳорғин бош чайқади:

— Пораиғиз нимаси, Файзуллажон! Мадина берди, қўймасдан. Қаранг, худди билгандек.

Газета устида ҳафсала билан кесилган оқ пон, колбаса, беш-унта тухум, барра пиез, икки шиша минерал сув пайдо бўлди. Елим қоғоз ичидан ундек майда туз билан бир даста оипоқ салфетка ҳам чиқди:

— Ўҳ-ҳў!— дедим оғзим очилиб.— Қойил-э! Тузгача бор-а! Жуда сараижом аёл экан.

Куракдай қўллари билан тухум арчаётган Маллаевнинг тўсатдан лаблари титраб, асабий жилмайди:

— Хе-хе, ука! Рост айтасиз, сараижомликда тенги йўқ эди-ю... қадрига етмадик-да.

Оғзимга солган луқмам бўғзимда қолганча Маллаевга гарансиб анграйдим: яна тўқияштлими? Йўқ, мени кўрмаётгандек, тухум пўчоғига тикилганча сўзлашиб ўтирибди.

— Бу Мадинага кимлар хуштор эмас эди, дейсиз! Э! Қўлимга бир гавҳар тушди-ю, мен подоп...

— Ие, ҳали...— дедим эитикиб ва лоп этиб, Маллаевни бир ходимимизнинг тўйига хотини билан етаклашиб келгани ёдимга тушди.— Унда, қандай... — — — — —

— Жудаям арзимаган нарса,— деди Маллаев ва сигарет сўради:— Шу даражада майдаки, ҳатто ҳозир айтиб ўтиришга ҳам арзимади. Файзуллажон, сиз жуда зукко йигитсиз, боя топиб айтдингиз. Шу гап менга қаттиқ таъсир қилди.

— Қайси гап?— дедим аиқайиб.

— Айтдингиз-ку, Шумболанинг ёлғони деб... Тўғри.— Маллаев кўм-кўк тутунга кўмилди.— Бир оғиз ёлғон ўн оғизини бошлаб келади, бундан яна ёлғон туғилади,

оқибат, кўрибсизки одам ҳам, оила ҳам, боринги, умр ҳам буткул вайрон... Мен буни ўз бошимдан ўтказиб, кўрдим-билдим, ука.— Маллаев кўзларини юмиб, суянчиққа ястанганча жим қолди.

Нима қиларимни, нима деяримни билмасдим — бу улкан гўдакка тасалли бергали сўз қаҳатдек эди.

— Мендан хафа бўлманг, Эшназар ака, — дедим хиёлдан кейин. — Ўзингиз тушунган одамсиз, мен сизни ҳурмат қиламан бир... акамдек, лекин бу лўттибозликнинг нима кераги бор эди? Ахир, у бечоралар бизга шунча иззат кўрсатди, биз эса, ёш боладек алдаб...

Маллаев бош иргаб, уф тортди.

— Ёлгонсиз яшаш қийин, Файзуллажон. Аммо қанча қийналсангиз ҳам майли, лоақал сиз ёлгон гапирманг. Мен сизга буни бир умр алдаб-алданиб ўтган одам сифатида айтияман. Тўғри, улар... мени шундоқ ҳам бошларига кўтаришарди, лекин... Ҳаммамиз ҳам одаммиз — сездиғизми, уларга мен машина олиб юрадиган одам сифатида кўпроқ маъқул бўлдим. Ўзим ҳам бунга баъзан буткул ишониб кетаман. Урасизми-сўқасизми, шундай-да.

— Тавба! Қўрқмайсизми? — дедим тирсагимни суянчиққа тираб.

— Мен бу ерда ўн йил ишладим. Гуриллаган даврим эди, дўсту душман ҳозиргача етарли, кўрдингиз. Умидим шунки, уларнинг ҳеч бири бу ерга келиб мени изламас. Энди, мени бундай абгор — ойига юз ўттиз оладиган ҳолда лоақал шулар кўрмасин. — Маллаевнинг бўғриқиб кетган ялпоқ юзларида, дўнг пешонасида тер томчилари йилтиларди. — Бир томчи ёшнинг қурбони бўлганман, ука. Э, майли! Жигаримнинг бир парчаси шунда, ҳар қалай...

Маллаевнинг пойнитар-сойнитар туюлган гапларидан бир нима илғамай, аста ташқари чиқдим.

Осмон тўла юлдуз, жимир-жимир жилваси кўнгилга гулув солади. Поёнсиз дала йўли ўртасида тўхтаб ётган машинам деразасидан милтиллаб хира ёғду таралади. Аллақайдан узоқлаб кетаётган поезд товуши эшитилади.

Тутзор томон охиёста одимлаб борарканман, чигирткалар поласига қулоқ тутганча, Маллаевнинг жумбоқ тўла ҳаётини ўйлар, унинг юрагида ўзи ҳам англаб етмаган, ҳал этмоққа ўзининг ҳам қурби етмаган аллақандай мубҳам дард пинҳон эканини ғира-шира пайқагандек бўлар эдим. Хаёлимда эса бир-биридан чигал саволлар тегарини қуршаган чивиндек чарх урарди: нима учун шундай? Нега шундай уддабурро одам, ўтган умрини эслаганда

лаблари аламдан буришиб кетади? Нима учун у ўзи истагандек яшамади? Алдамай, алданмай?.. Яшай олмадимиз? Ким билсин!.. Айтмоққа осон. Агар бундан ўттиз йил бурун кимдир Маллаевга келажакини шундай башорат қилса, балки уриб ўлдирамиди? Мана, ҳозир Маллаевнинг устидан ҳукм юргизиб турибман, лекин ўн беш-йигирма йил кейин ўзим қай аҳволга тушар эканман?

Машинага қайтиб келганимда, Маллаев бошини кафтига қўйганча ухлаб қолган эди. Костюминини елкамга ёпиб, қийшайганча мен ҳам аста ёпбошладим. Бироқ уйқум ўчиб кетган, оқсоқ Муртазо, пиёла чапгаллаган Бердирахмат, тутларнинг ваҳимали кўлапқаси, ерга тикилиб турган Мадина, Сафар Ашуровичнинг катта китоби, қамишзорда қулча бўлиб ётган илон, спорт газетаси — бари-бари галатти, мавҳум тафсилотлари билан миямдан кетмас эди.

Эртаси тушга қолмай шаҳарга кириб келдик. Сафарга жўнашда Маллаевнинг ўзини олиб кетган эдим, қайтишда қуруқ суратини олиб келдим.

Якшанба ўтиб, душанба куни ишхонага бордим. Тушлик қилиб келаётсам, йўлакда кимдир билагимдан шапша ушлади: Маллаев! Юрагим шув этиб кетди — тағни не балони бошлади экан?

— Ҳа? — дедим ҳовлиқиб.

Маллаев сирли илжайди:

— Бу ёққа юринг.

Тирсагимдан тутганча ҳовлига бошлаб чиқди. Бурчакдаги газета дўкони олдига етгач, таптана билан:

— Қалай? — деди чиптага ўраб, деворга суяб қўйилган аллақандай кўчатларга ишора қилиб.

— Нима бу?

— Хурмо! Икки тупи сизга, ҳовлига экасиз.

— Ия! Қаёқдан тондингиз? — дедим астойдил ажабланиб.

— Ўғлим опкелди. Ўғлим! — деди Маллаев оғзи қулоғига етиб. — Ана ўзи!

Газета дўкони ортида қари теракка суянганча жингалак сочлари сарғиш бир йиғитча турар эди.

Тушдан кейин райижроком раиси Соатовнинг ошқозони яна оғриди. Гуё ичига кирпитикан кириб олгану ошқозонини аллақачон еб битириб, энди ичак-човоқларини кемираётгандек... Соатов ихраб, ҳайхотдек кабинетда букчайганча нари-бери юра бошлади. Кетворай деса, ярим соатдан сўнг мажлис чақириб қўйган. Шкафдан дори олиб ичди, диваига қийшайиб ёнбошлади. Беш-ўн дақиқа ўтгач, оғриқ пича пасайиб, кўз ўнги ёришгандек бўлди. Соатов бу шифобахш лаҳзаларни шу тобда ҳеч нарсага алмашмас эди, фақат, ҳозир кимдир кириб, оромидан айиришидан балодан қўрққандек қўрқарди. Котибага, инсон зотини киритма, деб тайинлаб қўймоқчи бўлди-ю, бироқ пазарида, ўрнидан турса, оғриқ яна қўзғалиб кетадигандек туюлиб, гужанак бўлиб ўтирганча мизгийверди.

Орадан қанча ўтди — беш минутми, беш соатми — билмайди, бир пайт алланарсанинг тарақлаб кетганидан сесканиб кўз очди. Олатасир шовқип қабулхонадан эшитиларди. Соатов ижирғаниб юзини буриштирди — у билан бирга жиндек мизгиган кирпитикан ҳам уйғониб, ебтўймас, ўткир тишларини тагин ишга солган эди.

Кабинетга бир-бирини сургагандек бўлиб икки киши кирди. Одамнинг қаттиқ жаҳли чиқса, афт-ангори ҳам буткул ўзгариб кетаркан, Соатов уларни аранг таниди: уккикўз, тақамўйлов дароз йигит — йўл қурилиш бўлимининг бошлиғи Манноп Абдурахимов; буниси ўзининг қўлида ишлайдиган, икки йил аввал университетни битириб келган Обид деган маҳмадона бола.

«Яна не бало бўлди экан?» — деб ўйлади Соатов қорнини чангаллаганча жойига ўтиб ўтираркан.

— Нега мени алдадингиз?! — дея лаблари гезариб сўради Обид. У кип-қизариб кетган, мана ҳозир йиглаб юборгудек бир алпозда титраб турар эди.

Соатов уни қачон, нега алдаганини эслаёлмади. Айтмоқчи, бу ўзи бир ҳафтадан бери ишда кўрипмайди-ю,

нимага бундай ўдагайлаяпти?! Асли, бошида ўзидан ўтган: бутун районни зир титратган одам, шу муштдай болани букиб ололмади. Соатовга унинг ҳеч кимдан тап тортмаслиги, қандайдир ғалати гап-сўзлари, ҳатто, баъзан: «Мен областнинг вакилиман!» деб унча-мунча ишдан бўйин товлашлари ҳам мароқли туюлар, шу боис «сўнгги марта», деб қайта-қайта «бир қопиқ қопидан кечар» эди. Обид табиат ва тарих ёдгорликларини қўриқлаш бўйича инспектор эди, буям Соатовнинг кулгисини қисқатарди: ҳа, бу ер Самарқанду Бухоромидики, ёдгорлик қўриқласанг — тўрт томон қир-адиру тоғу тош, кимга зарур!

— Сен нима дейсан? — деди у Обиднинг гапини эшитмагандек, Маннонга юзлашиб.

Манноп энди оғиз жуфтлаган эди, Обид бирдан алам билан чийиллади:

— Йўқ, олдин менинг арзимни эшитинг! Э, бу қанақаси! Мени алдаб лавлагига жўнатдингиз. Тепага ҳеч ким тегмайди, деб ваъда берувдингиз. Мана бу акам бўлса, бульдозерини тираб турибди! Нега мени алдадингиз?

Соатов шундагина уни ўтган ҳафта «Ғалаба» колхозига — лавлаги юлаётган ҳашарчилар олдига вакил қилиб юборганини эслади.

— Ғирт жинни экан-ку бушингиз! — деди Манноп вишиллаб. — Бульдозернинг олдига ётиб олибди, эрталабдан бери иш тўхтаб қолган, тагин ҳам бульдозерчим инсофли бола, мен ўзим бўлганимда, тепа-мепасига қўшиб суриб ташлардим!

— Суриб бўнсан! Суриб бўнсан! Тагин ўзинг сурилиб кетмагин! — деб қичқирди Обид бўйинини чўзиб.

— Э, иргишлама! Иргишлама-е! Ҳе, сени ўша эрка қилиб қўйгандан ўргилдим! — деди Манноп ўдагайлаб.

Обид ҳам жўжаҳўроздек сапчиб турди. Соатов унинг биллагидан тортиб, Маннонга хўмрайди:

— Қани, кекирдагингга зўр бермай жойингга ўтирларинг-чи!

— Кўрмайсизми... — деди Манноп бирдан паст тушиб.

— Кўраман! — деди Соатов жаҳл билан. — Шу идорадан ахир бир кун ўлигимни судраб оқиқасаплар-да. Ғавго устига ғавго, жанжал устига жанжал, билмайман, оналаринг калтакка бошқоронги бўлганми! Хўш, нима гап?

Негадир Манноп ҳам, Обид ҳам жим бўлиб қолди. Соатовнинг аҳвол-руҳияси бирданга уларни ўнгайсиз вазиятга солиб қўйган эди.

— Ҳа, гапирларинг энди?

— Э, кўрмайсизми, — деб тақрорлади Манноп, — мен

эрталаб областга кетувдим. Тушликка яқин қайтиб келсам, Бодомтепада қий-чув тўполон; иш тўхтаб қолган, бульдозерчи хуноб. Бу бўлса, тумонат одамни бошига йиғиб олиб, чуввос соляпти. Ҳеч гапга кўнмайди.

Соатов унинг гапини бўлиб, Обиддан сўради:

— Сен нега лавлагини ташлаб бу ёқда юрибсан?

— Лавлагини бало ҳам ургани йўқ, турибди! — дея қўл силтади Обид чўзинчоқ юзларига қон тешиб. — Ун беш минг йиллик тарих вайроп бўлиб кетяпти-ю, сиз лавлаги дейсиз! Нега мени алдадингиз?!

— Э, қачон алдадим? Тўтиқушга ўхшаб пуқул... — Соатов қорнидаги оғриқни ҳам, жаҳлани ҳам аранг босиб, мураса оҳангида гапира бошлади: — Ҳой ука, ёш бола-мисан? Биз ҳаммамиз йўлни байрамгача битирамиз, деб ўлиб-тирилиб ётсагу сен бунақа қилиб... Уят-э!

— Нега уят бўлар экан? — деди Обид пинагини бузмай. — Халқининг тарихини яқсон қилдираётган мана бунга уят, билдингизми! Агар шунинг ёпини олсангиз, сизга уят, билдингизми!

Соатов дафъатан довдираб қолди. Э, бунинг авлодида лўли йўқ эди шекилли?!

— Менга қара, — деди у оғир ҳалсаираб, — шу йўл лаънати битта менга керакми? А? Ё фақат мана бунга керакми?

— Ҳовлимнинг ярми йўлга тушиб бузилиб кетди, чурқ этганим йўқ-ку, — деб тўнгиллади Маннон. — Онам ҳар куни обидийда қилади. Хайрият-хайрият, уй-жойингдан бирор қарич ўтиб қолгани! Унда, билмадим, бошимизни уриб ёрармидинг!

— Ахир, нега тушунмайсанлар! — дея бўғилиб қичқирди Обид. — Бодомтепани бузиш мумкин эмас! Галина опа нима дедди, эсингиздан чиқдими? — деди у Соатовга юзланиб. — Бу жой ҳали районингизнинг фахри бўлиб қолади, демаганмиди! Бу жойни кўришга ҳали бутун дунёдан одамлар келади, деганини ўз қулогингиз билан эшитувдингиз-ку, Нормат ака!

— Бутун дунёдан одам келар бўлса, ўшаларга йўл керакми, ахир? — деди Соатов бўш келмай. — Уша Галина опанг келганда ҳам уялиб ўлганмиз, машинаси тикилиб...

Обид миҳ устида ўтиргандек бетоқат тинирчилай бошлади.

— Нормат ака! Маннон ака, наҳот мени йўлга қарши, деб ўйласанглар? Э, йўқ! Йўл азобини мендан сўрапг: институтда ўқиб юрганнимизда ҳам, эгнимизда дазмолланган шим, автостанциягача эшак миниб тушардик, ахир!

Лекин йўлга Бодомтепадан бошқа жой қуриб кетганми? Нарироқдан олиб ўтса ҳам бўлади, ер тўлиб ётибди-ку!

— Ол-а! Тўлиб ётганмиш! — деди Маннон кўзлари олакула бўлиб. — Смета-чи? Пул-чи? Ортиқча харажатни катта холамдан оламанми?

— Лойиҳа шундай, — деди Соатов календарга тикилиб. — У пайтда билмаганмиз-да Бодомтепангнинг бунақа кароматини. Энди, сал четини қиялаб ўтиб кетади, бошқа иложи йўқ. Бўпти, келишдик.

— Нимани келишдик? Қанақасига келишдик? — Обид ҳуши учиб, бошини чапгаллади. — Ахир, у ёқда Галина она экспедиция тайёрлаб ётибди-ку, кўкламда келади!

— Э, қизиқмисиз, Нормат ака, пачакилашиб ўтирамизми шу билан! — деди Маннон кўлини паҳса қилиб. — Улгуролмайман, деб жоним ҳалак, бу бўлса... Кеча ўртоқ Ҳамроев ҳам чақириб суриштирдилар.

— Ана, эшитдингми, ука! — деди Соатов ўрнидан туриб шкаф томон юраркан.

— Эшитдим, — деди Обид. — Майли, агар сиз ҳал қилмасангиз, ўртоқ Ҳамроевга ҳам кираман.

— Бемалол, бемалол. — Соатов шкафдан бояғи дорсини қидираркан, мийигида қулиб қўйди.

— Нормат ака, шошманг! — деди Обид ҳам жойидан иргиб. — Сизда ўзи гурур деган нарса борми?

Соатов шкаф эшигини қарсиллатиб ёнганча тутақиб унга ўғирилди.

— Йўқ! Йўқ! — деб бақира кетди у. — Гурурнинг, ақлнинг, маҳмадонагарчиликнинг сенга йиғиб берган! Ҳаммасини фақат сен биласан! Ҳой, бола, ёсан, орқа-олдинни ўйлаб гапир, тилингдан тойиб кетма тағин! Индамаса яуда...

— Нега жаҳлингиз чиқади? — деди Обид тап тортмай. — Майли, мен ҳеч балони билмай қўя қолай. Лекин Галина она бир нарсани билар? Академик Пугаченкова билар? Ахир, у эрта-индин келиб қолса, нима деймиз?

— Қолганини кавласаям, ў, қапчага етади! — деб илжайди Маннон.

— Нима дердик, шундай аҳвол деймиз-да, — Соатов чойшак тагидаги чойни ниёлага сирқитиб қуйди. — У сендай подон бўлмаса керак, шаронтимизни тушунар. Қолаверса, мен унинг аспиранти эдиммики, кўрқсам!

Обид, товуши товланиб, энди ялинишга тушди:

— Нормат ака, мен аспирантлигимни қўйинг. Лекин ўзингиз ўйланг: ахир, бу тепаларнинг тагида ҳали, ким билсин, не хазиначилар бор экан...

— Бе, тилла нима қилади бу ерда!— деб қўл силкиди Маншоп энсаси қотиб.

— Нодон одамсиз, Маншоп ака!— деди Обид афсус билан бош чайқаб.

— Қим, ким нодон?!

— Бўлмаса, шундай дермидингиз?— деди Обид ачиниб.— Бўлмаса, тиллодап минг-миллион баравар қиммат хазиналар борлигини тушунардингиз. Э, билмайман, бу бизнинг одамлар археологдан: «Тилла қидиряписизми?» деб сўрашни бас қиладиган кунлар қачон келар экан!..

Соатов унинг жимиб қолганини кўриб, гапни яқунлади:

— Бўшти, бўлмаса.

— Шошманг!— деди Обид жонсарак аланглаб.— Жон Нормат ака, сиздан шу пайтгача бирор нарса сўраган эмасман, илтимос, бир оғиз сўзингиз, йўқ деманг. Йўлни шундоқ беш юз метрча наридан ўтказса бўлади-ку!

— Мени турмага тикмоқчи бу?!— деб айюҳаннос солди Маншоп.— Қамоқда чиритмоқчи! Ҳой, икки қулоғинг билан эшитиб ол: ярим сантиметр ҳам бурмайман, тушундингми?!

Обид ҳамон Соатовга умидвор термилиб турарди:

— Бу теналарининг устида Муқанна йиғитлари билан гулхан ёққан, Нормат ака!..

— Ҳа, ёққан бўлса, ёққандир,— деди Соатов хорғин.— Нима қилай энди? Сен болага ҳайронман ўзи. Тушпа-тузук одамга ўхшайсану қаёқдаги култеналарга ёпишиб олгансан. Ҳа, дуруст, илгари шундоқ бўлса бўлгандир, мен бир нарса деяётганим йўқ. Лекин нега бугунги қилаётган ишларимизни мундоқ бир танапга ўйлаб кўрмайсан? Ана, ўзинг айтдинг боя, студентлигимда ҳам эшак миниб лойга ботиб юрардим, дединг. Ана шундоқ хароб Бешқашқангини шаҳар қилишимиз! Тошкентнинг нақ ўзи бўлади! Ана, хув Шуварда нур станция қурапмиз, битсин, кўрасан, районимиз бутун Союзда ягона бўлиб қолади!

— Тўғри-тўғри,— деди Обид шоша-пиша бош иргаб.— Биламан, зўр ишлар бўляпти. Аммо ҳали Бодомтепа бутун жаҳонда ягона бўлиб қолиши мумкин. Тангаларни кўрдингиз-ку, ахир!

— Ҳа,— деди Соатов беписанд.— Ваҳиманг оламини бузади, чиққани йиғирмата мис тапга бўлди, уям қалбаки экан!

— Э, ана шуниси қизиқ-да!— деди Обид ҳовлиқиб.— Биласизми, бу нимаин билдиради? Галина онаининг тахминича, ўн аср бурун бу ерда улкан бир шаҳар жойлашган. Ҳатто сохта пул ҳам ясалгандан кейин, демак, ўзига

яраша ривожланган маданияти бўлган. «Труд» даги мақолаши ҳам кўрсатувдим-ку, эсингиздами? Ажабмас, манави теналардан лоп этиб Далварзинтенадагидек поёб хазиналар чиқиб қолса! Галина она билмаса, бир ишга киришмайди, ишонаверинг.

Соатов шлясасини кийди: беш минутдан сўнг мажлис бошланади.

— Хўп, ишондик, — деди у. — Майли, яна бир ўйлаб кўрармиз. Мундай ёқа бўғишини бас қилинглар-да, ишларингга боринглар.

— Э-э, Нормат ака? — деди Манноп анграйиб.

— Сен бульдозерингни ҳозир Дамариққа юбор, икки соатлик иш бор — сув тошиб, мактабнинг кўмирхонасига уриб кетибди. Мен унғача бир маслаҳатлашай-чи.

Манноп билан Обид Соатовнинг ҳузуридан чала рақиб, чала дўст бўлиб чиқдилар.

Соатовнинг шу бўйи иши ҳам, мияси ҳам қайнаб кетди. Кечқурун ўп бир яримда дарвозаси олдида машинанан тушаётгандагина бирдан йўл можаросини хотирлади, бу тўғрида ҳеч бир ўйламаганини, ўйлаёлмаганини эслади, эслади-ю, энди бари бир бирор нарсани ўзгартириш мушкул эканини ҳам эътироф этди.

Кечаси аллавақтгача уйқуси келмади. Ошқозони тагин оғриди. Қоп-қоронги шифтга тикилиб ётаркан, негадир Обид ёдига тушиб, гаши келди. «Бир оғиз сўзингиз», дейди. Ҳе, подон бола, билмайдики, бир оғиз сўз учун минг оғиз мулоҳаза даркор!

Эрталаб ишга келиб, йўлакдан ичкари кираётганида, ҳар кунги одати бўйича «Район янгилликлари» деган лавҳа битилган ойнабанд тахтага кўз ташлаб ўтди. Тахтанинг қоқ ўртасида қизил сиёҳ билан ёзилган қандайдир эълон пайдо бўлибди:

«НОЁБ ТОПИЛМА»

Районимиздаги Бодомтепа тепалигидан яқинда археологик қазувлар вақтида бир қанча қимматли буюмлар тошди. Улар орасида сопол кўза ичидан чиққан мис тангалар айниқса диққатга сазовордир. Академик Пугаченкованинг аниқлашича, бу тангалар сомонийлар сулоласига мансуб бўлиб, X асрда зарб этилган. Қизилги шундаки, текширишлар уларнинг қалбаки эканини кўрсатди. Тангаларда уларнинг Кавардак деган жойда зарб қилингани ҳақида белги бор. Кавардак эса районимиз территориясидаги Кавардоп қишлоғининг қадимги номидир. Бу

топилма хусусида «Труд» газетаси ҳам мақола босиб чиқарди».

Сўнг пастроққа газетадан қирқиб олинган «Фальшивомонетчик из X века» деган шапалоқдек мақола ёпиштирилган эди. Унг томонда эса, қоп-қорайиб кетган кўҳна бир тапга оқ сурпга қадалиб, тахтага илиб қўйилган. Унинг тагидаги изоҳ ҳаммасидан ҳам ўтиб тушган эди: «Мапа, ўша тапгалардан бири. Бодомтепада ўн аср бурун яшаган қаллоб кимсалар тақдирини не кечгани бизга қоронғи. Аммо уларнинг қалбаки иши, мапа минг йилдан кейин ҳам очилиб турибди. Демак, қингир ишнинг қийиғи қирқ йил эмас, минг йилдан кейин ҳам билинаркан. Ҳа, сохта сўз, ёлгон иш бари бир қачондир фош бўлмай иложи йўқ!»

Бу «помаи аъмоллар» тагида эса кўк сиёҳ билан ингичка қилиб «О. Жумасев» деб имзо қўйилган эди.

Соатов, Обиднинг ўзидек қилтириқ ҳарфларга андак тикилиб турди, аввал кулгиси қистади, сўнг гўё кимдир писанд қилаётгандек туюлиб, аччиги чиқди.

«Зумраша-ей! Индамасанг, бошга чиқиб олади! Ҳозироқ олдиртириб таплаган керак!» дея кўнглига тукканча, шитоб юриб ичкарига кирди. Қабулхонада уни ўн беш чоғли одам кутиб турарди — бари арзғўй! Соатовнинг хуши учди, бироқ энди жойига ўтириши билан телефон жириглади: обкомнинг янги секретари ўртоқ Валиев бир гуруҳ олимлар билан бирга пур станциясини кўргани келмоқда эди!..

Соатов арзғўйларни муовинига рўпара қилди-да, апилтапил шляпасини кийиб чиқиб кетди.

Нур станциясидап тушдан кейин қайтиб келишди. Валиев хурсанд, шу боис бошқа раҳбарларнинг ҳам кайфияти чоғ эди: станциядаги ишлар кўнгилдагидек бормоқда. Райижроком олдида машиналардан тушилгач, Соатов уларни ичкари бошлади. Валиев Москвадан келган оқ соч, қорақош кекса академикни кўлтиқлаб олган, ниманидир аста гапириб келар эди.

— Қани, марҳамат! — деди Соатов зинапояга етгач, ортига қайрилиб ва ранги қув ўчиб кетди: Валиев «Район янгиликлари» тахтасига тикилиб турарди.

«Ў, ярамак Обид! — деди Соатов хаёлан чапагини чалиб. — Шармада қилдинг-ку, хумгазак!»

Валиев кўзойнагини тақиб, тахтадаги ёзувларга бир сидра кўз югуртиргач, Обиднинг «ижоди»ни ўқий бошлади, қошлари чимирилди.

Соатов энди Обидни эмас, паришонлиги учун ўзини лаянатларди.

Валиев тахтадан нигоҳини узиб, бирдан жилмайди.
— Буни қаранг, Ян Борисович... — дея ҳамроҳининг тирсагидан тутди-да, ўқигаанларини унга таржима қилиб берди.

Ян Борисович кулиб-кулиб, бош иргаб эшитди, газета мақоласини ўқиб чиққач:

— Антиқа агитка бўпти! — деди.

Соатовнинг юзига қоп югурди.

Меҳмонлар ўн беш минутча тўхтаб, нафас ростлагач, ҳамма қўшни районга жўнади: область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашини ўша ерда ўтказиш белгилаанган эди.

Соатов ҳам «Газик»да изма-из йўлга тушди.

Кенгаш улар етиб келиши биланоқ бошланди. Биринчи бўлиб мишбарга Валиев чиқди.

— Биз ҳозиргина қўшни райондан келяпмиз, — дея сўз бошлади у шошилмай. Соатовнинг юраги негадир шув этиб кетди. Чорва масаласи ҳам, галлаю полиз масаласи ҳам ёмон эмас, аммо маълумки, «ёмон эмас» дегани — «яхши» дегани ҳам эмас-да! — Биз у ерда кўн маъқул ишларни кўрдик. Аммо мен ҳозир бу районда хўжалик соҳасида эриштилаётган ютуқлар ҳақида эмас, бошқа нарса тўғрисида бир оғиз гапириб ўтишни истардим. — Жимжит зал баттар сукунатга чўмиб, шифтдаги парракларнинг шитирлаб айланиши ҳам баралла эшитила бошлади. — Биласизлар, Бодомтепа деган машхур бир жой бор. Шу ерда археологик қазувлар натижасида қадимий таиғалар топилди. Бу таиғалар ўзинчи асрда зарб қилинган бўлиб... қалбаки экан. Райондаги ўртоқларнинг тарихий ёдгорликларни кўз қорачигидай сақлашга итилишлари ибратли, албатта. Лекин улар бу фактдан жуда яхши кўргазмали қурол сифатида ҳам фойдаланишдилар. Биз «Район янгилликлари» деган тахтада шундай сўзларни ўқидик: — Валиев чўнтагидан ёндафтарчасини олиб, кўзойнагини тақди: — «Бодомтенада ўн аср бурун яшаган қаллоб кимсалар тақдири не кечгани бизга қоронғи. Аммо уларнинг қалбаки иши, мана минг йилдан кейин ҳам очилиб турибди. Демак, қингир ишнинг қийинги қирқ йил эмас, минг йилдан кейин ҳам билинаркан. Ҳа, сохта сўз, ёлгон иш барн бир қачондир фош бўлмаи пложи йўқ!» — Валиев ёндафтарчасини ёпиб, сув куйгандек жимжит залга нигоҳ ташлади. — Бу, менимча, жудаям топиб айтилган сўз, ўртоқлар. Қанииди, шундай сўзларни ҳар бир идорамизга осиб кўйсагу уларга ҳамиша амал қилсак!

Қарсақ янгради. Соатов ҳам қизариб-бўртиб чапакка қўшиларкан, лолу ҳайрон эди: қачон ёзиб олишга улгурди экан, қачон?!

Валиев бежиз бундай муқаддима қилмаган экан — жойларда юз бераётган камчиликлар, кўзбўямачилигу сох-таликлар хусусида қарийб бир соат шундай куйиб-ёниб, қаҳр билан гапирдики, беихтиёр, барчанинг кўнгилдан: «Ҳаммасини биларкан!» деган фикр ўтди.

Соатов энди мажлисда қандай ўтирганини билмасди. Биров устидан бир челақ сув куйиб юборгандек музу мулзам тортиб борарди. Бетоқат типирчилаб дақиқа сапаркан, Обиднинг кечаги илтижолари эсига тушар, бунга сари баттар ич-этини ер эди: «Бир огиз сўзингиз», деб шунча эланди-я!

Бир огиз сўз! Улугвор, қудратли сўз!

Нега шу ҳовлиқма Манноннинг гапига кирди ўзи? Обид бечора шунча чирқиради-я! Смета, лойиҳа эмниш!.. Райнижроком янги биносининг сметаси неча марта бузилган эди? Беш мартами?

Соатовнинг нешонасидан тер чиқиб кетди. Ҳозир зудлик билан Бодомтепага бориб Обидни тоғини керак! Йўқ, аввал анави Манноп... Ишқилиб, у ўпқаси йўқ ишни расво қилган бўлмасин! Бу, Обид қаерда экан-а?

Мажлис тугади. Талиш-биллишлар бир-бир келиб, Соатовни табриклай бошладилар. Аммо унинг қулоғига гап кирмас, «Раҳмат, раҳмат», деганча, атрофга олазарак алашглаб, эшикни қидирар эди.

Бир амаллаб ташқарига чиқиб олгач, шерикларини ҳам кутмасдан шофёрга:

— Ҳайда! — деди.

— Уйгами? — деб сўради шофёр мудроқ товуш билан.

— Йўқ, Бодомтепага! — деди Соатов сабрсиз оҳангда. — Тезроқ бўл, э, жонингни борича ҳайда!

— Бир огиз сўзингиз! — деди шофёр.

Соатов унга ялт этиб қаради.

«Бу, Обид қаерда экан-а?» деб ўйлади яна.

Обиднинг шу тобда укасининг самосвалида, яёдоқ адирлар аро юраги ёрилгудай бўлиб Тошкентга — Галина онанинг хузурига бетоқат елиб кетаётганини Соатов билмасди.

Машина чироқларини ёққанча гувиллаб борар, дераза ойнасида ташқарига тикилиб ўтирган Соатовга, қоронгида гушгурдек бўлиб кўришаётган ҳар бир адир, ҳар бир тенанинг тагида бир гап бордек туюлар эди.

ДҮСТИМ ЭСОНБОЙ

Сизга дўстим Эсонбой ҳақида гапириб бермоқчиману зерикиб қолармикансиз, дейман-да. Чунки Эсонбойнинг оғиз тўлдириб айтгулик жихати кам: эрталаб ишга боради, кечқурун келади, биров билан иши йўқ, жиндек вақт топса, рўзгорю бола-чақасига андармон. У колхозда ишлайди, Хол аканинг боғ бригадасида. Аввал табелчи эди, икки йил бўлди, ўз ихтиёри билан топширди. «Нега бундай қилдингиз, Эсонбой?» деб сўрасам, у кулимсраб: «Ўйини экан. Эрталаб ҳар кимнинг эшигида, жоп ака, бугун хомтокка бориб келинг, деб сарғайиш жонимга тегиб кетди», дейди.

Эсонбой кўкламда ток очади, боғ чопади, сугоради. Ёзда ўтоқ қилади, чуғурчудан кўрийди. Кузда эса биринчилардан бўлиб, Бекободгами, Бўкагами, Оқкўргошгами «ўн қушга» пахтага кетади, шу кетгани бўйи иланлар тўлиб, ҳосил байрами бўлаётганда уйга кириб келади.

Дўстим Эсонбой билан ўн йил бирга ўқиганмиз. Ўн беш йил бурун. Ушандан буёи саккиз улфат бир давра бўлиб, куз, қиш кунлари «гап» еймиз. Бу давра шунча вақтдан бери тарқамай келаётган экан, буни фақат Эсонбойнинг хизмати деб билмоқ керак. У зиёфатларда жимгина чой қўйиб ўтиради, гапирса ҳам, болаларининг қилиқларини айтиб кулади: «Кеча Жалолга «Амакнинг армиядан келса, шапкасини сепга беради», десам, «Амаким солдатми?» деб сўради. «Ҳа», десам, «Бизаниким, немисшиким?» дейди».

Ҳар галги ўтиришимизда албатта бир нохуш воқеа юз берган бўлади: улфатлардан бирининг хотини аразлаб кетган, кимдир қўшиниси билан шайтон эчки устида санманга борган, биров ишхонасида бошлиғи билан айтишиб қолган... Моҳаролар обдан муҳокама қилинганч, элчилик вазифаси албатта Эсонбойнинг зиммасига тушади.

Дастлаб бунга жуда ҳайрон бўлардим. Эсонбойдек камгап, тортинчоқ одамга бундай юмушларнинг топширилиши соқовга азон айтишни буюргандек кулгили туюларди. Лекин кейинчалик, у бир неча бор ўзимнинг ҳам мушкулимни осон қилгач, бунга тан бердим.

Дўстим Эсонбой билан уйимиз яқин — иккаламиз ҳам қишлоқнинг четига янги ҳовли қилиб чиққанмиз. Уйимизнинг нарғи шундоқ далага туташиб кетган, гирдогирди қирлар... Эсонбой баъзан кечқурулари чопонига ўраниб, ўғилчасини кўтарганча «хангомалашгани» келиб қолади. Хурсанд кутиб оламан — эшигингдан дўст келса, яхши-да. Чой устида ундан-бундан гурунглашамиз, лекин, асосан, мен жаврайман, Эсонбой бош иргаб жим эшитиб ўтиради. Баъзан жагим чарчаб, гап тошолмай қоламан. Шунда бир-биримизга қараб, индамай чой ичаверамиз. Ниҳоят, Эсонбой ўридан туради: «Биз борайлик энди». «Оббо, Эсонбой,— дейман кулгим қистаб,— тоза мириқиб хангомаландик-ку,а?» У индамай кулменсраб қўяди. Уни кузатиб қайтар эканман, кўнглим донм тиш, осойишта бўлади.

Агар мен министр бўлганимда эди, ҳеч иккиланмай Эсонбойни ўзимга ёрдамчи қилиб олган бўлардим — камсукум, камтар, камгап; қудуқнинг ўзи — истаган сирни айтиши мумкин. Тоақал генерал бўлганимда ҳам, ўйлаб ўтирмай Эсонбойни ўзимга адъютант қилиб олардим — қалқондек ишбончи, садоқатли, асло паид бермайди. Афсуски, шу пайтгача на министр бўлдим, на генерал, бундай кейин ҳам бўлмасам керак — олти киши ишлайдиган шу «2-алоқа бўлимнинг бошлиғи» вазифасидан нари ўтмаслигим тайин негаки, ўтган йили областдан келган комиссия мени мақтаб, шу ердан пенсияга чиқасиз, деган. Эсонбойнинг нодир салоҳияти куйиб кетаётганига ачинаман, муносиб жойга тавсия қилай, десам, бахтга қарши, на бирор министр, на бирор генерал билан ошманам.

Мана, дўстим Эсонбойни ҳозиргина кузатиб қайтдим. Бу гал у бежиз келмаган экан, мени Маъруф билан ярашинг, деб даъват қилди. Маъруф — даврадош улфатимиз, автосервисда уста, ўтган ҳафта хоккейдан тортишиб ўтириб, иккаламиз жиндек қизаришиб қолдик. У ҳам ён беришни истамади, менинг ҳам кейин узр сўрашга бўйним ёр бермай, тумтайишиб тарқалишган эдик. Энди бу шанба Маъруфнинг уйига йнгилишимиз керак. Эсонбой шунга мендан хавотир олиб...

— Маъруф ўзи пушаймон. Эртага бормасангиз бўлмайди, болалар хафа бўлади,— деди у.

— Қандай қилиб бораман?— дедим қовогимни солиб.— Ҳзингиз кўрдингиз-ку, Эсонбой! Бу, Маъруф жуда шишиниб кетган экан, билмас эканмиз. «Сенга гапни ким қўйибди!» дейди! Йўқ, Эсонбой, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўгли гапирсин, деган замонлар ўтиб кетган. Мендан хафа бўлмаглар, шундоқ одам билан қандай улфат бўлай?

— Майли энди, кўнглингиздан чиқаринг,— деди Эсонбой гуноҳқорона ерга тикилиб.— У ўзи ҳовлиқмароқ, биласиз-ку. Энди, ўзимиз оз қолдик, бундай бир-биримизга терсайишиб юрсак... Ҳаммамиз бир одам бўлсак...

Эсонбой секин, аммо шундай салмоқ ва салобат билан сўзлайдики, худди кинодаги Юсуфбек ҳожи дейсиз. Отабекка ўхшаб, гапини қайтаролмай қоласиз. Хуллас, эртага «гап»га бораман, Маъруф қизариб қўл чўзади, яраш-яраш, ўйин-кулги...

Эртаси кечга яқин ишхонада йўқолган бир телеграммани тополмай, хуноб бўлиб ўтирсак, эшик аста қия очилди: Эсонбой. Ичкарига оҳиста мўраланди-да, «Ис», деб қайта ёнди.

— Кираверинг, кираверинг,— дедим.

Эсонбой пўманибгина кириб келди:

— Ишдан қўяман-да...

— Э! — дедим қўл силтаб.— Иш бари бир чатоқ. Ўтиринг... Бўпти, қизлар, яна бир яхшилаб қидириб кўринглар-чи.

Эсонбой стулга омонатгина чўкди. Мен унинг киртаийиб кетган кўзларига, оғзин, чўзинчоқ, аллақандай сирли ва гамгин чехрасига қарадим. Эсонбойнинг юзи ўмири муттасил азобда кечган зоҳид қиёфасини эслатарди. Доим шунга ҳайрон бўлардим. Чунки у бадастир бир онлада ўсган, бағри бут — ота-онаси саксондан ошгани билан ҳали бардам-бақувват, ака-укалари шай, икки ўғилчаси бор, хотини — мулоийм, зийрак Мастураҳон касалхонада ҳамшира, эр-хотини ўртасида гап қочганини биров билмайди. Лекин нега бу қадар гамгин кўринар экан?

— Ҳа, дўстим Эсонбой? — дедим чой узатиб.— Қани, элликтадан отайлик энди. Олинг.

Эсонбой индамай кулди.

— Иш тугаб қолгандир? Кетмаймизми? — деди девордаги соатга кўз қириш ташлаб.

— Э, бир одам ўлган экан, шунинг телеграммаси йўқолибди, тополмай гарангмиз,— дедим солиб.

— Чатоқ бўпти,— деди Эсонбой астойдил ачиниб.

— Тоңилар,— дедим чой хўшлаб.— Уларга-ку ўлиб

бўпти, топилди нима, топилмади нима — барн бир, энди тирилтириб бўлмаса!..

— Қўйинг-э, — деди Эсонбой раижиб. — Мен ҳам қидиришворай бўлмаса?

— Қизлар қидирипти. Хўш, оламда нима гаплар?

— Тинчлик. Фақат, шу бизнинг кучук йўқолиб қопти.

— Қуттиоеқми? Ия, нима бўпти?

Эсонбой елка қисди.

— Эрталаб Жалолтой, айлашиб келсин, деб закирдан бўшатиб юборган экан. Шу пайтгача йўқ, ҳайронман.

— Оббо! Овулига кетиб қолмадимикан? — дедим тус-моллаб.

Хўниздек келадиган зотдор бу итни Эсонбойга уч йил бурун Ҳожикўлдаги қозоқ ошнаси Ўсқан огай совға қилган эди. Очиги, менинг ҳам унга кўндан ҳавасим келиб юарди. Бирор ёққа борар бўлсак, Эсонбойдан Қуттиоеқни сўраб олиб, ҳовлига боғлаб кетардик — на қулф, на калит керак, одам тугул чивини ҳам йўлатмайди.

— Бориб келдим, йўқ, — деди Эсонбой бош чайқаб.

— Келиб қолар, — дедим унга далда бериб ва негадир ишонч билан такрорладим: — Келади, келмай қаёққа борарди, шундоқ ақлли ит!

Бу гапдан кейини, худди кучугини топиб, жойинга боғлаб бергандек, Эсонбойнинг кўнгли кўтарилиб кетди.

Эртаси чошгоҳда оёғимга резина этик кийиб, ҳовлидаги икки туи аияирни кўмаётган эдим, йўлдан Эсонбой ўтиб қолди. Салом-атик қилдик.

— Бош оғрияптими? — дедим ҳорғини қиёфасига қараб. — Кеча...

— Э, йўқ, — деди у сигарет тутатиб. — Қуттиоеқни тополмаяпман.

— Ҳалиям келмадими? — дедим ажабланиб. — Ахир, мен айтувдим-ку... — Бирдан тилимни тишладим. Нима, сен авлиёмидингки, ҳадеб айтганинг бўлаверса! — Эълоп берсакмикай? — дедим дабдурустдан.

— Эълоп? Қўйинг-э, поқулай бўлар, — деди Эсонбой ўнгайсизланиб. — Мен-ку унча парво қилмаяпман-а, Жалолтой йиглаб қўймайпти. Ўрғаниб қолувди.

— Нима қилсак экан-а? — дедим чиндан ҳам бошим қотиб.

— Мен яна товукферма томонларни бир қараб кўрайчи, — дея Эсонбой йўлга тушди.

У кетгач, кўнглимда гашликми, хижолатга ўхшаш аллақандай бир ҳис туйдим. Бордию менинг мушугим

йўқолганда ҳам, Эсонбой ҳозир ёнимга кириб, пою пиёда, лой кечиб қидиришган бўларди!..

Кечқурун чопонга ўраниб, Эсонбойдан ҳол сўрагани бордим. Дарвозахонада енг шимариб сизирга терт қораётган экан, шу заҳоти қўлини артиб, уйга қистади.

— Ишни қилаверинг, кейин, — дедим-да, сал нарида турган бўш челақни тўнкариб, ўтирдим.

Эсонбой тоғорадаги сомоннинг сувиши сирқитаркан:

— Сизир жонивор ҳам қариб қолган, — деди.

— Сотворақолмайсиэми бўлмаса? — дедим маслаҳат бериб.

— Мастурахон унамаяпти-да, — деди Эсонбой хо-муш. — Кейин, ўзимнинг ҳам кўзим қиймаяпти — қассоб сўяди-да.

— Э, қизикмисиз, Эсонбой, мол бўлгандан кейин сўйилади-да, ахир! — дедим кулимсираб. — Ҳамма парса инсон учун, деган гапни эшитганмисиз?

Эсонбой бу гапни эшитмагандек, сомон устига кенак сепя бошлади.

— Кучукни топдингизми? — дедим ўрнимдан туриб: дарров оёғим увишиб қолибди.

— Тополмадим-у, дараги чиқди, — деди Эсонбой, сўнг тоғорани оғилга олиб кириб қўйди-да, қўлини ювиб, тагин қистади: — Қани, юринг, ўтираминг гаплашиб.

— Раҳмат, — дедим. — Эртага идорада мажлис, ҳозир сизга қақшаб, чакагимни қаритсам, кейин ўзимга жавр бўлади. Ҳали соқол олиш ҳам керак. Хўш, қаерда экан?

— Қутноёқни айтяпсизми? Ҳа, боя Тиркаш сарта-рошни кўрувдим, шу айтди, кучугнинг «генерал»нинг ҳовлисида, деб.

— «Генерал»нинг ҳовлисида нима қилади? — дедим анграйиб.

— Ким билади дейсиз, — деди Эсонбой эпсасини қа-шиб, — боши оғиб бориб қолгандир-да.

— Бари бир итингиз зўр! — дедим қойил қолиб. — Қалласи ишлайди-да, адашган жойини қаранг — «гене-рал»нинг уйида!

Эсонбой жилмайиб қўйди.

«Генерал» деганимиз — Искандар ака, ўша машхур Искандар Самадов. У илгарни қўшни колхозда раис эди, беш-олти йил аввал уч-тўртта колхоз совхозга айлан-тирилиб, агросаноат бирлашмаси тузилдию Искандар Самадов унга бош директор этиб тайинланди. Шуида мажлисда қатнашган Назар гаранг чойхонага чиқиб: «Искандар раис генерал бўпти», деган, шу-шу, унинг

номи «генерал» бўлиб кетган. Биз этагимизни тугиб юрган кезларда Искандар раис гижинглаган аргумоқ миниб юрарди, ўша пайтдаёқ мулкиллаган чолга ўхшарди, ундан буён, ўх-хў, озмунча замон ўтмади, лекин у ҳамон от устида!

— Бордингизми? — дедим Эсонбойга.

— Бормоқчи эдим, — деди Эсонбой, — боя Ҳалима хола чиқибди, деразамнинг иккита кўзига ойна солиб бер, дейди.

— Ҳа, борасиз-да, — дедим хотиржам бўлиб ва Эсонбой билан хайрлашдим.

Эртасига эрталаб тўғри район марказига — мажлисга кетдим, тушдан кейин қайтиб келсам, қизлар: «Эсонбой ака сизни икки марта сўради», дейишди. Хайрон бўлиб ўтирган эдим, бир оздан сўнг ўзи кириб келди.

— Ҳа, тиңчликми? — дедим уни кўрган захоти.

— Тиңчлик, — деди Эсонбой. — Телеграммангиз топилдими?

— Э, шунга икки марта келдингизми? — дедим тааж-жублашиб. — Қутноёқдан гапиринг. Онкелдингизми?

Эсонбой деразага тикилганча бирпас жимиб қолди.

— Онкелдим, — деди ойнадан кўз узмай. — «Генерал» Бодомтенага кўчиб кетган экан-ку, янги ховлисига. Илҳом аканинг «Волга»сини кира қилиб бордим.

— «ТЭА»ни-я?

— Ҳа. Илани тўлмаётган экан.

— Хўш, бердимми? — дедим бетоқат.

— Ўзи йўқ экан, хотинига айтувдим, сал хайрон бўлди, кабобчи Зайниддин ака онкелиб берувди, деди.

— Зайниддин ака? Нима бало, ўша ушлаб олган эканми? Эсонбой гамгин бош чайқади.

— Унақамас шекилли. «Ўзим боққанман, қўлбола, Искандар ака тайинлаган эдилар», деганмиш.

— Ў, ярамас! — дедим кулишимни ҳам, аччиқланишимни ҳам билмай. — Майли, кучугингизни сизга тортиб, кабоб қилиб юбормабди, шунгаям шукр қилинг. Айтдингизми, ахир, Зайниддин ўғирлаб келганини?

— Йўқ, — деди Эсонбой. — Энди, поқулай бўлди-да... Бир амаллаб олиб келувдим, кейин ишқали чиқиб қолди.

— Ҳа?

— Қутноёқни машинага ортаётганимизни уч-тўрт киши кўрган эди. Жўйига боғлаб, боққа кетдим, бугун сув тегадиган эди. Бир пайт Илҳом ака бориб қолди, хафа. «Генерал» чақиртириб роса сўкибди.

— Ия! Қизиқ-ку! Нега сўкади?

— Үгрисан, муттахамсан, дебди. Итимни үгирлаб кетибсан, дарров жойнга обориб күй, бұлмаса, пақ тиқиб күйман, депти. Шунга мени излаб борган экаи, жон ука, бир этак болам бор, шу итни берсанг берақол, дейди.

— Ол-а! Сиз нима дедингиз?— дедим хаяжонланиб.

— Мен...— Эсонбой кўрсаткич бармоги билан қошинг ўртасини сийнаб, бир оз тараддудланди.— Хайрон бўлиб турибман.

— Ие, нега хайрон бўласиз?— дедим бирдан кўтарилиб.— Нима, ё бир тил қисқлик жойингиз борми? Тўғри боринг-да, шундоқ-шундоқ деб айттинг. Йўқ, шошманг! Агар мен сизнинг ўриниңизда бўлганимда, ҳеч қабққа бормасдим. Ҳа! Керак бўлса, ўзи олдингизга келсин. Шундай қилинг!

— Мен ҳам бормоқчи эмасман,— деди Эсонбой ўйланиб.— Илҳом ака кўймайпти. Кучуқни бермасанг ҳам бориб ўзинг бир жавоб-муомала қилгин, дейди.

— Э, нега бунча кўрқади, нима, жонини оладими?— дедим баттар тутақиб.— Хай, борсангиз боринг, фақат, дадил-дадил гаширинг, тушундингизми?

— Майли, бұлмаса,— дея Эсонбой аста ўридан турди.

«Тавба! Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик, дегани шундир-да», дедим ўзимча гудраниб ва тагин ишга шўнгиб, бу можарони ишча унутгандек бўлдим.

Кечкурун ишдан қайтаётсам, Эсонбой гузарда турибди.

— Кетдикми?— дедим.

— Ҳозир нон келар экаи, оливолай,— деди у.— Шошмаяписизми? Тагин сизни йўздан кўймай?

— Хе!— дедим қўл силтаб.

— Мастураҳон бугун навбатчи эди, нон опкелинг, деб тайинловди,— деди Эсонбой.

Пошни олиб, бирга жўнадик. Бояги гавго нима билан тугаганини билгим келиб ичим пишиб кетяпти, бироқ Эсонбой бамайлихотир, чурқ этмай боряпти.

— «Генерал»га учрадингизми?— дедим ниҳоят сабрим чидамай.

— Ҳа, «генерал»...— У мийингида кулимсираб кўйди, кулганида юзи янада гамгшироқ, янада маҳзунроқ кўришиб кетди.— Бордим.

— Хўш?

— Машинасига ўтириб энди жўнаб кетаётган

экан. «Искандар ака...» деб огиз очишим билан, «Ҳа, сенми Эсон дегани? Муттаҳамлар, дарров кучукни жойига боғлаб қўйларинг!» дедию эшикни қарсиллатиб ёпиб жўнаворди.

— Индамадингизми? — деб сўрадим таққа тўхтаб. Эсонбой ҳам гапгиб тўхтади.

— Нима дейман? — деди менга ҳайрон боқиб.

— Э, шартта ёқасидан олмайсизми, ким муттаҳам, деб!

— Энди... — Эсонбой секин йўлга тушди. — Катта одам, ноқулай...

— Менга қаранг, — дедим унинг енгидан тортиб, — сиз ўзи газета-пазета ўқийсизми?

— Нима эди?

— Йўқ, ростини айтинг, газета оласизларми?

— Ҳа, — деди Эсонбой бош иргаб. — «Ёш ленинчи» оламиз, иккита. Мастураҳон ҳам ишхонасида ёзилган экан.

— Ахир, — дедим бўғилиб, — газета ўқисангиз, оламда нималар бўлаётганидан хабарингиз бордир? «Катта одам», дейсиз-а! Ахир, не-не «катта одамлар» тариқдан ҳам кичкина бўлиб кетди-ю, сиз бўлса... Э, дўстим Эсонбой!

Эсонбой индамади. мен ҳам жим боравердим. Хийла вақт шу алпозда кетдик.

— Энди нима қилмоқчисиз? — дедим уйимга яқинлашгач.

— Нима қилардим, — деди Эсонбой қўлларини ёзиб, — майли, хафа бўлмаени, эрталаб олиб бориб бераман. Илҳом ака келадиган бўлди.

— Сираям оборманг! — дедим баттар асабим қўзиб.

— Майли энди, шу битта кучукни деб...

— Э, гап кучукдами! — дедим надомат билан. — Гап кучукда бўлганда, бундай тутақиб ўтирармидим?!

Эсонбой тўрхалтасини чап қўлига олиб, ўнг қўлини чўзди:

— Юринг уйга, ўтираминиз. — деди у хотиржам.

— Ростдан обориб берасизми? — деб порози тўнғилладим.

— Ҳа, энди... Ҳаммамиз бир одам бўлсак, арзимаган нарсаса...

— Ана, ана энди ўзингизга келдингиз! — дедим ачиқ билан қувониб. — Сиз-ку шундай деясиз — отангизга раҳмат, лекин ҳаммамиз бир одам бўлсак, нега у аблаҳ шуни билмайди?

Эсонбойнинг кўзларида яна ҳоргин бир учқун чақнади.

— Бу-ку бир ит экан,— дедим ҳужумни бўшаширмай,— аммо сизга ҳайронман, шунча жаанжалу можароларни тинчитган одам, ўзингизга келганда...

— Энди, эрта тагини кўз-кўзга тушади, шуларни ўйлайсан-да,— деди у аста.

— Тўхтаг! — дедим миямга келган фикрдан жонланиб.— Бундай қиласиз: эрталаб тўғри уйига борасиз. Бўпти, Искандар ака, ит — мешки, деяписиз, мен ҳам даъвогар, келинг, иккаламиз икки ёққа ўтиб турамыз, галма-гал чақирамыз, кимга келса, шуники бўлади, дейсиз. Уриш-жаанжаленсиз, энг ҳалол йўли шу, деиғ. Ўлсаям рози бўлмайди! Қалай?

— Қайдам.— деди Эсонбой чайналиб.

— Ланж бўлмаг-да, Эсонбой! — дедим тумшайиб.

— Йўқ, бошқа нарса...— деди Эсонбой.— Кеча хотини айтди, шу, бултур бир ўгли ўлган экан, шундан кейин жуда одамови бўлиб қолган, дейди. Қутноёқ боргандан бери кечқурун, эрталаб бирпас-бирпас ўйнатаётган экан. Шундан сал кайфи очилади, дейди.

— Кайфини очса, бошқа ит қуриб кетибдими? Ана, Зайиндин яна топиб беради-да! — дедим.— Менга бари бир, лекин ўглингизга нима дейсиз?

Эсонбой бу гапдан сўнг бирдан хомуш тортиб қолди.

— Ҳалолтой йиғлайди,— деди анчадан кейин.— Майли, яна бир бориб кўрай-чи...

Кечаси алламаҳалгача бадашим қизиб, уйқум келмади. «Генерал»нинг сурбетлигию Эсонбойнинг бўшаанглиги бирдек аччигимни чиқарар эди.

Эртаси кун бўйи Эсонбойни хавотир аралаш қутдим. Дараги бўлмади. Ишдан келгач, нари-бери тамадди қилиб, уйига ўтиб бордим. Йўлакда остонага хумдек бошини қўйиб ётган Қутноёқ шарнамни сезиб кўзини очди, мени таниб, эркаланиб думини силкиб қўйди. Эсонбой ошхонасининг томидаги қийшайиб қолган мўрнини тузатаётган экан, илдам тушиб келди.

— Э, Қутноёқ, эганга ишонма! — дедим ҳазиллашиб.— «Генерал» га ўз қўли билан элтиб беришига бир баҳя қолди-я! Юр, яхшиси, ўзим оикета қолай сени.

Эсонбой қўлини сочиққа артаркан, кулимсиради.

«Генерал»дан қутулиб, «полковник»ка тугила-

манми, десанг-чи, хумпар! — дея Қуттиоёқни секин туртди у.

Ҳовлидаги тахтаси йиғиштириб қўйилган сўрига суялганча сигарет тутатдик.

— Қалай бўлди? — дедим Эсонбойга тикилиб.

— Яхши, — деди у осойишта. — Эрталаб борувдим, йўқ экан, ишга чиқиб кетибди. Хотини ачиниб қолди, ҳафтасига икки кило гўшт еса керак, бизга бера қолинг, деди.

— Бекорларнинг бештасини айтибсиз, демадингизми? — дедим тутун буруқсатиб.

— Йўқ, — деди Эсонбой кулимсираб.

— Ишқилиб, энди галва қилмасмикан?

— Қилмас-ов. Боя Илҳом ака келувди, «генерал»нинг шофёри Аброрга айтган экан, у пайтини топиб сўрабди. «Ҳа, бир шашликчи бизни чалғитган экан», дебди.

— Ана, нима дедим сизга! — дедим қувониб ва елкамдан тоғ ағдарилгандек енгил тортдим.

Дўстим Эсонбойнинг озғин, маҳзун чеҳраси ҳам ёришиб кетди.

Ана шундай гаплар. Зерикиб қолмадингизми? Қани, юрнинг энди, бугун оқшом Эсонбойнинг уйида «гап» имиз бор. Э, тортинманг, азбаройи хурсанд бўлганидан, ўтқазгани жой тополмай қолади. Юрнинг, юравернинг, ахир, дўстим Эсонбой айтмоқчи, ҳаммамиз бир одам-ку!

ОНАМНИНГ ЮРТИ

Ниҳоят, онамнинг юртига жўнар бўлдик.

Онамнинг юрти!

Эсимни ташибманки, бу сўз хотирамга олис эртақ бўлиб, маънос алла бўлиб ўрианиган. То ҳануз қулоқларим остида сўнмас бир қўшиқ янглиг жаранглайди у.

Шу пайтгача онам тилдан унинг таърифинигина эшитардик. Шу пайтгача унинг қайдасинини, қапдай жой эканини билмасдик; онамнинг юрти — онамнинг ўтли армони эканини сезардик, холос.

Онам етти-саккиз яшар гўдак чоғида юртидан айрилган экан.

«Адоги йўқ тупроқ йўлдан аравага тушиб келганим ёдимда, — дерди онам ва шу заҳоти кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетарди. — Отам билан онамни элас-элас эслайман. Отам соқоллари узун-узун, қизил юзли одам эди. Онам жудаям новча эди, ўриндан турганида, бошини кунга уриб олмасайди, доб кўрқардим...»

Онамнинг юрти куччиқардами, кунботардами, дарё ортидами, тоғлар бағридами, дашту биёбонлар қўйидами — бирортамиз билмас эдик. Фақат, унинг тенгсиз гўзал бир маскан эканини англардик. У юртда осмон — осмон эмас, мушфиқ она; тоғлар — тоғ эмас, меҳрибон падар; гуллар — гул эмас, муҳис ҳамшира; у ерда одамларни хўроз қичқириги эмас, булбул навоси уйғотади.

Орадан не бир замонлар — олтмиш олти йил ўтганига қарамай, онам ҳамон тақдирига тан бермас, ҳамон уфқдан кўзи ва кўнглини узолмас, ҳамон юртининг таърифини тилдан қўймас эди. Биз ҳам бунга ўрганиб қолган эдик. Баъзан тоғу тошлар аро кўмилиб ётган шу кичкинагина қишлоғимиз зериктирганда, баъзан нимадандир ранжиганимизда, гоҳ эса юра-

гимиз бесабаб гуссага тўлганда онамнинг олис, номаълум ва сирли юртига бош олиб кетгимиз келарди.

Мана, ниҳоят, унинг дараги топилди!.. Онамнинг қувончини сизга қандай тасвирлаб берай? Йўқ, чама-лаб кўрдим, кўлимдан келмас экан. Буни тасаввур қилмоқчи бўлсангиз, яхшиси, онангиз қувонган кезларда, аниқроғи, уни ўзингиз бир оғиз ширин сўз биланми, бир савоб иш биланми қувонтирган дамларингизда аста кузатишг. Афеус, минг афус, бундай онлар ҳаётимизда қанчалар кам: биз — фарзандлар, оналаримизга шодлик ўрнига аксар ранжу алам етказамиз, холос.

Хуллас, юртининг дарагини эшитди-ю, онам бир кечада яшариб кетди. Ҳар кеча сирқираб азоб берадиган оёғининг оғригини ҳам унутгандек бўлди. Энди унинг етмиш учга кирганига ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам ишонамас эди.

«Наҳот тугилган юртимни бир кўрмай кетсам?» дерди онам мудом хўрсиниб. Мен эса, гоҳ кулиб, гоҳ жиддий тортиб, энди мусофиру муҳожир деган гаплар қолмаганини, мапа шу бепоён мамлакат, шу ажиб дийр барчамизнинг ягона ватанимиз эканини ётиги билан уқтирмоқчи бўлардим. Онам гапларимни жимгина тингларди-ю, кўз ёши тинмасди.

Билардим, унинг дарди шинҳон, кўнгли ярим, бироқ уни бутун қилмоққа ожиз эдим: урушда побуд бўлган икки оғамни тирилтиролмасам, на юрагидаги, на оёғидаги оғриқни суғуриб ололмасам...

Онам ҳадемай чевара кўради, лекин ҳапуз мени ҳимоясиз гўдак билади — худди тўрт яшар болани асраб-авайлагандек тежаб-тергайди; ҳали-ҳозир жиндек кеч қолсам, нягини ёстиққа тираганча йўлимни пойлайди, қорамни кўриши билан беозор койиб қўяди: «Намозшом арвоҳдай шу пайтгача тентираб юрибсанми? Соат неча бўлди?» «Бир», дейман бамайлихотир уст-бошимни счарканмап. «Э, гапирмае! — дейди онам ранжиб. — Бир қолдим, аллақачон ўн бўлгандир!»

Онам соатни билмасди — юртини, наслу насабини билмаганидек.

Авваллари ёш эдим, онамнинг дарди дилини англамас эканман. Фақат кўп йиллар кейин, бошимдан турли савдолар кечиб, оқ оралаган сочларим бир-бир тўкила бошлаганидагина бу ҳақда бот-бот ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Ва шувдан сўнг онамнинг юртини излашга киришдим.

Онам ёшлик йиллари, жамалаксоч қизча пайтида эл қатори бурчоқ тергани чиққан. Бурчоқ териб юриб адашган. Адашгану қайтиб на ота-онасини, на юртини кўрган. Ёдида қолгани — баланд араваю узун тунроқ йўл.

Онамнинг юртини гоҳ интизор бўлиб, гоҳ умидсизликка тушиб, сабр-чидам билан узоқ изладим. Қўшимизнинг Раззоқ деган бир ўгли Тошкентда, радиода ишларди. Шу йиғит кўн ёрдам қилди. Биргалашиб ёздик, биргалашиб кутдик. Астойдил йиғлаган эканизми, ниҳоят, сўқир кўздан ҳам ёш чиқди — онамнинг юртидан дарак келди!

Шунда мен онам узоқ йиллар мобайнида хўрсиниб сўзлаган юртни хаёлан аниқ-таниқ кўрдим, ўзимни гўё минг йиллардан буён ўша ерда яшагандек, яшайдигандек ҳис қилдим — шунчалар қон-қонимизга сиғиб кетган эди у.

«Жой бўлмайд қуриб кетсин, — дерди онам баъзан зорланиб, — лоақал юз юварга суви бўлмаса-я! Эсиниз, юртимдаги дарё-дарё сувлар...»

Унинг ранжу койишлари бежиз эмасди. Тангу тор, тоғу тош қишлоғимизда бир томчи сув гавҳарга тенг, гавҳар нима, одамнинг хуни билан баравар эди: ичкилик суви ҳам етти-саккиз чақирим олинган ташиб келтирардик. Лекин, таажжубки, онамдан бўлак ҳеч кимсага бунинг оғирлиги билинмасди.

Билсам, онамнинг юрти чиндан ҳам улуғ дарё соҳилларида экан.

«Дўзах бўлиб кетди-ку, — деб полирди онам баъзан. — Ҳаҳ, юртимнинг шамоллари-я...»

Бу атроф-жавонибда бизнинг қишлоқдан кўра салқинроқ жойни топмоқ амримаҳол, саратон қунари не-не шаҳарликлар шу ерда жон сақлайди, ҳар нечук, онамнинг бу гапи ишқирлик эмасмикан?

Билсам, онамнинг юрти ҳур шамоллар маскани — зумрад водий қўйнида экан...

Хушxabар келган қуни уйимизда тўй бўлиб кетди. Фақат, онамнинг кўз ёшларигина бу таптанани хиёл бузиб турарди.

Мактуб жанубий воҳалардаги қишлоқларнинг биридан жўнатилган, уни онамнинг ота уруғи — амакиваччаси Омонқул деган киши битган эди.

«... Тоғамнинг Улбўсин отлиқ бир қизи мундан

қўп йиллар бурун йўқолиб эди. Бизнинг хешлар бари, дом-дараксиз кетган, деб юргич эди. Қай бир кун радиодан айтиб қолди. Авлодимиздаги қари-қартанглар ўй ўйлаб, ўша Улбўсин бўлса керак, деди. Агар чиндан ҳам эгачимиз Улбўсин бўлса, келинг, дийдор кўришайлик, биз бораёйлик, топишайлик, қайтадан хеш бўлайлик..»

Сўнг, онамнинг қай йўсини адашганию қандай ғойиб бўлгани хусусидаги бизга ёд бўлиб кетган тафсилотлар хижжалаб баён этилган эди.

Онамга қолса, ҳозироқ — кўз ёши қуримасданоқ қанот боғлаб учмоққа шай. Аммо Раззоқ иккаламиз маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйдик: у иш-хонасида икки-уч кунга ижозат олиб, биз билан бирга борадиган бўлди. «Ажойиб тақдирлар» деган очерк ёзаман, зўр чиқади», деди.

Индини тоғ саҳарда йўлга тушдик.

Поездда юрдик, автобусда юрдик, енгил машиналарда юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, дашту биё-боқлардан, шаҳру қишлоқлардан ўтдик, иёёнсиз пахтазорлар, яшил тутзорлар, боғу богчалар, қадимий сардобалар, паст-баланд қирлар ортда қолди ва бир кунни чошгоҳ чоғи онамнинг юртига кириб келдик.

Шалогни чиққан такси шағал карьерининг кўҳна биноси олдида тўхтади. Бирин-кетин тушдик.

— Шу ердан сўрарсизлар. — деди закиндек қоп-қора шофёр ва машинасини ортига буриб, ёв қувгандек жўнаб қолди.

Кўз ўнгимда уфқ қадар чексиз, сарғиштоб бир яланглик ястаниб ётарди. Унда-бунда пастак ихота дарахтлари яккам-дуккам тиккайган.

Автобус бекати ҳам шу ерда экан. Майдонча кимсасиз. Олисларда ҳовур жимирлайди, кўз тинади. Ёғоч ўриндикда қалпоғини бостириб кийган бир чол қончилиғини ёпбошига қўйиб мудрайди.

Аста онамга разм солдим: тўрт томонга ҳайрон боқади, миғжалари нам, лаблари титраб-титраб қўяди.

— Келдик, она! — дедим атай бардам товушда.

Онам шошиб бош ирғади, кулимсирагандек бўлди.

Бекат майдончасида бир зум гапгиб турдик. Қўлимдаги адресда бундан бошқа гап йўқ эди. Бошим қотиб Раззоққа қарадим, Раззоқ менга. Шу пайт ердан чиқдимми, осмондан тушдимми, билмайман, қаршимизда бир тўда одам пайдо бўлди-да, олаговур бошланиб кетди.

Дарров кўнглим сезди: онамнинг қариндошлари... қариндошларим!

Мудраб ўтирган чол чўчиб тушди, кўзларини очиб, норози хўмрайди, сўнг шартта терс ўтирилиб олди.

Шовқин қандай бошланган бўлса, бирданига шундай тинди. Ҳамма бир-бирига аланглар, гап-гапга қовуша қолмас, ётсирани ҳукмрон эди. Онам Омонқул амаки билан кўришаётганида барча ўзини туюлмади, аёллар ошкора йиғлади, эрақлар кўз ёшини яшириб, тескарин қаради.

Онам аста энгашди, қоқсуяк кафтини ерга теккизиб, юз-кўзларига суртди:

— Етказганига шукр! — деди ўнкаси тўлиб.

Онамнинг авлоди ўзига ўхшаш суяги бузуқ, далиғули одамлар экан. Омонқул амаки айниқса менга маъқул бўлди: қизилмағиз, барваста, юрт сўраган одамлиги кўришиб турибди.

Боя негадир пайқамаган эканмиз: бекатнинг шундоқ орқасида чоғроқ бир қишлоқ бор экан. Қирқ-эллик уй қатор тизилган. Ҳовлилар теграсида девор-тош йўқ, на эшик, на қулф кўринади.

Янги топишган қариндошларимиз бизни шовқинсурун, иззат-иқром билан олиб кетишди. Хайҳотдек бир ҳовлига кирдик. Тумонат одам, қўйлар сўйилган, дошқозонлар қайнаган... Бу — Омонқул амакимизнинг ҳовлиси экан.

Уйма-уй, хонадонма-хонадон тинмай зиёфат.

Тўртинчи кунига бориб мен чарчадим, Раззоқ зерикди. Бироқ онам...

Эрталаб чойдан кейин аста ҳовлига чиқдик. Омонқул амакимнинг ўгли — ўттиз бешлар чамасидаги малла йиғит, йўлакдаги «Белорусь»ни кавлаштираётган экан, бизни кўриб, хуш-хандон илжайди.

— Ҳа, бўла?

— Бўлар энди, Файзиқул, — дедим хорғин кулимсираб. — Сафаримиз ҳам қариди.

— Э, қўйинг-э, бўла! — Файзиқул кўлини мойлаттага шоша-пиша артиб, югургилаб олдимга келди. — Нима бу! Ҳали мундай бир гурунғ қилганимиз ҳам йўқ.

— Мана, топишиб олдик, гурунглашаверамиз-да. Бу ёқ ишга борадиган, — дедим Раззоққа имо қилиб.

— Иш бўлаверади-да, ака, — деди Файзиқул Раззоққа юзланиб. — Ҳали сизлар ухлаб ётганингизда Бобоназар ака билан Маҳкам келиб айтиб кетди. Бир пиёла чой ичиб чиқмасангизлар, уят бўлади.

Яна «бир пиёла чой!» Яна зиёфат! Э, тавбангдан кетай!

Нахот дунёнинг бор гапи дастурхондан иборат бўлса?!

— Менга қаранг, бўла,— дедим бари бир мулойим оҳангда,— биз энди бугун қайтамиз. Ҳа, бўлак иложи йўқ. Шошманг-да. Агар бизга жуда ҳиммат қилмоқчи бўлсангиз, бир айлантириб келмайсизми?

— Э-э, жоним билан-э, мана ҳозир! — Файзиқул ҳовли ўртасида турган сариқ «Жигули»га қараб юрди.

— Машинани қўйинг, бўла,— дедим енгидан тортиб.— Ҳа, шундай бир, пиёда... Йўқ-йўқ, шу маъқул. А, Раззоқ?

— Улбўсин холамни ҳам олайлик, бўлмаса? — деди Раззоқ ўйланиб.

— Унда, мен машинани опчиқай,— деди Файзиқул киссасини кавлаб.

— Қани, олдин онамдан бир сўрайлик-чи,— дедим.

Онам ичкари уйда, хотин-халаж даврасида ташвишманд ўтирган экан.

— Бир юртингизни айланиб келайлик энди,— дедим.

— Собирингни туш кўриб юрибман,— деди онам.— Типчмиқан ишқилиб? Қайтақолсак ҳам бўларди. Кўзларинг киртайиб қопти, иссинг борми?— У қоқсуяк кафтини пешонамга қўйди.

Она, онажон!

— Бир айланиб келсак, девдим...

Онам айвоп устунига суяниб ўтирди.

— Ўтган куни Омонқул амакинг билан атрофларни кўриб келдим.

Онамнинг қиёфаси, ранг-рафторида шу пайтгача кўринмаган хушнудлик бор эди.

— Хурсандмисиз, ахир?

— Хурсанд бўлмайманми, болам? Отамнинг мазорини зиёрат қилдим, онамнинг... Ота авлод, она авлодимнинг дийдорига тўйдим. Етказганинга шукр!

Тушдан кейин жўнар бўлдик.

Файзиқул бизни айлантириб келгани бошлади.

Қишлоқ сиртдан каттагина кўришган экан, холос. Бита узун кўча, ўн беш минутда адогига етдик. Этакдаги сўнгги уйдан нарида чексиз-чегарасиз яланглик.

— Бундан нарида нима бор? — деб сўрадим Файзиқулдан.

— Дашт.

— Унда нарива-чи?

— Мен бормаганман. Етимтоғ бор, дейишади.

— Жийдатена қаерда, Жийдатена?

— Жийдатепа? Ҳа, у... хув темирйўлнинг парёгида,— деди Файзикул кафтини пешонасига соябон қилиб.

— Борайлик, — дедим.

— Э, анча узоқ-да?

— Майли, майли.

Жийдатепа — дўшпидек келаётган пастак бир тепалик экан. Ёлбошида ўтинга айланган уч тун қари жийда.

«... бир жийдазор боғки, боши-адоғи йўқ. Жийда гуллаганда ичига кирсанг, адашиб қоласан. Гуллари сапсарик, гуркираб ётади, бошларинг айланаб кетади...»

Онамнинг юрти!..

Нахот онам шу яйдоқ ялангликларга, шу зебсиз масканларга умр бўйи таъриф тополмай ўтган бўлса? Шу бефайзгина овулнинг афсонамакон эканига нахот ўзи ҳам ишонган, бизни ҳам ишонтирган бўлса?

Дарё-дарё сувлар дегани — шу бўтана ариқми?

Хур шамоллар дегани — шу қутурган гармселми?

Ойдин оқшом дегани — чивин тўла кечаларми?

Бир жийдазор боғ дегани...

Онамнинг қариндошлари... қариндошларим билан хўшлашдик.

Сарпо-суруқ, иззат-икром билан кузатиб қолдилар. Энди уларнинг борар ваъдасини олиб, жўнадик. Файзикул машинасида поезд станциясигача кузатиб қўйди.

Поезд дашту биёбонларни, шаҳру қишлоқларни, поёнсиз пахтазорлар, яшпл тутзорлар, боғу боғчалар, қадимий сардобалар, паст-баланд қирларни ортда қолдириб, онамнинг юртидан она юртим сари елиб бормоқда.

Нега юрагим орзиқиб кетяпти? Во ажаб! Она юрт дегани — онанинг юртигина эмас экан-да?

Чидаёлмадим, онамга кўнглимни очдим:

— Юртингиз яхши экан, она лекни бари бир ўзимизникича келмайди, а?

Онам ярқ этиб қаради, шодумон кулиб келаётган кўзларида галати бир ҳайрат учқунланди, узоқ ўйланди:

— Юртнинг яхши-ёмони бўлмайди, болам.

Шунда мен онамнинг безовта кўзларига тикилдим ва нигоҳим қаршисида шовиллаб ётган ҳудудсиз бугдойзорларни, ғарқ гуллаган жийдазор боғларни, зумрад адирлар узра хандон отиб кулаётган бахтиёр бир қизалоқни кўрдим!

Раззоқ дераза олдида жимгина ўтирар, таажжуб билан бизга термилиб қолган эди.

... Қишлоққа ярим кечаси етиб келдик. Ҳаммаёқ қоронги, тоғлар, боғлар сукутда — гўё нафасини ичига ютиб, бизни ҳавотирланиб, иштизор кутаётгандек.

ГРАЖДАН МУДОФААСИ

Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.
Лола тухмича гайратинг йўқму?
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Алишер Навоий

Ҳикмат деган бир йигит гўдак йигисига ҳеч тоқат қилолмасди: ёш болани ёмон кўрганидан эмас, азбароийи яхши кўрганидан. Гўдакнинг оддий хархашаси ҳам унга Шекспир трагедияларидан кўра кучлироқ таъсир қиларди. У сўзга чечан эмас, йўқса, Достоевскийдан ҳам ўтказиб: «Исокиятнинг энг эзгу идеаллари ҳам ноҳақ ранжитилган гўдакнинг бир томчи кўз ёшига арзимайди», дегандек бир зўр гап айтиши тайин эди.

Дунёнинг ишига тавба демай илож йўқ: ана шу Ҳикмат, феълига тортибми, уйланганидан сўнг беш-олти йил фарзанд кўрмади. Ҳеч нарса кор қилмай одамови бўлиб қолаётган чоғида сўйиб-сўйиб олган ва энди куйиб-куйиб бирга яшаётган хотини бирдан юкли бўлиб кўчқордай ўғил туғиб берди.

Хотини туғруқхона деразасидан йўрғаклашган бир нарча қип-қизил «гўшт»ни кўрсатиб хижолатли илжайганда, Ҳикмат энди шу мурғак вужуднинг ҳаёт-мамоти учун буткул жавобгар эканини фавқулудда масъулият билан англади. Нега, ким олдида жавобгар эканини билмаса-да, ўзининг шу лаҳзалан эътиборан бошқа одамга айлланиб бораётганини яққол сезиб турарди.

Ўғил кун сайин, соат сайин ўсиб, ёшига тўлди. Ҳикмат уйда ҳам, ишхонада ҳам, гап-гаштакда ҳам ўша-ўша Ҳикмат Тўлабоев эди-ю, аслида эса бошқачароқ — хийла босиқ, оққўнгил ва анча... қўрқоқ бўлиб қолган эди. Шу пайтгача биров мушугини пишт демаган одам, энди кечқурунлари шоша-пиша ишдан қайтаркан, сочи ҳурпайган ўспиринларнинг «Соат неча бўлди?», «Сигарет борми?» деган ногаҳоний саволларидан бир газ сапчиб тушарди — лоп этиб кўз олдига жавдираб турган ўғил-часи келар эди. Чинор қавагида — қаптар, қаптар қорнида — тухум, тухум ичида — девнинг жони, дея чўпчакларда нақл қилинганидек, у ҳам митти зурёдининг жони

жаҳони ўзининг кўксига, кўзида, лаблариню томирларида
нихон экаини қарийб жисмоний огриқ билан ҳис этарди.
Фарзандининг жонига жони туташ экаини англадию
ўз жонини ўйлайдиган, асраб-авайлайдиган бўлиб қолди.

Бир оқшом зиёфатда ўз-ўзидаи юраги ғаш бўлаверди,
ўғлининг ухламай кутиб ўтириши ёнига тушди, ахийри,
ҳаммани ҳай-ҳайлатиб шартта туриб жўнади. Ўпкаси
огзига тиқилиб келсаки...

— Қаёқларда юрибсиз? — Хотини ҳўнграб юборди.

Ҳикмат шоша-пиша ўғлининг жойига қаради: бўш.

— Дониёр қани?! — деди жонҳолатда. Дедию юраги-
нинг босқондек гурсиллаб кетганини сездди.

— Ойим олиб ётибдилар.

— Ойим? Қачон келдилар? Нега бундай ўтирибсан?
Ё тағий?.. — деди Ҳикмат энди аччиқланиб.

— Нима қилай бўлмаса,— деди хотини ва яна кўзига
ёш олди.— Сал қолди-ку Дониёрнингиздан ажраб қо-
лишингизга...

Хотини пиқиллаб йиғлаганча сўзларкан, Ҳикматнинг
миясидан товонигача музлаб борарди... Ошхонада хамир
ёяётган экан, лагмонга. Бир маҳал тўсатдан чирқираб
қопти. Чопиб келиб қараса, розетканинг олдида қотиб
турганмиш... Ўлгур тўғногичи тушиб қолган экан, шуни
олиб токка тиқибди, хайриятки, кириб қолгани...

— Э падарига лаънат тўғногичишгни, ўласанми ивир-
симай юрсанг!

— ...

— Нима қилдинг?

— Қатиқ ичирдим. Ойимлар...

— Дўхтир чақирмадингми?

— Йўқ.

— Ҳа, калланг қурсин, бефаросат! Юрагига таъсир
қилган бўлса-чи? — Ҳикмат ўзининг гапидан ўзи қўрқиб,
сапчиб ўрнидан турди, даҳлиздан ўтиб, ойнабанд эшик-
дан ичкари қаради: тўрда ойиси пишиллаб ухлайпти,
ёнида Дониёр, лаблари чўччайган, араздек. Усти очилиб
қопти...

Ҳикмат уйга кириб ўғлининг боши узра тиз чўкди,
кўнгли тўлиқиб юзини юзларига босди, димогида гўдак
исини — таърифлаб-таъсирлаб бўлмайдиган фарзанд ҳи-
дини «оталик ҳиссининг бебаҳо, лазиз тўлқинлари ичра
ғарқ бўлиб»¹ туярган, кўзларига ёш қалқди. Орқада
соядек бўлиб хотини турарди...

¹ Гафур Гулом сатри.

Ўринга киргач ҳам, аллавақтгача юрагининг дукурига қулоқ тутиб ётди. Одам шунақа қилиб инфаркт бўларкан-да, деб ўйлади. Бирор фалокат бўлиб қолганида, кўтаролмасдим, деган ўй ярқ этиб онгида чақнади. У қути учиб, миясидан бу машъум фикрни ҳайдашга уринди, диққатини чалгитмоққа тиришди — қанчалик зўр бергани сайин бу совуқ хаёл ҳам шунчалик зўр бериб бостириб келаверди... Хўп, бўпти, ухлаш керак, эрталаб вақтли... Ё тавба, ахир, ҳозир уйқу эмас, қиёмат-қойим бўлиши ҳам мумкин эди-ку! Мумкин эмас, қарийб муқаррар эди-я! Ахир, Дониёр, Дониёри эрталаб тобутда, гужгон оломон елкасида, уш қон қақшатиб... Ҳикматнинг оёқ-қўли бўшашиб, тили танглайга ёпишди.

«Ярим кечагача маст-аласт тегираб юргандан кейин касофати уради-да! Розетка деган парса нима, бўлмаса! Шуни бехатар қилиб қўйиш эркак жониворнинг ишими, ахир?!»

Бу гапларни кимдир қулоғига аста пичирлаб, лекин шундай заҳарханда билан айтгандек бўлдию Ҳикмат ўрнидан туриб кетди. Ҳовлиқиб айвондан тушди, бўйрадек ҳовли эгагидаги бостирмага кириб бир челақ майда-чуйда — цемент, алебастр, беш-ўн қулоч электр сим, теша олиб чиқди-да, туш ярмида устачилик бошлади. Ток манбаларининг ёриқ-тешикларини, шикаст-рехтларини терга ботиб тузатаркан, уйда ҳар лаҳза гўдак ҳаётга хавф солишни мумкин бўлган бало-баттарларнинг кўплигини кўриб, юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Мана шу лаянати сервантнинг бир оёғи қийшиқми, қалтами, иш-қилиб, тагига омонатгина пона қистириб қўйилган. Дониёр бир кунда бунинг ёнига минг марта келиб кетар... Ҳикмат ваҳми келиб, сервант тепасига уйиб ташланган баҳайбат чинни кўзаларга, ялтироқ рух самоварга қаради. «Бефаросат, бефаросат!» дея яна хотинини сўкди... Хўш, ўзингиз-чи, фаросатли одам? Нега шу пайтгача бунга лоақал разм солмаган эдингиз? Манави ойнанинг аҳволини кўр, томоша қил: қилдек ипда, қийшиқ миҳда, пуф десаиқ қулаб тушгудек... Э, баракалла, мирзо йигит! Бу уйда эркак зоти қирилиб битганига кўп бўлган шекилли.

Ҳикмат, қўлида бир сиқим алебастр, ҳуши оғиб узоқ утирди. Не азоблар билан қатта қилаётган жигарпораси тақдири наҳот унга шунчалар бефарқ? Ахир, йиллаб зор-зор кутгани, шу ёруғ дунёда одамман, деб бош кўтариб юргани шу фарзанд туфайли, шу фарзанд учун эмасми?.. «Ўғлингиз жудаям ўзингизга ўхшайди-я»,

деган ёр-дўстларига: «Буни ўзим туққанман-да, ойининг вақти йўқ эди», дея ҳазиллашарди у. Йўқ, йўқ, тасодиф бир асрабди, асрагани рост, аммо қайта асрамайди, энди ўз зурёдини ўзи асраши керак!..

Эрталаб боши оғриб уйғонган Ҳикмат ишга кеч қолди. Энди жойига ўтириб, столи тортмасидан қогоз-қаламларини ҳафсаласизлик билан олаётганида телефон жипришгади — уни бошлиқ йўқламоқда эди. Кечиккани учун муқаррар дилсийҳликни бўйнига олиб, бошлиқ ҳузурига кирди ва ўн беш минутлардан сўнг чиндан ҳам асабий, тутақиб қайтди. Мана бу бедодликни кўринг: идорада одам қуригандек, келиб-келиб у граждан мудофааси машғулотиға вакил бўлиб борармиш!

Ҳикмат алам билан бош чайқади: «Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим... Йўқ, деб оёқ тираб туриб олсам, уриб ўлдирамиди? Ахир, уйда шунча иш, вайрон бўп кетаётган эканмиз-ку...» Аммо бўлак илож йўқ, ваъда берилган, аниқроғи, ваъда олинган, фамилияси хатга, демакким, ўтга тушган, тутаб-тутақиб, айтилган жойга боришдан ўзга чора қолмаган эди.

Шу пайтгача у «граждан мудофааси» деган нарсаға, очиги, хийлагина истехзо билан қарарди. Институтда ўқиган кезларида машғулот чоғи газшиқоб кияркан, кулгидан ўзини тия олмас, одамзод ўзи яратган балоға қарши ўйлаб топган бу ҳимоя воситаси шу қадар омонат, шу қадар ожиз туюлар эди. Тирик одам, у ҳам ҳамма қатори дунё қалқиб турганини, халқаро таҳлика тобора кучайиб бораётганини биларди, биларди-ю, лекин буни алланечук мавҳум тасаввур қиларди — бу ташвишлар унинг кундалик юмушлари, югур-югур ва тарадудларидан жуда узоқ эди. Ичида яна қандайдир сеҳрли кучға қаттиқ ишонарди: ўлдими, ахир жаҳонда не-не ақлли, не-не зўр одамлар бор, наҳот шулар қирғин-қиймат содир бўлишиға йўл қўйса? Хуллас, унинг бу борадаги ақидаси содда ва аниқ эди: мен ўз ишимни, бола-чақамни, тўртта дилтортар улфатимни биламан, қолганини, шунга жавобгар одамлар бор, ўшалар ўйлайверсин.

Машғулот «тупканинг тагида» — шаҳарнинг нариги чеккасида ўтказиларкан: Ҳикмат трамвайда чайқала-чайқала, бир соат деганда аранг, кечикиб етиб борди. Орқа қатордаги стулга омонатгина чўкди. Чўкди-ю, зум ўтмай назарида буткул бошқа олам қаъриға — даҳшатли жаҳаннам комига чўкиб кетгандек бўлди...

«Наҳот шунча ваҳимани била туриб ҳам юраги инфаркт бўлмаса бу одамнинг? — дея ўйлади бўм-бўш

трамвайда уйига қайтаётиб, тепакал инструкторнинг маърузасини хотирлар экан.— Йўқ, мен чидаёлмасдим — пақ этиб ёрилиб кетардим...»

Эртаси ҳам, индини ҳам Ҳикмат қанда қилмай машғулотга борди, оммавий қиргин қуроллари тирик жон бошига солиши мумкин бўлган мудҳиш оқибатлар ҳақида шундай мудҳиш маълумотлардан воқиф бўлдики, бирдан жони кўзига кўриниб кетди, гўё ҳализамон ўлимга маҳкум этиладигандек ютақиб-антиқиб атрофга аланглади...

«Эй, ёруғ дунё, эй, бебаҳо олам! Бунчалар гўзал, бунчалар гофилсан! Наҳот сени ҳудудсиз мазористонга айлантирмоқ шуичалар осон?! Э, париваш санамлар, э, ўктам йигитлар, бунча гофил, бунча беғамсиз?! Ахир, ҳар биришгизнинг бошингиз узра беҳисоб ажал уруғи таҳлика солиб турибди-ку! Э, бахти қаро қушлар, инсон-ку бу балони ўзи яратибди, ўзи жабрини тортар, аммо сиз шўрликларда не гуноҳ?!»

Ҳикмат салкам файласуф бўлиб қолди. Граждан мудофааси унинг бутун борлигини банд қилиб олди — гўё тугилганидан буён шу иш билан машғул. гўё ҳаётининг мазмуни шунда мужассам. Аслида ҳам шундай эди, фақат Ҳикмат буни шу пайтгача чуқурроқ таҳлил қилиб, чуқурроқ идрок этмаган эди, холос. Граждан мудофааси — гражданнынг, демак, асли ўзинг, ўзлигинг ҳимояси учун қайғурмоқ, уни ҳар турли ногаҳоний балоқазолардан асраш учун курашмоқ дегани эмасми? Агар бу илми пухта эгаллаганида эди, шу пайтгача у, эҳ-хе... Бу ёғига хаёлнинг чеки-чегараси йўқ, шамолдек учади, шамолдек...

Хаёли шамолдек славерди, елаверди, кечасию кундузи, тинимсиз, бетўхтов ва пиҳоят толиқди, чалғиб кетди — Ҳикмат уйқусизлик дардига йўлиқди, васвасага тушиб қолди. Кўзини юмса — бас, ўқув фильмларида кўрган даҳшатлари ўнгга айланиб кетади: тоғлар кунпаякун, дарёлар, денгизлар тошиб оламни сув босади, милт этган зиё йўқ, қиёматнинг нақ ўзи... Даҳшатли қуюн гирдибоди ичра тўсатдан қўлчаларини чўзиб, жонжаҳди билан чирқираганча Дониёр, Дониёри пайдо бўлади-ю, бўзлаб-ўкраб келаверади — нажотсиз, ҳимоясиз, етимдек ўксик... Ҳикмат ўпкаси бўғзига тикилиб, совуқ терга тушади, жон ҳалпида ёнида ётган ўғилчасини бағрига босади, ваҳмданми, хўрликданми, негадир йиғлагиси келади.

Бир кеча яна шундай чала мудроқ ётганида ер қи-

мирлади. Сервантдаги чинни-чеват шақирлаб, деразалар зириллаб кетди. Ҳикмат апил-тапил кўзини очди-ю, танаси билан ўглини папа қилганича тош қотди. Қанча вақт шу алпозда турганини билмайди, бир пайт ўзига келиб қараса, ер титроги аллақачон тўхтабди-ю, унинг вужудидаги титроқ...

Эртаси куни докторга бориб кўринди. Лекин борганига минг пушаймонлар қилди: врач обдан текшириб, касалхонага йўлланма ёзиб берди. Раҳмат айтиб кўчага чиқди-ю, йўлланмани тўрт бўлак қилиб йиртди. Шундай пайтда касалхонага ётадимиз? Қандай ётади?!

Индигина кўздек яқин бир қариндошининг тўйи эди, бораман деб турган одам, бирдан айниди. Ўглини тиззасига ўтказиб, ҳардамхаёллик билан телевизор томоша қила бошлади. Футбол бўйича халқаро учрашув бўлаётган экан. Бир тўнга, йигирма икки навқироп йигитга ва юз минг томошабинга паришон тикилиб ўтирганида, онаси ичкаридан ранги ўчиб чиқди:

— Ҳой, ҳой, радиога қулоқ сол, нима деяпти?

— Нима бўпти? — деди у ярим ўгирилиб.

— Бир ваҳималар бўляпти. Регин дегани бомба ташламоқчи дейдими-ей?..

Ҳикмат онасининг юзига қараб чиндан ҳам кўрқиб кетди, шоша-пиша ичкари кириб, стол устидаги «ВЭФ» товусини балаидлатди.

«Қадрли америкалик ватандошларим! Сизларга шунини мамнуният билан маълум қиламанки, мен ҳозиргина Россияни умрбод ғайриқонуний деб эълон қилувчи қонун актига имзо чекдим. Бомбардимон беш минутдан сўнг бошланади. Рональд Рейган»... Оқ уй соҳибининг бу навбатдаги аксилинсоний хуружи...»

Ҳикмат, қулоқлари шанғиллаб, шарҳловчининг кейинги сўзларини эшитмай қолди.

— Хуруж эмиш! Хуруж эмас, ҳуриш бу! — деб юборди бир пайт баралла.

— Нима гап экан? — Онаси ҳамон останада гангиб турарди.

— Йўқ, ҳеч гап. Ҳазил эмиш, — деб қўя қолди у.

— Ху, ҳазилга ўт тушсин! Ўтакамни ёрворди-ку!

У эсанкираб, яна телевизор вағиллаб ётган хонага чиқди. Экранга тикилиб, юраги сиқилди. Наҳот шундай пайтда бир тўп тақдири бутун олам тақдиридан муҳимроқ бўлса?!

Телевизорни шартта бошқа каналга буради: халқаро аҳвол кундалиги. Шарҳловчилар экрандан вазмин, аммо

очиқ-ойдин таҳликали бир оҳангда дунё тақдирдан сўйламоқда. Ҳозир, ҳойнаҳой, буни миллионлаб одам кўриб турган бўлса керак. Аммо, наҳотки, мана шу даҳшатли сўзлар: «Инсониятнинг ҳаёт-мамоти муқаррар хавф остида қолди», деган сўзларни эшитгач ҳам, индамай креслода ястаниб ўтириш, индамай парқу тўшакларга кириб ухлаш мумкин?! Ахир, бу тенгсиз бедодлик, ахир, бу мислсиз ноҳақлик эмасми! Гўё қумурсқами, калтакесакми ҳақида сўз бораётгандек, осойишта, бамай-лихотир: «... муқаррар хавф остида...»

«Дунёни ҳалокатдан қутқармоқ учун жаҳон аҳли биргаликда чора кўриши, мустаҳкам тинчлик қўрғони барпо этиши керак», дея сўзини хотималади шарҳловчи... Ҳа, ҳа, тўғри айтади, чора кўриш керак! Ахир, унинг ҳали дунёдан умиди бор, Дониёри бор, Дониёр яшаши, ўсиб-униши, ҳаётнинг энг тансиқ, энг лазиз неъматларидан баҳраманд бўлиши керак!

Яна бир тонг отди. Уйқусиз кечган бу тонг Ҳикматга муҳим бир жумбоқни ечиб бергандек эди: ҳа, қўрғон, қўрғон барпо этмоқ керак, токи, лоақал гуноҳсиз гўдакларни асраб қолмоқ мумкин бўлсин!

Ҳикмат тонг қоронғисида туриб ҳовлига тушди, кафтдек саҳнда хўп синчиклаб айланди, чамалади. Кечаси олдига бир қучоқ китобни уйиб, ярим тунга қадар лойиҳа чизди, ҳисоб-китоб қилди — чора топмоқ керак!

Индини ишхонасига бориб отпускаи олди. «Отпускаи пули олган бўлсангиз, Дониёрингизга велосипед, менга плаш, ўзингизга...» — хотинининг гапига индамай қулоқ солиб, индамай нари кетди. «Велосипед, плаш, кўчалик туфли, зонтик» эмиш! Ҳе, нодон-а, жон керак эмасми, жон?

Шу тариқа велосипед, плаш, кўчалик туфли, зонтикнинг пулига уч кундан кейин дарвоза олдига цемент, ғишт, шағал, ёғоч келиб тушди.

Ҳикмат бошини маҳкам боғлаб ишга киришди. Ҳовлининг ўртасидан чуқур кавлай бошлади, ер қаттиқ экан, кечаси сув тўлдириб қўядиган бўлди. Хотини ҳайрон: «Дам олишга Оқтошга бормоқчи эдик-ку? Бу ўрани нима қиласиз?» Унинг жавоби қисқа: сабзи-пиёз солиб қўямиз.

Отпускаи яримлаб қолди, бироқ ишнинг ҳали адоғи кўринмасди. Ёлғизқўллик ёмон, Ҳикмат озиб-тўзиб, занжидек қорайиб кетди, тонг бўзаргандан қош қорайгунча кавлайди, ғишт теради, цемент қоради, ярим кечадан тинка-мадори қуриб, таппа ўринга ташлайди. Лекин маза-маза Дониёрга маза бўлди: кун бўйи тупроққа

беланиб, тупроқ сочиб ўйнайди, елим белкуракчасини олиб отасига биргалашган бўлади, унга тикилиб тураркан, Ҳикмат ҳам бир лаҳза ташвиш-тахликани унутиб кўнгли яйраб кетади, сўнг яна қора терга ботиб ишга киришади — гўё шу кеча ўша машъум фалокат бошландигандек...

Августининг охириги кунлари Ҳикмат пиқиллаб-синқиллаб ертўла тагига цемент плиталар ётқизмоқда эди, тўсатдан мункиб, қўлидаги бир тахта плита нақ ўнг оёғи устига тушди, кўзларидан учқун сачраб, вой-войлаганча тупроқ уюмига ағдарилди.

Тахлика ичра бўлса ҳам, ўз оёғи билан юргани бир давлат экан, тахтакачланиб шифтга боқиб ётганидан буён Ҳикматнинг баттар юраги сиқиладиган бўлиб қолди. Эрмиги — ўғли, газета-телевизор, аммо бу овунчоқлар ҳам муваққат: Дониёр бирпасда пилдираб кўчага чиқиб кетади, газета-телевизорга қараган сари эса ваҳимаси кучаяди: урушлар, ракетаалар, диверсиялар, агрессиялар, барбод бўлган музокаралар, мунофиқ битимлар...

Бир куши кечроқ уйғониб қараса, уй жимжит — хотини ишга, ўгли боғчага кетиб бўлибди. Бошини кўтариб дераза олдидаги гулдонда яшнаб турган уч дона чиншигулга кўзи тушди. Ҳисоблаб кўрса, тугилган кунига ҳали узоқ. Ҳайрон бўлди. Ҳовлисида қашқаргул бор, райхон бор, намозшомгуллар қулф уриб ётибди, бироқ чиншигул... Мутаассир одам, бирпасда баҳри дили очилиб кетди. Бари бир, ҳаёт зўр, деб ўйлади, дунё фақат тахликадан иборат эмас — мана, қуёш чиқиб турибди, гуллар очилган, ўғлим боғчада, онам бозорга кетган...

Буларнинг барчаси ҳаёт шодликлари эди, бахт эди ва айни дақиқада бунинг жисму жони зирқираб англаб тургани учун ҳам у чинакам бахтиёр эди.

... Телевизор янги-янги хушхабарлари билан Ҳикматни лол қолдирмоқда эди: мана, Гринэм-Каммон лагери. Минглаб инглиз аёллари темир йўл узра ётиб олган. «Ракетаалар жасадимиз устидангина ўтади», дея ҳайқирмоқда улар; мана, лешинбодлик йиғирма уч яшар тўқувчи қиз. Ишдан кейин уйма-уй юриб, ўн етти минг одамнинг тиичлик учун имзосини тўплабди. Ўн етти минг! Мана, шотландиялик машҳур шоир. Тэтчер ҳукумати уни олий мукофот билан тақдирлабди, аммо у бош тортибди. Ўз халқига ажал тилаётган ҳукуматнинг мукофоти — мен учун иснод, дебди у.

Исмлар, фамилиялар, тақдирларнинг, инсонни, инсониятни ўйлаб қурашга отланганларнинг сон -саногини йўқ

эди. Шунча одам! Ахир, шуларнинг ҳам бола-чақаси бордир? Ахир, улар ҳам фарзандини Ҳикматдан ёмон кўрмас?

У икки кундан буён Альберт Эйнштейннинг хотиралар китобини ўқир, ич-ичидан тошиб келаётган газабинни аранг босиб, улуғ алломани сўроққа тутмоқда эди. Бироқ саҳифалар аро намоён бўлаётган олимнинг некбин бир қудрати уни чексиз ҳайратга соларди.

Ва мутолаа сўнгида Ҳикмат буюк донишманднинг ҳаммадан кўра кўпроқ изтироб чеккашига амин бўлди. Китобни ёпаркан, унинг номини энди кўраётгандек, айрича бир зехн солди ва шунда онги бирдан ёришиб кетди: Эйнштейн чинакам даҳога хос соддалик билан асарига «Ёруғ олам — мудҳиш олам» деб ном қўйган экан. Ёруғ оламнинг мудҳиш оламга айланиши учун инсониятнинг асрий зақосию бир лаҳзалик телбалиги кифоя экан!

Ҳикмат ўзи уққан бу маънодан таъсирланиб ҳозиргина нигоҳи тушган сатрларга қайта тикилди: «Энди бизни қурол ҳимоя қилолмайди. Бизни фан ҳам, ернинг тағига қочини ҳам хатардан сақлай олмайди. Энди бизни фақат тартиб ва қонушга риоя қилишигина ҳалокатдан сақлаб қолиши мумкин...»

Бирдан юзига олов тенди, ўша кўринмас овоз тагин заҳарханда билан пичирлади: «Каламушдай кавлаб-кавлаб етган жойинг шу бўпти-да...»

У уялиб кетди, ўзидан ўзи уялди. Чиндан ҳам, темир қўрғон битди, дейлик, ичига кириб олишга улгурди ҳам дейлик, аммо атрофда на бир тирик жон, на бир гиёҳ бўлмаса, бундай ҳаёт...

Граждан мудофааси! Бу машқлар унинг мудроқ кўзини очди, бироқ шу баҳона қалбидаги ваҳиманинг ҳам кўзлари катта очилиб кетибди. Аслида, деб ўйлади у, граждан мудофааси ҳақидагина эмас, граждандар мудофааси ҳақида бош қотирмоқ керак экан, чунки бунини ҳар ким билиши ва удаллаши лозим!..

Китобни ёпиб, Эйнштейннинг суратига тикилди. Олимнинг кўзларида, мардона қимтилган лабларида пурли, сирли бир шижоат кўрди.

— Аду! Аду!

Ҳикмат ўғилчасининг товушини эшитиб, ялт этиб эшикка қаради.

— Гул! Гул бейинг! Гул, гул! — Допиёр қўлчаларини қалдирғоч қанотидай қоқиб, унга талпинарди.

Ҳикматнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Ба-а! Ба-а-а! Ум-ба-ба!..

Чўғи ўчиб қолган муздек танчада ёнбошлаган кўйи пинакка кетган чувак юз, малларанг соқол-мўйлови анчадан бери қузалмаган ушоққина чол чўчиб кўзини очди. Бирпас гапгиб ўтиргач, ҳовучини қулогининг орқасига кўйиб, молхона тарафга алаңлади.

Молхона тўридаги ёгоч кўрада уч-тўртта ориқ кўй оламини бузиб, бир-бирига гал бермай маъради.

«Жониворлар оч ётибди-да, — деб хомуш тортди чол, — бу йил шўрликлар ҳам қийналиб кетди. Қишдан ўлай-ўлай деб чиқди-ю, ҳали оғзи кўкка теккани йўғ-а...»

У ўзича норизо ғудунглаб, подачи Холтой чўтирни сўқди: «Аҳмоқ, бу тилсиз жониворларнинг уволи тутмай-дими? Юртнинг берганига қапоат қилиб, боқавермайсанми подангни? Ҳе, нафсингга ўт тушмай кет! Мана бир ҳафтадан буён пода чиқмайди. Аксига олиб, уйда на бир кафт ем, на бир боғ хашак қолган...»

— Ба-а! Ум-ба-а! Ба-а-а!!!

Бу чинқирик чолнинг қулоқларига гўё мих бўлиб қадалар эди. У атрофга бетоқат кўз югуртириб, ҳассасини қидирди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Неваралари ҳам ўйнаб кўчага кетганми, бирортаси кўринмайди.

Чол ўтирган кўйи сирғала-сирғала танчадан чиқди (ўнг оёғининг тиззадан пасти йўқ эди), шу алпозда, ҳафсаласизлик билан наридан-бери кўкка бўялган кўпол эшикка қараб секин-секин сурғала бошлади. Қўйлар, худди молхона томини кўчириб юборишга қасд қилган каби бараварига маърашарди.

Ошхона этагидаги хужрачанинг эшиги ғийқиллаб очилди-да, узун хаворанг кўйлагининг енглари тирсагигача шимарилган, қўллари хамир юқи, пакана, қора хотин айвонга чиқиб келди.

— Суннат! Хув Суннат! — деб қичқирди аёл қамиш

бўғоти нурай бошлаган пастак пахса деворга яқинлашиб. Йқавоб эшитилмагач, ўзича гувраниб, кўчага чиқди.

Чол айвоннинг хомсувоқ деворига суяб қўйилган қўлтиқтаёғи билан ҳассасига таяниб, қаддини ростлади, сариқойчан чап оёғига калшини топиб илди. Битта-битта босиб, цемент зинадан тушаётганда ўн яшар нимжонгина невараси Фаттоҳ йиртиқ кеди кўтариб, ранг-қути ўчганча ҳовлига кириб келди. Унинг орқасидан фиғони фалакка чиқиб, вайсаётган онасининг сурони эшитилди:

— Хув, ўйин жонингни олсин, газада! Бу ёкда шунча иш турибди-ю, сен думингни тутқазмайсан-а, яшшамагур! Қани унинг, қай гўрга гумдон бўлди тагин?

Фаттоҳ қўрқа-писса мингиллади:

— Мактабга кетиб қолди-ку, волейбол кўргани.

— Ху, кетмай балога йўлиқсин! Ҳали келар шўтга, бурнидан булоқ қилиб чиқармасам, шошмай тур! Бугун алапга бориш ҳам йўқ бўлдимиз энди?! Нима ейди бу зормандалар? Бор, томни қара, сочилган-почилган хашак бўлса сузуриб туш...

Бола лабини буриб, тумшайди:

— Мактабда КВН бўлади-ку ҳозир...

— Хув, ўша кивининг ордона қолсин! Ер ютгур, ўлдирдиларинг-ку одамни! «Кивин» деб биттанг кет, «коптоктепар» деб биттанг кет! Бу ёкда онанг шалтоққа қоришиб ётаверсин! Бор, анави овозинг ўчгурларга бир бало сол! Бор, деяпман санга!

Бола энди йиғламоқиради.

— Ўқитувчи уришади...

— Э, ўлиб кетмайдими уришмаса! Бор, қара деяпман, қулоқ-мияни тешворди-ку! Бу тирикчилик ўлгур битта менга керак экаи-да? Агар жуда шу Ақромхўжаннинг қизига байлаб берган бўлса ҳам! Зап чўрини топиб олгансан ҳамманг!..

Фаттоҳ жойидан жилмай, бирдан айюҳаннос солди:

— Ув-в... Бор-мий-ма-а-ан!.. Опамиз уришади-и...

Онаси унинг қулоғидан чўзди:

— Сен жувонмарг кимга гап қайтаряпсан? А? Кимдан ўргандинг буни, бўйнинг узилгур? Қани, бундоқ тургин, ху, балога йўлиқ! Мана санга, мана санга!..

У хамир юқи қўли билан ўғлининг юзига аямай шарт-шарт шапалоқ тортди. Бола додлади. Чол ҳайҳайлаб келиб, неварасини ажратиб олди. Келини ҳамон газабдан пишқираб эди:

— Бор бўлсанг тузук бўлгин, бўлмаса биратўла йўқ бўлиб қўя қолгин, ҳадеб жонимга ўт қўявермай!

Унинг ола-кула кўзлари, гезаргап лабларининг пириллаб учишини кўриб, гўё биров тишини сугуриб олаётгандек, чолнинг аъзойи бадани зирқираб кетди.

— Кўй, болам,— деди у паст, ялинчоқ товушда,— азонлаб порастанинг дилини сиёҳ қилма — ёмон бўлади.

Хотининг бурун катаклари керилиб, туксиз қошларининг ўртасида нўхатдай тугун пайдо бўлди.

— Э, сиз орага тушманг! — деди кўлини нахса қилиб. Авзойидан қайнатасини уриб юборгудек важоҳати бор эди.— Боламанга гаширолмаманми эди? Мапанви очофатларга бир бало бўлса, ўглингиз сизга индамайди, ҳамма захрини манга сочади, билдингизми?!

Аёл шартта бурилиб, хужрачага жўпаркан, чол унинг: «Йонимдан ҳам тўйдим, ўлсин мунақа тирикчилик, муштдайдан тошдайдигача хўжайин, кошқи кўлидан бир тийишлик иш келса...» деб тўнгиллаб кетаётганини эшитди-ю, лабини тишлади. Келини боядан бери қоронғи уйга қараб отаётган тошлар, ниҳоят, мўлжалга теккан эди. «Бу қандай хўрлик! Ҳалидан шунақа бўлса... Худо кўрсатмасини эрта бир кун бошим ёстиққа тегиб, шифтга боқиб қолсам, оғзимга бир томчи сув томизадиган одам ҳам топилмас экан-да?!»

Чол пиқиллаб йиглаётган неварасини алдаб-суядаб оувтди-да, мактабга чиқариб юборди. Келинининг бояги гаплари миясида ҳамон заҳарли илонга ўхшаб гимирлар эди. Бейхитёр бадани қизиб, молхонага қараб сургалди. Кўйлар уни кўра кўра тўсигига сапчиб баттар маърашга тушди. Омонатгина тахта полда чўзилиб ётган малла говмиш бошини кўтариб мунгли ишганиб кўйди. Дув этиб пашша тўзиди. Девор тагидаги бурчакда шалпанг қулоқларини осилтириб турган қари эшак кўзлари ялтираб ҳиқиллади. Чол, туриб-туриб, молларига ачиниб кетди: «Кечадан бери тупроқ ялаб ётибди-я! Суннат даладан бир-ярим бог ўт келтириб турган эди, бугун у ҳам йўқ».

Тўсатдан чолнинг хаёлига ғалати фикр келди: далага ўзи борса-чи? Нима, ўлибдим, бирор боглам ўт топиб келар, ахир? Ҳадеб, еб-ичиб, узун кекириб ётаверган билан иш битармиди? Зора, келинининг жағи, ўзининг қулоғи сал тишса... Бўлди, боради. Таваккал. Жўда бўлмаса, эшаги оёғининг чигилини ёзиб келади-ку.

Чол гайрати қўзиб уйга кирди, бултур бошлатган бир пой маҳсиени кийиб чиқди. Охурда нишхўрд хас-чўпларга кўмилиб ётган эгар-тўқимини топиб, эшагини эгарлагунча кўйларнинг бақиригидан қулоғи том битиб қолаёзди. Нарвонга илиб қўйилган ўроқни олиб, эгар

устидаги чопон тагига қистирди-да, эшакни етаклади.

Нон ясаб ўтирган келини хужра дарчасидан унинг қорасини кўриб ҳайрон бўлди, сўнг ўзича тусмоллади: сугориб келса керак...

Чол дарвозадан чиққач, эшакни етаклаб келиб баланд кулранг тош ёнига тақади. Бир қўли билан эгарга, иккинчиси билан эшакнинг бўйинига тирмашиб, амаллаб мишиб олди-ю, қўлтиқтаёқ ва хассаси ерда қолиб кетди. Нима қиларини билмай, ҳардамхаёл гарапгиб турган эди, муюлишдан темир ғилдирак ғилдиратиб, зувиллаганча бир қора бола ўтиб қолди. Чол қичқирди:

— Ҳўв, Собирнинг ўғлимисан, баққа ке, манави хасамни олиб бер!

Орадан чорак соатлар ўтгач, баҳор қуёши қиздира бошлаган сергувроқ йўлда орқасидан енгил чанг булутини эргаштириб эшак текис йўргалар, чол эса ягринини офтобга тутиб, мол боқиб, тўп тепиб юрган болаларнинг қий-чувига, оламни тириклик, яшариш нағмаларига тўлдирган қушларнинг мулойим вижир-вижирига қулоқ солганча хаёл суриб борар эди.

Одам кексайгандан кейин ёш болага ўхшаб қолар эканми, мана шу йилдан бошлаб, сал нарсани ҳам кўнгилга оладиган «тегманозик»ка айланди-қолди. Сўнгги пайтларда жанжал-можарога сира тоб-тоқати йўқ, келишини кўрганда юраги терак баргидек титрайди. Омон бўлгур келинининг жаҳли доим қош билан ковоқ ўртасида. Аслида, у бечорада ҳам айб йўқ. Қўлидаги шу қизчаси тугилгач, бир ёмон дардга чалиниб, салга жизгинаги чиқиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳали ёшлиги борда, бу шаштидан тушиб ҳам қолар...

Одамзод ўзи шу: бир умр бировдан озор кўриб, бировга озор бериб, эртасига бутунлай эсингдан чиқариб юборасан. Гўё алланимадан қуруқ қолаётгандек, шошапиша, ҳеч нарсага парво қилмай, вақтни сомондек совуриб яшайсан. Босган қадамини қайтиб олишни мутлақо истамайдиган қайсар ҳўкизга ўхшаб, кинрикдаги сўгалдек кўзингга туртиб турган хатоларингни ҳам тан олгинг келмайди. Кейин, бир пайт, бундоқ эс-ҳушингни жамлаб, орқа-ўнгингни сал йигиштиргач, дунёга тузукроқ назар солиб, яшаш нимаю қадр-қиммат нима, одамгарчилик нима — энди англаб етадиган бўлганингда тўсатдан лоп этиб ўлиб қоласан...

Чол кафтини пешонасига қўйиб, олдинга тикилди: кун ёйилиб кетибди. У эшагини қистади.

Йўл ошиб ўтган тепаликнинг пастида одамлар сийрак

ғивирлаб юрган боглар бошланди. Топш, кесак билан номига девор айлантирилган бог кўчалар оралаб ўтаркан, чол қиз сочидек тараб қўйилган ток повдаларига, яшнаб ётган олма-ўрикларга кўзи ёниб термилар эди.

Тўсатдан кимдир унинг отини айтиб чақиргандек бўлди. Чол қайрилиб қаради-да, настак пахса девор оша мўралаб турган, кўк саллали, сийрак соқол, қув башарага кўзи тушди.

— Ия! — деди у киши ялпоқ юзига кулги ёйилиб. Юмуқ ўнг кўзини негадир силаб қўйди. — Ҳа, тақсир, йўл бўлсин?

Чол уни тапиди: Нишонхўжа.

— Шундоқ, — деди у дудмал қилиб, — бир айланиб...

— Айланиб денг? Ҳа, тузук. Ўзингиз қалайсиз, сихатларингиз қапдоқ энди? Рапгингиз анча тузугу бурунгидан? Тинчликми, ишқилиб?

Чол ундан қутулиш учун ростига кўчиб қўя қолди:

— Молларнинг ўти қолмабди, шунга...

— Нима?! — соғ кўзининг пахтаси чиқиб кетаёзган Нишонхўжа деворга тирсаклаб олди. — Ўтга кетяпман, дейсизми? Қанақа қилиб опкеласиз? Э, уриниб қоладиган бўпсиз-да, биродар, чакки бу ишингиз, қайтинг ҳалиям, — у лабини ачинганнамо ялаб, бош чайқади. — Ўзингиз ҳам ҳеч тинмадингиз-тинмадингиз-да! Бу дунёнинг иши ўлганда битади. Тирикчилик — тирриқчилик дегандай... Лекин энди сизга уят, биродар, ҳа, уят. Ўзингиз яримжон бўлсангиз. Ахир, бундан буён оғиз билан иш битирадиган пайтингиз. Ташлаб қўйинг бола-чақага, керак бўлса қилиб олсин. Нима, сиз билан биз бу дунёни гўрга олиб кетармидик?

Чол тинимсиз шанғиллаётган Нишонхўжадан қутулиш учун гапни қисқа қилди:

— Энди... ўғил-қиз ҳам ўз йўлига экан, мулла Нишон!

— Э, апа шунақа папалаб худо урдирворгансиз-да, болаларни! Мунча жуда! Бола-чақангиз мрамартош қўярмиди? Ўлганингизда: «Вой, отам», деб бир-икки соат йиғласа йиғлар, йиғламаса йўқ, ўзингизни ўйласангиз-чи! Ў, айтгандек, қапи, тушинг, чой қилиб берай?

Чол унинг гапига кулоқ солиб ўтирмай, эшагини халачўп билан ниқтади. Эшак қулогини чимириб, ёлғизоёқ йўлдан лўкиллаб кетди.

Чол Нишонхўжани ошкора ёмон кўрар, буни яшириб ўтирмас эди. Одамнинг бир кўнгли қолмасин экан. Бўлмаса, иккови деярли тенгқур, оталари ҳам қадимдан бог қўшни эди. Бир майизни тенг бўлиб ейдиган қиёмат-

ли огайни бўлмасалар-да, ҳар қалай, иккаласи ҳам шу кўчаларда тупроққа қорилиб, узум ўғирлаб, чуғурчуқ кўриб катта бўлишга, қирқ иккинчи йил кузагида, ноябрнинг заҳар томиб турган қора совуқ тонгида бричка аравага тушиб, фронтга ҳам бирга жўнашган эди.

Минг қилса ҳам уруш ўз оти билан уруш-да! Унинг ваҳшатига кўниккунча бирга чўчиб, бирга кўрқиб юришди. Кўкрагида шернинг юраги бўлганида ҳам, инсон боласи бари бир хавф-хатар қошида мўлдоҳа ҳадиксирайди. Валломати ҳам дунёга икки марта келмайди-ку, ҳаммага ҳам жон ширин. Ўлим ёмон, аммо ундан ҳам ўлиш ёмон. Лекин бир бошга бир ўлимни тан олиб қўйиш — марднинг иши. Шундай пайтда юртнинг корига ярамаган одамнинг хоҳ тиригию, хоҳ ўлиги...

Нишонхўжа ана шунақа имонини ютган ҳезалак чиқиб қолди. Бир кечада барчанинг оғзига оҳак суриб, панд бериб кетди: Олмаотада эрта-индин фронтга жўнашга шайланишаётган эди. Бир куни саҳарда Нишонхўжани кўриб, капалаги учиб кетди: иккала кўзининг жияклари ағдарилган, авра-астари қип-қизил қонгалаш!..

Тушдан кейин ҳарбий комиссия Нишонхўжани хизматга яроқсиз топиб уйига қайтариб юбориш ҳақида буйруқ чиқарди. Хайрлаша туриб Нишонхўжа сирини секин ошкор қилди: қаёқдандир уч-тўртта қалампир топиб, тун бўйи кўзини ишқалаб чиққан эди.

Дунёда маккор, устомон одамнинг хили кўп, аммо у салкам ўттизга кириб, ҳали бунақасини кўрмаган эди — хайратдан донг қотди. «Туф бетингга!» деди ичида. Овоз чиқариб айтмади. Ўша пайтларда айтолмас ҳам эди. Кейинчалик ўзбек ҳамюртлари: «Қани огайнингиз?» дея сўраб-суриштирганларида: «Ўлди», — деб қўя қолди.

Дарҳақиқат, Нишонхўжа энди шу кундан эътиборан унинг учун ўлган эди...

Қирқ йил қиргиннинг ичида юриб ҳам ажали етмаса одам ўлмас экан. Умри узоқ эканми, туз-насиба тортибми, бир оёқда бўлса ҳамки, қайтиб келди. Қайтиб келиб қараса — ўша-ўша Нишонхўжа, гузарда ўнг кўзини ишқирт қийиқ билан тангиб, носвой сотиб ўтирибди. Ҳар кимнинг нияти — йўлдоши: қалампир қил томирларини куйдириб юборган экан, бир кўзи оқиб тушиб, кўр бўлиб қолибди. Бу гапни эшитиб ҳам, негадир, кўнглида бирор нима қилт этганини сезмади.

Ҳаёт ўз фарзандларини: «Сен гуноҳқорсану сен фа-риштасан», деб ажратиб ўтирмай барчага баб-баравар ризқ-рўз улашаверар экан. Мана, бугун Нишонхўжанинг

ишлари жойида. Эрталаб мол бозорда, тушгача намат бозорда даллоллик қилиб, «ҳожат чиқаради». Олди-соттисини тамомлагач, кечқурунлари мачитга чиқиб, мўмин-мусулмонлар билан охират ишларидан сўзлашиб ўтиради. Жума кунлари ўғлига олиб берган ялтироқ машинасида шаҳарга тушиб, Хаста Имомда намоз ўқиб қайтади. Мундоқ бир мард йўқки, чиқиб: «Ҳой, сен ўзинг нима эдинг у сени ўқиган намозинг нима бўлар эди?!» — деса!

Илонизи сўқмоқ йўл адирни ёнбошлаб, нишабликка қараб оға бошлади. Эшак тўсатдан оёқ остида ётган чойнакдай япасқи қизғиш тошга қоқилди-да, муңкиб кетди. Чол дарров гавдасини орқага ташлаб, икки қўллаб эгар қошига ёпишди. У ташвиш тўла нигоҳи билан олдинга, кимсасиз далага тикилди. Қайтишда яна бояги «Мулойим суғурги»нинг боғи олдидап ўтиш керак. Бу ўша — ўзи билган Нишонхўжа бўлса, ҳойнаҳой, ҳали томошасини кўриб: «Ўл-а, бу кунингдан», дейиш учуноқ йўлини пойлаб ўтирса керак. Ишқилиб, дўст-душманга шарманда қилмасин-да...

Чол яна Холтой чўтирни эслаб ич-ичидан ранжиди. «Юки енгил эшак ётагон бўлади», деб бурунгилар хўп топиб айтган экан-да. Тайёр юз эллик сўм ойлиги, тагида булутдек оти — шундайам пода ҳайдаш малол кеп қопти. Ҳай, майли, яхшиликка кўринсину одамлар кўрган кунини унутиб, ношукр бўлиб кетяпти-да... Бўлмаса, вақтида шу Холтой подачилар ҳам туянинг кўзидек битта куюк қулчага юзини қора қилиб, қишин-ёзин яланг оёқ, ким кўринганининг молини боқиб, даладан бери келмас эди...

Эшак кўм-кўк майсалар орасида қовжираб ётган бултурги янтоқларни босиб-янчганча бир тегирмон сув айқириб оқаётган тўқай ёқалаб, тик сўқмоқдан пастга туша бошлади. Чол тўхташга қарор қилиб, жиловни тортди. Қалта думига дарҳол аллақадан чакамуғ ёпиштириб олган эшак ютоқиб ўзини ўтга урди.

Этаги яккам-дуккам, сийрак буталар шумшайиб ўсган пасқамликдаги жарга бориб туташувчи сойнинг ёнбошида бош тортиб қолган жавдар, бурчоқ, ёввойи беда, ёвшан қулф уриб ётарди.

«Бу йил далада ўт яхши битибди, — тевааракка кўз солиб, хурсанд ўйлади чол. — Ҳавасга ўрсанг бўлади-я...»

Боя эшакка миниши ҳам ҳолва экан — қўлтиқтаёгини ерга тираб, эгардан тушгунича майиб оёгигина эмас, соғига ҳам зирқираб оғриқ кирди. Ўзининг қайсарлиги ҳам хийла бор-да. Шу пайтгача бир ҳафсала қилиб

лоақал ўша протез қуриб кетгурни қўйдириб олмади-я!
Сал дармон бўларди-ку...

Чол дастаси лиқиллаб қолган эски ўроғини кунт билан қайради, оёғини узатиб ўтириб олди-да, секин ўришга тушди. Бўлиқ, барра ўт, «шир-шир» тушаётган енгил, қиличдек ўроқ унинг баҳри дилини очиб юборди. Пойида ҳали тонгги шудрингини тўкиб улгурмаган ўт-ўлан, гиёҳ-кўкатларнинг ҳавода гуркираган бир оз тахир, ўткир ҳидидан нафаси энтикиб, вужуди анчадан буён унутилган оромбахш бир ҳузурдан яйраб кетди.

Ёшлигида қандоқ ўрарди-я!

У маҳалларда ҳали ўзи ёш, билагида кучи, белида қуввати бор экан — ҳафталаб кечани-кеча, кундузни-кундуз демай чалғи тортганида ҳам на бир чарчаганини билар, на тирикчиликнинг оғирлигидан зорланар эди.

Бўзанижарнинг нариги тарафидаги даштда колхознинг катта пичанзори бўларди. Ердан қор кетиб, баҳори буғдой қаричга келиб қолганида қишлоқдаги қимирлаган жоннинг ҳаммаси пичан ўримига кўчиб чиқар эди. Тоғ баҳори капалак умриддек қисқа, елдек келиб, селдек ўтади: бир ҳафта кечиккан одам бир йил хашаксиз қолиб кетавради.

Кўкси очиқ яктак кийган, якка кифт йигит-яланг қулочини кериб ҳавас билан чалғи ташлайди, новдадек ёш-ёш ўспиринлар ғарам соясида жавдардан боғлиқ туғишади, кечки салқинни пойлаб қишлоқдан чиққан чоллар кигиз қалпоқпи пешонага бостириб, ойдинда ғимирсиган кўйи қўл ўроқ билан пичан боғлайди. Иккита шохни бир-бирига суяб, омонат ясалган чайладаги хуржуннинг иккала кўзида қўшқулоқ мўндилар серқатик, хуштаъм жўхори гўжага тўла. Қақраган томоқни ҳўллаб олиш учун бир кўтарасану битта хурмачани роҳатланиб қандоқ бўшатиб қўйганинги билмай қоласан...

Чол, оғзининг суви келиб, беихтиёр жылмайди. Хаёл курсин, бирпасда одамни қайдан-қайга олиб кетмайди-я!

У машаққат билан олдинга сурилди. Ростдан ҳам қариб қолибди шекилли; тўрт лаппа ўт ўргунча қора терга ботиб кетди. Ҳассаси билан қушқўнмас тиканни босиб қирқди-да, четга улоқтирди, сўнг яна ўришга тутинди. Тер томчилари тинимсиз ачиштираётган юз-кўзига дон чиқариб қолган жавдар бошоқлари шарт-шурт урилиб баттар азоб берар, гулининг қипиқлари энгагига, жиққа ҳўл кўкрагига ёпишиб, гашини келтирар эди.

Қуёш тиккага кўтарилганча муаллақ қотди. Ўт-ўлан

орасидан кўтарилаётган ҳовур кўзини тиндириб жимирлар, чигирткалар қулоқни тешиб юборгудек чириллар эди.

Чолнинг тили қуруқшаб, тапглайига ёпишиб қолди. Қани энди бир пиёлагина сув бўлса! Ўзи ҳам ё эрта эмас, ё кеч эмас, қоқ қизиқ туш пайтида келибди-да.

Ўтириб ўриш жуда покулай эди. Ҳадеб олдига эн-кайверганидан чолнинг кўкрагида огриқ турди. Ҳафсала билан қиртишлаб, чўгиртак тиканларни бирма-бир териб ўтиргани учун иши секин унмоқда эди. Майли, ҳечқиси йўқ, кўпи кетиб ози қолди, яна беш-олти боғ ўрса, бас... Аслида париги бетга ўтса бўлар экан. У ёқда ўт ҳам қалин, бирорта шерикми, ё дала қоровулими учраб қоларди. Қарашиб юборармиди...

Чол афсус билан бош чайқади-да, ўзининг хаёлидан кулгиси қистади. Шу жазирамада қайси бир миясини еб қўйган одам дўзах бўлиб ётган тўқайга келарди?

У нафасини ростлаб орқасига қаради, эгар ёнига боғланган қозоқи жуп арқонга кўзи тушиб, бирдан юрагида ваҳима турди: қандоқ ортади?!

Чол бу нарсани ҳали ўйламаган экан, тўсатдан эслаб оёқ-қўли бўшашиб кетди. Шунча ўтни ўриб, уюб ташлабди-ю, ортиши-чи?

Жавдираб атрофга аланглади: ҳеч зог йўқ. Сароб ҳал-қалари жимир-жимир титраб ётган бийдай далада ёлғиз чигирткалар зорланиб чириллайди. Ҳатто қари эшак ҳам мўр-малахдай ёпишган хира пашшаларни ҳайдашга эриниб, бошини осилтирган кўйи тошдай қотган. Чол анча вақт хаёли тариқдек сочилиб, шу аллозда паришон ўтирди. Ниҳоят, сал ҳушини тўплаб, ўзига далда берди: қани, аввал йигиб-боғлаб олсин-чи...

Шу фикр юрагига қувват бўлиб, шоша-пиша ўрган ўтларини боғлашга киришди. Боғларни ерга ёзиб, ўрнидан қўзғалди-ю, огриқ зўридан ихраб юборди; бели тара-шадек қотиб қолган эди. Ўнг қўли билан хийла вақтгача умуртқасини уқалаб ўтирди, огриқ бир оз босилгач, яна сурғалиб, боғларни бир жойга йиға бошлади.

Қуёш хануз аёвсиз олов пурқар, оқ сурп яктаги тердан жикқа ивиб, баданига ёпишиб кетган эди.

Чол ўтни боғлаётганида айниқса қийналиб кетди. Боғ ихчам чиқиши учун ўнг тиззасининг кўзи билан сиқиш керак, у эса эвини қилолмай, ҳақкалаб сақрарди. Назарида, ўтириб боғлаш маъқулдек туюлди. Аммо ерга ўтирганида ўт уюми баландлашиб кетди-да, боғлиқнинг нариги учини топгунича хуноби чиқди. Боғлиқни бор кучи билан тортди, лекин боғ ҳамон беўхшов хурпай-

ганича қолаверди. Чол боғлиқ тушиб кетмасин, деб бир учини тишлаб олди, бутун кучини тўплаб, иккала тирсаги билан ўтнинг устидан босди. Бўйин томирлари ўқлоғидек бўртиб, юзига қон тепди. Тер, қичитки ўт тегиб ачиштирган билаклари, тирсақларининг кўзи туз сепгандек ловиллай бошлади.

Биринчи боғни боғлаб бўлгач, унга елкасини тираб, аста тин олди. Ҳорғинликдан бармоқлари билинар-билинмас титрарди.

Ҳаҳ, ўтиб кетган ёшлиг-а! Бир умр қимматини билмаган нарсангнинг қадри шундай пайтда билинар экан-да.

Чол хўрсиниб, жиққа ҳўл оқ чит рўмоли билан бўйинини, пешонасини артди. Яна ишга киришди. Иккинчи боғни, унчалик қийналмай осонгина боғлади.

Аллақаёқдан адашиб келиб қолган гармесел тўқай ичида бирпас тангиб юргач, сўнг қайгадир ғойиб бўлди. Чол боғларнинг тагидан арқон ўтқазиб, бир-бирига маҳкам тангиди, кейин ўтириб тагин дам олди. Ташналик юрагини чўғ каби куйдирар эди. У қақроқ лабларини қимтиганча бирор кимса келиб қолармикин, деган умидда бўйинини чўзиб, баҳайбат темир симёғоч қаққайган тепалик этагидаги йўлга термилди. Хув нариги бетда, Шувар устидаги адир ортида кўздан йўқоладиган катта йўлда, элас-элас чанг оқариб кўринади.

У кўзини юмди, қорни қулдиради. Шунда ўзининг қаттиқ толиққанини, кўнгли беҳузур бўлаётганини пайқади. Эшагини етаклаб, пастга тушаркан, ёпбошдаги катта-катта икки боғ ўтга қараб, дили ёришди: мана, ҳали шунча ишга қодир экан-ку! Ҳозир амаллаб ортиб ҳам олади; кейин эшагини диконглатиб уйга жўнайди; Нишонхўжанинг боғи олдидан ўтаётганда атай «Ассалому алайкум!» дейди. Бир эхонаси чиқиб кетсин!..

Чол эшагининг айилни тортди, юкнинг ёнига яқин тақаб тўхтатди.

— Иш-ш...— деди эшакнинг бўйнига шапатилаб,— бирпас тек тур, жонивор.

Ўзи эса тангиб қўйилган ўтга разм ташлаб, хавотир аралаш ўйлади: «Кучим келармикан?»

У қўлтиқтаёгини ерга маҳкамроқ тираб, гавдасини олдинга эгди, юкни секин қимирлатиб кўрди. Ҳўх-хў, тегирмон тошидек зил-замбил-ку. Ишқилиб, эшак юриб кетмаса бўлгани...

У бир боғни иккинчисининг устига кўтариб қўйди, гавдаси яна ҳам пастга буклиб, қўлини жун арқон орасидан ўтқазди, кейин:

— Ё пирим! — дея орқага шартта силтанди-да, юкни ердан даст узиб, эгарни мўлжаллаб ташлади. Оёғи, қўлтиғининг тағи зирқираб, кўзидан ўт чақнаб кетди-ю, шу лаҳзанинг ўзида бир четга учиб тушди.

Ўзини ўнглаб, тепага қаради, қаради-ю, алаמידан «дод» деб юбораёзди: лаънат. эшак юриб кетган экан — иккала бог ҳам айқаш-уйқаш бўлиб, тўрт кадамча пастда, сув ўпқини ҳосил қилган чуқурда думалаб ётарди!

Чол пешонасидаги терни сидириб, чакка томирларининг гурс-гурс лорсиллашига қулоқ солганча, хомуш ўтириб қолди. Бели, умуртқаси қақшаб оғрир, юз-кўзи, қўллари ловиллаб ёнар эди. Не машаққат билан ўрганди-я...

Нишонхўжанинг кулгидан тиржайган ялпоқ башараси унинг кўз ўнгида жонланди. Чол титраб кетди. Қариган чоғимда...

Йўқ, у бунчалик анойи эмас. Ҳали ўзининг кимлигини ўша Нишонхўжага ҳам, бошқаларга ҳам кўрсатиб қўяди! Номус кучли, жони шу ерда узилиб кетса узилиб кетадики, бари бир ортади!

Чолнинг қайсарлиги тутди. У табиатан ҳалимдай юмшок, беозор, аммо жаҳли чиққан кезларда тутганини кесадиган, «кўр ўжар»га айланар эди.

Яна юқорига сургалди. Эшакнинг оёғи тағида ётган қўлтиқтаёқни олиб, унинг бош-кўзи аралаш солди:

— Итвачча! Ҳароми! Итдан тарқаган! — У бутун аламини эшакдан олмоқчи каби қизариб-бўзарганча бақирарди. Сал ҳовуридан тушгач, ўтга суяниб, бир оз дармон тўплаган бўлди. Чакамуғ, девона пайтава, эски янтоқ қоплаган чуқурдан боғларни битта-битта судраб чиққунча ҳалқуми қуруқшаб, кўз ўнги қорайиб кетди. Бирдан қулоқлари шанғиллаб, мадорсиз ўтириб қолди, кейин яна эшакни пастга етаклади.

— Жим тур, падарлаънат, нақ қимирласанг ўласан! — Кўзларини олайтириб, пўписа қилди у. Эшак эса парвойи фалак, бир пишқириб, думини ликиллатиб қўйди.

Бу сафар шошмади, юкни азод кўтарганча эгарни мўлжалга оларкан, худди чўкаётган одам талвасада фарёд солгандек:

— Иш... иш... иш... дейман, иш, ҳароми иш! — дея тинимсиз бақирарди. Аммо эшак эшаклигини қилди — юриб кетди. Чол жон аччиғида бир кадам олға ташлади, қўлтиқтаёқ ерга қулади. Шунда ўнг биқинида ногаҳоний оғриқ сездди. Назарида, кимнингдир кўринмас қўли қовургалари остига ўткир тигни суқиб олмоқда эди. Бор мадорини тўплади-ю, юкни эшак устига улоқтирди...

Бу гал оппоқ гуллаб ётган ковул устига чалқанча йиқилди. Кафтлари, кураклари зиралчага тўлиб ачишаётганини пайқаса-да, тишини тишига босди. Кўзини очиб қарашга қўрқар эди. Ниҳоят, тескари ўтирган кўйи ёнига разм солди: эшак анча нарида ўт чимдиб юрар, боғлиги узилиб, арқондан чиқиб кетган ўт ер билан битта сочилиб ётар эди.

Негадир, энди чолнинг на эшагидап жаҳли чиқди, на қўрқув босди, аксинча, қалбини совуқ бир хотиржамлик ҳисси буткул қамради, ўзини гўё туйқусдан уйғониб кетгандек ҳис этди-да, вужудига ўжар, айни пайтда мардона бир туйғу ҳоким бўлиб олганини, энди унинг измидан чиқиш асло мумкин эмаслигини теран англади. Шундан кейин дилида алланечук бардамлик сездди, оёқ-қўлларининг зирқираши ҳам босилгандек туюлди. Ён-верига кўз югуртириб, ҳассасини қидирди.

Кун пешиндан оққан, қуёшнинг забти пасайган эди. Туя ўркачига ўхшаш суйри адирлар этагига тўшалган соялар тобора узяга бошлади.

Чол ҳамон сургалиб юрар, сочилган ўтларни сабр-тоқат билан бир жойга йиғар, боғлар ва ўзини, худди шу ишларни қилмаса, қолган беш кунлик умрида муҳим бир нарса етишмайдигандек ҳис қилар эди.

Қош қорайиб, ҳорғин уфқнинг бағрини доғлаганча бепоён замин у бўйсунмас одамларга маънос термилган кўйи ботиб бораркан, ўзи сингари қадимий даласида куйманиб юрган жонсарақ чолга қараб бош чайқади.

... Тўртинчи бор, ниҳоят, унинг омади келди. Эшак жойидан жилишга улгурмай, устидан қандайдир оғир, ҳўл юк таппа босиб тушди-да, кўзларини ҳам бекитиб қўйди. Эшак гандираклаб, оёқлари чалишиб кетди.

— Ортдим-ку! Бари бир ортдим-ку! Ахир ортдим-ку! — Чол қўлларини беўхшов саланглатганча кимсасиз, қувдай далани бошига кўтариб, шодон қичқирарди.

Сўнг қалт-қалт титраб, оёғидан мадор қочди-ю, ўзини юзгубан ерга ташлади. Димоғида туюётган ўт-ўланларнинг гуркираган иси ва ғалаба нашъасидан маст бўлиб, бағрини намхуш тупроққа бериб ётаркан, энди Нишон-хўжанинг боғи олдидан бошини баланд кўтариб ўтажанини, кўзларидан тирқираб оқаётган ёш томчиларини ҳеч ким кўрмаслигини ўйлаб, еру кўкка сигмас эди...

Уч яшар ўғлимнинг оёғи синиб қолди.

Оҳ-воҳ қилдик, уришдик-койидик, охири докторга олиб бориб гипслатиб келдик.

Бола уйга қамалди: боғча йўқ, ўртоқ йўқ, ўйинчоқ кўп, лекин ҳаммаси жонига теккан. Саккизинчи қават, ҳадеганда ҳовлига тушиб-чиқиб ҳам осон эмас.

Ўғлим ниҳоятда зерикди, хотинимнинг айтишича, куни бўйи юз марталаб битта саволни такрорларкан: «Дадам қачон келдилар?»

Ниҳоят, кечқурун ишдан қайтиб, эшик қўнғирогини босаман. Ва шу заҳоти ичкарида ҳам қўнғироқ янграйдди — ўғлим останага сургалиб келади-да (ким билсин, балки куни билан шу ерда ўтирармикан?), нафаси тикилганча шодумон қичқира бошлайди: «Дадам! Дадам келдилар! Ая, дадам келдилар, очинг!» Агар онаси бир оз ҳаяллаб қолса, ўғлим дўқ ура кетади: «Очинг, очинг, нега сиз очмайсиз?!»

Эшик очилиши билан у парпарондек ўзини бағримга отади. Ичкари кирамиз. Ҳали уст-бошимни алмаштиришга улгурмасимданоқ у тиқилинч қилади: «Дада, китобимни ўқиб беринг!»

Эр-хотин бир-биримизга қараб кулиб юборамиз. Ўғлим бизга бир жавдираб қўяди-да, «китоби»ни қўлтиқлаганча стулга тармаша бошлайди. Ҳайҳайлаб даст кўтариб оламан. У иккала қўлини елкамга ташлаб, қатъият билан такрорлайди: «Ўқиб беринг!»

— Оббо! Тағин бошладингми? — дейди онаси кулиб. — Шошма, олдин даданг чой-пой ичиб олсинлар. Вой, китобхон-эй!

Бола унга заррача эътибор қилмай, «китоби»ни қўлимга тутқазади. Унинг «китоб» дегани — альбом, Чингиз Аҳмаровнинг Москвада нашр этилган «Шарқ сиймолари» номли рангли альбоми. Оёғи синган куни онаси

овунсин, деб китоблар орасидан олиб берган экан, шу бўйи бутунлай ўзиники қилиб олди. Мана, икки ҳафтадирки, ота-бола биргалашиб шу «китоб»ни ўқиймиз. Ўқишимиз ҳам галати: альбомнинг дастлабки саҳифасида қисқагина сўзбошию расмлар тагида икки оғиздан изоҳ бор, холос. Ана шу расмларга қараб «ўқиб берман», яъни ўзимча ҳикоями, эртаки, бирор нарса тўқийман. Масалап, карвонбоши тасвирланган саҳифани очиб тахминан шундай деб сўзлай бошлайман: «Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир донишманд чол бор экан. Унинг чиройли туяси бор экан. У бир куни туясини миниб кетаётганида адашиб қопти...»

— Кейин-чи? — деб сўради ўғлим.

— Кейин... юр, болам, чой ичайлик, ана, аянг чақиряпти.

— Кейин-чи, дада? — дейди у бетоқат.

— Эй! — дейман гап тополмай. — Кейин... — Қани энди, мия қургурга тузукроқ фикр келса! — Кейин донишманд чол роса уйини қидирибди, туясини чоптирибди. Мана, кўрдингми, туяси чопиб кетяпти.

— Нега адашиб қопти? — Ўғлим кўзларини катта-катта очиб менга қарайди.

Тарбиявий хулосанинг мавриди келганини сезиб, жўшиб давом эттираман:

— Овқат емаган экан-да. Ана, кимки овқат емаса, шунақа адашиб қолади.

— Кейин-чи?

— Кейин йиғлайди уйини тополмай.

— Овқат совиб қолди-ку, келинлар, — дейди онаси.

— Кетдик, ўғлим.

— Кейин нима қипти донишманд чол?

— Кейин уйини топиб олиб, мурод-мақсадига етибди.

Ўғлим бир зум ҳайрон бўлиб қолади:

— Мурод акамга етибдими? — дейди лабларини чўччайтириб.

Мурод акаси — қишлоқдаги холаваччаси.

— Йўғ-э, — дейман унинг елкасидан қучиб, — ниятига етибди. Қани, тур, ўғлим.

Ўғлим шоша-пиша бошқа саҳифани очади.

— Бунисини ўқиб беринг.

— Майли, олдин овқат ейлик. Юрақол.

Ошхонада ҳам «китоби»ни олдига қўйиб олади:

— Ўқиб беринг.

— Хўш, бу Фарҳод. Полвон, зўр йигит. Мана, те-

шаси ҳам бор. Тошларни кесиб ётибди, кўрдингми? Бу от миниб турган қиз Ширин.

— Нега от миниб олибди, дада?

— Ботир экан-да, ўғлим. Ол, овқатингни тўкма. Мана, Ширин Фарҳодга салом қилиб турибди.

— Кейин-чи?

— Оббо! «Ийнайкейин» бойга ўхшаб дадангни тинкасини қуритдинг-ку! Овқатингни е, — дейди онаси қойиб.

— Кейин-чи, дейман! — деб қичқиради ўғлим жаҳли чиқиб.

...Кечаси ҳам тинчлик йўқ: ўрнига киргач, уйқу босиб мудраб кетавераман, у эса «китоби»ни тутқазаверади: «Ўқиб беринг», «Кейин-чи?» Ёлгон тўқийвериб, охири миям ҳам ишламайдиган бўлиб қолди. У эшитган «ҳикоялари»ни қулогига маҳкам қўйиб олади, адашиб бирор сўзига «хпёнат» қилгудек бўлсам, аччиқланиб: «Унақа эмас! Унақа бўлмайди!» дея депсинганча бақириб кетади. «Қанақа бўлади, зумраша?!» дейман ҳам кулгим қис-таб, ҳам тутаяқиб. «Қадам замонда...» деб айтиш керак», дейди у ўлкаси тўлиб.

Менинг уйдирмаларимдан у терап реализм талаб қилади.

Дастлаб, бу ишқиқлигини касаллик туфайли, деб ўйлаган эдик, бироқ кун ўтган сари «китоби»га тобора қаттиқ боғланиб бораётганини кўриб хайрон қолдик. Соятлаб расмларга термилиб ўтиришдан зерикмайди, фақат, ёнида мен ҳам тинимсиз чакак уриб туришим лозим.

Баъзи қушлар ишдан кеч қайтаман: ё шу оқшом мажлисга нуқул эзма потиқлар йиғилган бўлади, ё навбатга навбатсиз суқулганлар кўнайиб кетади, ённки ёлгончи трамвайни беҳуда кутиб қоламан. Шоша-пиша саккизинчи қаватимга кўтарилиб остонадан ичкари ҳатлашим билан ўғлимнинг аразлаган нигоҳига дуч келаман.

— Нега сиз... нега сиз, — дейди у қоп-қора кўзлари жиққа ёшга тўлиб, — нега сиз келмасдан ҳадеб ўртоқларингиз билан ўйнаб юраверасиз?

Туфлимнинг боғичини сечаётган жойимда ағрайиб қоламан. Ўғлим рўпарамда, деворга суянганча мунгайиб саволига жавоб кутарди.

— Ҳа, аянг роса ўқитибди-да, — дейман кулимсираб.

— Қаёқда, — дейди хотиним ошхона эшигини қия очиб, — бунингиз бировнинг таълимига муҳтож эмас. Боя туриб-туриб шунақа деса, қотиб қоймаи.

Ўғлимни кўтариб оламан. У жаҳл билан типирчилаб, юзини четга буради, жавобсиз қолган саволини алам билан такрорлайди:

— Нега сиз... нега сиз ўртоқларингиз билан...
— Нега сен.., нега сен дудуқчилик гапирасан? — дейман унинг жиғига тегиб.

У «дудуқланиб» деган сўзни айтолмас, «дудуқчилик» дерди.

— Дудуқчилик гапирманг! — дейди у баттар аччиқланиб ва йиглаб юборади.

«Китоби»ни ўқиб бериш шарти билан аранг ярашамиз.

Бугун ҳам аксига олиб кеч қайтдим. Қўнғироқ тугмачасига қўл чўзарканман, юрагим зирқираб кетди: «Ҳозир йиғлайди». Қўнғироқ жиринглади. Таажжуб, эшик ортида ўғлимнинг товуши эшитилмади. Тугмачани яна босдим. Тагин жимлик. Учинчи марта қўнғироқни чўзиб-чўзиб узоқ босдим у сабрим чидамай, қулфга ўзимнинг калитимни солмоқчи ҳам эдимки, эшик очилиб, остонада қўли хамир юки хотиним кўринди.

— Ошхонанинг эшиги ёпиқ эди, эшитмабман, — деди у.

Ҳар куни ўғлимнинг ўйинчоқлари сочилиб ётадиган йўлак сарапжом-сарипшта эди.

— Беҳзод қани? — деб сўрадим шошиб.

— Уйда.

— Ухлаб ётибдими?

— Йўқ. — Хотиним елкасини гупоҳкорона қисиб, зал томон юрди. — Ўйнаб ўтирибди. Шунча тегма дедим, қапи қўйса... Жуда қулоқсиз бўлиб кетяпти бунигиз.

«Буним» камбагалнинг ҳовлисидек келадиган каттакон, ёруғ залнинг ўртасида ғалати бир манзара ижод қилиб ўтирарди, ичкари кириб, бир зум ҳушим оғанча анграйиб турдим. Чап томондаги бурчақда тошойна бор эди, унинг жавонида пластинкаларни сақлардик. Ўғлим пластинкаларнинг ҳаммасини жилдидан чиқариб олибди, хона ўртасига «П» шаклида тизиб, узун йўлак ясабди: катта дисклар бир тарафда, кичкиналари иккинчи тарафда. Айни дақиқада эса, у стулнинг тўртала оёғига тўртта пластинкани суяб қўйиб, яна биттасини қўлида ушлаганча «машина ҳайдаб» ўтирарди. Машғулотига шу қадар берилиб кетган эдики, на менинг хонага кирганимни сезди, на боядан бери тикилиб турганимни. Хона бўйлаб асрлар садоси, қувончи, нолаи афғонлари сочилиб ётарди. Аста тиз чўқдим: Мулла Тўйчи ҳофиз ашуллари, Бетховен симфониялари, Рахманинов романслари, Ботир Зокировнинг хонишлари, Лата Мангешкар, Берта Давидова... Шарқу ғарбнинг ажиб оҳанглари устида эса оёғи гипсланган уч яшар бола гувранганча «машина ҳай-

даб» юрар, ҳар сафар сургалиб ўтганида пластинкалар... қисир-қисир синар эди.

— Бехзод!

У ортига ўгирилиб менга бир қаради-да: «Дада!» — деб қўйдию ишини давом эттираверди.

— Нима қилдинг, ўғлим, ахир, нима қилдинг! — дедим бўғилиб. Ортимда шамдек қотиб турган хотиним шоша-пиша тилга кирди:

— Олай десам, дод дейди, ўзини ерга отиб йиғлаб ётибди, яқинлашма, дейди. Қўрқдим, тагин оёгини...

— Дада, поезд бу, — деди Бехзод пластинкаларга ишора қилиб. — Ҳозир кетиб қолади-я, поезд?

— Ҳа, — дедим бўшашиб. — Кетиб бўпти... аллақачон. — Сўнг хотинимга қарадим: — Ҳаммасини синдириб ташладимикан-а?

— Ўзингиз алдаб ажратиб олинг, — деди хотиним. — Сизга кўнади.

— Бехзод, — дедим ўйланиб. — Юр, кўчага оптушайми?

— Йўқ, — деди у дарров. — Мен поездларни ҳайда-япман-ку, мана, мана... Сиз бўлсангиз...

— Ке, бўлмаса, китобингни ўқиб бераман. «Донишманд чол» бор-ку, ўшани?

У мен томонга ўгирилмоқчи бўлиб бурилган эди, оёғи остида яна бир пластинка қирс этди.

— Тур буёққа! Пластинка-ку, бу, жишни!

У менга чексиз бир таажжуб билан тикилди.

— Поезд-ку, — деди ҳайроп бўлиб. — Мана, қараи, «гуп-пиш», «гуп-пиш», деб юради.

— Майли, овуниб қолар, — деди хотиним диван остига кириб кетган бир пластинкани олиб менга узатаркан. — Бўлмаса, нақ эрталабгача йиғлайди.

— Пластинканинг ҳаммасини расво қипти-да, — деб бош чайқаганча қўлимдаги дискка разм солдим: «Тинч Дон»дан Шолоховнинг ўзи ўқиган парча экан. Лоақал шу омон қолса эди! Шу пайт бирдан ўғлимнинг кўзи менга тушиб қолдию, лаблари пириллаб...

— Ма, ма, олақол, ариллама, — дедим шоша-пиша.

— Сиз ҳам мендай пайтингизда қанча пластинка синдиргансиз, десанг-чи, даданга, — деди онаси энди бир оз руҳланиб.

— Ундай пайтимда мен пластинка тугул пиёла ҳам синдирмаганман.

Чиндан ҳам, бу рост гап. Чунки менинг ёшлик пайтимда уйимизда синдирадиган пластинканинг ўзи бўлма-

ган. Гира-шира эслаймак: тоқчада қутидек келадиган «Волхов» деган эски бир радиоприёмник турарди. Бошда бинойидек айтарди, кейинчалик бузилиб қолган бўлса керакки, чордоққа, эски лаш-лушларнинг ёшига чиқиб қолди. Баъзан томда соатлаб ўтирганча унинг орқасидаги туйнук-тирқишларидан мўралаб, митти одамчаларни қўраман, деб роса уринардим. Негадир, радиоприёмникнинг ичида ашула айтадиган, ҳар замонда гапириб қўядиган кичкина одамчалар бор, деб ўйлардим. Кейинчалик билсам...

Студентликнинг сўнги йили менга ҳам магнитофон битди. Қурилиш отрядида ишлаб топган пулимга сотиб олдим. Назаримда, ўша кундан бошлаб бахтли бўлиб кетишим керакдек эди, афсуски, ундай бўлмади. Аксинча, бир оз вақт ўтгач, магнитофонсиз кечган кунларимда ҳам у қадар бахтсиз бўлмаганимни англадим. Ягона хайрли ишим — тўқсон олти яшар бувимнинг товушини ёзиб олганим бўлди. Бир куни уларга билдирмай магнитофонни юргизиб қўйдиму аста гапга солдим: авлод-аждодимиз, қўни-қўшнилари эвара-чевараларини бир-бир сўраб чиқдим. Бувимнинг хотираси фавқуллодда ўткирлигини шундан билса ҳам бўладикки, ўттиз саккизта неварачеварасининг барчасини тугилган йили, куни, мучалию қандай вазиятда дунёга келганигача («Ҳа, ўттиз учинчи йил, чилланинг охири эди, пибролнинг иккиси, Малик поччанинг «йигирмаси» бўлаётувди, пешиндан кейин хамир қориб ўтирсам, Раҳбар холанг суюнчига келиб қолди») беш бармоғидек аниқ биларди. Ёзиб бўлиб, бувимнинг товушини ўзига қўйиб эшиттирдим. Беҳад ажабланди.

Орадан кўп ўтмай, бувим вафот эди. Таъзиялар сўнгида, бир оқшом уйда энг яқин қариндош-уруғлар қолганда магнитофонни қўйдим. Қий-чув, йиғи-сиғи бўлиб кетди — гўё бувим қайтадан ўлгандек... Кейин-кейин, онам ҳар замонда ўша кассетани қўйдириб эшитадиган бўлдилар. Жимгина эшитиб ўтирар эканлар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Ўйлаб қарасаңиз, ўзи галати-да: одам ўлиб, вужуди аллақачон хоки туроб бўлиб кетсаю товуши худди рўпарангизда тургандек эшитилиб турса... Йўқ, бари бир, ақл бовар этмайди!

Ҳою ҳавас эканми, билмайман, ишқилиб, ўша пайтларда ёшлар орасида «Бони-М» деган ансамбль машҳур эди, бир ёз кечаси радиони пастлатиб эшитиб ётсам, шу ансамбль концертини бериб қолди. Жавондан шоша-пиша кассета олиб магнитофонга жойладим-да, ёзиб олдим. Ёзар-

канман, ётган жойимда на оҳангини, на сўзини тушун-майдиганим бу антиқа таронага ўзимча муқом қилиб ётдим, қайтариб эшитиб кўргач, кўнглим тинчиб уйкуга кетдим.

Эрталаб туриб, не кўз билан кўрайки, қоронғида шошилиб бувим раҳматлининг товуши ёзилган кассетага «Бони-М»ни ёзиб юборган эканман! Боёқиш бувимнинг соф, сокин, содда сўзларини, ажлабий оҳангларнинг шовқини қутурган тўлқин кимсасиз қумлоқ соҳилни буткул ювиб кетганидек тамоман ўчириб ташлаган эди. Неча кунгача не азобда юрдим, билмайман. Қаерга бормай, қаерда турмай, бувимнинг мулойим нигоҳини туярдим, қулогим остида энди қайтмас бўлиб кетган қадрдон товуши рапжигандек янграйверди. Ачиндим, ўртандим, бўзладим, лекин... Энг ёмони, онам бу воқеани эшитиб, бирор огиз бир нарса демадилар. Индамай, бошларини эгиб ошхонага қараб кетдилар. Секин деразадан қарадим: зинадан тушаётиб, этаклари билан мишжаларини артдилар. Эҳтимол, мени койисалар, майли, қарғасалар, дардим сал енгиллашармиди? Энди бувим бечоранинг — тўқсон олти ёшда вафот этган табаррук бувимнинг на товушини топиб бўлади, на...

— Ухлаб қолибди-ку,— деди хотиним.

Ўғлим, оёғи синиб қолган уч яшар ширин, ўжар ўғлим «вайроп бўлган мусиқа маданияти» ўртасида оҳиста пишиллаганча ухлаб ётарди. Лаблари маҳкам қимтилган, гўё тушида ҳам биров билан уришаётгандек.

«Оқсоқ жаҳонгир»ни каравотчасига элтиб ётқизгач, мук тушганча пластинкаларнинг бутунини бутунга, синигини синиққа ажратиб олдим. Бола чиндан ҳам подшо, мала, айтганини қилдирди. Фарзанд — бизнинг дардимиз, дилбандимиз, юрагимиздир. Балки шунинг учун ҳам мен бугун ўғлимга қаттиқ гапиролмагандирман? Балки бугун ўғлимга айтолмаган аччиқ тапбеҳларимни вақти келиб набирамга айтарман?

Ўғлим ҳали жудаям ёш, эндигина уч ёшга тўлди, холос. Эрта бир кун у улғаяр, ақлини танир. Ўшанда шу ёшлик шўхликларини эслармикан? Менинг юрагимни зирқиратиб сиздирган нарсаларига ачинармикан?

Агар ачимаса, мен бунга жуда қаттиқ ачинаман.

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Ажойиб кунларнинг бирида.....	3
Адаш Карвон.....	88

Ҳикоялар

Тўқчилик ва йўқчилик.....	165
Уч туп хурмо.....	182
Бир оғиз суз.....	202
Дўстим Эсонбой.....	211
Онамнинг юрти.....	221
Граждан мудофааси.....	228
Номус.....	237
Пластинка.....	249

На узбекском языке

ХАЙРИДДИН СУЛТАНОВ ЗЕМЛЯ МОЕЙ МАТЕРИ

Повести и рассказы

Тақризчилар *Тоҳир Малик, Илҳом Ҳасанов*

Редактор **Ҳ. Маҳмудова**
Рассом **К. Кузбагарова**
Расмлар редактори **А. Мамажонов**
Техник редактор **М. Мирражабов**
Корректор **Ш. Собирова**

ИБ № 3510

Босмаҳонага берилди 12.08.86. Босилга рухсат этилди 13.02.87. Р—03028. Формати 84 × 108¹/₃₂. Босмаҳона қозғаси № 2. Янги оддий гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л. 13, 44. Шартли кр. отгиск 13, 65. Нашр. л. 14, 7. Тиражи 60 000. Буюртма 1935. Баҳоси 95 т. Шартнома № 89—86. Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишларв Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқараш бирлашмасининг Бош қорқонаси. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.